

Аҳмад Муҳаммад Турсун



СОҶИЛСИЗ ДЕҲИТИЗ

Имом Бухорийнинг
хаёт саҳифалари

Ахмад Мухаммад Турсун



СОҶИЛСИЗ ДЕНГИЗ

Имом Бухорийнинг
ҳаёт саҳифалари



Тошкент 2020

И
2
п
У
у
й
6
1-
1.
а
1-
3
1-
1-
М
1-
р
1-
1-
Н
)-
ш

УЎК 297.17(09)
ББК 86.38
Т-91

Кўринишдаги ушбу тарихий асар улут ватандошимиз Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг ҳаёт йўллари, ҳасби ҳолилари, илмий фаолиятлари ҳақида ҳикоя қилади. Муҳаддислар султони, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳадисларининг «табиби», набавий ҳадисларнинг саҳиҳларини ажратиб, улардон Қуръони каримдан кейинги иккинчи ишончли манба даражасидаги «Саҳиҳи Бухорий» ҳадислар тўйламини тузган бу улут аллома, муҳаддислар султони, имомуд-дунё, олимлар пешвоси бутун дунёда машҳур. Асар Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ ҳақларидаги ишончли илмий манбалар, таниқли Ислому уламоларининг асарларига таянган ҳолда ёзилган.

Тақризчилар:

Тоҳир Малик,

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси,

Баҳодир Каримов,

филология фанлари доктори,

Нодирбек Хидиров,

ҳадис тадқиқотчиси.

Т-91 Аҳмад Муҳаммад Турсун,
Соҳилсиз денгиз. - Т: «Nilol-Nashr», 2020. - 256 б.

УЎК 297.17(09)
ББК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-6459-4-3

© Аҳмад Муҳаммад Турсун
© «NILOL-NASHR» нашриёти, 2017, 2018, 2020

УЧРАШУВ

*«Агар кейингиларда Имом Бухорийни
мақташ эшиклари очилмадиган бўлса, унинг
мадҳига қогозлар етмай, нафаслар тоқат
қила олмай қолур. Зеро, у бамисоли
соҳили бўлмаган денгиз эрур».
Ҳофиз ибн Ҳажсар Асқалоний*

Йўл олис ва машаққатли, аммо ниҳоясида ажиб
бир саодат мўралаб турарди.

Бухородан сафарга чиққан Исмоил эгарнинг ку-
муш жиғасидан тутганча оҳиста тебраниб боради.
Тилдан зикр-сано тушмайди. У Бойканд шаҳрига
кетаётир.

Анча юрганидан сўнг гиёҳ битмас биёбонлар хо-
силдор-бўлик пайкаллар билан алмашди. Кейин кўз
кувнатувчи кўм-кўк яйлов-ўтлоқлар ҳам ортда қол-
ди. Куёш мағрибга ёнбошлаганида унда-бунда уй-
работлар кўрина бошлади.

Тор кўчанинг икки тарафида девор узра «салом
бериб» турган мевали дарахтлар, узуми шиғиллиги-
дан сўриларини кийнаган тоқлар, файзли гузарлар
мусофирни бепарвогина қарши олишди. Атроф-жа-
вонибга акс-садо таратиб шомга айтилган азон куш-
лар нағмасини бир зумга кесди. Димоғига урилган
ялпиз ва райхон ҳиди йиғитнинг шавқини келтир-
ди. Ширин энтиктирди. Аммо шомни кечиктириш
хавотиридан отини тезлади.

Исмоил Ҳаромком сойи устидаги омонатгина кўприкдан ўтгач, қурбақалар қўшиқ бошлаб юборган қамишзор ёқалаб ўннга бурилди. Юз одимча юргач, атрофи пахса билан ўралган боғ олдида отдан тушди. Қамчи дастаси билан пастқам эшикчани учбор тақиллатди. Ичкаридан боғбонлари – энди олтамишни қоралаган эса-да, соч-соқоли барвақт оқарган, қотма ва қадбаланд Ориф ота чиқиб келди.

У бошда Исмоилни танимагандай бироз тарадудланиб туриб қолди. Сўнг «кичик хўжайин» билан бошқатдан кучоқлаша кетди. Олдинма-кейин боққа киришди. Ориф ота «пўшт» дегандай томоқ қириб қўйди. Кейин отни девор тагидаги қозиққа боғлади.

Эллик ёшлардаги, паст бўй, аммо хушрўйгина Руқия биби даҳлиздан ялангоёқ югуриб чиқдию, шошқалоқлигидан уялиб, тезда ортига қайтди. Поёабзалини кийди, йўл-йўлакай бошдаги рўмолини тузатганича Исмоил билан ҳол-аҳвол сўрашди. Йигитнинг хиёл эгилиб тутган ўнг елкасини силаб, кўзларига суртди.

Нарироқда уялиб турган қизи она имоси билан таҳоратга сув келтиргани кетди. Терс ўгирилган кўйи ер сузиб обдастани «кичик хўжайин»га узатаркан, ибо билан эшитилар-эшитилмас: «Ассалому алайкум, келинг», дея олди. Кейин ҳаё устунлик қилиб, зумда кўздан ғойиб бўлди. Исмоил ғира-шира бўлишига қарамай, истиҳола ортидан унинг юзига қарамаган эса-да, яқиндагина сочига толпопук тақиб юрган қизалоқнинг бугун балоғат остонасида турганини туйди.

Икков шом намозини адо этишди. Меҳмоннинг қаршилигига қарамай супага бошқатдан янги кўр-

пачалар тўшалди. Ичкаридан беқасам лўлаболиш, ёстиклар ташиб чиқилди. Қуроқ дастурхон ўрнига янгиси солинди. Ориф ота чироқ кўтариб, узум узгани кетди. Руқия биби эса бисотидаги ҳалво, парварда, пашмак, шинни каби ширинликларни, ёнғоқ-бодомларни бирма-бир ташир, бунинг орасида «кичик хўжайин»дан ҳол сўрашга ҳам улгурар эди:

– Падари бузрукворлари, пошша ойимлар эсон-омон юришибдими, тан-жонлари соғми?

– Алҳамдулиллаҳ, ҳаммалари саломат, сизларга кўп дуои-саломлар айтишган.

– Ваалайкум ассалом, Аллоҳ ҳаммаларини азиз қилсин. Бай-бай, зап келибсиз-да, қадамларига ҳасанот. Биз ғарибларни ҳам йўқлайдиганлар бор экан... Эрталабдан буён кўзим учади, денг, хайрият, яхшиликка бўлди. Қани, дастурхонга қаранг, энди бизнинг фақирона моҳазарга кулмайсиз-да!

– Кўп овора бўлмасангиз... такаллуф маним учун ортиқча... Бир ҳаво алмаштирай деб йўлга чиқиб эдим... Ҳам бироз саёҳат қилиб мия чигилини ёзиш, ҳам падари бузрукворнинг «боғдагиларни бир йўқлаб, ҳолларидан хабар ол» деган сипоришларини ўташ мажбурияти, дегандай...

– Хўп яхши қилибсиз келиб... Сафар қилинглар, саломат бўласизлар, деганлар. Мана, боғда мева-чева сероб, ёлғизқўллик ортидан уларни Бухорои шарифга, уйларингизга тез-тез юбора олмай жонимиз ҳалак. Ориф отангиз ҳам бунда дилтортар одамга зорлар. Гаплашадиган кимсалари йўқ, уззукун дарахтлару қушлар ила сўйлашадилар.

Исмоил Ориф отани ўйлаб, маъюс жилмайди. Бойкандликлар асосан тожирлик билан тирикчи-

лик қиладиган мард, танти одамлар. Зироат, боғ ишларига унча хушлари йўқ. Битта кўчат экишдан кўра Чинга мол олиб бориб, сотиб келиш осонроқ кўринади уларга. Шу боисми, бирор киши Бойкандни қишлоқ деб қўйса, қолди балога. То таслим бўлиб, шаҳар демагунича шўрлик билан тикка ёқалашишадди. Агар бирор бойкандлик Бағдодга борсаю, ундан «қаерликсан?» деб сўрашса, у ҳеч қачон «бухороликман» демайди, «Бойканддан келганман» дейди. Ана шундай мағрур, савдогарлик қон-қонига сингиб кетган бойкандлик Ориф отани бу боғда нима ушлаб турганига Исмоил ҳам ҳайрон: унинг ота-боболари бир умр Жуъфийлар хонадонидида хизмат қилиб ўтишганими ё Ориф отанинг Иброҳим ибн Муғийрага бўлган шахсий садоқатими? Бу Исмоилга ҳам қоронғи эди.

У кун бўйи йўл юриб, толиққан ҳам очикқан эсада, шу топда негадир иштаҳаси бўғилган эди. Истаб-истамай дастурхонга қўл узатиб, неъматлардан чўқилаб ўтирди. Ориф ота узиб келган мевалардан тотинган бўлди.

Бойканддаги бу боғ Исмоилнинг бобоси Муғийра ибн Бардизбадан мерос қолган. Қутайба ибн Муслим лашкарида Мовароуннахрни фатҳ этишга келган Ямон Жуъфий Бухоро волиийи бўлиб турганида боғни Муғийрага ҳадя қилган эди. Исломга биринчилардан кирган ва араб фотиҳларига катта хизматлар кўрсатган, кўп одамларни ҳидоятга бошлаган Муғийрани ҳукмдор Жуъфий шундай тақдирлади.

Уч танобча келадиган боғ бобосининг вафотидан кейин отаси Иброҳимга мерос қолди. Иброҳим рўзғори ниҳоятда танг қолган кезлари ҳам боғни

сотиш ҳақидаги таклифларни қатъий рад этаверди. Яхши кунлар ёдгоридан, улуг фотиҳлар ҳадясидан ажрашни истамаган эди...

... Ниҳоят савол-жавоблар, мулозамату ташаккурлар, йиғилган-терилган гап-сўзлар битди. Боғбон билан маҳалла масжидида хуфтонни ўқиб қайтиш-гач, меҳмоннинг толиққанини сезган эр-хотин бир-бирларига им қоқиб, аста кўзгалишди. Исмоил учун супага ўрин тўшаб беришга қарор қилинди. Йигит шамни пуфлаб ўчирди ва ўринга ҳорғин енбошлади.

Уни шу тобда икки ҳолат қийнарди: бир тарафдан бир неча кунлик истироҳат лаззати, ёлғизлик ҳаловати хушнуд этса, бошқа тарафдан боя боғбон қизига ногаҳон кўзи тушганида қалбини остин-устин қилиб юборган ширин туйғулар уни безовталик гирдобига отган эди.

Тун борлиққа кўч ташлаган. Самода гўё бетартиб сочилган юлдузлар шўх-шодон порлайди. Ҳаммаёқ жим-жит. Фақат от сергак, гоҳ пишқириб қўяди, гоҳ «курт-курт» беда чайнагани эшитилади. Исмоил чарчаганидан вужуди ором истаб турган эсада, анчагача ухлолмай хаёлга берилиб ётди. Кейин чойшабга ўраниб, бодом ичидаги мағиздай ҳаловат топди. Айни замон ичкаридан хабар олсак, боғбон қизининг ҳам ўринда ўйчан тўлғониб, очиқ деразадан мўралаб турган ой билан сирлашиб ётганига гувоҳ бўламиз.

Фалак узра тонг ридоси ёйилди. Осмон оқариб, саҳар нашъаси ҳаммаёқни ўз кучоғига олди. Қушлар субҳни олқишлагандай оламини сайроққа тўлдирди. Бир ёнда булбул ўртаниб сайраса, қумри «оҳ»лар

уриб ху-хулайди. Майин эпкин гул ғунчалари атро-
фида изғиб, ҳидини ўғирлаш, сўнг атрофга тўзғи-
тиш билан овора...

Исмоил тиниқиб, хуш кайфиятда уйғонди. Бир
дам тонг сафосидан ҳайратга тушиб, тўшак усти-
да хаёлчан ўтирди. Сўнг таҳорат олгани боғ томон
юрди. Шалдираб оқаётган ариқ бўйида таҳорат
олиб бўлувди ҳам, ортида сезилар-сезилмас қадам
товуши эшитилди. Беихтиёр ўгирилди. Бошидаги
кашмирий шойи рўмоли учини тишлаб, қўлидаги
сочиқни узатаётган хуркак боғбон қизига кўзи туш-
ди. Қиз:

– Яхши тонг оттирдингизми? – дея уяла-уяла ҳол
сўраган бўлди.

– Алҳамдулиллаҳ, яхши ором олибман. Ўзингиз-чи?!

– Аллоҳга шукр, Ўзининг паноҳида тонгга ет-
дик...

Шу билан гап-сўзлар тугади. Йигит бир қарашга
зор эса-да, бунга ботинолмас, қиз эса уятдан қизариб-
бўзариб, узун киприклари ила ер супурар эди. Сўнг у
бир нарсадан қаттиқ чўчингандай шахд билан орти-
га ўгирилди. Қадамини ердан узмай чопиб кетди.

Исмоил узоқлаб бораётган қизнинг навниҳол
жуссасига энди бирров кўз ташлашга журъат қилди.
Хаёлига келган ёқимли орзуларидан ширин хўрсин-
ди. Нонушта устида ҳам тўзғоқ ўйлар ичра паришон
ўтирди. Қизнинг исмини эслашга уринди, аммо асов
хаёллари ҳалақит берди. «Фотима эди шекилли»,
дея беихтиёр пичирлаб юборди. Боядан буён кўз
қири билан унинг ҳолатини кузатиб турган Ориф
ота йигитни хижолатга қўймаслик учун овозини
сал кўтариб томоқ қириб қўйди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Ориф ота оғилдаги сугирни боғ тўрига боғлаш, отга ем солиш учун турди. Руқия биби дастурхонни йиғиб олди. Қиз уйдан чиқмай қўйди. Исмоил нима қиларини билмай, боғ ичига қараб юрди.

Дарахтлар оралаб боғ тўригача узун тош йўлка кетган. Икки ёнда бинафша, гулсафсар, гулхайрию чиннигуллар барқ уриб яшнаб ётибди. Қушларнинг басма-бас сайрашидан қулоқ том битай дейди. Боғ ўртасидан катта ариқ кесиб ўтган. Шарқираган сув ариқ бўйидаги ялпиз ва отқулоқлар юзига инжу сочиб ўйноқлаб оқади.

Бу бўстон ходими Ориф ота оиласи билан ёз бўйи қуритган олуча, ўрик, олхўрилар кеч кузда Бухорои шарифга, Иброҳим Жуъфий хонадонига қоп-қоп жўнатилади. Боғ меваларидан тайёрланган гулқанд, тут шинниси, қиёмлар қиш дастурхонини безайди. Боғнинг эртаги ҳўл меваларию жийдаси, бодом-ёнғоғию, олма-аноридан тотинмаган одам қолмайди.

Исмоил хаёллари оғушида боғ кезаркан, ҳафсала билан тартиб берилган дарахтларни кўриб, дили яйради. Айни маҳал бундаги юмушлар кексайган боғбон ва икки заифа учун хийла машаққат эканини ўйлаб, ичи ачишди.

Қуёш машриқдан бош кўтариб, заррин нурлари япроқларда, сув юзида жилвалана бошлади. Майин шаббода азим дарахтларга кучи етмай, уйқудан эндигина кўз очган гул-чечак япроқларини оҳиста тебратиб қўйиш билан кифояланди. У йигитнинг очик кўксига урилди, юрагидаги оташни елпиб со-вутмоқчи бўлди. Кучи етмагач уялиб, майсалар орасига шўнғиди.

Исмоил юра-юра этакдаги кўшни боққа очилган пастак эшикча олдига бориб қолди. Беихтиёр уни итариб кўрди. Ортидан тамбаланган экан. Не қиларини билмай, ерга чўнқайди. Кўлига бир чўп олиб, тухумдай кесак устида ниманидир талашаётган икки чумолини ажратиб қўйди.

Кушлар чуғурию ариқ сувининг шилдирашини ҳисобга олмаса, ҳаммаёқ жим-жит. У илинж билан сўқмоқ бошига қаради. Юраги ҳаприқди. Лаблари нимадир деб пичирлади. Ҳозир у ўзини қанчалар чалғитмасин, Фотиманинг келишини, овозини яна бир эшитишни истаётганини хиёнаткор юраги фош қилиб қўяётган эди. Исмоил бир дам саросар тургач, кесак билан хотирига туйқус келиб қолган бир байтни эшикчага ёза бошлади:

*Дилкушо эл бўлмаса, зиндон эрур,
Қаерда эл бўлса, анда дил кушо.*

«Агар одами бўлмаса, ҳар қандай боғ ҳам зиндонга айланади». Ушбу байт ногоҳ ўзининг ҳозирги ҳолатига монанд ва уйғун тушганидан таажжубланди. Эшикчага битилган сатрларга узоқ тикилиб турди. Кесакни ташлаб, кўлларини қоқди. Сўнг ортига қайтди. Унинг дилига безовталиқ солган, хаёлларини тутқун қилган қиз ҳеч ерда кўринмасди.

Эртасига Исмоил қизни ҳеч кутмаган ерида учратди. Боғ тўридаги ўша эшикча олдига чўнқайиб, нимадир ёзаётганида «кўлга туширди». Оёқ учида аста яқинлашган Исмоил ҳайратда қолди: Фотима кечаги ёзувлари устидан чизиқ тортиб, қуйироққа хуснихат ила янги байт ёзаётган эди:

Дилкушо гул бўлмаса, зиндон эрур.
Қаерда гул бўлса, анда дил кушо.

- Офарин, офарин, ниҳоятда фасоҳатли, - Исмоил ҳам мутаассирлик, ҳам ҳайрат ичра қизни олқишлади. Фотима эса ҳурккан оҳудай шоша қад ростлади. Айб устида қўлга тушган боладай қизаринди. Кўзларини ерга тикканича оҳиста: «Келганингизни сезмай қолибман», дея олди.

- Хатингиз гоят гўзал экан! - деди йигит бошқа сўз топа олмай.

- Бу раҳматли отин аямнинг қатъиятларидан, - деди қиз хижолатомуз.

- Ҳақиқатан гулсиз боғ чироқсиз уйдаи совуқ ва файзсиз туюлади. Чиройли ташбеҳ...

- ...

Йигит минг истиҳола ичра илк бор қизга бир қур назар солди. Сарвдай хушқад, хушқомат, юз - лоларуҳ, лаблар - лаългун, туриш-турмиши гули навбова эди. Қўлу қулоқлар тақинчоқ-зийнатдан холи, энгилда кўп бора жомашўй кўрган бўз кўйлак бўлса-да, қиз хуснтароватда танҳо эди. Устига устак, у аксари Бойканд қизларида учрайдиган шаддодлик, ҳурфеъллик, сўзамоллик хислатларидан холи, ҳаё-ибоси кучли эди.

Исмоил алҳол эс-хушини йиғиб олди, «Астағфируллоҳ!» деди. Одобсизлигини гап билан ёпмоқчи бўлди:

- Дарвоқе, ҳар қандай дилкушо турфа гуллари ила файзли, ҳузурбахш. Аммо гул ҳажрида афғон чекувчи булбул бўлмаса, гул эрта сарғаюр.

- Ушбу боғда эрта тонгдан булбул фиғони тинмайдур, - қиз зукколик билан гап ўзанини буриб юборди.

- Минг таасуфки, бу бүстөн гули булбуланинг илдасига бофарядур, у канча куйиб-пишмасин, хушмани ичраклар ичра ичирмишдур, - Исмоил ҳам буи келмади...

- Балки ўша булбул «Алла нэн қанга»¹ манрелини эшитмаган чикар? Эхтимол, гул ўша булбулга муносиб эмаслигидан истихала ичрадур? Балки гул билан булбул иштли шавки Аллохдан кўрикув раиклари ичра татигулик бўлмас?

Исмоил қизини тажоҳили орифона лутфлари қаршисида шошиб қолди. У боғбон қизидан бу қадар журъат, бу иштли назокат, бу каби фасоҳат кутмагани боис сўз ўйинини давом эттирмакка юраги бетламади. Қиз енгил таълим қилиб кетишга чоғланди.

- Энди изи берсалар! Билъакс, иккав бунда ёлғиз суҳбатлашиб туришимиз катталар назарида шубҳагумонлар туғиши мумкин. Икки номахрам суҳбатига шайтони лаъин аралашгуси, зотан, Яратганга ҳам хуш келмагай. Агар зеркиб қолсалар, ожизага ўхшаб боғдаги гуллар ила сирлашмоқни одат қилсинлар...

У кетдию йигит қалбини, инон-ихтиёрини ўзи билан олиб кетгандай бўлди. Исмоил мадорсиз чўккалаб қолди. Қулогига қушлар нагмаси кирмас, ўйноқи муздек шаббода қанчалик уринмасин, ёнаётган кўксини совутолмасди. Қалбидан отилиб чиққан «оҳ» дудига жумлаю жаҳон ёниб кетгулик қиз ортидан ҳасрат билан тикилиб қолди. Агар у завжалikka рози бўлса, туғилажак фарзандлар ҳам зукко, хушхулқ ва солиҳ бўлишини ўйлаб, ширин энтикди, беихтиёр овоз чиқариб, «Иншааллоҳ» деб юборганини ўзи ҳам сезмади.

¹ «Алиеллик, иллат қиновтдалар». Араб манзили.

ТАВАЛЛУД

*«Бу дунё остин-устин қилиб юборилса ҳам
Бухорий каби ҳадис билувчи ва уни ёдловчи
одам топилмайди».*

Абу Абдуллоҳ Ҳоким

Ҳижрий юз тўқсон тўртинчи сананинг ўн учинчи шавволи². Ердаги жамики жонзот қуёш баркашидан ёғилаётган олов селидан қаён қочишни билолмай ҳайрон. Бухоронинг тор ва сертупроқ кўчаларида шабада анқонинг уруғига айланди. Лоҳасликдан одамларни мудроқ олган. Соя излаган итларнинг тили қаричча осилган. Қушлар ҳеч нарсадан ҳайикмай, жони кўзига кўринмай ҳовуз-ариқлар сувига шўнғийди. Дарахт ва кўкатлар ҳам иссиққа дош беролмай сўлгин ва ҳорғин...

Бухорои шарифнинг таниқли уламоларидан Абул Ҳасан Исмоил ибн Иброҳим жума намозини ўқиб чиқаркан, ёқасиз бўз кўйлагининг бўғзигача қадалган тугмаларидан бирини ечди. Белбоғида юз-кўзидаги терини артди. Тезроқ уйга етиш, қайлула қилиш илинжида қадамини тезлатди. Ҳеч қанча юрмай ортидан бировнинг ҳарсиллаб етиб келганини сезиб, малоллангандай ўгирилди. Бағдодлик пешқадам шогирди Аҳмад ибн Ҳафс юзлари бўғриққан ҳолда хансираб турарди:

- Устоз, кўп чақирдим, эшитмадингиз чоғи, - деди у шошқалоқлигидан бироз ийманиб.

- Хаёл андак фаромуш бўлибди... Нима хизматлари бор эди, кўзимнинг нури?

² Милодий 810 йилнинг 20 июлига тўғри келади.

Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Ориф ота оғилдаги сугирни боғ тўрига боғлаш, отга ем солиш учун турди. Руқия биби дастурхонни йиғиб олди. Қиз уйдан чиқмай қўйди. Исмоил нима қиларини билмай, боғ ичига қараб юрди.

Дарахтлар оралаб боғ тўригача узун тош йўлка кетган. Икки ёнда бинафша, гулсафсар, гулхайрию чиннигуллар барқ уриб яшнаб ётибди. Қушларнинг басма-бас сайрашидан қулоқ том битай дейди. Боғ ўртасидан катта ариқ кесиб ўтган. Шарқираган сув ариқ бўйидаги ялпиз ва отқулоқлар юзига инжу сочиб ўйноқлаб оқади.

Бу бўстон ходими Ориф ота оиласи билан ёз бўйи қуритган олуча, ўрик, олхўрилар кеч кузда Бухорои шарифга, Иброҳим Жуъфий хонадонига қоп-қоп жўнатилади. Боғ меваларидан тайёрланган гулқанд, тут шинниси, қиёмлар қиш дастурхонини безайди. Боғнинг эртаги ҳўл меваларию жийдаси, бодом-ёнғоғию, олма-аноридан тотинмаган одам қолмайди.

Исмоил хаёллари оғушида боғ кезаркан, ҳафсала билан тартиб берилган дарахтларни кўриб, дили яйради. Айни маҳал бундаги юмушлар кексайган боғбон ва икки заифа учун хийла машаққат эканини ўйлаб, ичи ачишди.

Қуёш машриқдан бош кўтариб, заррин нурлари япроқларда, сув юзида жилвалана бошлади. Майин шаббода азим дарахтларга кучи етмай, уйқудан эндигина кўз очган гул-чечак япроқларини оҳиста тебратиб қўйиш билан кифояланди. У йигитнинг очик кўксига урилди, юрагидаги оташни елпиб со-вутмоқчи бўлди. Кучи етмагач уялиб, майсалар орасига шўнғиди.

- Боя талабалар билан баҳслашиб қолдик. Ҳаммодин би Зайддан ривоят қилинган бир ҳадиснинг санадида³ узилиш бор экан. Аммо ўша ҳадис Имом Моликнинг «Муваддо»ларига киритилибди. Мусанниф адашганмикинлар ё биз англамаган бирор сабаби борми?

- Тахмин қозонида пишган жумбоқ билан сийладингиз, кўзимнинг нури, қани уйга борайлик, китоб қараб ечимини топармиз, иншааллоҳ.

Исмоил ним тавозеъ ва илм аҳлига хос енгилгина виқор аралаш оҳиста қадам ташлайди. Йўлда учраган сийрак йўловчиларга Аҳмаддан илгари салом беришга улгуради. Шогирдининг иссиқдан шикоятини ёшлик қаноатсизлигига йўйиб, эшитмаган каби мийиғида жилмайиб кўяқолади. Сўзлар ҳам иссиқда мумдай эриб, қулоқларга етиб боришга улгурмаётгандай туюлади.

Устоз билан шогирд шайх Исмоил ўз аҳли билан истиқомат тутган Дарвозаи Мансур маҳалласидаги кўшдарвозали, чоғроққина, аммо шинам ҳовлига яқинлашишди. Шу дам ичкаридан олимнинг ўғли Аҳмад шодон отилиб чиқди. Аммо ота ёнидаги шогирдни кўргач, шашти бир зумда пасайди. Фавқулодда нимадир бўлганини кўнгли сезган Исмоил «Тинчликми, ўғлим» дегандай унинг оғзини пойлади.

- Отажон, хурсандлик, укачалик бўлдим, - дея ўғли уят-истиҳолани ҳам йиғиштириб, отасининг бўйнига осилди. Исмоил унинг пешонасидан ўпиб, эркалаб кўйди. Шогирдининг қутловига жавобан «мана, қадамингиз ёқиб, янги меҳмон устига келибмиз», дея алқай-алқай уни уйга бошлади.

³ Ҳадис таянадиган кишилар, яъни матнга олиб борувчи ровийлар силсиласи «санад» дейилади.

Исмоил ичкари ҳовлидаги аёлларнинг ширин саросима ва сурур аралаш ғўнғир-ғўнғирларини эшитмагандай меҳмонхонага юрди. Остона ҳатлаб, устидаги юпқа бухорий банорас тўнини ечди ва тўрт тахлаб тахмонга қўйди. Токчадаги қатор китобларни бирма-бир кўздан кечириб, шогирдининг саволига жавоб излашга тушди. Ярим соатчадан кейин муродлар ҳосил бўлди. Бўғриққан юзида таскин ва миннатдорлик аломатлари жилва қила бошлаган шогирдига жавоб бергач, олим холи қолди. Кўзларини вассажуфт шифтга тикканича хаёлга чўмди. Афтидан, ҳозир нима қилмоқчилигидан фаромуш бўлган эди чоғи...

Довот-қалам олиб, дўстларидан бирига ёзаётган мактубини давом эттирмоқни диллади. Аммо нима ёзмоқчилигини унутди. Англанмаган бир шуур ортида янги меҳмоннинг туғилган санасини кун-соатларигача мактуб саҳифасига битиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Кейин ёшига хос бўлмаган шижоат ила ўрнидан турди. Жойнамоз солиб, қиблага юзланди ва икки ракат шукрона намози ўқиди. Намозни тугатиб, кафтларини дуога жуфтлади: «Сўровчиларнинг барча ҳожатларини билувчи, сукутдагиларнинг ҳамма илтижосини эшитувчи Аллоҳим! Сен буюксан, мен ҳақир, Сен азизсан, мен фақир! Неъматларинг шукронасини қилолмадим, аммо дуоларимни ижобат этиб, фарзанди аржуманд ила сийладинг. Ожизамизнинг бу гал қиз фарзанддан умиди бор эди, фақат Ўзинг биладиган ҳикматинг ила бизни яна ўғилли қилдинг. Икки жонни соғ-омон асраганинг, жигарим парчасини зулматдан ёруққа чиқарганинг учун беҳад ҳамду саноларим бўлсин! Бутун оламларнинг

яратувчиси ва хожаси Аллоҳим! Сенда ҳар бир сў-
ровчи учун ато бордир. Менга фарзанд неъматини
ато қилдинг, мен эса уни паноҳингга топшираман.
Унинг дунёдаги кунларини нурли, охиратини сурур-
ли қил! Динингнинг чин ихлосмандларидан айла!
Розилигингни истовчи муҳиблар сафидан жой бер!
Пайғамбаринг суннатига содиқ, у зотни ҳаммадан
кўпроқ суювчи мухлисларидан қилиб улғайтир!»

Шайх кўзларига беихтиёр қалққан ёшни артиб
улгурмай, ичкаридан доя хотиннинг эркакларники-
дай йўғон ва шанғи овози эшитилди:

– Ҳазратим, фурсатлари бўлса, чақалоқ қулоғига
азон чақириб қўйсалар...

Шайх Исмоил доянинг гапларини эшитмагандай,
бармоқларини тароқ қилиб қуюқ соқолини тарага-
нича бир дам хаёлларига ғарқ бўлди. Шундоқ ҳам
қисик кўзлари янада ингичка тортди. Кенг пешо-
насига билинар-билинемас ажин тўрлари сочилди.
Нурли юзларида ниманингдир хавотири, аллақан-
дай мубҳам бир ғашлик соя солиб ўтгандай бўлди:
«Умр поёнига етмоқда. Аллоҳ берган фоний ҳаётни
хазон қилдим. Менга аталган кунлар санокли қол-
ди, чоғи... Тақдир камонида отилган ажал ўқи кўк-
симга келиб қадалишига яна қанча фурсат бор, ёл-
ғиз Парвардигоримга аён. Ўзига беадад ҳамд-шукр-
ларим бўлсин, баракотли ва мазмунли умр берди,
толеъимни кўтарди. Қодиру Зулжалол ҳидоят йў-
лига йўллади: иймон билан сийлади, тақво билан
озиқлантирди, парҳезкорлик булоғидан суғорди.
Бобокалоним Бардизба (дарвоқе, бу номнинг бу-
хороликлар лаҳжасида «деҳқон» маъноси бор эди)
Ислом келмасидан олдин қавмининг одатига кўра

мажусийликда, оташпарастликда ўтиб кетди. Бобом Мугийрага аجدодлари ичида биринчи бўлиб иймон нури насиб этди: Хуросон волийи Ямон ал-Жуъфий хузурида Ислом билан шарафланди. Шундан бошлаб «нисбатул-вало фил ислам»га кўра Мугийра ва унинг зурриётларига Жуъфий диний лақаби нисбат бериладиган бўлди. Отам Иброҳим эса одамлардан ўзини тортиб, дунё ташвишларига этак силкиб яшадди. Алҳамдулиллаҳ, шунга қарамай, камина фарзандини илм билан ошно қилишни унутмади. Устозлар таълимидан баҳраманд этишга имкон топа билди. Илм мажлисларига судради. Олимлар эшигига етаклаб боришга эринмади. Расулуллоҳ ҳадисларини тўплашга ва ўрганишга рағбат уйғотди».

У бесаранжом, тўзғоқ хаёлларидан бир дам узилди. Бутун умрнинг саҳифалари кўз олдидан бирмабир ўтди. Амалларини сарҳисоб қилди. «Аллоҳ буюрганидай ҳаёт кечирдимми, илмга хиёнат қилмадимми», дея ўзини сўроққа тутди. Ота-онасининг уни илмли қилиш йўлидаги хизматларини эслаб, уларга Аллоҳдан мағфират ва раҳмат тилади: «Аллоҳим, Ўзинг шоҳидсан, падари бузрукворнинг саъй-ҳаракатлари, волидаи мухтараманинг парвоналиклари бесамар кетмади. Илм шарбатидан тотиндим. Бундан ҳам шарафлиси, Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларини тўплашдек улуғ ва масъул хизматга ожиз бандангни муносиб кўрдинг. Бу йўлда қанча ўлкаларга рихлат қилдим. Нечалаб улуғ имомлардан ҳадис ёзиб олдим. Мунаққид ва муҳаддислар ишончини қозондим. Ҳаммод ибн Зайд билан учраштирдинг, Ибн Муборак билан икки қўллаб кўришишни насиб этдинг. Ҳатто тавотур йўли билан Молик ибн Анас,

Солиҳ ибн Муборак, Абу Муовиялардан ҳадис ривоят қилишга муваффақ бўлдим. Бунга муваффақ айлаганинг учун Сенга беҳисоб мақтовларим бўлсин!»

Шайх Исмоил чуқур сўлиш олди. Янги туғилган фарзанд севинчи билан бирга юрагига надомат қийноғи ҳам кириб келди. Янги фарзанд тарбияси билан шахсан машғул бўла олмаслик, уни Аллоҳ ризоси йўлида тарбия қилишга фурсат танглиги уни изтиробга солар, кўксини гижимлар эди. Айни дамда илмда ўзи етолмаган чўққиларни забт этиш янги фарзанди чекига тушишидан умидворлик туйғуси ўртанган қалбига малҳам ҳам бўлаётган эди.

Туйқус доя хотиннинг ўтинчи ёдга тушди. Ўрнидан туриб, тўнини кийди. Ичкари ҳовлига ўтиш олдидан томоқ қириб, «изн сўради». Ўғлининг «кираве-рар экансиз» деганидан кейингина ҳовли тўридаги пастқам уйга «Бисмиллаҳ» дея қадам ташлади. Чор-пояга солинган ўринда ётган ранглари бўздай оппоқ, кўзлари бироз киртайган, аммо чехрасида мамнунлик кезаётган жуфти унинг истиқболига турмоқчи бўлди. Шайх кафти билан «ҳожати йўқ» ишорасини қилди. «Аллоҳ муборак қилсин» деб қутлади.

Кейин жаннат ҳиди уфуриб турган чақалоқни доя кўлидан «Бисмиллаҳ» билан олиб, унинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқомат айтди. «Исминг Муҳаммад бўлсин» деб кўпдан буён ўзи орзу қилиб юрган исмини қўйди. Боядан бери тили устида айлантириб турган бир дона майизни эзгилаб, у билан чақалоқнинг танглайини кўтарди. Дилбандини кўлдан қўймай, аёлларга юзланган ҳолда ҳаяжон ичра бундай деди:

– Гувоҳ бўлинглар, унинг исмини Муҳаммад қўйдим. Бобомизнинг исмлари Иброҳим алайҳиссаломга

адил⁴ эди, меники Исмоил алайҳиссаломга адил қилиб қўйилган, бунинг исми охирзамон Пайғамбари исмларига адил бўлсин. Чунки Аллоҳнинг элчисини барча инсонлардан яхши кўраман, ҳаммадан ортиқ суяман. Гувоҳ бўлинглар, бу исмни қўйишдан муродим, иншааллоҳ, ўғлим Муҳаммадни Фахри коинотга содиқ инсон қилиб тарбиялашдир. Гувоҳ бўлинглар, агар бунга умрим етмаса, бу вазифа завжамиз зиммасига юкланаяжак. Эй Ҳайй ва Қайюм, талаби мақсудимга эриштир! Фарзанди аржумандни Ўзинг рози бўлувчи йўлларга бошла! Расулинг Муҳаммад алайҳиссалом суннатларини мукаммал билувчилардан қил. Ўзингга ҳамдларим, Пайғамбаринг, у зотнинг асҳоблари ва аҳли байтига салавот-саломларим бўлсин!

Уйдаги аёллар ва болалар ҳам дуога қўшилишди. Исмоил безовталана бошлаган чақалоқни онасига тутқазар экан, бирор марта ҳам бетаҳорат эмизмасликни, нифосдан поклангач эса ҳар гал кўкрак солганда Қуръони карим тиловат қилиб ўтириш ё ҳадис мутолаа қилишни қаттиқ тайинлади. Жуфтига буларни эслатиш аслида ортиқча ҳам эди. Чунки ҳомиласи аниқ бўлган соатдан бошлаб у ҳамиша таҳоратли юришга интилди. Бирор онни Аллоҳнинг зикрисиз, Қуръон тиловатисиз ўтказмади. Ўзини ғийбат-шикоятлардан, лағв сўзлардан тийди. Шундай бўлса-да, эрининг гапини икки қилмаслик учун хаста овозда «иншааллоҳ, шундай қиламан», деб қўйди.

Дарахтларнинг инсон умри каби сарғайган япроқларини изғирин шамол битта-битталаб узиб олаётган, қишлашга учиб келган қарғалар асрий да-

⁴ Бир хил исмли, адаш.

рахтлар узра жой талашиб ҳаммаёқни «қағ-қағ»ига тўлдирган, ариқлар лабидаги беҳол майсалар қировдан жунжиккан кеч кузга бориб Шайх Исмоилнинг сиҳати ёмонлашди. У ўлим соати яқинлашиб, ажал эшик қоқиб турганини сезиб турар эди. Бир ҳафтадан буён танасини чирмаган беҳоллик, иштаҳасизлик бежизга эмас экан. Аллоҳга омонатни топшириш фурсати келгани кеча тушида ҳам аён бўлди. Оппоқ кийимдаги, симобий саллали нуроний қария (аммо юз-кўзини яхши эслаб қола олмади): «Алдов дунёсида юрганингиз етар, олимлар даврасига келинг, бунда улар сизга интизор», деди.

Бир неча кундан буён атрофида парвона бўлиб турган садоқатли шогирди Аҳмад ибн Ҳафсга «Меҳмонхонага чиқиб бироз дам олинг, хизмат билан толиқдингиз», деб ижозат бериб юборди. Кейин завжасини чақириб, дилини очди:

– Ажал етиб, хайрлашув фурсати келди, чоғи. Фарзандларни сизга омонат қолдиряпман, барчангизни Аллоҳнинг паноҳига топшираман. Унинг Ўзи энг яхши ҳимоячидир. Васиятим эсингизда бўлса керак: ўғлим Муҳаммадга яхши илм берасиз. Расулulloҳ ҳадисларини тўплаш ва тадқиқ қилиш ишига рағбатлантирасиз. Бутун умидим ўғлим Муҳаммаддан. Чала қолаётган ишларим унга мерос бўлаётганидан руҳим таскин топажак. Ожиз бандани дуоларда йўқлаб турсанглар! Қиёматда учрашгунча хайр! Энди чиқаберинг, ҳализамон бу ерга кўп одам келади. Дам олиб бўлганидан кейин Аҳмадни ҳам чорлаб юборарсиз.

Аҳмад ибн Ҳафс устози ҳузурига кирганида у нурсиз кўзларини шифтга ҳиссиз тикканича ётарди.

БОЛАЛИК

«Менинча, Ислам аҳлининг барчаси жамланиб, Муҳаммад ибн Исмаилга ўқшади яна бир қишқоқ етиштирмоқчи бўлишса, буни эълолай олишмайди».
Мусо ибн Хорун Ҳаммад

Суюмли ва ғамхўр эридан ажраб, туллиkning бео-
ром ва таҳликали кунларини сабр-қаноат билан ке-
чираётган Фотима эртаю кеч оиланинг ташвиш ва
юмушларидан бўшамайди. Рўзгор ишларидан холи
қолди дегунча, Аҳмаднинг дарсларини суриштира-
ди. Уни куттобга¹ жўнатгач, кенжабойи Муҳаммад-
ни пиножигга олиб, фарзанди билиши лозим бўлган
илк каломларни ёдлатади.

- Дилбандим, нима иш қилмоқчи бўлсанг «Бис-
миллаҳ» деб, меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ таоло номи
билан бошлайсан!

- Онажон, Аллоҳ таоло ким? - болаларча қизи-
қиш билан сўрайди Муҳаммад.

- Аллоҳ таоло мени, сени, акангни, дунёдаги бар-
ча инсонларни, махлуқларни, Еру осмонларни, ҳам-
ма-ҳаммасини яратган буюк Яратувчидир.

- У қаерда? Нега бизга кўринмайди? - яна савол
беришга тушади болакай.

- Чунки Аллоҳ таоло ниҳоятда қудратли ва буюк
бўлганидан одамларнинг кўзи Уни кўришга ярамай-
ди, аммо У Зот Ер юзидagi, борликдаги ҳамма нар-
саларни кўриб, кузатиб, бошқариб туради.

¹ Куттоб - болаларнинг мактаби.

Кенг пешонаси терчираб турарди. Қуруқшаб ёри-лишга улгурган лаблари нималардир деб пичирлар эди. Аҳмад устозининг сўзлари орасидан «Аллоҳим, мағфиратингдан умидворман» деган жумлани аранг илғаб олди. Кейин шайх бирдан хушёр тортгандек кўзларини катта-катта очди. Ёнидаги шогирдини энди танигандек:

– Шу ердасиз, Аҳмад? Айтадиган муҳим гапларим бор, эслаб қолсангиз, – деди. – Мен кўп мол-дунё тўплаганим йўқ, зеро, илм аҳли дунё билан келишолмаслигини яхши биласиз. Аммо шуни комил ишонч билан айтаман, тўплаган мол-дунёимда шубҳали бирор дирҳам аралашганини билмайман. Улар орасида ҳатто бирор ҳаром танга ё лукма йўқдир. Аллоҳ ҳузурида бу борада ҳисобга тортилишдан кўнглим хотиржам. Дафнимга кўп маблағ харжламайсизлар, қолганини аҳлим нафақаси, фарзандлар таълими учун ишончли кишига топширасиз.

Шайх ҳақни айтаётган эди: у ҳадис тўплашда қанчалик омонатдорлик, эҳтиёткорлик кўрсатган бўлса, мол-мулк топишда ҳам ҳаром ва шубҳадан шунчалик тийилди. У фарзандларининг камоли, илмнинг юқиши асосан халқум поклигига боғлиқлигини яхши биларди. Улар нафақасининг фақат ҳалол-покдан бўлишига интилгани-интилган эди. Шу боис ҳозир охиратдаги ҳисоб-китобларидан хотиржам, нафси рози ҳолда омонатини топшираётган эди.

Шайх Исмоилнинг фано оламини тарк этганидан буён икки ойча муҳлат ўтди. «Вақт энг яхши табиб». Фироқ азобларини сал-пал унутаёзган Фотима биби икки бола билан ёлғиз қолганини, бирон ёрдамчи-

си ё маслаҳатгўйи йўқлигини энди аниқ-равшан ҳис эта бошлади. Инониб суюнадигани, кўмак сўраб илтижо қиладигани, дарду ҳасратларини очадигани ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи! Фарзандлар камолини ўйлаб тунлари уйқуси қочади. Уларни солиҳ, обид, зокир инсонлар қилиб тарбиялаш кўлимдан келармикин, деган хавотирли ўйлар, ваҳимали кўрқинчлар оромини ўғирлайди. Етуклик ва ҳусни хулқ тимсоли бўлган эри орзусига кўра комил инсонлар қилиб тарбиялашга биргина оналик меҳри ва саъй-ҳаракатларининг ўзи кифоя эмаслигини сезиб ўксинади, кўнгли хижил тортади. Шайх Исмоил бошлаган улғу илмий ишлар, Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини тўплаш ва тасниф қилиш каби улкан хизмат чала қолиб, Суннатга хиёнаткор бўлиш хавфидан ҳар нафас юрагига оғриқ киради.

Фотима эри асос солган муборак ишларни ўғилларининг ҳеч бўлмаса биттаси, ота орзу қилганидай кенжа Муҳаммад давом эттиришидан жуда-жуда умидвор эди. Ҳозир унга кўкрак солиб ўтираркан, хаёлидан кечаётган латиф ва соҳир туйғулар сўтга кўшилиб, бола вужудида оқаётганидан тамоман беҳабар эди. Солиҳа аёлнинг оҳуларникидай қора ва йирик кўзлари кўлидаги Имом Молик китоби саҳифалари узра сирпанаётган эса-да, тўзғоқ хаёллари аллақачон гўдагининг балоғат йилларига қараб парвоз қилишга улгурган эди. Чақалоқ табассумидай гўзал, унинг қилиқларидай ширин хаёллар шу дамда лабларидан ихтиёрсиз учиб чиқаётган «алла» сўзларини идрок этишига халал ҳам бераётган эди.

- Ҳмм... Аллоҳ таолога ёқиш учун нима қилиш керак?

- Бунинг учун У буюрган ишларни қилиш лозим, болажоним!

- У нимани буюрган?

- «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад алайҳиссалом Унинг элчисидир» деган калмага чин дилдан ишониб, шунга биноан ҳаёт кечиришни...

Кичкина Муҳаммад онасининг бу сўзларини эслаб қолишга тиришади. Аммо болалик қизиқиши устунлик қилиб, яна савол беришга тушади.

- Онажон, Муҳаммад ким?

- Бу зот инсонларнинг энг яхшиси, энг муътабаридир. Сени менга, ҳаммамизга динимизни танитган Аллоҳ таолонинг элчисидир. Раҳматли отаи у зотни қаттиқ севганларидан сенинг исмингни Муҳаммад қўйганлар. Сен ҳам улғайсанг, ана шу номга муносиб бўлишинг керак.

Муҳаммад қуралай кўзларини жавдиратиб яна савол бермоқчи бўлди. Аммо онасининг чуқур хаёлга чўмиб, бир нуқтага тикилганича қотиб қолганини кўриб, ниятидан қайтди. Бир сўз демай, эркаланиб, бошини онажонининг қайноқ кўксига қўйди. Волидаи муҳтараманинг ингичка, оппоқ ва юмшоқ бармоқлари болакайнинг қатрондай қоп-қора жингала сочларини авайлабгина силай бошлади.

Бу ёқимли ва нашъали машгулот кўпга чўзилмади. Онаси бир нарсадан чўчигандай сесканиб тушди. Кейин ҳолатидан хижолат бўлиб, боласига тушунтира кетди:

- Мусулмон бола яна таниган-танимаган ҳаммага «Ассалому алайкум» деб салом бериши керак. Бу

саломлашиш сўзи «Сизга тинчлик ва хотиржамлик тилайман» деган маънода. Қаерга кирсанг ҳам, ким билан кўришсанг ҳам биринчи бўлиб салом берасан, хўпми, ўғлим? Чунки буни бизларга Аллоҳ таоло ва Унинг элчиси буюрган...

Эридан ёдгор қолган фарзандларини еру кўкка ишонмай юрган Фотимани Аллоҳнинг яна бир синови кутиб турар эди. Янги йўлга кирган дилбанди бир куни атак-чечак қилаётиб, йиқилди. Шунда ерда ётган бир шохча унинг икки кўзига заха етказди. Қизиғида бола бир пас йиғлаб турдию кейин нимагадир чалғиб яна ўйнаб кетди. Аммо орадан уч-тўрт кун ўтгач она фарзандининг кўзи кўрмаётганини сезиб қолди. Сездю қаттиқ кўрқувдан аъзои-бадани музлаб қолай деди. Дағ-дағ титраганича унинг момиқ юзини ўзига қаратмоқчи бўлди. Муҳаммад эса ҳеч нарсани кўрмаётгандай нуқул бошқа томонга юз бураверарди. «Наҳот ўғлимнинг кўзлари кўрмаётган бўлса? Кўр бўлиб қолдимикин? Менга қаранг, Муҳаммад, шундоқ ҳам ғамбода онангизни бунчалик кўрқитиб юборманг, кўзларингизни очинг, болам!... Аллоҳим, барча синовларингга розиман, менинг мана шу кўзларимни қайтариб олсанг майли, фақат овунчоғимнинг кўзларини қайтариб бер!»

Оналик туйғуси зўрлик қилиб, оғзимдан куфрона сўзлар чиқиб кетмасин, дея тинмай истиғфор айтарди муштипар. Бирдан маҳалла доясининг табобатдан оз-моз хабари борлиги эсига тушди. Ўғли Аҳмадни шошқич уникига жўнатди. Доя ҳам қаёққадир юмуш билан чиқиб кетган экан, ҳадеганда дараги бўлавермади. Она ўзини ҳар қанча хотиржам ва осойишта,

Аллохнинг қадарига кўнган аёл сифатида туттишга уринса ҳам, барибир оналик меҳри устун чиқаверди. «Қадарда борига розиман», дея ўзига қанчалик тасалли бермасин, ўглининг кўр бўлиб қолиши хавотирли миясини кемириб, оромини ўғирлайверди.

У ҳаммасидан ҳам эрига берган ваъдасини бажара олмасликдан, Муҳаммаднинг таълимидан қаттиқ гам чекаётган эди. Фотима дунёсини унутди, тилидан Аллохнинг зикри тушмай қолди. У шу топда ўглининг кўра олиши эвазига иймонидан бошқа ҳамма нарсасини беришга тайёр эди. У ҳожат намози ўқиш учун таҳорат олаётганида остонадан: «Ҳай, Биби Фотима, нима гап, бемаврид йўқлаб қопсиз, тинчликми, айланай» дея саннаб, доя алпанг-талпанг кириб келди. Фотима имо билан «уйга кириб турунг» ишорасини қилиб, таҳоратни тугатди. Кейин намозини ўқиб, Аллохга илтижо билан узок дуо қилди. Шундан кейингина дояга бўлган воқеани сўзлади, маслаҳат сўраб, оғзига термилди.

Доя хотин хозиқ табиблардай боланинг кўзини синчиклаб текширди. Қовоғини кўтариб кўрди, ёруққа солиб чиқди, ҳатто томир уришини эшитди. Кейин маҳзун бош чайқади:

- Нимадан бўлганига ақлим етмади. Каттароқ табибга олиб бормасак бўлмайди, шекилли.

- Қаерда бор бунақа табиб, айтинг, ҳозирок жўнаймиз...

- Жўйи Мўлиёнда бир кучли табиб бор, деб эшитганман. Асли Чиндан келган экан. Агар олис демасангиз, бир арава топилса, шунга кўрсатсак.

- Иншааллох, борамиз. Сиз ҳам мен билан бирга бўлсангиз, агар малол келмаса...

...Фотима табиб хузуридан бўшашиб, оёқ-кўли жонсиз бир ҳолатда қайтди. Қартайган, қошлари ўсиб, шундоқ ҳам қисик кўзларини ёпган, титроқ кўлли табиб ўғлини обдон синчилаб кўриб, даволашга ожиз эканини айтди. Ортидан «Умид ёлғиз Аллоҳдан!» деб таскин ҳам берди.

Шу соатдан бошлаб Фотимага ҳаётнинг қизиғи қолмади. Бетўхтов намоз ўқийди. Жойнамози кўз ёшларидан сиқиб олингудай хўлланиб кетади. Аллоҳга илтижо билан ёлборади, дилбандининг дардига шифо сўрайди.

Ана шундай беором кунларнинг бирида Фотима туш кўрди. Ҳасса тутган, барваста, чиройли юз, кўркама соқолли бир шайх тушига кирди. Кейин билса, Иброҳим халилуллоҳ эканлар. У киши Фотиманинг қаршисига келиб, унга хурсанд ҳолда: «Эй аёл, Аллоҳга кўп ёлбориб йиғлаганинг, тинмай дуолар қилганинг бесамар кетмади, меҳрибон Аллоҳ ўғлининг кўзларини қайтариб берди!» деди.

Уйқудан юраги ҳаприқиб уйғонди. Шошилишча таҳорат олдию ўғли ётган хонага чопди. Кириб қараса, кўзи яна ҳаммаёқни кўра бошлаган ўғли ўринда жилмайиб ётарди. Аёл тақвоси мукофотига берилган бу яхшиликдан беҳад севинди. Аллоҳга ҳисобсиз шукрлар айтди, мақтовлар йўллади.

ТАЛАБАЛИК

«Киши ўзидан ёши улугдан, тенгдошидан
ва ҳатто ёши кичикдан ҳам ҳадис ривоят
қилмагунича олим бўла олмайди»

Вакиъ ибн Жарроҳ

Муҳаммад олти ёшга тўлганида онаси уни маҳалла-
даги вазир Аҳмад ибн Ҳасан Утбий қурдирган масжид
қошидаги куттобга ўқишга берди. У фарзандининг
тенгдошларига нисбатан ақл-идрокда хийла пешқа-
дамлигини, ўткир зеҳнли, закий эканини пайқади.

Бунгача уни уйда ўзи ўқитди. Мураттаб қория
бўлган, эрининг ёрдамида саккиз минг ҳадис ёдла-
ган бу фозила аёл дастлаб фарзандига арабий ҳарф-
ларни танитди, уларни бир-бирига қўшиб ўқишни
ўргатди. Кейин Қуръоннинг кичик сураларини қи-
роат қилдириб кўрди, сўнг уларни ёд олдирди. Шу
орада эридан қолган «Муватто» китобидаги англа-
ниши осонроқ ҳадисларни ҳам ёд олдиришга завқ-
лантди. Булар билан қаноатланмай, араб тили
сарф ва наҳви билан бир қур таништириб ўтди. Уни
ибодатга руҳлантиришни, қизиқтиришни ҳам унут-
мади. Ҳар куни эрта субҳда ўғлини етаклаб кўча
бошига боради, масжидга борувчиларнинг йўлини
пойлайди. Бирор намозхонга қўшиб бериб, хотир-
жам бўлгач, уйга қайтади. Намоз ўқиш вақти ўтиши
билан масжиддан қайтган ўғлини қарши олиш учун
яна кўча бошига югуради. Нима қилиб бўлса ҳам, қи-
йинчиликка учраса ҳам, эрининг васиятига биноан
ўғлини муҳаддис олим қилиб тарбиялаш мақсади
рўёбга чиқса бўлди.

Сийракмўй, ўртача гавдали, кўлларининг томир-
Муҳаммад ибн Салом Бойкандий кекса мактабдор
ламайгина қабул қилди. Ё дарс беравериб чарчаган,
ё болаларнинг шўхликларидан безор бўлган... Яна
битта ғалвачи, шўх боланинг келиб кўшилаётгани
ҳафсаласини пир қилган чоғи. У Муҳаммадни олди-
га чорлади, «билганингни ўқи-чи!» деб буюрди.

Бола аввал чўккалади. Тийрак нигоҳини бир бўла-
жак устозига, бир нарироқда юзини деворга ўгириб
турган онасига қаратди. Кейин кўзларини ерга тик-
канича ингичка овозда, хуш савт ила Қуръоннинг
Фатҳ сурасини тиловат қила бошлади. Боядан бери
сабоқ такрорлаб, дарсхонани бошга кўтараётган бо-
лалар бирдан жимиб қолишди. Устознинг завқи ор-
тиб, кўзларини юмиб олди. Пашша учса эшитилгу-
дай сукунат чўкди. Хонада Қуръоннинг мўъжизавий
каломлари хуш оҳангда сузар, Муҳаммаднинг овози
бир кучаяр, бир майинлашар эди. Устоз эса оятлар
маъносидан таъсирланиб, бошини оҳиста тебратар,
ўсиқ қошлари батамом ёпиб қўйган кўзларини очиш-
га ҳам ботинмай, ора-сира «ҳақ, ҳақ» деб кўяр эди.

Қироат тугаганидан сўнг мактабдор «Яна нима-
ларни ўқигансан?» деб сўради. Муҳаммад энди ҳифз
қилган ҳадисларини бор санади билан, ровийлар
номини адаштирмай ёдлаб берди. Боланинг хотира-
си бу қадар кучлилигидан, тили бурролигидан ҳай-
ратга тушган мактабдор кўли билан «етар» ишора-
сини қилди. Жўшиб кетиб, Муҳаммадни даст ўрни-
дан турғазди. Маҳкам бағрига босиб, пешонасидан
ўпди. Унча-мунчага оғзидан чиқаравермайдиган
«Боракаллоҳ» билан қайта-қайта сийлади. Кейин
Фотима бибига юзланиб:

- Ўғлингизнинг Аллоҳ берган иқтидори бор экан, иншааллоҳ тез орада яхшигина ҳадис ҳофизи бўлажак, - деди.

Бу боланинг мактабга қабул қилинганига ишора эди. Она хурсандликдан хайр-маъзурни насия қилиб, куттобдан шошиб чиқди. Йўлма-йўл Парвардигорига шукрона айтиб, уйига қайтди. Муҳаммад мактабнинг энг кичик толиби бўлиб дарсхонада қолди.

Икки йилда Муҳаммад тенгдошларининг ҳавасини, ғайирлиги ва ҳасадини кўзгаб, уларни анча ортда қолдириб кетди. Куттобда ўқитиладиган ҳамма дарсларни деярли ўзлаштириб бўлган эди. Аммо у таҳсилдан қониқмайди, унга кундалик дарс мажлислари кифоя қилмайди. Муҳаммад ибн Саломнинг мажлисидан чиқиб, Яҳё ибн Яҳё Тамимийнинг ҳузурига ҳадис ёзгани жўнаб қолади. Бўш қолди дегунча китоблар оламига шўнғийди. Улардан ҳадисларни кўчириб олади, узлуксиз ҳадис ёдлайди. Иснодларини ўрганади. Ҳадис ровийлари тарихидан хабардор бўлишга тиришади. Беш йил ичида болакай қатнамаган бирорта илм ҳалқаси шаҳарда қолмади ҳисоб...

Унинг ҳадис ёдлашдаги зеҳни, салоҳияти ва иқтидори тез тилга тушди. Шаҳарда ёш муҳаддиснинг таърифга сиғмас қобилияти, донолиги ва заковати ҳақида баҳор қуёшидай ёқимли гап-сўзлар юриб қолди. Ҳамма ерда «минг-минглаб ҳадисни ёддан билувчи болакай»нинг доврўғи қайнай бошлади.

Ана шундай кунларнинг бирида устоз Муҳаммад ибн Салом Бойкандий ҳузурига таниқли муҳаддислардан Салим ибн Мужоҳид келиб қолди. Бу пайтда

Бойкандий шогирдларига эндигина жавоб бериб, ўзи кун бўйи дарс беравериб толиққани сабабли ором учун ёнбошлаган эди. У олимни хушнуд қаршилар экан, сал афсуслангандай:

- Эссизгина... Сал олдинроқ келганингизда етмиш минг ҳадис ёдлаган ўспиринни кўрсатган бўлар эдим, - деди.

- У кетиб қолдимиз? - шошиб сўради Салим ибн Мужоҳид.

- Ҳа. Ҳозиргина машғулот тугаб, жавоб бериб юборган эдим.

Ўша болани кўриш иштиёқи ҳамма нарсадан устун келди. Бойкандийнинг «ҳай-ҳай»лашига қармай, Салим ибн Мужоҳид кўчага отилди. У олимлик виқорига ярашмаган шошқалоқлик билан гўё учиб борарди. У тенгдошларидан орқароқда, ерга боққанча кетаётган Муҳаммадга икки кўча нарида етиб олди. Ортидан саллали улуғ бир кишининг шошқинч келаётганини кўрган Муҳаммад ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди.

- Ораларингда Муҳаммад ким? - сўради устоз нафасини бироз ростлагач.

- Менман, не юмушингиз бор эди?

- Етмиш минг ҳадис ёдлаган сенмусан?

- Ҳа, менман.

- Машааллоҳ, ёшингга муносиб бўлмаган жасорат бу! Боракаллоҳ! Аллоҳ зеҳнингни бундан ҳам ўтқир қилсун!

- Аслида ёдлаганим бу ададдан ҳам кўпроқдур. Аввало сизга саҳобалардан ёки тобеъинлардан бирор ҳадисни айтсам, улардан кўпчилигининг таваллуди ва вафоти, қаерда яшаб ўтгани ҳақидаги маъ-

лумотларни ҳам қўшиб келтираман. Ривоят қилган ҳадисимнинг албатта асли бордур. Уни Аллоҳнинг Китобидан ёки Расул алайҳиссаломнинг суннати-дан мукаммал ёдлаб олганман.

Салим ибн Мужоҳид қизиқсиниб сўради:

- Яна қайси китобларни ёддан билурсан?

- Абдуллоҳ ибн Муборак ва Вакиъ ибн Жарроҳ раҳматуллоҳи алайҳимонинг китобларини.

- Машааллоҳ!

Салим ибн Мужоҳид болани алқашга, мақташга, тақдирлашга ортиқ сўз топа олмай қолди. Елкаси-га қўлини қўйиб, ўзига тортди ва бир сўз айтмай унинг пешонасидан ўпди. Кейин «Аллоҳ бундан ҳам кучлироқ зеҳн ато қилсин» дедию Бойкандийнинг ҳузурига жўнади. Дарсхонага кирасолиб:

- Бу мўъжиза! Аллоҳнинг икки оёқли мўъжизаси!

- деди кафшини пойгакка ечаркан. - Шу ёшга кириб бунақасини кўрмаганман.

- Бу болани дастлаб имтиҳон қилганимдаёқ бошқаларда йўқ зеҳн ва иқтидор борлигини сезган эдим. Қисқа вақт ичида у ҳаммадан ўзиб кетди. У шундай мақомга етдики, унга китобларимни қараб чиқишни, хато ёки ғалат жойлари бўлса, белгилаб қўйишни топширадиган бўлдим. «Бу бола ким?» деб сўрайдиганларга «Бу боланинг ўхшаши йўқ!» деб жавоб қайтарадиган бўлдим. Қачон шу бола олдимга кирадиган бўлса, ҳаяжонга тушиб қоламан. Мен учун ҳадис айтиш машаққатли ишга айланиб қолади. То олдимдан чиқиб кетгунича хавфсираб тураман. Ўзи ҳали болаю, аммо ҳайбати босаверади. Унинг олдида бошқа олимлар ҳам илмий баҳс қилишга юраклари бетламайди. Чунки айблари очилиб қолиб, хижолатда қолишдан чўчишади.

– Аллоҳ унинг мартабасини бундан ҳам зиёда қилсин, яхши шогирд етиштирибсиз, Иби Салом! Муборак бўлсин, ёмон кўзлардан Ўзи асрасин!

Устози бир куни Муҳаммадни олдига чақириб, унга оқ фотиҳа берди:

– Эй Исмоилнинг ўгли, сенга берадиганимни бер-дим, оладиганигни олдинг... Энди сени устозим шайх Дохийий ҳузурига юбораман, таҳсилни унинг ҳалқасида давом эттирасан. Аммо бир нарса доимо эсингда бўлсин: илм худди юган кўрмаган асов отга ўхшайди. Астойдил тиришиб, уни жиловлаб олманг, асло тутқич бермайди. Бу ерда ҳифз қилганинг ўн минг ҳадисни ҳар кеча такрор хотирдан ўтказишни канда қилма. Сал бепарво бўлсанг, барини унутасан. Яна бир ҳикматни хотирда тут: «Илм талаби учун тўртта «коф» керак: яъни, кисаи падар, косаи модар, кашиши устоз, кўшиши шогирд»⁶. Таъминотинг хусусида шикоят қилолмайсан, волиданг ҳам ота, ҳам она ўрнида... Шайх Дохийий эса шогирдлар учун жонию молини, тоқатию билимини нисор қилиб юборадиган ҳимматли устозлардан. Демак, ўзингнинг сайъ-ҳаракатинг, жидду жаҳдинг қолади, шунга эътиборли бўл! Кимда сабот бўлмаса, набот⁷ бўлмайди. Улуғларимиз айтишганки, ким Қуръонни ўрганса, унинг қадр-қиммати ошади. Ким фикҳни ўрганса, динини теран тушунади. Ким ҳадисни ёзса, ҳужжати кучли бўлади. Ким илм ўргансаю аммо нафсини сақламаса, олган илми унга фойда бермай-

⁶ Отанинг киссаси, яъни нафақаси, онанинг косаси, яъни таом ва парвариши, устознинг эътибори, шогирднинг ҳаракати.

⁷ Ўсиш, камолга етиш.

ди! Нафсини сақлаш ва ихлосли бўлиш фазилатлар асосидир. Вассалом, эртадан сенга ижозат, Аллоҳум-ма иссир, вала туъассир⁸, Аллоҳ тавфиқ берсин!

Муҳаммад бир кўчада турадиган ўртоғи Илёс билан ҳар куни Бани Ҳанзала масжидидаги Шайх Дохийийнинг ҳалқасига дарсга қатнайди. Икки талаба унда-бундаги сув ҳалқоблари музлаб, қатқалоққа айланган, кун сал юмшаса, лой тиззага чиқадиган, арава излари ҳаммаёқни ариқча каби ўйдим-чуқур қилиб ҳайдаб ташлаган Кох кўчасидан мактабга боришади.

Муҳаммад йўлма-йўл кечаги сабоқларини такрорлаб, нималарнидир пичирлаб кетади. Шўх ва ўйинқароқ Илёс эса ҳали бўғотларда жунжикиб ўтирган беозор мусичаларга тош отиб ҳуркитади, ҳали деворлар узра осилиб турган дарахтларнинг яйдоқ шохларига осилиб учмоқчи бўлади. Муҳаммад унинг бемаъни қилиқларидан уялиб тинмай танбеҳ беради: «Жониворларга озор бериш мумкин эмас, Пайғамбаримиз бундан қайтарганлар», «Бировнинг дарахтини синдиришинг яхши эмас, ҳатто ўзганинг битта игнаси учун ҳам қиёматда жавоб берилади». Илёс эса: «Вой-вой, митти олимча-ей, ҳали менга насиҳат қиладиган бўлиб қолдиларми, азият чекмай кўяқолсинлар, уйимизда насиҳат қиладиганлар етарли», деб ўртоғининг гапларини қулоққа олмай ҳазилга буради.

Муҳаммад онда-сонда ўтиб қолувчи йўловчиларга жаранг овозда биринчи бўлиб салом беради. Дўстининг индамай ўтиб кетаётганидан афсусланиб: «Пайғамбаримиз: «Саломни кенг ёйинглар, таниш-нотанишга салом беринглар», деганлар, сен эса салом беришни

⁸ Аллоҳим, осон қил, қийин қилма.

қан үнүтөб күйөнгөн», деп тартыды. Илс үнүнү гүл-
ларга татыбар бермайд, анда күйөмөлөр устидеги
музларни касир-кутуп гиндерини бешлайды.

Маскидагы етэй дейиштинде Илс бердан йүрөмөй
көлдө. Муздаккад бир-икки чакырдан, жакыб бүйөмөдө
Илсэй-көлдөй, эч ердан тономда. Ташлаб кеттишге жэ
көмүк көлдө, кикдөнө йүз бермайд. «Алар дөмөр-дөр
рор ердан керекдир?» Муздаккад үртогони көлөй, оташ-
парастлар ибодатчылыкниң қорлыгыга кириб көлдө.

Улар дөрс үкөйдөгөн маскидиндег ораа тономда
бүкөрөлөккөларниң көкүш үткөшкөни көлөтүшө оташ-
парастлар ибодатчылыкни көтөдөр қилергөчө сөздөмөй
көлөр эди. Баъзан мангулотлардан тономда талайба-
лар саргулаш дөтөрөй, ибодатчылык тономга үткөшөдө.
Бир алашлар «көүкөдөк олов» тиккөсиз өнөй турган
ибодатчылык қорлыгыдагы зардуштөйлөккөниң эрке сө-
дөнгөн, алаш үткөш билан эста чирөй-жураб бөрөйт-
гөн өстадонларни тономда қилешөдө. Анио күчөдөн
үтөй бөрөйтгөн бирер қармаккөниң көрөмөлөрчө үкө-
йөшкөни сөзөй, шу алашты тунтаркөй қилешөдө.

Үртогони қорлыгдан қан төлө олмөгөн Муздаккад
күйөк-өксө ибодатчылык ичинге қараб көрдө. Улакан
гүмбазли, дөмрө шөккөлдөг ибодатчылык түрндө ер-
дан бир кулогөчө күтарилган тош сүлө, үнүнү усти-
да жэ үткөшдө көчөкө күндүз олов өнөй турадыган
көттө манқалдон бөр эди. Олдинкига күрөкөдө, ман-
қалдон өнөдө сөч-сөкөллөри үкөй патила-патила бө-
либ көттөн, нүйлөр көттө өгөкө өз күлларигөчө күниб
ташлагөн, қанкө өгөкө көр-көшөк илашган искирт-
гына қарни унадалар ичинде бир көвүчөгина бөлиб кү-
либ өтарди.

УСТОЛАР

*«Буларнинг ҳаммаси шайхларнинг қўлидан
«Буларнинг ҳаммаси шайхларнинг қўлидан қилди. Булар
олди, шайхларнинг қўлидан қилди. Буларнинг
қўлидан қилди. Буларнинг қўлидан қилди.»*

Муҳаммад ибн Абу Хотим Вазроқ

Бу йиллик айриликдан сўнг, кўнра заманининг
узюк вақти иккиликларига қилинган кўнраб рикозат-
лардан кейин яна кўнраб кўнра тўнраган кўнрага қай-
тиш одамига қилинган фарозли, сурурли тўнрали. Му-
ҳаммад ибн Ислом «Ислом дини қилинган деб ша-
рифлиган Буларнинг шайхига жон уюшга талинган
кўнраб келди. Таниш кўнрабга, муҳаммад да-
риятларга, шадмон ва маҳзун чекраларга аламлидай
илламли, соғинч ва муҳаббат билан назар солди.

Бу сафар ҳам шайхларга Бойқанда дарвоҳасидан кел-
риб келар экан, энг аввал саломатли шогирди, узюк
йиллар ёнида кўнрабга қилган, Абу Жъфар кўнраси
билан танилган Муҳаммад ибн Абу Хотим Вазроқ
ни йўқлаб борди. Дарвоҳа одамида устозин турганини
кўрган Муҳаммад тамоман доқираб қолди. Имом
билан кучюк очиб кўришди, илос билан кўнралини
юди. Ичкарига чорлаб, гўзал мулозамат кўрсатди.
Анво Имом Буларнинг унинг саминий ўтинчларини
рад қолди - қиллига кўнрабга кўнради. Вақт энди-
ги бажоқаси билан шогирд тақаллуфли жавобсиз
қолдиранди. Бунинг ўрнига тез кўнраб чикришли су-
ради. Устозининг фельлини яхши билган Муҳаммад
ортиқча савол бермай, тўнра кўнраб кўнраб кел-
ди. Кейин иккиликлашиб шайхга ичига қараб кўришди.

сийдан эшитган, Лайсий эса Умар ибн Хаттобдан эшитган экан, Умар ибн Хаттоб эса «Расулуллоҳ сол-лаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим», деганлар, яъни: «Амаллар фақат ниятга кўрадир. Ҳар кимга ният қилганигина бўлади. Кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Унинг Расулига бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳ ва Унинг Расулигадир. Кимнинг ҳижрати эришмоқчи бўлган дунёси учун ёки уйланмоқчи бўлган аёли учун бўлса, демак, унинг ҳижрати ўша ҳижрат қилган нарсаси учундир».

У дарсга кела-келгунича мингдан ортиқ ҳадисни шу тариқа ровийларнинг санади билан қайтариб чиққани учун бироз толиқибди. Кўзларини юмган кўйи бир дам севимли машғулотида узилди. Шундагина атрофида кўкка ўрлаётган қий-чув қулоғига кирди, чанг-тўзон димоғини ачитди. Хужра эшиги олдида қадам товуши эшитилгани заҳоти болалар бирдан жимиб қолишди. Нигоҳлар шоша-пиша очилган китоб саҳифалари узра изғий бошлади. Эшик ғирчиллаб очилиб, оқ юз, кўркам соқолли, бошидан қишин-ёзин оқ салла тушмайдиган, барваста қария салом билан кириб келди. Бу ҳадис илмининг устози Абдулмалик Дохийий эди.

Дарс бошланди. Устознинг салобати босганидан хонада толибларнинг олган нафаси эшитилгудай сукунат ҳоким. Зеҳнлар унинг оғзидан чиқаётган ҳар жумла, ҳар сўзни эслаб қолишга тиришади. Айниқса, Муҳаммаднинг бутун вужуди қулоққа айланган, бор диққат-эътибори устозининг сўзларига қаратилган:

– Ровийнинг ҳадиси қабул қилинмоғи учун у бир неча шартларга жавоб бериши керак: биринчидан, ровий адолатли, сўнг Исломда бўлиши, яна болиғ,

Бола кирганида у ҳатто қимирлаб ҳам қўймади. «Ўлиб қолганмикин ё тоби қочганмикин?» Қарияга ёрдам бериш мажбурияти юрагидаги кўрқувни бир дамга унуттирди. Муҳаммад аста яқинлашиб, унинг нафас олишини текшириб кўрмоқчи бўлди. Шунда бирдан қария жонланиб қолди. Қип-қизарган, қисик шилпиқ кўзларини аранг очиб, устида энкайиб турган болага нимадир дея ғўлдирай бошлади. Муҳаммад чолнинг узук-юлуқ сўзларини чала-чулпа англади: «Ҳаммаси тамом... Буюк тангримиз Ахурамазданинг муқаддас руҳи уриб кетгур, ёвуз Ахриманнинг тузоғига илингур шўрлик бухороликлар... Ота-боболарингнинг минг йиллик динини унутдинглар-а! Аллақаёқдан келган жоҳил, келгинди, ялангоёқ арабларнинг динига кириб кетдинглар-а, эй хароб бўлган бухороликлар!... Қани, у мангу ёниб турган муқаддас оловлар?! Қани, ҳамма нарсага жавоб топа оладиган донишманд коҳинларимиз?! Қани, ибодатхонани тўлдирган минг-минг зардуштийлар?! Ҳаммаси тамом! Бари йўқ бўлди! Ҳамма ота-боболарининг динини унутиб, босқинчиларнинг динига ўтди-кетди! Эҳ кўрнамаклар, эҳ хиёнаткорлар, иймон-эътиқодини арзонга сотган расволар!...»

У бир қўлига тиралиб ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо кучи етмади. Муҳаммад унга ёрдам бермоқчи бўлди. Бироқ қария жаҳл билан унинг қўлини силтаб ташлади: «Сен кимсан? Сен ҳам анави адашган муҳаммадийларданмисан? Қоч, яқинлашма, барибир сенинг динингга кирмайман, улуғ илоҳимиз Ахурамаздага асло хиёнат қилмайман! Йўқол, шайтонвачча, бошимни айлантирма! Йўқол, йўқол!!...»

Му
қирт
қизин
бухор
шир
қайт
ларн
қўяқ
бухо
зулм
Эсси
Ахур
М
ғиз
рах
ҳис
М
жид
мат
лап
бол
хон
Ич
зит
ла
ла
тў
ди
қи
Ях
ҳ
де

Муҳаммад кўрқиб, ортига тисарилди. Аммо ис-
қириқ қариянинг оғзидан чиқаётган ғалати сўзларга
бухороликлар, келгинди Қутайбанинг олтинларига,
ширин сўзларига учиб, уч бора зардуштийликдан
қайтдинглар-а! Унинг алдовига илиниб, ота-бобо-
ларнинг минг йиллик динидан осонгина воз кечи-
б қўяқолдинглар-а! Ахурамазданинг қаҳрига учрагур
бухороликлар, хароб бўлдинглар-ку, Қутайбанинг
зулми остида иймонингиздан жудо бўлдинглар-а!
Эссиз, эссиз... Ўзинг сабр бер, эй буюк тангримиз
Ахурамазда!».

Муҳаммад важоҳати бузуқ, иркит қарияни ёл-
ғиз қолдирди. Боягина ўзини безовта қилиб турган
раҳм-шафқат туйғулари ўрнини энди афсус-ачиниш
ҳислари эгаллаб олди.

Муҳаммад дарсхонасига яқинлашар экан, мас-
жид остонасида бир нафас тўхтади. «Аллоҳим, раҳ-
матинг эшикларини оч» деб дуо қилди ва чорқирра
лаппак ғишт терилган кенггина ҳовлига кирди. Ёш
болага хос бўлмаган тавозеъ ва виқор ила масжид
хонақоҳига ёнбош қилиб қурилган хужра сари юрди.
Ичкари кириб, қий-чув ичра шўхлик бозорини қи-
зитаётган тенгдошларини кўрмаётгандай, шовқин-
ларини эшитмаётгандай бир четга чўккалади. Лаб-
лари тинмай пичирлар, кеча устози берган сабоқни
тўхтовсиз қайтариб, хотирасига муҳрларди: «Бу ҳа-
диси Абдуллоҳ ибн Зубайр Ҳумайдийдан ривоят
қилган, Ҳумайдий уни Суфёндан эшитган, Суфён эса
Яҳё ибн Саъид ал-Ансорийдан эшитган, Яҳё эса «Му-
ҳаммад ибн Иброҳим ат-Таймий менга хабар берди»
деган, Муҳаммад эса Алқама ибн Ваққос ал-Лай-

Бухорода гўё ҳеч нарса ўзгармагандай... Орадан йигирма йилча вақт ўтган эса-да, ҳамма нарса турган жойида қотиб қолгандай таассурот уйғотади одамда. Минораси кўкка ўрлаган масжидлардан янгираган азон товуши илгаригидай қушларни беҳос чўчитиб юборади, улар потирлаб шаҳд билан осмонга отилишади. Муғлар кўчасидан то Деҳқонлар кўчасига боргунча сертупроқ йўлларни чангитиб, аравакашларнинг «пўшт-пўшт»и билан от ёки эшак қўшилган катта-кичик аравалар ўтиб қолади. Ҳарқон бозори йўлидаги торгина кўчанинг икки четида турнақатор ошпазлар... Уларнинг қозон ва кўраларидан таралаётган хушбўй ҳидлар шундоқ ҳам очликдан беҳузур бўлиб турган иштаҳа ва нафсларни қаттиқ қийноққа солади. Одамларнинг бақир-чақири, болаларнинг қий-чуви, эшак ҳанграши, мисгар ва темирчилар дўконидан чиқаётган тарақ-туруқнинг ҳаммаси омухта қўшилиб, ажиб бир гувранишга айланади. Бозор кираверишида ерга ёнбошлаган Кулол девона одамларга охиратни эслатиб, ҳаммага ёд бўлиб кетган ўша машҳур байтини такрорлаб ўтирибди:

*Ўлим дунё ҳаётин қилди бир пул,
Умрингни ўткарма ғафлатда буткул.*

Девона байтини тамомлайдию лунжини шишириб нон чайнаганча ўтган-кетганга тиржайиб гап сотади: «Ҳой шалпангқулоқ, Бухорои шариф энангни чорбоғимиди, кўчада ялпайиб юрасан? Бор, йўқол! Амирнинг саройига бор, йўқса ювиндисидан куруқ қоласан!»

Кейин у бирдан имом Бухорийни таниб қолади. «Марҳабо, ҳазратим, шаҳримизга хуш келибдилар, қа-

ақли расо бўлиши, яна тақводорлиги ҳам зарур. Энг асосийси, у зобтли бўлиши лозим, яъни ўзи ривоят қилган ҳадисни мукаммал ёдлаб, маҳкам асраши, исталган вақтда аниқ-равшан, ўзгартирмай айтиб бериши, уни турли камчиликлардан сақлай олган бўлиши керак. Шунинг учун ҳадис устозини танлашда унинг одиллиги, зобти, яъни мукаммал ёд билиши, ривоятининг тозаллиги ва эътиқодининг соғломлиги эътиборга олинади.

Устози сўзини тугатиб, бир дам нафас ростлади. Хонтахта устидаги чойдан бир хўплаб, томоғини хўллади. Кейин ҳадислар тўпламининг хатчўп қўйилган жойини очдию, китобга бир қур кўз ташлаб, ровийлар санадини бирма-бир келтиришга ўтди:

– Суфён Зубайрнинг отасидан ривоят қилган, у эса Иброҳимдан...

Муҳаммад бирдан устозининг адашиб кетганини сезиб қолди. Дарров луқма ташлаш одобсизлик бўлмасмикин, дея бир оз тараддудланиб туриб қолди. Кейин шу дамдаги сукут илмга хиёнат бўлишини англади. Устозининг хатосини эслатишга журъатланиб:

– Зубайрнинг отаси Иброҳимдан ривоят қилмаган! – деб юборди. У овози баландлаб кетганидан хижолат чекиб, дув қизаринди. Устоз эса гапи бўлинганидан бироз малолланди, олдидаги китобини кўтариб келди-да, Муҳаммаднинг юзига тақади:

– Буни кўр-чи, китобда шундоқ ёзилган-ку! – деди.

Муҳаммад жаҳлини аранг жиловлаб турган устозининг гапидан ажабланмади, боягидай хотиржамлик билан:

– Агар сизда шу китобнинг асли бўлса, бир қараб кўринг, – деди.

– Устоз, бир вақтлар Роҳавайҳ ҳазратлари етмиш минг ҳадисни бир қарашда кўз олдиларига келтира олишларини сўзлаганларида, сиз у киши айтганидан ҳам кўпроғига қодирлигингизни сўзлаган экансиз?...

– Ҳа, бу гапда асос бўлган, жигарим. Ҳанда мен Маккадан янги қайтган, мўйлови энди сабза ура бошлаган ўспирин эдим. Биринчи қилган ишим устознинг мажлисларига бориб, у зотни зиёрат қилиш бўлди. Шунда бирга таҳсил олган дўстларимиздан бири шундай деб қолди: «Исҳоқ ибн Роҳавайҳдан эшитдимки, у киши «Мен ўз китобимдан бир қарашда етмиш минг ҳадисни кўз олдимга келтира оламан», дебдилар. Шунда ўша шеригимизга: «Шу гапдан ҳам таажжубга тушиб юрибсанми? Умид қиламанки, ҳозирги замонда бир пайтнинг ўзида икки юз минг ҳадисни кўз олдига келтира оладиган кишилар ҳам орамизда бор», дедим. Бу гапни устознинг билим ва ҳифзларини камситиш ёки ўзимнинг билимим билан мақтаниш учун айтмаган эдим. Бу билан аҳли илмларнинг Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларини ўрганишга бўлган рағбат-истаклари нечоғли кучли эканини исботлаб қўймоқни ўйлаган эдим.

– Эшитишимга қараганда, устоз сизнинг «Тарихи кабир» китобингиздан ўта мутаассир ва хушнуд бўлиб, уни ҳатто Бухоро амирига ҳам кўз-кўз қилган эканлар.

– Ўн саккиз ёшимда саҳобалар ва тобеъинлар ҳаёти, уларнинг сўзлари ҳақида бир китоб таълиф қилдим. «Тарихи кабир» деб номлаган бу китобимни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам масжидларининг равзасида, ойдин кечада ёзган эдим. Китобда келтирилган ҳар бир исмга тааллуқли бирор

Ҳозир Бухоронинг жин кўчаларидан шогирди ҳамроҳлигида хаёлларга ғарқ бўлганча борар экан, болалигида устози Муҳаммад ибн Салом Бойқандийнинг қилган насиҳати эсига тушиб қолди: «Агар Бухорои шарифга илм олиш ва ҳақиқий устозни топиш мақсадида борсанг, ихтилофли масалалар ва турли саволлар топиб, у жойдаги аҳли илм ва улуғ устозлар билан баҳс-мунозара қилишга шошилма! Улуғ имомлар ўртасидаги ихтилофли масалаларда музокарага ошиқма! Балки икки ой сабр қил, то бир устозни ўзингга танлаб, у ҳақда яхшилаб ўйлаб фикр юритгайсан. Устоз тўғрисида дарҳол хулоса чиқаришга шошилма! Агар Бухорои шарифга келиб, синамай бирон устоздан сабоқ олишни бошласанг, уни билмаганинг учун кейинроқ дарс ўтиш услуби сени қизиқтирмай кўйиши мумкин. Нагжидада ўша дарсга ҳам, илмга ҳам қизиқишинг қолмайди, ҳатто иштиёқ уйғонмайди ҳам. Бу иш эса ўша дарсни тарк этиш ва устоздан узилиш билан тугайди.

Мақсадинг ҳосил бўлиши учун яна бошқа устозни излайсан, унда ҳам дарс бошлаб, аввалги ишларингни такрорлайсан. Шунинг учун Аллоҳ илмингга барака бермайди. Илмда даражага эга бўлсанг ҳам, на ўзинг, на бошқага наф бера оласан. Бунинг замирида яна бир кўз илғамас сир бор. Тарк этган устозларнинг кўнглини ранжитиб кўясан. Зеро, бир ҳарф ўргатган устознинг розилигини олиш, қандай устоз бўлса-да, уни хурмат қилиш ва бу тўғрида ваъда қилинган лутфу иноятни топиш шогирднинг ҳаётий мазмунига айланган вазифаси бўлмоғи шарт. Шунинг учун ҳам бу ишда яхшилаб тафаккур қил!

машғул ҳолда беихтиёр дарсхонамиз эшиги олдига келиб қолсалар, устоз хурматидаан ўрнимдан туриб кетяпман», дедилар.

Бухорий Абу Жаъфарни хайратга солиб, Ибн Роҳавайҳнинг ажиб қилиқларидан шогирдига сўзлар экан, Маккадаги бир воқеа эсига тушиб, лабига табассум сочилди, кўзлари болаликдагидай шодон чақнади. Ўшанда у Маккаи мукаррамада илм толибларига ҳадис имло қилаётган эди. Дарс асносида умрага келган бир зийратчи Бухорои шарифдаги устозларидан саломнома келтириб қолди. Шунда у дарсхонадагиларни хайрон қолдириб, танаффус эълон қилди. Ҳамшаҳрини кучоқ очиб, мулозаматлар, зўр илтифот ва икромлар билан кутиб олди. Олиси юртдан мужда олиб келган зийратчини иззатлаб, олдига дастурхон солди, моҳазар тайёрлади. Сухбат асносида зийратчи Бухородаги устозларининг саломлари ёзилган мактубни у кишига топширди. Имом Бухорий уни олиш учун ўрнидан шахдам турди. Сўнг Бухоро томонга юзланди. Мактубни икки қўллаб олиб, «Ваалайкум ассалом!» хитоблари билан уни ўқишга тутинди. Унинг олис Бухородаги муаллимларига кўрсатган бу қадар олий ҳиммати илм толибларини қаттиқ хайратлантирди ва ҳаваслантирди.

– Биродарим Абу Жаъфар, Ибн Роҳавайҳ ҳазратлари маним учун ўта қадрли, иззатли бир инсон эдилар, Аллоҳ у зотни раҳмати ва афви билан чулғаб олсин! У зот сабабидан мен «Саҳиҳ» китобини тузмакка рағбатландим, у зотга боғлиқ воқеа туфайли Парвардигорининг лутфу инояти билан ушбу ишнинг уҳдасидан ҳам чиқа олдим.

да бир саҳобийни Яманга юборган эди. Ушанда Ато ундан мана шу ҳадисни эшитган». Бундай тўлиқ ва мукаммал жавобни эшитган Исҳоқ ибн Роҳавайх ҳайратини яшира олмади: «Эй Абу Абдуллоҳ, гўе сен ўша қавмининг ичида бўлгандек ҳикоя қиласан-а!».

Атоқли муҳаддислардан бири ҳам яқинда шунга ўхшаш бир воқеани сўзлаб берган эди: «Бир куни биз Исҳоқ ибн Роҳавайхнинг ҳузурнда ҳадис ёзаётган эдик. Амр ибн Зурора ҳам шу ерда эди. Абу Абдуллоҳ ҳаммамизга ҳадис имло қилиб ёздираётган эди. Бирдан устозимизнинг Абу Абдуллоҳга бўлган меҳри жўшиб кетди ва «Бу йигит мендан ҳам кўра фикр-мулоҳазалироқ», деди. Бу пайтда Бухорий ҳали ўспирин йигитча эди».

Ибн Абу Ҳотим Варроқ яхши биладики, замонасида ҳеч бир муҳаддис Имом Бухорийчалик кўп устоз кўрмади, у кишичалик кўп устоздан ҳадис тингламади. Болалиқда Муҳаммад ибн Салом Бойкандий, Муҳаммад ибн Юсуф Бухорий, шайх Абдулмалик Дохийий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Муснадий, Ҳорун ибн Ашъас каби таниқли муҳаддислардан таҳсил олган бўлса, кейинчалик Маккада – Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Зубайр Ҳумайдий, Абул Валид Аҳмад ибн Муҳаммад Азрақий, Абдуллоҳ ибн Язид Муқрий, Исмоил ибн Солим Соиф; Мадинада – Абдулазиз ибн Абдуллоҳ Увайсий, Мутарриф ибн Абдуллоҳ, Иброҳим ибн Ҳамза, Иброҳим ибн Мунзир Ҳизомий, Яҳё ибн Қазаъа; Басрада – Абу Осим Набил, Савфон ибн Исо, Бадал ибн Муҳаббар, Ҳарам ибн Ҳафс; Куфада – Абу Нуъайм Фазл ибн Дукайн, Толқ ибн Ғаном, Аҳмад ибн Яъқуб, Убайдуллоҳ ибн Мусо; Бағдодда – Аҳмад ибн Ханбал, Сурайж ибн Нуъмон, Муҳаммад ибн Собик, Муҳаммад ибн Исо

Илм олиш муҳим ва нозик масала бўлиши билан бирга, унга устоз танлаш ҳам ўта муҳим ва зарур масаладир. Кўп маслаҳат ва катталарнинг кўрсатмаларини олиб, мазкур шарт-шароитларнинг кўпини ўзида мужассамлаган бир устозни топ! То уни тарк этиш ва дарсларидан қолишга эҳтиёж сезмагин! Мана шунда таълимнинг баракотли ва хайрли бўлади. Илминг фойда берувчи ва ўзинг манфаатли илм соҳиби бўлиш учун устоз хузурида собит ва мустаҳкам турасан. Билгинки, ҳар бир ишда сабру чидам, қаноат ҳамда саботли каби юксак фазилат эгаси бўлиш, ўша ишни комил эгаллашда асл ва асос ҳисобланади. Афсуски, ушбу фазилат инсонларда кўпда топилмайдиган, кам учрайдиган ноёб хислатдир».

– Иним Абу Жаъфар, юмушингдан узиб, менга ҳамроҳлик қилишга чорлаганимни маъзур тутасан!

– Устоз, менимча, бу узрхоҳлик ортикча! Қай бир шоғирд устозининг ўтинчига қарши борган, қай бири ундан хизматини дариг тутган?

– Ҳақни сўзладинг, жигарим, устозларни эҳтиром қилиш киши иймонининг гўзаллигидандир. Ҳозир сен билан бирга устоди кулл Исҳоқ ибн Роҳавайх ҳазратларининг турбатларини зиёрат қилиш ниятидаман. У зот илм толибларига ўта меҳрибон, ғамхўр бўлиш баробарида ўзлари ҳам устозларининг хизматига ҳамиша чоғланган серҳиммат зот эдилар. Бир куни бизларга сабоқ бераётган эдилар. Дарс асносида гоҳо ўринларидан туриб кўяр эдилар. Бу нарса зийракона назаримиздан четда қолмади. Сабабини сўраган эдик, у зот камоли эҳтиром билан: «Меҳрибон устозимнинг ўғиллари кўчада болалар билан ўйнаб юрибдилар. Гоҳида ўйин билан

дай сўзлаб берган эди: «Абу Осим Набилнинг хонадонида бўлганимда уникида бир ўспирин йигитни кўриб қолдим. «Бу бола қаердан келган?» деб сўрадим. «Бухородан», дейишди. «У кимнинг ўғлони?» дедим. «Исмоилнинг ўғли», дейишди. Шунда унга: «Биласанми, сен менга қариндош бўласан», дедим. У «билмайман» дегандай охиста бошини чайқади. Болалиқданок машхурлик отини қамчилаётган қардошимни суйиб, бағримга босдим. Ўша ерда турган бир нотаниш киши менинг бу ҳолатимни кўриб: «Бу бола ҳали кучга тўлган кўчқорларни ҳам шохлаб ташлайди», деди. У боланинг келажаги ҳақида яхши гумон билан, ҳали у номдор устозлар билан бемалол беллаша олади, демокчи бўлди. Хонадон соҳиби, ҳадис илмида мартабаси улғу олимлардан Абу Осим Набил эса сизнинг кўнғирок сочларингизни меҳр билан силаркан, шундай кўшиб кўйган экан: «Муҳаддислардан Шўбанинг фазлу камолда, салохиятда нақадар улғу эканини яхши биласизлар. Бир куни шундай улғу олим ҳам сизни кўрсатиб, «Аллоҳга касамки, мен бунга ўхшашини сира кўрмаганман», дебди.

Абу Жъффар хозир ана шундай улғу олимни кўлтқлаганча кетиб борар экан, Аллоҳнинг буюк бир инъоми, лутфу инояти билан илмининг олий чўккисига кўтарила олган устозига ажиб бир меҳр ва ўзгача бир ҳавас ила бир қараб кўйди. Имом Бухорий шогирдининг қалбидан кечаётган соҳир ҳис-туйғуларни сезиб қолгандай, «Бари Аллоҳнинг тавфиқи, У Зот тавфик ва имкон ато қилмаса, мен ҳайвон бозорининг даллоллигига ҳам ярамаган бўлур эдим, бўтам», деб юборди.

Дохийлий китобнинг аслини қидириб, ён хужрага кириб кетди. Талабалар бу кўнгилсиз воқеанинг нима билан тугашини билолмай, турли тахминлар дарёсига шўнгидилар. Фақат Муҳаммад устози чиқиб, нима дейишини олдиндан билгандай бепарво ўтирарди. Хийла вақт ўтгач, хужра эшигидан Дохийлий кириб:

– Эй бола, аслида тўғриси қандай бўлишини билсанг, айтақол! – деди. Шунда Муҳаммад ўрнидан турди, думалоқ қоп-қора кўзларини устозига меҳр аралаш тикиб:

– Сиз келтирган Зубайр Адийнинг ўғлидир, Иброҳимдан ривоят қилган ҳам ана шу Зубайрнинг ўзидир, – деди.

Дохийлий кўлидаги қамиш қалам билан китобдаги ғалат жойни тузатди, кейин чуқур сўлиш олиб:

– Инсончилик-да, бандаси доим хатокор, сен ҳақсан! – деб кўйди.

Талабалар худди шу аснода илмга омонатдорликнинг икки буюк сабоғига гувоҳ бўлишди. Эндигина ўн бир ёшга кирган талаба Дохийлийдай машҳур муҳаддис олимнинг хатосини кўришга, бунининг юзига айта олишга журъат топди. Шундай улғ олим эса ҳали она сути оғзидан кетмаган талаба бола қаршисида хатосини тан олиб, узр сўрай олишдан орланмади.

қилган Умар ҳам «алам»ини унутиб, дўстлар билан яқинлашди. Уч шогирд Имомнинг ҳайратланарлиқ фазилатлари ҳақида басма-басига ҳайратланарлиқ тира бошлашди. Котиб кўп йиллардан буён Имомнинг ҳазратларининг хизматларида юргани буён Имомнинг кеаларни икки тенгдошга жўшиб сўзлашга тушди.

– Бир куни Ҳазратнинг нафақалари тугаб қолди. Кимдан пул сўрашга бошлари қотиб қолибди. Уйлай-уйлай олдинлари ҳам бир неча марта мартани борибдилар. У хижолатда қолибди, ҳозир олима бергани пули йўқлигини айтиб, узр олима бошқадан пул сўрашга ҳаддилари сиғмай, ноилоҳи ортга қайтибдилар. Ўшанда бир неча кун мобайнида ўт-ўлан еб, кун кўрган эканлар. Аммо буни кимга билдирмабдилар. Ҳатто биз – шогирдлар ҳам у кишининг ҳолларидан беҳабар қолганмиз. Кейин ўзларининг айтишларича, бир куни ҳадис ёзиб ўтирсалар, нотаниш бир киши хоналарига кириб келибди. У тушига марҳум отаси кириб, «Фалон жойда Аллоҳнинг Муҳаммад исмли бир бандаси қийналиб қолди, шунга ёрдамлашиб юбор!» деб айтган эмиш. У Ҳазратга бир ҳамён олтин узатиб, «Манавининг ўзингизга ишлатинг!» деб чиқиб кетибди.

Абдуллоҳ шеригининг ҳикояларини завқ билан эшитар экан, ўзи гувоҳ бўлган бир воқеа туйқус эсига тушиб қолди. Олдин «буни айтайми ёки сўзлаб беришга арзимайдими» деган истиҳолада бироз тўхталиб қолди. Кейин икковнинг эътиборини ўзига қаратди:

– Мен Муҳаммад ибн Исмоилнинг уйларида эдим. Икковимиз саҳиҳ ҳадисларни тартиблаётган эдик.

Кун ниҳоятда иссиқ бўлгани учун томоғимиз қуриб, тилларимиз сўзга айланмай қолди. Хизматимизни қилиб турувчи жорияга сув келтиришини тайинладим. У косодаги сувни хонтахта устига қўйиб чиқиб кетаётган эди, оёқ остидаги сиеҳни тўкиб юборди. «Бу қандай юриш?!» дедилар Ҳазрат хайрон бўлиб. Жориянинг жаҳли бурни учида турган эканми, «Йўл тор бўлса, қандай юрай?» деди. Мен қотиб қолдим. Устозга жория тугул, ҳатто шогирдлар ҳам гап қайтариш, эътироз билдиришга ботинмас эдик. Бизлар ким бўлибмиз, шаҳарнинг энг улуғ олимлари, аслзодалари, давлатмандлари ҳам Устознинг хузурларида ёш боладай довдираб қолишарди. Бир гал Фатх ибн Нуҳ Мадинада Алий ибн Мадинийнинг хузурларида бўлганида Муҳаммад ибн Исмоил унинг ўнг томонида ўтирганларини кўрган экан. У ҳар гал ҳадис айтаётганда «хато қилмадимми» дегандай ҳадис сираб, Бухорийга қараб-қараб қўяр экан. Жория эса ана шундай улуғ ва сервиқор олимга гап қайтаришга журъатланган эди. Мен бу кўнгилсиз ҳодисанинг нима билан тугашини қаттиқ хавотир билан кутар эдим. Ҳамма нарсани тахмин қилган эдим, аммо Устознинг жориянинг сурбетлигига бундай жавоб қилишлари хаёлимнинг кўчасига ҳам келмаган эди. «Бораверинг, сиз озодсиз», дедилар Имом. Жориянинг кўрқинч тўр солган юзи бирданига ёришиб кетди. «Ростданми?!» дегандай Устознинг юзларига илинж билан тикилди. У киши «Ҳа, ростдан озодсиз!» дедилар. Жория чиқиб кетди. Мен гапга аралашиб: «Жория ғазабингизни чиқаргани учун танбех ўрнига уни озод қилиб юбордингизми?» десам, «Ғазабимни босадиган ишни қилдим-да», дедилар.

ёки саҳиҳлигини, агар иллатли бўлса, иллатини билиш-билмаслигини аниқламоқчи бўлган. Бухорий эса ана шу лаҳзанинг ўзидаёқ ҳадиснинг муттасил санадини келтириб, унга тўлиқ айтиб берди. Айни шу мажлисда бошқа бир киши мажлиснинг кафофратини ҳақидаги ҳадисни ўзидаги санади билан ривоят қилиб берган эди, имом Муслим: «Дунёда бундан гўзал ҳадис йўқ», деб унинг санадини маътади. Шунда Бухорий унга: «Лекин у иллатли-дандеди. Муслим «Лаа илааха иллаллох», деб титраётди ва: «Уни менга айтиб беринг», деди. Бухорий: «Аллоҳ сатр қилган нарсани сатр қил. Бу машҳур ҳадис», деди. Муслим унинг пешонасидан ўпиб, йиғлаб юборгудек бўлиб, «Агар шундай бўлса, уни менга ёзиб беринг», деб илтимос қилди. Бухорий ҳадисни иллатсиз санад билан ривоят қилиб, аввалгисининг иллатини баён қилиб берди. Муслим бу санадни эшитгач, «Сизни фақат ҳасадчи одамгина ёмон кўриши мумкин. Гувоҳлик бераманки, дунёда сизга ўхшаши йўқ», деди.

Мана шундай тинимсиз, машаққатли меҳнат ва суннат йўлидаги фидойилик у зотни Имомуд-дунё мақомига кўтарди. Устози бор кучи, имкони, вақти ва эътиборини ҳадис жамлашга қаратган эди. Қалби, мияси, танаси, бошқа аъзолари кечаю кундуз шу машғулот билан банд эди. Овқатланиш, дам олиш, уйкукаби зарур нарсалар кўпинча унут бўлади. Фақат намазларгина у кишини севимли ишларидан уза олади.

ТАҚВО

«Олтмиш йилдан бери бу кўзларим
Муҳаммад ибн Исмоилдан кўра
фақихроқ, тақводорроқ ва дунёда
зоҳидроқ одамни кўрмади».
Солим ибн Мужоҳид

Аллоҳ таолонинг укубати ва азобларидан сақланиш учун Унинг буйруқларини бажариш, қайтарганларидан четланиш «тақво» дейилади. Тақво Аллоҳ таолодан кўрқиш, ҳаром ва шубҳали нарсалардан тийилишдир. Ўзига ўхшаган бандадан ёки табиат воқеа-ҳодисаларидан кўрқиш инсон ҳаётини издан чиқаради, эътиқоди ва иймонидан айиради. Аллоҳдан эмас, махлукдан кўрқиш инсоннинг шахсиятини бузади, хорлик ва шармандаликка солади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анхуга шундай деганлар: «Мендан кейин мен билан кўришишни, бирга бўлишни истасанг, Аллоҳдан кўрқувни кучайтир. Аллоҳдан кўрқув инсонни яхши амалларга йўллайди... Аллоҳдан кўрққанлар кўп нарсадан кўрқадилар, эҳтиёт бўладилар... Аллоҳдан бошқасидан кўрққанларни эса Аллоҳ ҳамма нарсадан кўрқитади...»

Имом Бухорий ҳадис ёзишлардан, дарс айтишлардан чарчаб, кўнгли бир оз ҳаловат излаб қолган кезлари ўзининг умр йўлларини хаёлан кўз олдига келтиради, ўтган йилларини сарҳисоб қилади. «Аллоҳ ато қилган ҳаётни бефойда ўтказмадимми, Ўзининг лутфу инояти билан эриштирган илмини зое

деб эълон қилдирарди.

Кейинчалик мусулмонлар кўпайгач, бу масжид кичиклик қилиб қолди ва Ҳорун ар-Рашид замонида Ҳуросон амири бўлган Фазл ибн Яҳё ибн Халид Бармакий ҳижрий бир юз эллик тўртинчи йили Бу-хоро халқи ёрдамида шаҳарнинг ҳисор ва шахристон¹⁹ ўртасида бир катта жомеъ тиклатди. Улуғ фотиҳ қурдирган ушбу масжид мана бир неча йилки, Имом Бухорийнинг толибларга ҳадис илмидан сабоқ берадиган дарсхонасига айланган.

Бухорийнинг ортида ниманингдир шарпаси эшитилди. У малолланиб, эринганнамо бошини яриб бурди. Ортида ўзининг ажралмас котиби ва шоғирди Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абу Ҳотим Варроқ хижолатпазликдан безовталаниб турарди. Имом унга қараб:

- Ҳа, Абу Жаъфар, менга бирор гапинг бормиди? - деб сўради.

- Устоз, ҳаловатингизни бузганим учун минг қарра узр айтаман. Кўпдан буён сиздан бир нарсани сўрамоқчи бўлиб юрган эдим. Ҳозир мавриди келди деб ўйлаб, сизни безовта қилишга журъатландим.

- Сўрайдиганинг нима экан, бўтам? - деди Имом мулойим оҳангда котибининг юзидаги хижолатпазлик тўрларини сидириб ташлаш учун.

- Эринмаган одам борки, ҳаммаси сизнинг зеҳнингизнинг ноёблиги ва хотирангизнинг ўткирлиги ҳақида гапирди. Юз минглаб ҳадисларни бор санади билан хотирга муҳрлаб олганингиз ҳам тилларда достон бўлиб кетган. Бизлар қанчалик ти-

¹⁹ «Шористон» ҳам дейилади, шаҳарнинг мудофаа девори билан ўралган асосий қисми.

ришмайлик, бир ҳадисни икки юз, уч юз марталаб қайтармайлик, орадан бироз вақт ўтиб айрим ўринлари хотирдан кўтарилиб қолаверади. Бунинг бир навожи, давоси борми? Нима қилсак, биз ҳам сизга ўхшаб кучли ҳифз ва зеҳн эгаси бўламиз?

Имом Бухорий оғзини очмай ёқимли жилмайди. Кейин котибининг саволига жавоб ўлароқ бошидан кечирган бир воқеани сўзлаб берди:

- Ёши улуғ бир киши биз билан раҳматли Дохийнинг дарсларига катнардим. Менга айтилган гап-хатти ҳадисларни ва ўша киши ҳақида айтилган гапларни унга етказиб турардим. Ўша киши бир куни менга: «Эй Абу Абдуллоҳ, Абу Жаддаги раисимиз учун «балозур» деган дори ичар экансиз», деди. Бир куни ўша раис билан ёлғиз қолганимда «Хотирани кучайтирадиган ўша дори бормикин ўзи?» деб сўрадим. У киши менга илмга чанқоқлик ва бардавом ёдлаш учун кишига илмга чанқоқлик ва бардавом тақдордан кўра фойдалироқ нарсани тасдиқладим.

Ҳақиқатан устози Имом Бухорийга Аллоҳ таоло деди. Мен ҳам унинг фикрини тасдиқладим. Ўткир заковат, кучли ҳофиза ва ҳар бир ишни пухта бажариш қобилиятини берди. Ушбу илоҳий неъматларнинг аломатлари у кишининг гўдаклик чоғлариданоқ кўзга ташлана бошлаганини котиб яхши билди. Ўн бир ёшли бола бўлатуриб, устози Дохийнинг хатосини тузатгани ҳам бунга энг яхши далил бўла олади. Яна бунга Бухорийнинг ўзи котибга сўзлаб берган болалигидаги бир воқеа ҳам мисол: ёш Муҳаммад ўшанда отасининг дарсхонасида Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафсдан Суфённинг «Жомеъ» кито-

– Ассалом, Аллоҳ назар қилган, Ўзининг Байти учун танлаган Уммул-қуро!¹⁴ Ассалом, охирги Пайгамбарнинг киндик қони тўкилган муборак шаҳар! Ассалом, Аллоҳ таолонинг илк ваҳийлари инган, Исраилоҳнинг шаҳар! Сенинг ҳар бир қарич еринг, ҳар бир тошинг, ҳар бир бута-дарахтинг барчамизга азиз ва суяриқ, кўзга сурарли, ардоқли! Сенинг бирор овлоқ гушанг, йўқки, ўша жойга охирзамон Пайгамбари, оламларга раҳмат ўлароқ юборилган Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак қадамлари тегмаган бўлсин! Сенинг да қанчалаб содиқ саҳобаларнинг, буюк фотиҳларнинг, атоқли олимларнинг, улуғ валий зотларнинг хоки сўнгги маконини топган. Сен дунёдаги барча мусулмонлар ҳамisha талпинадиган, сенда бўлишни, сени кўришни, сенда юришни орзу қиладиган шарафли шаҳарсан! Улуғ салафларимизнинг аксарияти Ҳижоз ерларига илк қадам қўйишганда сенинг тупроғингни ардоқлаб-эъзозлашар эди. Мен ҳам шу анъанага кўра сенинг заминингга муҳаббатимни, садоқатимни изҳор этяпман! Мени бағрингга ол, менга ватан бўл, ўзингда тўпланган илмлардан мени ҳам баҳралантир! Эй Аллоҳим, фазлинг билан менга раҳмат эшикларини очгин!

...Бир ой кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Она ва икки ўғил эҳромга кириб, аввал умра қилишди. Сўнг Муҳаммаднинг таълимини топширишга устоз дараклашга киришишди. Хуросондан бориб, Макканинг чекка бир мавзеъида туриб қолган Абдуллоҳ ибн Язид Муқрийни сўроқлаб топишди. Қадбаланд,

¹⁴ «Шаҳарлар онаси» дегани. Асосан Маккаи мукаррамага нисбатан ишлатилади.

қиррабурун, озғин танали, мулозаматни унча хушламайдиган мударрис бошда нотаниш ҳамюртларнинг илтимосига кўнмай, бироз тайсаллаб турди. Айниқса, аёл кишининг «ўғлининг таҳсили учун бу олис ва машаққатли сафарга чиққани» уни ишонқиратмай, кўнглида шубҳа-гумонлар пайдо қилган эди. Охири аёлнинг ҳавас қилгулик қатъияти, кўзларини одамга шавқ ва тавозеъ аралаш боқадиган боланинг ҳавасланарли жидду жаҳдига амин бўлгач, у Муҳаммадни олиб қолмасликка ортиқ баҳона топа олмай қолди. Шундан кейингина хотиржам бўлган учовлон янги устоздан бир ҳафтага ижозат олиб, ҳаж қилишга киришишди.

Яна қайта эҳромга киришди. Тилда «талбия» билан тўғри Байтуллоҳ сари юришди. Муҳаммад онасини етаклаб олганча унга ҳаж нусукларини эринмай тушунтириб боради. Аҳмад билагон укасининг ҳар бир сўзини ютоқиб, қизиқиб эшитади. Каъбани етти бор тавоф қилиб, Мақоми Иброҳимда икки ракат намоз ўқишгач, Муҳаммад онасининг толиққанини сезди. Оппоқ эҳромдаги беҳисоб зиёратчиларнинг туртиш ва шоширишларидан ихоталаб, уни четроққа бошлади. Шундоққина кум устида Каъбага қарата қурилган, томига хурмо шохлари босилган айвонга киришди. Бу ерда куёшнинг жон олғувчи иссиғидан бир оз нафас асраш учун кирган ҳожиларнинг кўплигидан оёқ қўйгани жой топилмайди. Баъзилар намоз ўқиётган, бошқалар тик туриб дуо қилаётган, айримлар шунчаки Каъбага тикилганча тафаккур қилаётган...

– Онажон, рўпарангиздаги мана бу тошдан бино қилинган чорқирра Каъба Аллоҳнинг Уйи

– Байтуллоҳдир! Инсоният тарихи унинг салкам уч минг йил аввал Аллоҳ таолонинг амрига кўра «пайғамбарлар отаси» Иброҳим алайҳиссалом кўра унинг ўғли Исмоилнинг бино қилганига гувоҳлик беради. Аллоҳнинг Байтини етти марта айланган шунчаки бир ҳаж аркони ёки рамзий маросим эмас. Инсонлар Байтуллоҳни тавоф қилиш орқали дунё ҳаётида билиб-билмай қилган гуноҳларини афв этишини сўраб, Аллоҳ азза ва жалла хузурига бош уриб келганларини, У Зотдан мағфират, раҳмат сўраш учун даргоҳида тавозеъ ва ҳоксорлик билан қилаётган ибодатлари, итоатларини изҳор этадилар. Шу боис Аллоҳга ибодат қилиш ниятида келган эркагу аёл, ҳукмдору фуқаро, оқу қора минглаб мусулмонлар уни айланиб, тавоф қилиб, Аллоҳга итоатлари ва бандаликларини изҳор қилишади. Каъба ва у жойлашган ушбу ҳудуд Аллоҳнинг Ҳарами, эҳтиромга сазовор ери, ҳар қандай ёмонлик, ҳаққа ҳар қандай тажовуз тақиқланган инсониятнинг маданият-маърифат ўчоғидир. Унинг марказидаги Каъбаи муаззама инсонлар учун қурилган илк ибодат масканидир. Ҳазрати Одам алайҳиссалом Момо Ҳаввони шу ерда топдилар, йўқотган жаннатларига шу ерда етишдилар. Бобокалонимиз ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом, у зотнинг завжалари Ҳожар ва ўғиллари Исмоил алайҳиссалом шу ерда Аллоҳ таолонинг оғир синовидан шараф билан ўтдилар. Охирзамон пайғамбари ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам инсониятга қаратилган сўнгги илоҳий хитобни шу ерда қабул қилиб олиб, уни ер юзига тарқатдилар.

Тавофни тугатгач, Сафо ва Марва сари юришди. Улар орасида етти мартадан саъй¹⁵ қилишди, ҳазрати Ҳожарнинг сув топгандаги қувончини юракдан хис этиб, тўйиб-тўйиб замзам сувидан ичишди. У ерда ҳам Муҳаммад онасига қилаётган ибодатларининг моҳият-мазмунини тушунтира бошлади:

– Муҳтарама онажоним, энди нега саъй қилаётганимиз ҳақида гапириб берай. Ҳожар кучоғидаги чақалоғи – ҳазрати Исмоил алайҳиссалом учун сув излаб, икки тепалик – Сафо ва Марва ўртасида бир неча бор югуриб бориб-келганлар. Саъй – қора танли жория бўлган Ҳожарнинг бутун инсониятга ибрат ўлароқ буюк таваккули, фидойилиги рамзи саналади. Аллоҳ таоло Ҳожарнинг ҳаракатларини хусни қабул этиб, то қиёматга қадар мўминларга шу амални ўрнатди, то қиёматга қадар мўминларга шу амални ўрнатди, то қиёматга қадар мўминларга шу амални ўрнатди. Ҳар бир хожи қалбида сақлаб юрган эзгу тилакларини айтиб, Каъбага юзланиб, Роббига дуолар қилади.

Фотима ўғлининг шу гапидан кейин шошиб кўларини дуога очди. Чин дилдан, ихлос билан, тўлқинланиб Парвардигорига илтижо қилди: «Эй пок Парвардигор, ҳукмда танҳо Аллоҳим! Сендан ўзга маъбуд йўқ, фақат Сен борсан! Ўғлимни Сенинг розилигингни истаб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларига хизмат қилиши учун ушбу мукаррам шаҳрингда қолдиришни ният қилдим. Сен барча ҳожатмандларнинг тилакларини рўёбга чиқарувчисан, менинг ҳам дуоларимни ижобат этиб, орзу-мақсадимга етказ! Ўғлимга илм талабида сабр, қатъият ва тавфиқ ато қил!»

¹⁵ Масжидул-Ҳаром ҳудудидаги Сафо ва Марва тоғчалари ўртасида шитоб билан ҳаракат қилиш «саъй» дейилади.

Кейин она ва икки ўғил бошқа ҳожиларга кўшилиб, пиёда Мино водийига қараб йўлга тушишди. Тумонот одам: оку қора, бою камбағал, аслзодани аъробий, эркагу хотин, ёшу қари – ҳамма Минога талпинади. Ўша ерда Арафотга чиқиш олдидаан бир муддат яшаб туришди.

Сўнг улар ҳам ҳожиларга кўшилиб, Арафотга жўнашди. Арафотда туриш – маҳшарнинг бу дунёдаги кичик бир кўринишида ҳозир бўлишдир. Ҳақиқатан ибодат ўрни сари талпинади. Ҳажнинг энг муҳим бир конларидан бирини бажариш, куннинг бир қисмида Арафотда туриш илинжи ҳаммани ўша ерга чорлайди. Юришга ярамайдиганлар улов ахтаришга тушди. Фотима савоби кўпроқ бўлишидан умидворлик ортидан, фарзандлар ўтинчига биноан пиёда жўнашга рози бўлди. Йўл-йўлакай Муҳаммад онасига ҳаж арконлари ҳақида яна тушунча бериб боради:

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ҳаж – Арафотдир» деганлар... Арафотга қадам босмаган, ҳеч йўқ бир неча лаҳза унда турмаган киши ҳаж қилмаган ҳукмидадир. Ҳажнинг энг муҳим фарзи бўлмиш Арафотдаги вақфада ҳар ким ўз ҳолатини чуқур мушоҳада қилади – қаерда турганини, қандай яшаб ўтганини, қалбининг аҳволини сарҳисоб этади. Арафот турли ирқ, мақом ва миллатдаги мўминларнинг Яратганга қуллик қиладиган масканидир. Саҳиҳ ривоятларда келишича, Арафотда турган ҳожи дуоим мустажоб бўлдимикин, деган шубҳага борса ҳам гуноҳкор бўлади, яъни бу ерда дуоларнинг ижобат бўлишига ҳатто шубҳа қилиш ҳам мумкин эмас. Ҳижратнинг ўнинчи йили Пайғамбари-

миз Муҳаммад алайҳиссалом ҳаж қилиб, Арафотда дунёнинг тўрт томонидан келган бир юз йигирма минг ҳожи ҳузурда оламшумул Вадо хутбаларини қилганлар. Арафотда Қуръони каримнинг нозил бўлиши ниҳоясига етган. Ўшанда яҳудийлар Умар розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига келиб, «Сизлар бир оятни ўқийсизлар, агар ўша оят бизга нозил бўлганида, буни байрам қилиб олган бўлур эдик», дейишди. «Мен ўша оятнинг қачон, қаерда, қандай нозил бўлганини биламан. Аллоҳга қасамки, бу арафа кунини бўлиб, биз ҳам Арафотда эдик», деганлар ҳазрати Умар. – Бу «Бугун динингизни мукамал қилдим, неъматларимни бенуқсон, тўлиқ қилиб бердим ва сизларга Ислом динини танладим» деган ояти¹⁶ карима эди.

Фотиманинг бу табаррук жойларда Аллоҳга ибодат қилаётганидан кўнгли сурурга, қалби гурурга тўла эди. У атрофидаги эҳром кийимига чулганган минглаб турфа одамларнинг талбия билан қадам ташлашларини кўриб, ҳаяжонга тушади, қалбини тушуниб бўлмас бир таскин ва фахр қамрайди. Арафот маърифатга, Муздалифа шуурга эришиш жойлари бўлгани учун у ҳар бир хатти-ҳаракатининг ўғли тавсиялари асосида бўлишига интилди.

Кейин Арафот ва Муздалифада иймони зиёдалашиб, қалби ойнадек мусаффо бўлиб қолган ҳожилар Минода шайтонга қарши зўр бир мужодала бошлашди. Ўғли Муҳаммаднинг айтишича, бандани Аллоҳга ибодат қилишдан чалғитадиган ҳар бир нарса шайтондир. Шайтонни тошбўрон қилиш ёмонликлар, ноҳақликлар, зулм ва зўрликни инкор қилиб,

¹⁶ Моида сураси, 3-оят.

нинг бунда ҳеч бир афзаллиги йўқ. Аллоҳ мени шу
фу иноятдан! Мен бир ожиз бандаман, холос. Айт-
ганингдек, бу иқтидорим ёшлиқданок аён бўлган
ибн Али Фаллоснинг шериклари менга бир хадисни
айтишди. «Буни билмайман», дедим. Улар жавобим-
дан хурсанд бўлиб, буни Амр ибн Алига етказишди.
Шунда Амр: «Агар Муҳаммад ибн Исмоил билмаган
бўлса, сизларнинг зикр қилганингиз хадис эмас.
Чунки ҳақиқий хадис бўлганида у киши албатта
билган бўлур эдилар», деган». Яна бир иш бўлган:
ёшлик чоғимда Марв фуқаҳоларининг дарсларига
қатнаша бошладим. Дарсга келиб, уларга салом бе-
ришга уялар эдим. Бир куни марвлик тарбиячилар
дан бири: «Бугун қанча ёздинг?» деб қолди. «Икки
донагина», дедим хижолат ичида. Йиғиндагилар
«хо-хо»лаб кулиб юборишди. Улар ичидаги кекса
бир киши «Кулманглар, бир кун келиб у сизларнинг
устингиздан кулмасин», деди.

Котиб Бухорийнинг ўткир зеҳни ва ёдлагани-
ни мустаҳкам сақловчи қалби билан бошқа бирор
киши эриша олмаган насибасини тўла олиб зафарга
эришмагунча; ёд олган ҳадислари ҳар бир бобнинг
эришмагунча; ёд олган ҳадислари ҳар бир бобнинг
ўзида минглаб санокқа етмагунча; ривоятларининг
миқдори эшитувчида ҳайрат ва даҳшат кўзгайди-
ган даражага етмагунча бир дам ҳам хаёлини хадис
жамлашдан бошқа томонга бурмаганини, ҳаракат ва
жидду жаҳдини тўхтатмаганини ҳам яхши эслайди.

У зот хадис тадқиқи учун бутун умрини бағишла-
ди. Гулнинг ширасини излаб, ҳар куни нечалаб ча-
қирим йўлни учиб ўтадиган ҳормас-толмас асалари

каби Бухорий ҳам хадис ахтариб, қанча ўлкаларга
риҳлат қилмади. Қанчалаб устозларнинг хузури-
га ошиқиб, уларнинг илм мажлисига талпинмади.
Битта хадисни ёзиб олиш учун Хуросондан Хижоз-
га ёки Мадинадан Басрага сафар қилди. Нима топса,
тахоратли ҳолда дарров қоғозга тушириб, авайлаб
олиб кўярди. Шу давр мобайнида бирор хадис «чаш-
ма»сига кўзи тушса, ундан «сипқормай» қолмади.
Олти юз минг хадисни ёд олган бўлса, улардан фа-
кат саҳихларини²¹ ажратиб олиб, китобларига ки-
ритди. Ғайри саҳихларидан, озгина «иллати» бор
хадислардан воз кечди. Ғайри саҳихларини ҳам ёд
олганининг сабаби шуки, ўз китобларида улардан
сақланиш ва бошқаларни ҳам бу хадислардан огоҳ-
лантириш эди. Ҳатто китоб чўзилиб кетмасин деб у
баъзи саҳихларини ҳам тарк этди.

Ҳадисларнинг иллатини аниқлашда имом Бухо-
рийнинг олдида тушадиган олим кам топиларди.
Абу Ҳомид Аъмаш айтади: «Бир куни Найсобурда
Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг хузурида ўтир-
ган эдик. Муслим ибн Ҳажжож келиб, Убайдуллоҳ
ибн Умар Абу Зубайрдан, у Жобирдан ривоят қил-
ган «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни
бир сарийяда юбордилар. Абу Убайда ҳам биз би-
лан эди...» деган хадис ҳақида сўради. Муслим уни
муаллақ ҳолда зикр қилиб, тобеъин Убайдуллоҳ ибн
Умардан олдинги ровийларни тушириб қолдирган
эди. Бу билан у имом Бухорийни синамоқчи бўлган,
бу хадисни билиш-билмаслигини, билса, унда бу ҳа-
диснинг санади бор-йўқлигини, агар бўлса, иллатли

²¹ Ишончли, санадида ҳеч бир иллати бўлмаган хадислар.

Бир куни бошқа бир устози Муҳаммад ибн Саломнинг хузурига кирганида у киши Бухорийни талабаларга кўрсатиб, «Бокира қизни шу йигитдан ҳам ҳаёлироқ деб ўйлайсизларми?» деган эди.

Мана бу сўзлар эса атоқли олим, Имом Бухорийнинг устози Аҳмад ибн Исҳоқ Сурморийга тегишли. «Ким фақиҳга ҳақиқат ва тўғрисиўз билан қарашни истаса, у Муҳаммад ибн Исмоилга назар солсин».

Ўзининг ва замондошларидан Муслим, Насой ва Термизийларнинг устози бўлмиш Али ибн Хашраи эса бундай фикр билдирди: «Хуросон уч олимни камол топтирди, Имом Бухорий улар ичра энг зуккоси, ҳадис илмининг энг билимдони ва ўта фақиҳидир. Мен унга ўхшаган бошқа одамни билмайман».

Муҳаммад ибн Юсуф Ҳамадонийнинг шундай гапи бор: «Бир куни Қутайба ибн Саййид Сақафийникида эдик. Шунда Абу Яъқуб исмли ҳамма ёгини тук босган бир киши келиб қолди. Қутайба ундан Муҳаммад ибн Исмоил ҳақида сўраб қолди. Шунда у: «Эй аҳли жамоат, мен ҳадис билан танишман, фикрли одамларни кўп кўрдим, фақиҳлар, зухҳоду тақводорлар мажлисида кўп бўлганман, аммо Муҳаммад ибн Исмоилга ўхшашини кўрмаганман», деди». Ҳамадоний яна бундай деган: «Қутайбадан маст кишининг талоғи ҳақида сўрашганида тасодифан Муҳаммад ибн Исмоил келиб қолди. Шунда Қутайба савол берган одамга қараб: «Аҳмад ибн Ҳанбал, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ ва Али ибн Мадинийни биргаликда Аллоҳ хузурингга келтирди» дея Имом Бухорийга ишора қилди».

Имом бугун шуни комил ишонч билан айта оладики, умри давомида асло бировнинг ҳаққига тажоз

юз қилмади. Халқумини ҳаром уёқда турсин, ҳатто шубҳали нарсалардан ҳам пок тутди. Шуларни ўйлай туриб бир воқеа эсига тушиб қолди. Унинг шаҳар ташқарисида бир парчагина ери бўлганди. Ҳар йили Ижарачи гоҳида Бухорийга полизидан чиққан бодрингдан бир-иккита олиб келади. Чунки Имом бодрингни жуда яхши кўради, уни ҳатто тарвуз-қовундан ҳам устун кўяди. Ижарага берилган ердан олинган ҳосилдан текинга емаслик учун эса Имом ўша деҳқонга ҳар йили юз дирҳам ҳадя қилиб келди.

Имом Бухорий Фирабрда дарс бераётганида Бухоро ташқарисида садақай жория сифатида бир работ²² бино қилишга киришди. Унинг работ кура бошлаганини эшитган бухороликлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ёрдамга ошиқишди. Имомнинг ўзи ҳам бир неча кун қурилишда ишлаб, ғишт ташиди, чуқур кавлади. Унинг бу ишини кўрганлар «Сиз кўяверинг, бошқалар ишлашяпти-ку!» деб қайтармоқчи бўлишганида «Бунинг бизга фойдаси бор», деганча замбилни кўтариб кетди.

Қурилиш бошланганида юзга яқин одам ёрдамга келди. Буни кутмаган Имом ҳашарчилар учун қорамол сўйдириб, таом тайёрлатди, Фирабрдан нон олдириб келди. Ўзи эса сузилган таомни ҳашарчиларга ташиди, уларни дастурхонга тинмай таклиф қилиб турди.

Ҳаёлларига фарқ бўлган Имомнинг эсига ўтмишдаги яна бир воқеа тушди. Ўшанда ўзи билмаган ҳолда бир айб иш қилиб қўйиб, то уни бартараф қилмагунча кўнгли жойига тушмай роса қийналди.

²² Карвонсарой.

ди? Оқшомлари гариблардай ёлғиз қолганида ким у билан суҳбат қуриб, кўнглини кўтаради? Бирор нарсадан сиқилганида ким дардини эштади, нотинч кўнглига тасалли беради? Бошига бирор мусибат риндоши ёки ишонган одами бўлмаса?!»

Фотимабининг бутун ишонгани ёлғиз Аллоҳ шундагина кўнгли тинч, хоотири жам бўлади. Бандани-кўстини берувчи ҳам, ризқию таъминотини қилувчи ҳам ёлғиз Унинг Ўзидир! Фақат шу ишонч, шу имкон бева аёлнинг қалбига озгина иликлик, бир чимдим ёруғлик солиб турибди.

Ярим тунда аёл таҳажжуд намозини ўқишга киради. Намозни тугатгач, Каъба сари юзланиб, узок вақт Аллоҳга илтижо билан дуо қилди: «Эй Аллоҳим, кўзимнинг оқу қаросини, дилимнинг малҳами ва яросини Ўзингга топшириб кетаётирман. Уни ёмон кўзлардан, аччиқ сўзлардан, бало-офатлардан, туйқус кулфатлардан, қуруқ тухматлардан, оғир захматлардан Ўзинг асрагин! Ўзингнинг ҳақ йўлингда, Ўзингнинг розилигинг деб истиқоматда бўлишга муяссар айлагин! Жаҳолатдан айро қилиб, ҳидоятга ошно қилгин! Марҳум завжамнинг васиятлари рўёбга чиқишида фарзандимга сабр-тоқат, тавфик ва сабот ато этгин!»

Эртаси тонг оқармай туриб она-бола сўзсиз, кўзда ёш билан хайрлашишди. Фотимабиби йиғлаб юбормаслик учун ортига ўгирилиб ҳам қарамай, икки ўрқачли туяга сафар анжомларини юклаш билан машғул Аҳмаднинг олдига кетди. Туяга етай деганда

бошини ҳам қилганича ортидан эргашиб келаётган Муҳаммадга деди: «Отангизнинг васиятини бажариб, катта муҳаддис олим бўлишда Аллоҳнинг Ўзи сизга ёрдамчи бўлсин! Агар шу ишнинг уҳдасидан чиқса олсангиз, берган оқ сутимга розиман, ўғлим! Энди кўришамизми-йўқми, билолмадим. Утинчларим, насиҳатларим эсингиздан чиқмаса бўлди! Хайр, болажоним, кўзимнинг нури, қалбимнинг сурури! Бухорода эсон-омон кўришгунча!»

Она ва ака ортидан маҳзун термилиб қолган Муҳаммад шу топда онасини охирги марта кўриб турганини ўйлаб ҳам кўрмаётган эди. Ичидан отилиб-портлаб чиққан қайноқ дил сўзлари зум ўтмай бутун вужуди бўйлаб ўрмалай бошлади: «Онажоним, тун вужуди бўйлаб ўрмалай бошлади: «Онажоним, меҳрибоним, халоскорим! Дунёдаги ҳеч бир она сиз каби бўлолмайди, сиздан ўзиб кетолмайди. Матонатда, жасоратда, қаноатда, назокатда, муҳаббатда ҳеч бир она сиз билан бўйлаша олмайди. Эсимни танганимдан буён сиз менинг илм олишим, камолга етишим, икки дунё саодатини қўлга киритишим ҳақида ўйладингиз! Борингизни шунга бахшида қилдингиз! Жамоатнинг савобини топсин деб эрта тонгда мени ёши улуг намозхонларга қўшиб, мас-тонгда юборган ҳам сизсиз! Падари бузрукворга берган аҳдингизни бажариш учун мени илмга йўллаган, бу йўлда ҳар қанча машаққат ва қийноқларга сабр билан дош берган ҳам сизсиз! Қайси она ўн олти ёшли фарзандини илм ўргансин деб, Ҳижоздай олис юртга бошлаб келиб, бағрига бир муштлаганча шу бегона шаҳарга ташлаб кета олади? Қайси она узок йиллик айрилиқларнинг сўнгсиз азобларига фиринг демай, зорланмай, шикоятлар қилмай чи-

қилмадимми, падари бузрукворнинг васиятларига мувофиқ Пайгамбар алайҳиссаломнинг суннатларини тарғиб қилиш ишида собитлик кўрсата олмадимми?» каби саволлар билан ўзини тергайди.

Имом Бухорий бугун ҳам тунги таҳажжуд намозидан фориг бўлгач, кўзларини юмган кўйи ўзини ҳисоб қилишга тушди: «Сен мана олтмиш ёшга яқинлашиб қолибсан. Аллоҳ берган ҳаётингда бунини қилиш асосига қурдингми? Унинг розилигини топши учун нималар қила олдинг? Ўзингга ажратилган қийматларни Унинг динига хизмат қилишга бағишлайдилми? Ўзинг танлаган ҳадис илмига содиқ бўладилми?»

У риё ва сумъадан кўрқиб, ибодатини, тақвосини, дин йўлидаги хизматини одамлардан пинҳон қилишга уринади. Аммо шунга қарамай, Имом Бухорийнинг Аллоҳ таолога бўлган тақвоси, иймонини, ботину зоҳирдан яққол кўришиб туради. Ибодатда бутун қалби, ҳар бир аъзоси билан хушбӯйи Қуръони карим билан муттасил алоқада. Ҳар йили Рамазон ойининг биринчи кечасида унинг хузуруда, ихлосда Аллоҳнинг Ўзига юзланади. Ҳар гуна оятдан кўшиб ўқиб, хатм қилади. Сахар пайтида эса Қуръоннинг учдан бирини ўқиб, учинчи кечанинг сахаридида хатм қилади.

У болалигидан жорий қилган одатига кўра жуда озуқасиз бўлади. Уйқудан ташқари пайтларда эса атрофдагилар у кишини ё устозлардан ҳадис эшитаётган ёхуд ёзиб олаётган, ё ўзи шогирдларга ҳадис айтаётган, ё ёлғиз ўтириб, қўлда қалам билан жамлаган ҳадисла-

рининг нодир жойларини қайд этиб ўтирган ҳолда кўради. У кишининг ҳар бир куни илм олувчи, таълим берувчи ва китоб таълиф қилувчи мақомида ўтади.

Имом Бухорий отасидан катта мол-дунё мерос қолганига, юриб турган тижорати борлигига қарамай, ҳаётда ўзини кўп нарсадан қантариб-тийиб яшади. Кийинишда ҳам исрофдан қўрқди, бир сиртқиликни кийим билан кифояланди. Кийимлари «Мен қизиқ бир воқеага шохид бўлганман, – деган эди Умар ибн Ҳафс. – Биз Абу Абдуллоҳ билан бирга Басрада ҳадис ёзардик. Иттифоқо, у зотни бир неча кун йўқотиб қўйдик. Кейин у кишини кийимлари соб бўлиб, кийимсиз қолган ҳолда бир хилват уйдан топдик. Бисотларидаги бор нарсалари тугаган экан. Ўртада пул йиғиб, у кишини кийинтирдик».

Бухорий шогирди Ибн Абу Ҳотимга ушбу гап-нарсани сотганим ҳам, харид қилганим ҳам йўқ. Шогирд ажабланиб, «Ахир Аллоҳ таоло тижоратни ҳалол қилган-ку!» дейди. Хитобига жавобан устозидан: «Олди-сотдидан ҳайқаман. Унда каму кўп бўлиши, баъзида моллар аралашиб кетиши мумкин. Агар мен ҳам шу ишларга киришсам, бошқаларга ўхшаб қилишдан кўрқаман» деган гапни эшитади. «Сафарларингизда олди-сотди ишларингизни ким қилиб беради?» деб сўрайди. Шунда у киши «Аллоҳ таоло бир кифоячини юборар эди», деб жавоб беради.

Муҳаммад ибн Исмоил таомни ҳам жуда оз ейди. Баъзи вақтларда кунига икки ёки уч дона ёнғоқ ёки бир кафт майиз еган пайтлари ҳам бўлади. Бир сафар бемор бўлганида пешобни табибларга кўрсатишди.

дамларига ҳасанотлар!» деб машҳур ҳамшаҳрига илтифот кўрсатган бўлади. Аммо бирдан девонанинг кулгуга мойил лаблари қимтилади, кўзлари аллақандай ёввойиларча чақнайди. Бошини сарак-сарак қилганча Имомга ачингансимон ғалати қараш қилади. Ортидан «Ҳой Исмоилнинг боласи, сени Аллоҳнинг Ўзига топширдим. Ўзи паноҳига олмаса, менинг кўлимдан нима ҳам келарди!» қабилида сирли бир гап қилади.

Муҳаммад ибн Исмоил ҳар сафар Бухорога келганида энг олдин устозлар зиёратига ошиқади. Марҳумларининг ҳақларида дуода бўлиб, Аллоҳдан раҳмат-мағфират тилайди. Сўнг бозорга бирров бош суқади. Ҳамроҳлик қилаётган шогирдига Бухоронинг машҳур обинонидан бир нечасини харид қилишни буюради. Уларни бир газ-бир газдан йиртилган оқ сурпга иккитадан қилиб ўратади. Нон орасига бир улушдан ҳалво, парварда, майиз, туршак солиб чиқади. Кейин бу тугунларни шогирд елкасидаги хуржунга жойлаб, устозларнинг ҳузурига йўл олади.

Унинг бу ўзгармас одатига таажжуб кўрсатганларга Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг ушбу сўзларини келтиради: «Менга бир дона ҳарф ўргатган кишининг қулиман. Хоҳласа сотсин, хоҳласа кулликдан озод қилсин, хоҳласа кул қилиб ишлатсин». Ҳақиқатан ақли расо инсон учун бундай эҳтиром қилинишга энг ҳақдор ва лойиқ зот муаллим, устоздир. Киши иймонининг белгиси шубҳасиз, устоз ҳурматига ва дуои хайрига сазовор бўлишдир.

Имом Бухорий бу одатини сира канда қилмади. Устозларидан икром, эҳтиром, муҳаббатини асло дариф тутмади. Бундай иззат-ардоқ кейинчалик шогирдларидан унга бир неча баробар бўлиб қайтди ҳам.

дайди? Бунга фақат сиз қодирсиз, чунки Аллоҳ аниқ ва жалла фақат сизга аёлликнинг буюк сабр-матанатини ато қилган».

Онаси ва акасини армон билан кузатган Муҳаммад учун келажак нималарни ҳозирлаб турганини маҳкам қимтиганча кетаётган волида учун ҳам мавҳум ва мубҳам эди. Орадан йигирма йилларча ўтгач, ота-она орзусини рўёбга чиқариб, ҳамма тани олган атоқли муҳаддис сифатида Бухорога кириб борган Муҳаммад онасининг ўғил фироқида ёнаёна, соғинч азобларига қона-қона фоний дунёни тарк этганини эшитади. Эшитадию, дийдор қиёматга қолганини англагач, сассиз нолалари кўкка шиддат билан ўрлади, қалбидан сизиб чиққан фарёдлари вужудини тамоман ўради.

ФАЗИЛАТ

«Ўзининг илмдаги фикрлари ва заковати жиҳатидан Муҳаммад ибн Исмоил Аллоҳнинг мўъжизаларидан бири эди».
Абу Тоййиб Ҳотим ибн Мансур

Узоқ куттирган кўклам бирданига кириб келиб қолди. Ариқлар бўйидаги беҳол майсалар, чучмома-лар жамолларини кўз-кўз қилиб, кўзларни қувната бошлади. Борлиқ бўй етган қизлардагина учрайдиган ажиб бир тароват билан безанди. Баданни жунжиктирувчи нохуш аёз ўз ўрнини танага мойдай ёқувчи баҳорий насимларга бўшатиб берди. Қиши билан зериккан кўнгиллар бошвоғидан бўшатилган бузоқчадай хурлик, сурур, сафо истаб қолди. Дарсхонанинг аксар пайт хувиллаб турувчи кенг гиштин ховлисида таҳсилдан толиққан талабалар гурунги ҳам хийла жонланди...

Устозлари Муҳаммад ибн Исмоил ҳадис талабида Басрага рихлат қилиб кетганлари сабабли илм толиблари бироз эркинроқ бўлиб қолишди. Устоз йўқлигида улар дарсхонанинг қуёш кам мўралайдиган хужраларида аввалгидай субҳдан шомгача мук тушиб, ҳадис ёдлашмайди. Баҳс-мунозаралар ҳам хийла камайди. Толиблар кўпроқ вақтларини эскириб-тўзиган кийимларини ямаш-бутлаш, вақт етишмаслиги туфайли мутолааси ортга сурилаётган китобларини ўқиб олиш, машғулотлар пайти чалғимаслик учун икки-уч ойга етадиган озуқа-емакларини ғамлаб қўйиш каби машғулотлар билан ўтказишади.

Учовлон фақат устозгагина хос бўлган яна беш қанча хислатлари ҳақида оғизлари тўлиб, диллари ри жўшиб сўзлашдилар. Уларнинг бу хикояларидан бериш, улардан хайратланиш туйғуларига таъининг у зотга тенглаша олмасликларидан ўзларини хислари ҳам омухта бўлиб кетаётган эди.

Гап навбатини илиб кетган Умар дўсти Муҳаммад ибн Мансурдан эшитган бир воқеани шерикларига тўлқинланиб сўзлай кетди:

- Муҳаммад ибн Мансурнинг дадаси Бухорийнинг масжиддаги илмий халқаларида ўтирган экан. Мажлисдагилардан бири соқолини силкиб, устозга илашиб қолган бир нарсани масжидга ташлабди. Устоз буни пайқаб қолибдилар. Дарс тугаб, устоз тарқала бошлаганда Бухорий бояги киши ташлаган нарсани аста олиб, енглари ичига яширибдилар. Бу билан бояги киши ўз соқолига муносиб кўрмаган кири Аллоҳнинг байтига муносиб кўрмаганларини исботлабдилар. Ҳақиқатан биз, миннатдор шегирдларнинг устоз ҳақларида бунчалар фахрларини сўзлашимиз бежизга эмас. У зот ҳар бир ишда, ўз надинан, бунга муваффақ ҳам бўлган, макоримуллоқда бизларга ўриак, ибрат бўлувчи инсондирлар.

- Ҳақ гапни айтдинг, эй Умар, Аллоҳ сени ҳамини ша ҳақ сўйлайдиганлардан қилсин! - деди Ибн Абу Хотим дўстига хайрихоҳлик билан боқаркан. - Ҳар ратнинг ўзларидан эшитганманки, у киши бир кун Абу Маъшар куняли кўзи ожиз бир кишидан «Мен кечиринг, эй Абу Маъшар!» деб уэр сўрай бошлабдилар. «Нима учун сизни кечирим керак бўлиб қилди?»

ди?» деб хайрон бўлиб сўрабди Абу Маъшар. «Бир кунни ҳадис ривоят қилаётганингизда сизга қараб турган эдим. Ушанда сиз ўзингизга ўзингиз қойил қолгандек бошингиз ва қўлларингизни ғалати ҳаракатлантириб қўяр эдингиз. Шу қилигингизни кўриб, ўзимча табассум қилган эдим. Устингиздан кулриб, ўзимча қолмайин, деб узрхонлик қияпман». Бу гапни эшитган Абу Маъшар шартта ўридан туриб кетибди. Пайпаслаб бориб Имомни маҳкам бағрига босганча: «Ҳай, хай, минг бора кечирдим, Аллоҳ сизга раҳматини ёғдирсин, эй Абу Абдуллоҳ, шунга узр сўраб юрибсизми?» дебди.

- Эй Муҳаммад қарздор воқеасини Умарга айтиб беринг, менимча, у буни эшитмаган бўлса керак? - деди Абдуллоҳ кўп нарсдан воқифликда Умардан устунлигини билдириб қўймоқчи бўлиб.

- Ҳа, бунда ҳам Устоз ҳавас қилгулик ахлоқларини намоён қилган эдилар, - деди Ибн Абу Хотим ва кула-кула ўша ҳангомани эҳтимом билан сўзлашга киришди: - Бухорий ҳазратларидан катта миқдордаги пулни қарзга олиб, қочиб юрган бир қарздор бор эди. Биз ўшанда Устоз билан Фирабрда эдик. Бир кун бояги қарздорнинг Омул шахрига келганини эшитиб қолдик. У кишига: «Омулга бориб, қарздорингизнинг молидан ҳақингизни ундириб олсангиз, яхши бўларди», дедик. У зот «Уни таъкиб қилишнинг нима кераги бор?» дедилар. Бўлган гапларни қарздор эшитиб қолиб, Омулдан Хоразмга қараб қочибди. «Омулнинг волийи Абу Салама Кушонийга айтсангиз, у Хоразмга хат ёзиб, пулингизни ундириб бериш чорасини кўрган бўларди», дедик Устозга. Шунда у киши шундай жавоб қилдилар:

Бухорийнинг хос шогирди, у зотга котиблик ладиган ва кейинчалик «Саҳиҳ»нинг ровийлари бирига айланган Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абу Латиб очиб, ташқарига чиқди. Чарақлаб турган нурларидан кўзи қамашиб, ёшланган турган ерга тикканича бир дам туриб қолди. Кейин ҳеч ким йўқлигини кўргач, хужрага қайтиб кирган суйган машғулотини давом эттиришга чоғланди.

Аммо шу пайт рўпарадаги хужра эшиги кўрилади. Ундан Умар ибн Ҳафс Ашқар билан Абдуллоҳ ибн Муҳаммад кулки ва шовқин билан бир-бирини қувганча отилиб чиқишди. Талабалар устознинг хос котибини кўриб қолиб, таққа тўхтади. Юзларидаги кулки ҳам булутли кечадаги ойга тез ғойиб бўлди. Ибн Абу Ҳотим ўзларидан бир неча еш катта бўлгани, бунинг устига ҳаммиша устоз ёнида юргани учун унинг ҳайбати босди.

- Нима гап йигитлар, тинчликми? Кулки боис недир?

- Абдуллоҳга лутф қилган эдим, муносиб жавоб топа олмай мени дўппослашга тушди. Бу золимнинг дастидан қочиб, ташқарига отилдим, - деди Умар. Ибн Абу Ҳотимга яқинлашар экан. Кейин «бопладимми!» дегандай ошнасига сирли жилмайиш билан қараб қўйди.

- Илм талабидаги одамга нонушта учун нон ва сув кифоя-ку, десам, мени қурумсоқликда айблаб, «Қоруннинг ўғай невараси» деб атади. Бу гапидан ранжиб-хижилланиб, шунчаки бир туртмоқчи бўлган эдим, у ёлғондакам дод сола бошлади. Оғзини юммоқчи эдим, қўлимни тишлаб олди. «Кўрққан

олдин мушт кўтарар» дегандай, қилар ишни қилиб, қийқириқ билан ташқарига қочди. Ахир, Имомул Бухорийдай зотнинг шогирдлари маишатбозликка ружуъ қўйса, бошқалардан нимани кутиш мумкин? - деди Абдуллоҳ сал қизишганнамо.

- Тўғри, - деди Ибн Абу Ҳотим икки тенгдошнинг ҳазилига қўшилиб. Кейин қоринини ушлаб кулаётган Умарга қараб: - Уни ҳасисликда айблашинг ножоиз. Сабаби, устозимизнинг ўзлари ҳам зуҳд ва риёзатда беназирлар. Шогирдларни ҳам ҳаммиша шунга чақирдилар, - деди.

- Бу борада устозга тенг келиш қийин, - деди Абдуллоҳ ним ҳаяжон аралаш. - Қанийди, бизлар ҳам у зотнинг бир тукларига ўхшасак! Ҳазратимиз жисман нозик, жуссада озгин бўлсалар ҳам нафсларини бир маромда ушлаганлар. Таомни жуда кам истеъмол қиладиган тамкинли инсонлар. У кишининг зуҳди-қаноати ва тақвоси ҳаммамизга ибрат бўларли. У зотнинг ҳалқаларига қўшилганимдан буён гувоҳманки, устоз ноннинг ўзи билангина кифояланиб, турли хуштаъм егуликлар, нонхурушлардан тийилганлар. Ҳаётларида кўп касалга чалинсалар ҳам умрларининг қирқ йили мобайнида нонга бирор хуруш қўшмаганлар, деб эшитганман. Охирги бетобликларида табиблар, шайхлар ва илм аҳллари кўп илтимос қилишавергач, нонга бироз ширинлик қўшиб ейдиган бўлган эканлар.

Ибн Абу Ҳотим Абдуллоҳнинг гапларини маъқуллагандай «шундай, шундай» деб бош силқир, ўзи ҳам нималарнидир эслагандай пешонасини тез-тез ишқаб қўяр эди. Шу пайт устознинг гўзал феъл-атворлари ҳақида ширин суҳбат бошланганини ҳис

ли муҳаддислардан Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон Сабъий марқандий: «Мен Ҳарамайн, Ҳижоз, Шом ва Ироқда кўп уламоларни кўрганман. Аммо улар ичидан Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийдек жамловчисини кўрганим йўқ», деди. Абу Алий Солиҳ ибн Муҳаммад Асадийдан энг кучли муҳаддислар ҳақида сўралганда: «Уларнинг ичида ҳадисни энг яхши биладигани Муҳаммад ибн Исмоилдир. Мен ундан кўра фахри зўрроқ хуросонликни кўрмадим», деб жавоб берди. Иброҳим Ҳаввос айтади: «Абу Зуръанинг Муҳаммад ибн Исмоилнинг олдида худди ёш болага ўхшаб ўтириб, ҳадиснинг иллати ҳақида сўраётганини кўрганман». Абу Исо Термизий айтади: «Ироқда ҳам Хуросонда ҳам иллатлар маъноси, тарих ва иснодларни билишда Муҳаммад ибн Исмоилдек бирор кишини кўрмадим». Имом Нававий айтади: «Билки Бухорийнинг олий мақоми, бу илмда ўз тенгдошларини ва ўхшашларидан пешқадам эканига ўтгану қолган замондаги барча иттифоқ қилади. Унинг фазилатларини кўпчилиги унинг кўзга кўринган шайхларини ва машҳур шерикларидир. Унинг фазилатларини санашнинг имкони йўқ. Чунки улар санаш чегарасидан ташқарида ва бир неча турларга тақсимланган: ибодат, зоҳидлик, парҳезкорлик, тадқиқ, пухталиқ, маърифат, ҳолатлар, кароматлар ва бошқалар». Абу Бакр Калвазоний айтади: «Муҳаммад ибн Исмоилга ўхшаганини кўрмаганман. Чунки у киши кўлига китоб олиб, бир қараб чиқишнинг ўзидаёқ ундаги ҳадисларни бошидан охиригача тўла ёдлаб улгурар эдилар». Бундай мисолларни жуда кўп келтириш

мумкин. Ибн Абу Ҳотим устозига боғлиқ ушбу воқеани ҳам яхши эслайди: икки юз қирқ еттинчи йил эди. Муҳаммад ибн Идрис Розий ўз шерикларига: «Хурондан кўра хофизаси кучлироқ одам чиқмаган ва Ироққа ундан кўра илмлироқ одам келмаган», деди. Ушандан бир неча ой ўтиб, Басрага Муҳаммад ибн Исмоил кириб келди.

Котиб ҳозир устозини саволлар билан толиқтириб қўймадиммикин, деган хавотирда у кишининг юзига тикилди. Аммо илм деган жойда ҳар қандай ҳаловат ва оромдан воз кеча оладиган Имомнинг нурли, порлоқ юзида чарчоқ эмас, шавку завқни кўриб, яна сўрашга тушди:

- Устоз, ҳадис ёдлашни қачондан бошлагансиз? - Ҳадисларни ёд олишга мен куттобда²⁰ ўқиб юрган кезларимдаёқ илҳомланган эрдим. Ўшанда ўн ёшда, балки бундан ҳам кичикроқ ёшда эрдим. Менда мен иснодини билмайдиган ҳадис йўқ. Менда тарихдаги ҳар бир исмининг қиссаси бор. Агар менга «хоҳлаган ишинг билан машғул бўл» дейишса, биргина «Намоз» бобидан ўзига хос ўн мингта ҳадис ривоят қилмагунимча ўрнимдан жилмас эдим. Илгарилари қанча ҳадис ёзиб-ёдлаганимни ҳисоблаб юрардим. Кечалари ухлаш олдидан ёзиб жамлаган ҳадисларимни кўз олдимга келтириб санаб чиқсам, уларнинг саноғи икки юз минглар атрофида чиқар эди.

- Ёшлигингизданок зехн ва иқтидорда бошқалардан анча устун бўлган экансиз-да, устоз?

- Булар Аллоҳ ато қилган неъматлардир, фақир-

²⁰ Бошланғич мактабда.

Шунда улар: «Бу баъзи насоро роҳибларининг пешани бига ўхшайди. Улар одатда таом ейишмайди», дейишганида, Имом Бухорий «Тўғри айтишибди», деб уларнинг гапини маъқуллади. Аммо ўзи яна ноихурушга ширинлик қўшишдан бош тортди. Охири саломатлиги ҳаддан ортиқ ёмонлашиб, сира иложи қолмаганидагина нонига бироз хуруш қўшадиган бўлди.

Бир пайтлар у бир уйни ижарага олди. У ўша уйда анча вақт истиқоматда бўлди. У ердан кетар чоғида шундай деди: «Мен бу масканнинг бирор девори ё ерига таҳорат синдирганим йўқ». «Нима учун?» деб сўрашганида, «Чунки бу уй бошқа бировники», деб жавоб қилди.

Атрофидаги айрим нопок, инсофсиз ва илми чала олимларнинг адовати, такаббурлиги, бахиллиги ва ҳасадгўйлиги барча улуғ зотлар каби Имом Бухорийни ҳам бир умр таъқиб этди, унга тинимсиз озор етказди. У киши ҳам кўп марта ҳасадгўйларнинг ҳийласига, душманларнинг нафратига дучор бўлди. Риёсат ва мансабни севиш дардига чалинган бу нодонлар ўзларини илмда ягона санаб, шуҳратларига гўё Имом Бухорий соя солаётгандай у кишидан дупман ясаб олишди. Ҳамиша унга хусумат ва нафрат қилишди. Бухорийни тинмай ҳукмдорларга ёмонлаб, шаънини булғашга уринишди. Илмининг заволаўзининг ўлим топишини иташди. Ҳар хил имтиҳонлар баҳонасида уни шарманда қилишни хоҳлашди.

Аммо олим буларнинг барига тақвони, зухдни, ихлосни қарши қўйди, муҳолифларидан ўч олишни ўйламади, ёмонлик қилганга яхшилик билан жавоб қайтарди. Нопок олимчаларнинг зидди ўлароқ, Имом Бухорийнинг иқтидори, олий салоҳияти, илм-

га фидойилигини тан олган инсофли, диёнатли, холис фикрли чин олимлар ҳам бор эди. Улар наздида илму маърифатда Имомга тенг келадиган инсонни ҳали дунё кўрмади, у зотга ўхшаши ҳали туғилмади.

Ҳозирги дилгир ва маҳзун кайфиятини бироз ёзиш учун ҳаёти давомида мулоқотда бўлган ўнлаб олимларнинг ўзи ҳақида айтишган гапларини бир-ма-бир хотирлай бошлади. Уларнинг мақтов, тан олиш ва ҳавас бобидаги муболаға даражасига кўтарилган дил сўзлари Имомнинг фахрланишига, керишлишига, ҳавосининг кўтарилишига сабаб бўла олмасди. Чунки у буларнинг барини ўзига Аллоҳ азза ва жалла ато қилганини, тавфиқ берганини, тўғри йўлга йўллаганини чин дилдан ҳис қилади. Аллоҳ таолонинг ўзига ҳавола қилади.

Унинг хотираси ҳадисларнинг ўзи билангина банд эмас эди. У ўзи учрашган, суҳбат қурган, ҳадис тинглаб-ҳадис айтишган жуда кўп олимларнинг насихатларини, шаънига билдирган сўзларини жуда яхши эслаб қолди. Ҳозир шуларни ҳаёлига келтирар экан, ҳаётини бесамар яшамаганига, илм олиш, уни тарқатишда Қуръон ва Суннатнинг талабларига оғишмай амал қилганига ишончи ортди:

Устозларидан бири Мусаддаднинг бир куни Бухорийга меҳр-муҳаббати жўшиб кетиб: «Эй Хуросон аҳли, бошқа бировни Муҳаммад ибн Исмоилдан устун қўйманглар!» деб юборган экан.

Абу Аммор Хусайн ибн Хурайснинг: «Мен унинг тенгини билмайман. Гўё у фақат ҳадис учунгина яратилгандек» деган сўзларини унга етказиб келишганди.

«Агар уларга далолат қилдирсам, улар ҳам мендан хат ёзиб берганлари учун нимадир тамаъ қилишмайди. Мен эса дунёим учун динимни сотишни истамайман», дедилар.

Хуллас, анчагача ўша пулни ундира олмадик. Хатто узотнинг рухсатисиз бўлган воқеани султонга ҳам айтдик. У Хоразмнинг волийига бир хат ёзиб берди. Бу ишимиздан хабар топган Бухорий биздан қаттиқ хафа бўлиб: «Сизлар менга ўзимдан ҳам раҳмдиллик қилманглар», деб танбеҳ бердилар. Бундан ҳам қаниқмай, Хоразмдаги баъзи дўстларига шундай маъмурда хат ёзиб юбордилар: «Волийнинг атрофидагиларга айтиб қўйинглар, қарздоримни безовта қилишмасин». Қарздор бўлса Хоразмдан Марвга қараб йўлга чиқибди. Шунда тожирлар маслаҳатлашиб, воқеа хусусида султонга хабар қилишибди. Султон эса унга нисбатан қаттиқ туриб, пулни ундириб бериш ҳақида фармон берди.

Ишнинг бунчалик жиддий тус олиб кетганини билган Абу Абдуллоҳ бости-бости қилмоқчи бўлдилар. Қарздорни чақиртириб, бошига келаётган хавфдан огоҳлантирдилар ва у билан ҳар йили ўн дирҳамдан қарзни узишга келишиб олдилар. Ваҳоланки, қарзга олинган молнинг миқдори йигирма беш минг дирҳамли эди. Лекин барибир ўша пулларида бир дирҳамини ҳам қайтариб ололмадилар. Ҳолбуки, қарздор у даражада ночор ҳам эмасди, қарзини узишга етарли моли ҳам бор эди. Агар одамлар унинг қарзни қайтаришга қодирлигини билишмаганида Бухорийни қистамаган ҳам бўлишарди. Ноинсоф қарздор эса мол-дунёни ўта яхши кўрганидан шунча пулни бергиси келмай юраверди.

Агар у ночор бўлсаю Имом Бухорийнинг олдиларига келиб, қарз муддатини кечиктиришни сўраганида, феъли кенг, сахий қалб ва раҳмдил инсон бўлган Имом унинг узрини албатта қабул қилган ёки пулдан батамом кечиб юборган ҳам бўлардилар. Аммо у бундай қилмади, шаҳарма-шаҳар қочиб юриб, ўзини қийнаб қўйди. Одамлар гоҳида Ҳазратнинг бу ишини сусткашликка ва исрофгарчиликка йўйишган бўлса-да, аслида бу иш у кишининг табиатларидаги доимий фазилатнинг асари эди. У зот бирор нарсага ниҳоят қилсалар, уни албатта амалга оширар эдилар. Дунёнинг ҳар қанча молу матоҳи у кишининг ниятларини ўзгартира олмас эди. Мол-дунёга учиб, лафзларидан асло қайтмас эдилар.

ЗЕҲНИЯТ

«Ҳадис ёдлашда Муҳаммад ибн Исмоилга тенг келадиганини кўрмадим. Чунки у киши китобни кўлига олиб, бир қаранг чиқишининг ўзидаёқ ундаги ҳадисларни бошидан охиригача ёдлаб улгурар эди»
Абу Бакр Калвазоний

Куз бутун оламни тилло рангга буркаб юборди. Дарахтларнинг барглари, дала-қирлардаги ўт-ўлан сариқ тусга кирди. Ёз бўйи «кутурган» кувеш фасли ўзгарганини сезгандай хийла юввош тортиб фасл Ариқларнинг суви тиниклашди. Ҳавода одамларнинг гашига тегиб мезон уча бошлади. Қушлар одамларнинг мода чарх урганча ризқ ахтариш билан овора. Одамлар эса дала-боғлардаги ҳосилни тезроқ йиғиб олиш ташвишларидан бўшай олмай шошгандан-шошган.

Бомдоддан сўнг бошланган машғулотлар тугаб, Имом Бухорий муҳташам жомеъ масжидининг ёзлик айвонида хаёл сурганча турибди. Ҳалқасига қатнай-диган муҳаддисларга яқинда жавоб бериб юборди. Уч-тўрт нафар хос шогирди кенг хонақоҳ ичида усинтизор кутиб ўтиришибди.

Олим куз ҳавосидан тўйиб-тўйиб симиради, атрофидаги гўзал манзарани энди кўраётгандай ажабсиниб кузатади. Қалбида тушуниб бўлмас туйғулар мавжланиб, ширин энтиктиради. Соқолини тутамлаганича нималарнингдир хаёлини суради. «Дарс бериш билан машғул бўлиб, ҳатто фасллар-

нинг қачон ва қандай алмашаётганини ҳам сезмай қоламан. Илмга шу қадар боғланиб қолибманки, ҳатто атрофимда кечаётган воқеалар, табиатдаги ўзгаришлар ҳам назаримдан четда қолибди».

Имом Бухорий қиёфа-келбатда кўпроқ онасига тортган. Ўрта бўй, ориқ ва ихчам тана, бугдойранг-га мойил, қора, жингалак сочлари энди мош-гурунч бўлган. Аксари бойкандликлар каби бодомқовоқ Сийракмўй эса-да соқол-мўйлаби гўштсиз юзига ярашган. Ҳаракатлари секинакроқ, кам кулганидан юзида деярли ажин кўринмайди. Хулласи, шогирдлари ва муҳиблари наздида «аҳсани тақвим»¹⁸лардан.

Аммо йиллар унга ўз ҳукмини хийла ўтказиб қўйди. Узок вақт букчайиб ўтириб ишлаш қаддини ҳам бироз буккан. Кўп йиллик риёзат ва зоҳидлик сиҳатига ҳам анчагина путур етказган эса-да, гайрат-шижоати ўша-ўша! У масжиднинг ўймакор, нақшлари бўртма устунларини сийпалаб кўраркан, йиллар ўзини қаритганидай, бу муҳташам масжидни ҳам анча уринтирганини сезди.

Улуғ Ислом фотиҳи Қутайба ибн Муслим ҳижрий тўқсон тўртинчи йили, яъни Бухорий таваллуд топишидан роппа-роса бир аср муқаддам Бухоро хисорининг ичида бир жомеъ қурдирди. У Бухоро аҳолисига ҳар жумада шу ерда тўпланишни буюрди. Чунки аввал оташпарастлик эътиқодида бўлган бухороликларнинг бир қисми Ислом билан шарафланган, аммо кўплар ҳалиям ота-боболарининг эски динидан воз кеча олмай юришган эди. Шунинг учун Қутайба ҳар ҳафта жарчи қўйиб, «Жума намозига ҳозир бўлган ҳар бир кишига икки дирҳам бераман»

¹⁸ Чиройли яратилган.

разолат ва қабихликлар ўчоғини яксон қилишдан Минода шайтонларнинг рамзини тошбўрон қилиш Одам ва Иброҳим алайҳимассаломнинг суннатларига эргашишдир. Бу амал иймонга қарши курашган ёвуз кучларга қарши адоват изҳор қилиш ва улардан ғолиб келишнинг тимсолидир.

Ҳаж маносиклари тугагач, она ва икки ўғил Мадина зиёратига йўл олишди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳижратларидан олдин Ясриб деб аталган бу мунаввар шаҳар ўз номига муносиб нурли, нурафшон, фазилатли шаҳардир. Бу ер Ислом нури-ни бутун оламга ёйган Набий алайҳиссаломнинг шаҳридир. Бу муқаддас заминнинг ҳар бир қариш-тупроғи инсониятга Ислом зиёсини етказган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, асқоби-киромнинг оёқларига пояндоз бўлган. Расулulloҳ алайҳиссалом Ислом рисолатини поёнига етказиб, ўз умматларига топширмақ учун туғилиб-ўсган ватанларини тарк этиб, бу ерда ҳижрат қилганлар. Илк Ислом давлатини шу ерда қурганлар, ваҳий нузулининг бир қисмини шу ерда қабул қилганлар. Ислом даъвати якунига етгач, ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом шу ерда Рафиқул аълога интиқол¹⁷ қилганлар ва шу ерда дафн этилганлар. Шу тариқа Мадина Аллоҳнинг энг суюкли бандасини, Бани башарнинг энг афзалини ўз бағрида сақлаш шарафига ноил бўлган...

Она ва бола ана шу табаррук шаҳарнинг гавжум ва файзиёб кўчаларини кезишар экан, шуурларида икки хил туйғу ҳоким эди: она бир неча кундан сўнг

¹⁷ Энг олий Дўстнинг ҳузурига кўчганлар, Аллоҳга етишганлар.

ўғли Муҳаммадни Ҳижоз ерларига илм таҳсили учун ташлаб кетаётганини ўйлаб, кўнглида ҳам гашлик, ҳам мамнулик шиддатли олишув бошлаганидан безовта эрса, Муҳаммад Пайғамбар алайҳиссаломнинг шаҳрида таҳсил олиш, ҳадис ёзиш ва китоблар таълиф қилиш имкони бўй кўрсатаётганидан ҳам масрур, ҳам мағрур эди...

Қанчалик тотли ва оромбахш бўлмасин, ҳар бир ширин дамнинг ўз интиҳоси бор. Қанчалик азобли ва қайғули бўлмасин, ҳар бир мусибатнинг ўз ниҳояси бор. Онаизор эртага ўғли Аҳмад ҳамроҳлигида олис Бухоро сари йўлга чиқишини ўйлаб, бир томондан яқинлари билан бўлажак учрашув неъматидан севинса, иккинчи томондан юрагининг бир парчасини бу ерда ёлғиз ташлаб кетаётганидан қаттиқ азобда, жисми қийноқда. Эрининг васиятини бажариб, жонидан ҳам ортиқ кўрган суюкли кенжасини Пайғамбар алайҳиссаломнинг набавий мадрасалари устозларидан таҳсил олиш учун қолдираётгани эзилган руҳига улкан тасалли бўлиб туюлса-да, оналаргагина хос буюк шафқат ва меҳр исёни аёлни узоқ йиллик фироққа дош бера олмаслиги билан кўрқувга солади.

Фотима туни билан кўз юммади. Ўғли билан ажралиш дамлари яқинлашиб келаётганидан юраги хапқирди, юрагини нималардир тимдалаб ўтди. «Эрталаб у юртига жўнаб кетади. Жондан азиз жигарбандини, фарзанди аржумандини Маккада ёлғиз қолдириб, ўзи Бухорои шариф сари йўлга тушади. Бу ерда суюкли ўғлининг оби-таомидан кимлар хабар олади, чарчаб-толиққанида ким ўрин тўшаб беради? Кийимларини ким ювиб, ким ямаб-бутлай-

бини тинглар эди. Абу Ҳафс бир ҳарфда хато қилган эди, бола унинг хатосини айтди. Иккинчи марта хато қилган эди, яна айтди. Учинчи марта хато қилган эди, яна ундан қайтарди. Абу Ҳафс Муҳаммаднинг танимас экан шекилли, бир муддат сукут сақлаб турди-да:

– Бу бола ким ўзи? – деди.

– Ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Бардизба, – деди йишди.

– Бунинг айтгани тўғри экан. Эслаб қолинглар! Бу бир куни албатта катта олим бўлади, – деди Абу Ҳафс.

Ибн Абу Ҳотим устоз ҳикояларини қизиқиб-эйтикиб тинглар экан, яна савол беришдан ўзини тия олмади:

– Айрим муҳаддисларнинг ҳам хатоларини тўғрилаган экансиз...

– Гоҳида шундай ҳам бўлган. Бир куни ҳофиз Абу Ражо Қутайба Бағлонийдан Ибн Уяйнанинг ривоят қилган ҳадисларини тахриж қилиб беришларини сўрадим. Қутайба шундай деб қолди: «Шу китобнинг ёзганимдан бери ҳеч кимга кўрсатмаганман. Эй Абу Абдуллоҳ, вақт топганингизда шуни бир кўриб берсангиз, хатоларини менга билдирсангиз! Бўлмас, бу китобни бошқа ҳеч кимга ривоят қилмайман. Бундаги ҳадисларни ёзиб олганимда, эҳтимол, баъзи хатолар бўлгандир?! Чунки ўша ерда катта жамоат бор эди. Одамлар ўзларининг ёзган китобларини менга олиб келиб кўрсатишар эди. Бир-бирларидан хатоларини тузатиб олишарди. Мен эса қандай ёзган бўлсам, шундайича қолдирганман». Унинг бу гапидан хурсанд бўлиб, «Тўғри йўл тутгансиз», дедим. Шундан кейин ҳар куни бомдод намозидан

сўнг Қутайбанинг ҳузурларига кириб, дарслари бошлангунга қадар китобни кўздан кечириб, хатоларини белгилаб кўрсатиб турдим. Бир куни Абу Ражонинг ёзган бир ҳадисларини рад қилдим. Шунда Абу Ражо: «Эй Абу Абдуллоҳ, бу ҳадисни мендан бутун Бағдод аҳли шундайлигича ёзиб олган. Аллоҳ малардан Яҳё ибн Маъин ва Аҳмад ибн Ҳанбаллар буни маъқуллашган. Энди бу ҳадисни ўзгартира олмайман», деб қолди. Мен у кишига: «Илмда пешқадам бўлганингиз учун улар сиздан ёзишган. Мен эса ушбу ҳадисни бир неча кишидан худди сизга айтганидек ривоят қилганман. Уни Яҳё ибн Букайр, Ибн Абу Марям ва Лайснинг котибларидан ёзиб олганман», дедим. Шунда Абу Ражо сўзларининг нотўғрилигини сезиб қолдилар. Фикрларидан қайтиб, менинг гапимни маъқулладилар. Худди шундай иш устозим Муҳаммад ибн Салом билан ҳам юз берган. Бир куни у киши менга: «Китобларимни кўриб чиқиб, хатоларини белгилаб бер, токи кейин уларни ривоят қилмай», деди. Айтганларини қилиб бердим. Шундан кейин Муҳаммад ибн Салом мен «яхши», деган ҳадисни «Йигит рози бўлди» деб, заиф ҳадисларни «Йигит рози бўлмади» деб белгилаб қўйган экан. Баъзи шериклари: «Ўша йигит ким?» деб сўрашганида, у: «У Муҳаммад ибн Исмоилдир, сира мисли йўқ киши», деб жавоб берар экан.

Котиб ўз устози Имом Бухорийнинг ҳадисларни қуруқ ёд олиш билангина эмас, балки уларни яхши билиши билан ҳам ном чиқаргани, шуҳрат қозонганини яхши билади. Бухорийнинг ўзи бир сафар: «Мен юз мингта саҳиҳ ва икки юз мингта саҳиҳ бўлмаган ҳадисни ёддан биламан», деганди. Атоқ-

Таббобъ; Шомда – Муҳаммад ибн Юсуф Фирёбий, Абу Наср Исҳоқ ибн Иброҳим, Ҳаёт ибн Шурайх, Одам ибн Абу Йёс, Ҳакам ибн Нофёъ; Мисрда – Аҳмад ибн Шабиб, Усмон ибн Солих, Асбағ ибн Фараж, Саъид ибн Абу Марям; Балхда – Маккий ибн Иброҳим, Яҳё ибн Бишр Зоҳид, Муҳаммад ибн Абон, Кутайба ибн Саъид, Ҳасан ибн Шужоъ; Марвда – Али ибн Ҳасан ибн Шакик, Муҳаммад ибн Муқотил, Абдон ибн Усмон; Найсобурда⁹ – Ибн Роҳавайх, яъни Исҳоқ ибн Иброҳим Ханзаллий, Муҳаммад ибн Яҳё Зухлӣй, Яҳё ибн Яҳё Тамимий, Аҳмад ибн Ҳафс, Бишр ибн Ҳакам; Райда – Иброҳим ибн Мусо; Хиротда Аҳмад ибн Абдуллоҳ Ҳанафий каби атоқли муҳаддислардан ҳадис эшитди.

Имом Бухорийнинг машҳур «Саҳих» китобида келтирилган ҳадисларни олган шайхлари беш табақадан иборатдир – Биринчи табақа: Имом Бухорий билан ҳадисни ривоят қилувчи тобеъин орасида фақат битта ровий бор, холос. Улардан бири Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ансорийдир. Имом Бухорий у орқали Хумайддан, у Анасдан ривоят қилган. Маккий ибн Иброҳим ва Абу Осим Набайл ҳам биринчи табақага кирадилар. Имом Бухорий улар орқали Язийд ибн Абу Убайддан, у Салама ибн Акваъдан ривоят қилган. Улардан яна бири Убайдulloҳ ибн Мусодир. Имом Бухорий у орқали Маъруфдан, у эса Абу Туфайл ва Алӣйдан ривоят қилган. Юқорида зикри келганларга ўхшаганлар биринчи табақадан хисобланади. Имом Бухорий Молик, Саврий, Шуъба ва бошқалардан ҳадис олган, улар эса ўз табақаларидан олишган.

⁹ Араб манбаларида Найсобур деб аталадиган бу шаҳарни хурросонликлар Нишопур дейишади. Бу ердан дунёга машҳур кўтлаб Исом олимлари етишиб чиққан.

Абу Жаъфар ўз хаёлларига тамоман фарқ бўлган устозини чалғитиш учун унга савол беришга ўтди:

– Исҳоқ ибн Роҳавайҳдан ташқари сизга яна қай бир устознинг хизмати кўпроқ синган?

– Устозларимнинг адади минглардан ошган, аммо бир-икки ҳадис ёзиб олганларим бу рўйхатга кирмайди, – деди шогирдига кўзларини қисиб, салимийят билан боқар экан. – Энди улардан қай бири хақида сентга сўзлаб берай, жигарим? Ҳаммалари ҳам фақирнинг камоли ва таълими хақида ҳоллари га яраша жон кўйдиришган. Қалб кўрини, кўз нури ни сарфлашган. Улардан Исмоил ибн Абу Увайснинг хизматларини айникса бир умр унутмагайдирман. У киши улғимиз Имом Моликнинг жияни, хос шогирдларидан эди. Мен жуда кўп саҳих ҳадисларни унинг китобларидан танлаб олардим. У кишининг ўзи ҳам айнаи мен кўчирган ҳадисларни ўзига алоҳида нусха қилиб кўчиртирар, ғурур ва фахр билан «Манави ҳадисларни Муҳаммад ибн Исмоил мен тўплаган ҳадислар ичидан танлаб олибди», деб ҳаммага гапириб юрарди. У бир куни менга «Китобларимдан фойдаланавер, мен нима нарсага эга бўлсам, ҳаммаси сеники! Токи ҳаёт эканман, умрим бўйи сендан миннатдорман», деди.

Бир куни ёш муҳаддислар тўпланиб, ҳадис илмида билимларимизни ошириш мақсадида Ибн Абу Увайсининг сабоқ беришини сўраб, унга мурожаат қилишга келишдик. У кишини бунга кўндиришни мenden илтимос қилишди. Чунки Ибн Абу Увайс шогирдлари ичида менга кўпроқ ишонар, менга муҳаббатни ўзгача эди. Ушангача менинг бирор таклифим ёки ўтинчимни ерда қолдирмаган эди. Дўстларимнинг истагини

дарҳол амалга оширишга киришдим. Ибн Абу Увайс илм толибларига дарс беришни бошлаб юбордилар. Машғулотлардан кейин у киши менинг шарофатимни, яъни воситачилигимни такдирлашни истадди. Жориясини чакириб, унга динорлар¹¹ солинган ҳамёнини олиб чиқишни буюрди. Жория олиб келган ҳамённи менга тутказар экан: «Эй Абу Абдуллоҳ, мана бу динорларни шерикларингизга тарқатинг», деди. Хайрон бўлиб қолдим. Биз олимдан пул эмас, дарс беришни сўраган эдик. Шунинг учун пулни олмасликни маъқул кўрдим. «Улар сиздан бирор нарса тамаъ қилишмаган, факат ҳадис айтишингизни сўрашган эди», дедим. Шунда устоз мени эркалагандай елкамдан кучиб, «Майли, олгинларни уларга беринг, уларнинг сиз орқали сўраган нарсаларига рози бўлиб, ўз билимларини оширишлари устига ушбу динорларнинг ҳам кўшилишини истадим», дедилар.

Улуғимиз Имом Молиқнинг яна бир шогирди Абу Мустьяб Аҳмад ибн Абу Бақр Зухрий ҳам менинг ғамхўр ва меҳрибон устозларимдан эди. У халифа Маъмундан илгари Мадина қозиси бўлган. Зухрий Пайғамбаримиз суннатлари ва шарият аҳкомлари бўйича пешкадамлардан эди. У Мадина аҳлининг фақиҳи, сунна асхобларининг ҳам устози бўлган. Шу киши бир куни фақир ҳақида шундай деган: «Бизнинг наздимизда Муҳаммад ибн Исмоил Аҳмад ибн Ханбалдан фақиҳроқдир».

– Устоз, басраллик Абу Осим Набилнинг ҳам сизга эҳтироми бўлакча бўлган экан. Унинг сиз ҳақингизда айтган гапларини анча йил олдин менга ҳамюртимиз Муҳаммад ибн Кутайба Бухорий шун-

¹¹ Ўн дирхамга тенг баҳодаги олтин пул.

Абу Жаъфар устозининг гапидан бир сесканиб олди, унинг валийлигига ишончи яна ҳам ортди. Хакикатан, Абу Абдуллоҳ Бухорийнинг ҳадис илми-даги салоҳияти ва иқтидори шунчалик улкан эдики, хатто устозлари ҳам унинг хузурида ҳадис айтишдан истиҳола қилиб туришади. Унинг илми олдида ўзларини ожиз ҳис этишади. Бир куни дўстларидан Фатх ибн Нух Найсобуррий шундай деди: «Алий ибн Мадиний хузурига келганимда кўрдимки, Муҳаммад ибн Исмоил унинг ўнг томонида ўтирар, устоз ҳаргал ҳадис айтаётганида Бухорийга ҳадиксираб қараб-қараб кўяр эди». Яна бир биродари Абу Амр Хаффоф бундай деди: «Агар Муҳаммад ибн Исмоил олдимга шу эшикдан кириб келсалар, агар ўшанда ҳадис айтиб турган бўлсам, кўркувга тўлиб кетаман». Хатто устознинг ўзлари ҳам бир замон «Қайси бир устознинг олдига бормайин, менинг ундан оладиган фойдамдан кўра унинг мендан оладиган манфати кўпроқ бўлар эди», деган эдилар.

Имом Бухорий шогирдларининг эса, саноғига ҳам етиш қийин. Муҳаммад ибн Исмоилга сабоқ бергани билан фахрланиб юрвучи Фирабрый бир куни юккак салоҳиятли бу шогирди ҳақида шундай деганини дўстлари хаяжонланиб сўзлаб юришади: «Биргина «Ал-Жомеъус-сахих» китобининг ўзи бўйича ҳадис эшитганларнинг сони тўқсон минг киши бўлган. «Саҳих»нинг ўзидан шунча одам ҳадис ўрганган бўлса, у кишининг бошқа китобларидан таҳсил олганларнинг саноғи ёлғиз Аллоҳгагина аён».

Имом Бухорийнинг шогирдлари орасида шундайин ҳадис хофизлари, етук муҳаддислар бор эдики, уларнинг ўзлари ҳам ҳадис тадқиқида алоҳида мак-

таб, тариқа соҳибларидир. Мўътабар манбаларнинг хабар беришича, улуғ олимнинг шоҳ асари, ҳаётининг бош китоби бўлмиш «Ал-Жомеъус-саҳиҳ»дан у кишининг бевосита раҳбарлигида тўқсон минг киши таълим олган. Бухорийдан ҳадис ўрганганлар орасида Муслим ибн Ҳажжож, Абу Абдурраҳмон Насоий, Абу Исо Термизий, Ибн Хузайма, Ибн Абу Довуд, Муҳаммад ибн Юсуф Фирабрий, Иброҳим ибн Маъқил Насафий, Ҳаммод ибн Шокир, Абдуллоҳ ибн Муснадий, Абу Зуръа Розий, Маҳмуд ибн Муҳаммад Баздавий каби ўз даврининг атоқли муҳаддислари бор эди.

САФАР

*«Муҳаммад ибн Исмоил илм талаб қилди,
одамлар ила мажлис қурди, ҳадис излаб
сафар қилди ва унда моҳир бўлди».*
Аҳмад ибн Сайёр Марвазий

Ҳижрий икки юз ўнинчида Фотима икки ўғли ҳамроҳлигида ҳаж сафарига отланди. Бундан мурод, учовлон ҳаж қилиб бўлгач, таҳсил олиши учун Муҳаммадни илму уламо юрти бўлмиш Маккаи мукаррамада қолдириб, ўғли Аҳмад билан ортга қайтиш эди.

«Сафар – турган-битгани хатар, саёҳат – ҳар қада ми машаққат» деганларича бор экан. Фотима бибининг ҳам, икки ўғлининг ҳам бир неча бор Бойкандга бориб-келганларини ҳисобга олмаса, бунақа олис сафарга илк бор чиқишлари эди. Агар бу машаққатлар ортида Маккага бориб, ҳаж ибодатини ўташ ва Муҳаммадни ўша ердаги устозлар тарбиясида қолдириш мақсади бўлмаганида, она ҳам, фарзандлар ҳам бу қаттиқ қийноқ-синовларга сабр қила олмаган бўлишарди.

Карвон йигирма кундан бери тўхтамай йўл босади. Фақат таҳорат олиш ва намозни адо этишгагина тўхташади. Кўпинча енгилгина тамаддини ҳам улов устида қилишга тўғри келади. Карвон амири Билол ҳаж мавсумигача Ҳижозга етиб олишни ўйлаб, тинмай туякаш-сарбонларни шоширади. Гоҳо ўзи отда карвон ортига ўтиб, бирор сабаб билан орқада қолганларни тезлайди.

Поёни кўринмайдиган қумликлар узра изғиган гармсел юз-кўзга урилаверганидан терилар ачи-

шиб, безиллаб кетди. Бебош шамолнинг шўхлиги туфайли гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда пайдо бўлиб қоладиган қум барханлари карвон йўлининг баракасини қочираётган эди. Кўкдан тинмай ёғилаётган олов жаласи, танаффуссиз эсувчи иссиқ шамол, олис йўл машаққати мусофирларнинг роса тинка-мадориши куритди. Ҳатто ўта бардошли туяларнинг юриши ҳам қийинлашиб, сўлқилдоқ лабларининг икки чети оппоқ кўпикка тўлди.

Икки ўрқачли нортуя устига маҳкамланган хавдаж¹²устидан кетаётган Фотиманинг ташналикдан лаблари ёрилиб кетган, томоғи куриб, тили танглайга чиппа ёпишган эди. Карвон аҳлини сувсизлик қийнаб юборди. Гоҳо қум барханлари узра олисда дарахтзор воҳа пайдо бўлиб қолади. Отлиқ хабарчилар сув излаб ўша ерга боришади ҳафсалалари пир бўлиб, ноумид қайтишади: кўрганлари сароб экан!

Аёл сув ахтариб, хавдаж пойига боғланган мешчани пайпаслаб кўрди: у аллақачон бўшаб, иссиқдан қовжирай бошлаган эди. Сув келтиришларини сўраш ниятида хавдаж пардасини хиёл очди, бақувват оқ хачирга мингашиб кетаётган ўғилларини чақирмоқчи бўлди. Аҳмад ўз хаёлларига чўмган ҳолда хачирни тезлаб борар, унинг ортидаги Муҳаммад акасининг белидан маҳкам кучганича тинмай нималарнидир пичирлар эди. «Ҳойнаҳой ёд олганларини такрорлаётган бўлса керак?» хаёлидан ўтказди она ва уни суйган машғулотидан узгиси келмади.

¹² Ҳавдаж – аёлларни кўтариб олиб юришга мўлжалланган саватга ўхшаш мослама, тахтиравон. У кўпроқ туя устига маҳкамланган.

Барибир охири ташналик устун келди. Тинка-мадори куриган онанинг сабр-бардоши устидан қақраган томоғи қолиб келди: «Аҳмад ўғлим, бироз сув келтирсангиз», дея олди аранг. Аҳмад онасининг аҳволини кўриб, шошиб қолди: «Мен, ҳозир...!» дедию укасини хачирдан тушириб, ўзи карвон бошига сув ахтариб кетди.

Карвон амири ҳолатни тушуниб, туялар устидаги мешларни бирма-бир текшириб чиқди. Бир бадавлат кишининг туясига боғланган мешдан бир пиёлача сув топилди. У сувни бегона ҳамсафарга беришни истамай: «Ўзимдаги сувни бериб, бу кимсасиз саҳрода бекорга ўлиб кетишни истамайман», деб тўнғиллади. Сафар амирининг ўқрайган нигоҳидан бир сесканиб олди-да, мешдаги сувни мис пиёлага қуйиб, ярмигача ўзи симирди ва қолганини Аҳмадга узатар экан: «Идишни қайтариш эсингдан чиқмасин!» деб тайинлашни ҳам унутмади.

Ҳижозга кўп марта қатнаган тажрибали амир ҳеч қачон бу галгидай танг аҳволда қолмаган эди. Бир неча кунки, карвон бир челак сувга зор. Одатда ҳажга отланганлар ўз йўлларида серсоя дарахтлар билан ўралган бир неча қудуқларга дуч келишади. Ўша ерда тунашади. Ўзлари овқатланиб, ҳордиқ чиқаришади. Уловларини ҳам суғориб-емлаб олишар эди. Бу гал эса, мана бир ҳафтадирки, йўлда на бирор қудуқ, на бир кўлмак учратишди. Гижинглаган от Аҳмад минган хачирга тенглашар экан, амир йигитга изоҳ берди: «Қудуқларни ё қум босган, ё жангу жадал қонунига кўра, бир томоннинг лашкари душманларини сувсиз қолдириб маҳв этиш учун уларни кўмиб ташлаган. Олдинлари сира бунақа сув танқислиги кўрилмаган эди».

– «Сахиҳ»ни жамлашга қачон киришган эдингиз устоз? – Деди Ибн Абу Хотим Бухорийнинг кўзлари га «Қийнаб кўймадимми?» дегандай хавотир аралаш боқаркан.

– Бу ишни Бухорода бошлаб кўйган эдик, Жомеъус сахиҳ»нинг асосий қисмини Маскидул-Истихора қилмай туриб унга бирорта ҳам хадис ёрлик мадим. Унга факат муҳаддислар сахиҳ эканига иттифок қилганларнинггина киритдим. Китобни уч ротоба тасниф этдим. Кейин Мадинаи мунавварани Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг разалари билан минбарлари орасида ўтириб, китобни бобларга ажратдим, тарожумларни туздим. Меъзоҳимни факат шу ишга сарфладим, амал билдик олдим. Ўшбуни хижрий 238 санада²⁶ ёзиб тутатдик. Уни олти юз минг чамасидаги хадислар орасида ажратиб чиқариб, ўн олти йил мобайнида жамлаб битирдим ҳамда ўзим билан Аллоҳ азза ва жалдининг ўртасида хужжат қилдим.

– Айримлар «Жомеъ»га сахиҳ бўлмаган хадислар ҳам кўшилиб қолган, деб гап қилишармиш?

– Бу кўролмасларнинг илдоаси. Китобга ўзим ё олган хадисларнинг факат сахиҳларини киритганман. «Жомеъ» китобимга сахиҳдан бошқани киритмадим, чўзилиб кетмасин, деб баъзи сахиҳларга ҳам тарк этдим. Менга етиб келган хабарларга қараганда, кўпгина фақиҳлар: «Агар бир киши «Сахиҳи Бухорий»даги хадисларнинг санади Расуллуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб бормеган бўлса, хотиним талоқ бўлсин» деса, талоғи тушмайди», дейишган ҳам эмиш.

– Китобингизга киритган барча хадисларни ёдан биласизми?

– Мен умрим давомида мингдан ортик, аниқроғи бир минг саксон шайхдан хадис ёзиб олдим. Уларнинг хар биридан ўн минг ва ундан ҳам кўпроқ хадис ёзиб олганман. Хар бир хадисни санади билан ёд билмаман. Ушбу китобдаги бирорта ҳам хадис ёдидан кўтаришган эмас. Боя айтганимдай, барча китобларимни, жумладан «Сахиҳ»ни ҳам уч мартадан ёганман. Агар баъзи устозларим тирилиб келишса, «Тарих» китобимни қандай ёганимни тушулмаган, билмаган ҳам бўлишарди.

– Демак, илм аҳли Куръон ва хадис илмларини ўргатганга бошқа илмларга ўтиши керак экан-да?!

– Инсон зоти эхтиёж сезадиган илмларнинг бари Куръон ва хадисда бор. Шунинг учун инсоният дунё ҳаётида дуч келиши муқаррар бўлган барча муаммолар, машаққат ва масалаларнинг ечимини аввал шу манбалардан излаши лозим. Бунинг учун у Куръон ва хадис илмларининг асл сарчашмаларини ўқиб-ўрганиши керак бўлади.

– Буларнинг ҳаммасини ўрганса бўладими?

– Албатта билиб олса бўлади. Аммо кўплар бу билимларни риё ва сумъа учун, ном чиқариш, катта мансабларга эга бўлиш, одамлар хурматини қозониш, билимдонлигини пеш қилиб, ўзгалар билан жидол-мунозара қилиш ёки мол-давлатни кўлга кiritиш мақсадида ўрганишади. Бирок уларнинг бу ҳаракатлари мева туғмай, диган дарахтни экиб-пар-

²⁶ Милодий 853 йилга туғри келади.

Имом Бухорий бутун ҳаётини ҳадис ва ровийлар тарихи илмларини тақкиқ этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган «тасаббут ва таҳқиқ» ҳамда «жаҳд Расулulloх алайҳиссаломнинг ҳадисларини ишлаб чиқишда қўлда ўтказди. Имом Бухорий «Саҳиҳ»да зинда кўпгина шартларга катъий амал қилган.

Ана шу шартларга амал қилган ҳолда ҳар бир ҳадиснинг саҳиҳ эканига катъий ишонгандан сўнггина уни «Жомеъ»га киритганлар. Биргина мисол Имом Бухорийга ўз шайхлари Хумайдий Абдуллох ибн Зубайрни ўрганиб, ишончли ровий эканига эътиборноат хосил қилганларидан кейин Хумайдийнинг шайхи Суфенни ўрганишга киришадилар. Суфеннинг ҳам ҳадиси қабул бўлиши учун зарур ҳамма шартларни топганларидан кейин икковлари каерда экан, қандай учрашганлари ҳақида ҳужжат-дастлавларни ровийни ўрганишга киришадилар. Шу тариқа ҳар бир ҳадисни неча киши ривоят қилган бўлса ҳаммаси текшириб чиқилади. Бухорий бу билан ривоятга мансуб ўн минглаб одамларнинг таржиман ҳолларини, омонатли, ишончли, адолатли, зоботли, тақволи, зехнли ҳолатлари қандай бўлганини ёки аксинча, ёлгончи, гофил, унутувчи, фозил эканини ўрганиб чиқиш орқали ана шу илмни йўлга қўйдилар, унинг қонуни-қоидаларини ишлаб чиқдилар. Ровийларнинг аҳволи ҳақида «Китобуз-Зи

¹¹ «Жарҳ» - моҳир, ётуқ, хофиз томонидан бир ровийнинг ривоятига бутун етказилган сабаб туфайли унинг ривоятини еттишидир. «Таздид» - бир ровийни унинг ривоятини қабул қилмаслик, тақозо қилмагани тарзда расфлашдир.

фо ас-сағир» (Заниф ровийлар ҳақида қичиқ китоб), «Китобул-илал» (Иллатли ҳадислар ҳақида китоб), китобларини ёздилар.

Муаррихлар Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларини жамлаш ва китоб ҳолига келтириш ишлари расмий равишда хижрий қозинчи йилларда халифалик қилган Умар ибн Абдулазиз даврида бўлганини ёзишди. У танқисли олим Ибн Шихоб Зухрий ва бошқа муҳаддислардан омма учун ҳадис китоби ёзишни сўради. Ибн Шихоб Зухрий солда бир китоб таълиф қилди. Бошқалар ҳам унга эргашинди. Расмий равишда ҳадис китоблари ёзиш шундан бошланди.

Тарих ва сиёратта оид китобларга назар солганимизда шу нарсга маълум бўладики, вақти-соғти келиб Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифлари бўйича одамларга ишончли манба, ҳидоят ва манфаат бўлоғи бўлиши учун муҳим тасар бир китоб тасниф қилиш зарурати туғилган эди. Имом Бухорий ушбу заруратни биринчилардан бўлиб англаб етди. У киши мазкур китобни тасниф қилишга астойдил бел боғлади ва бунинг улдасидан ўзгал бир тарзда чиқа олди.

Ибн Абу Хотимнинг ўзи кўп йиллар мобайнида шохид бўлдики, Имом Бухорий бутун ҳаётларини ҳадис илминини мукаммал даражада ўрганиш ва жамлашга бахш этдилар. У киши каерда бўлмасин, бу шарафли вазифани тарқ қилмадилар. Асарларини, улар учун жамланган бутун илм захираларини ўз қўллари билан ёздилар. Бундай масъулиятли ишни ҳеч кимга ишониб топширмадилар. Аксарият асарларини тунлари қогозга туширдилар.

Римизга қарата: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари бўйича мухтасар бир китобга маҳкам ўрнашиб, тинчлик бермай кўйди. Ўста миямдан чикмади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг хадисларини жамлаш, уларнинг саҳих ва носаҳихни ажратиб, таҳжик қилиш менинг азалий орузимга ҳаётимнинг бош мақсади эди. Бу ёқда устоз бунга таралди, иккиланишларга ўрин қолмаган эди. Бу ишнинг нақадар машаққатли, кенг кўламли, қўнғинли ирода ва қаттиқ меҳнат талаб қилишини яна маҳкам боғладим. Устознинг фотиҳаларини олдириб, шу китобни жамлашни бошладим. Уша мақсаддан кейин кўп ўтмай Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни тушимда кўрдим. Мен у зотнинг олдида туриб, кўлимдаги елпигич билан Пайғамбар алайҳиссаломни елпиб турган эканман. Эртасига баъзи таъбирчиларга тушимни айтсам, «Сен у зотдан ёлғонларни четлатар экансан», дейишди. Мен шу нарса ҳам «Саҳих»ни тезроқ қоғозга туширишни ўзинга хос бир туртки бўлди.

– Баъзи улўф режаларнинг ҳикмати тушда қандай аён бўлар экан-да?

– Исломда тушнинг унчалик эътибори бўлмаганда, солиҳ тушлар, айниқса тушга Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам киришлари аҳамиятлидир. Солиҳ тушлар нубувватнинг киркдан бири бўлиши мумкин. Бир пайтлар улўф олишлари

миздан Мухаммад ибн Юсуф Фирабрий мен ҳажимда кўрган тушларини сўзлаб берган эдилар: «Бир кунни расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни туш кўрибман. У киши: «Қаерга кетяпсан?» деб сўрадилар. Мен: «Мухаммад ибн Исмоилнинг ҳузурига», деб жавоб берсам: «Ундай бўлса, менадан салом айтиб кўй», дедилар. Бошқа бир кунни яна Расулulloҳ алайҳиссаломни туш кўрибман. У зот менга: «Қачонгача фикҳ ўқийсан? Менинг китобимни ўқисанг бўлмайдингми?» дедилар. Мен: «Сизнинг китобингиз қайси?» деб сўраган эдим, «Мухаммад ибн Исмоилнинг китоблари менинг китобимдир», дедилар. Бир кунни эса ўзингиз тушимга кирдингиз. Набий алайҳиссаломнинг ортларидан юриб кетаётган экансиз. Расул алайҳиссалом муборак қадмларини кўтарганларидан изларига сиз оёқларингизни кўяр эдингиз». «Ал-уламау варабатул-анбия»²⁶ деган хадисга кўра, бу ишоралар бежиз бўлмаганини ўшандаёқ аниқлаган эдим.

– Устоз, бунгача ҳам иккита китоб ёзган экансизми?...

– Ҳа, шундай бўлган. Ўн саккиз ёшга етганимда «Қазоё ас-саҳобати ват-тобеъин ва ақовилухум»²⁷ китобини ёза бошладим. Бу Убайдуллоҳ ибн Мусо даврларида эди. «Ғарих» китобини ҳам ўша пайтларда ойдин кечаларда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг равзалари ёнида ёздим. Ушбу китобимга кирган ҳар бир шахснинг алоҳида ўз қисаси бор. Фақат китобнинг чўзилиб кетишини истамаганим учун уларни келтирмадим.

²⁶ «Уламолар пайғамбарларнинг меросхўрларидир».

²⁷ «Саҳоба ва тобеъинларнинг фатволари ва айтган сўзлари».

- Малолланиб қолишингдан кўрқиб, ишимизни тўхтатдим. Сени анча қийнаб қўйдим шекилли, эй Абу Жаъфар?!

- Устоз, асло малолланмайман, сиз менга ҳеч қим бермаган мақомни ҳадя қилдингиз. Мени фарзанд сифатида қабул қилдингиз. Шу боис, ҳар қанча хизматингиз бўлса, бошим устига!

«Кўп ҳадис ёздиравериб шогирдни қийнаб қўй-мадиммикин» деган хаёлга борган Имом унга тасалли берди:

- Набий алайҳиссаломнинг куёвлари Алийга айтганларидай, «Ана минка, анта минни»²⁵. Сени Аллоҳ учун яхши кўраман, Абу Жаъфар! Малол кўриш ўрнига хурсанд бўлгин! Бекорчилар кўчада, хунармандлар ишхоналарида, тижоратчилар савдо билан машғул. Сен бўлсанг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари билан биргасан!

- Менга асло малол келмайди. Сизга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин! Шунда насибам борлигидан мамнунман, - деди Ибн Абу Ҳотим жилмайиб.

Шогирднинг очликдан силласи қуриганини сезган Имом кўрпача қатини очиб, у ердан бир тахлам пул олиб, унга узатгач, астойдил тайинлади:

- Манави пулга сабзавот ё шунга ўхшаш нарсаларни харид қилиб келарсан. Ўзимизни ўзимиз қийнашимиз яхши эмас. Мен-ку, ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлдим. Сен ҳали ёшсан, ҳали кўп ишларни уҳдасидан чиқишинг зарур.

Ибн Абу Ҳотим бозорчага чиқиб, ўзига эмас, устозига ёқадиган нарсаларни харид қилиб келди. Унинг

²⁵ «Мен сенданман, сен менамансан», яъни икковимиз бир вужуд каби яқинимиз.

бу ишени кўрган Имом эътироз билдирмоқчи эди, Ибн Абу Ҳотим ундан олдин отни қамчилади:

- Мен ҳақимда бош қотирманг, устоз! Сиз улуғ ишлар устидасиз. Хушомад санаманг-ку, сиз дунё ва охират яхшиликларининг барини жамлагансиз! Ким мендай хизматкорига, котибига сиз қилган яхшиликларни қила олади? Мен бундай кишини сира кўрмаганман, биладиганим шудир!

Ибн Абу Ҳотим дастурхон ёзиб, бозордан келтирган моҳазарни унга қўйди. Икков тамадди қилишга киришишди. Имом ора-сера кўкатлардан чимдиб ўтирди. Шогирди келтирган нон ва ширинликни унинг олдига суриб қўйиб, улардан тотиб кўришга тинмай қистади.

Ниҳоят, нафслар бироз ором олиб, қорин гавғоларидан халос бўлишгач, Бухорий хаёлларга берилди. Ибн Абу Ҳотим устозининг ўй-фикрларидан чалғитмаслик учун бироз истиҳола қилиб турди, охири барибир сабри чидамай кўпдан буён безовта қилаётган саволини беришга журъатланди:

- Устоз, ушбу «Саҳиҳ»ни ёзишга сизни ким руҳлантиргани ҳақида ҳар хил сўзлар эшитдим. Биров Роҳавайҳ ҳазратларининг тавсиялари билан киришганингизни айтади. Бошқаси тушингизда аён бўлганини гапирди. Аслида ўзи нима сабаб бўлган, устоз?

Имом Бухорий шогирдининг гапини тушунмагандай, унга бироз тикилиб қолди. Кейин юзига ним табассум тўрлари ёйилди. Савол ўзининг ширин хотираларини ҳам жунбишга келтириб юборди шекилли, қўлидаги қоғозларни бир четга суриб, ҳикоя қилишга тушди:

- Бир куни Исҳоқ ибн Роҳавайҳникида эдик. Устоз бизга ҳадис сўзлаётган эдилар. Шунда асҳобла-

«САҲИҲ»

«Ушбу «Саҳиҳ»ни олти юз минг чамасидаги ҳадис орасидан ажратиб чиқариб, ўн олти йил мобайнида ёзиб тугатдим ва ўзим билан Аллоҳ азза ва жалла ўртасида хужжат қилдим.»

Имом Бухорий

Бухоронинг қиши баданни тешиб юборгудай қаҳратон совуқлари, юз-кўзни аёвсиз чимдилайдиган изиллатма шамоллари, бирпасда ҳаммаёқни оппоқ кўрпага ўраб-буркаб ташлайдиган ваҳимали қорбуронлари, гашлик ва ғафлатдан бошқасини ваъда қилмайдиган зерикарли узун тунлари билан машхур. Бухороликлар тўққиз ой мобайнида бутун оиладан тийилиш, ўзни қантариш ҳисобига топган-тутганларини, йиққан-терганларини қиш мавсуми учун ғамлашади. Кўчага чиқишнинг иложи қолмаган ҳасратли қиш кечаларида хонадонлардаги иссиққина танча атрофида китоб ўқишлар, илмий суҳбатлар, қиссахонликлар, гап-гаштаклар авжга минади.

Бир неча кундирки, Ибн Абу Ҳотим шаҳарнинг Фотиҳ Абу Саъид кўчасидан ярим йилга ижарага олган овлоқ ва кўримсиз ҳовлининг ташқи меҳмонхонасида устоз ва шогирд «Жомеъ»нинг охириги жилдларини тартиблаш, унга қўшилайдиган ҳадисларни тасниф қилиш билан машғуллар. Бомдоддан кейинроқ бошланган иш асло тугай демайди. Пешин намозини ўқиб бўлишгандан сўнг бирор нарса тамадди қилиб олиш илинжида бўлган Ибн Абу Ҳотим Имом Бухо-

рийнинг яна қоғозлар устига мук тушганини кўриб, дами ичида қолди, ичидагини сиртига чиқара олмади. Устози кун бўйи ҳадис айтиш ёки ёзиш билан машғул бўлсалар ҳам оғизларига ушоқ олмадилар, туз татимадилар. Одатда у кишининг кунлик таомлари ё икки-учта ёнғоқ ёки бир кафт майиз бўлади.

Аммо Ибн Абу Ҳотимнинг нафси тинмай хуружга киради, тинчлик бермай қийнайди. Кўз олдида турфа таомларнинг манзараси намоён бўлаверади, димоғига хушбўй емакларнинг ҳиди урилаверади. Ўзи новча, эт битмаган ориқ, нимжон, рангпар йиғит бўлгани баробарида саломатлигининг яхшилиги билан ҳам мақтана олмасди. Устоз ёнида йигирма йилларчадан буён ходимлик ва котиблик қилаётган эса-да, ҳеч бир ишда у зотга тенг келолмаслигидан хижолат чекарди. Ҳозир очликдан силласи қуриб, кўз олди қоронғилашиб ҳам кетди. Танаси жунжикди. Қорнида қабзият борлиги учун икки букилиб, белини ҳам тиклай олмай қолди. Аммо ўзи устозига сир бермайди, ҳолатини яширади. Танасига очлик туфайли титроқ кирган эса-да, ҳеч нарса бўлмагандай ҳадис айтиб турган устозининг оғзига эътибор билан тикилади.

Аср вақти яқинлашганда ниҳоят довод-қалам қўлдан тушди, варақлар тартибланди. Толиққан таналар бироз ором истаб қолди. Имом Бухорий суяниб ўтирган ёстиғини бошга олиб, қўлига таянган ҳолда ёнбошлади. Шогирд қоғозлар тахламини токчага саранжомлади. Кейин ўзи ҳам устоз ёнига чўккалаб, унинг маъноли боқаётган кўзларига саволмуз тикилди. Имом бошни кўтармаган ҳолда Ибн Абу Ҳотимга узрхонлик қилди:

ларга шахрингиз аҳлидан ривоят қилинган ҳадисларни айтаман. Иншаааллоҳ, улардан баҳраманд бўласизлар, – деб ҳадис айтишни бошлади:

– Бизга ҳамшаҳрингиз Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Жабала ибн Абу Раввод, у киши оталари Шуъбадан, у киши Мансур ва бошқа бировдан, улар Солим ибн Абул Жаъддан, у киши Анасдан ҳадис айтадилар: «Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, киши бир қавмини яхши кўради...», деди.

Бухорий бу ҳадисни охиригача, санадини қолдирмай, тўлиқ айтиб берди ва:

– Сизларга бу санад етиб келмаган, сизлар Мансур эмас, бошқа бировнинг Солимдан ривоят қилганини биласизлар, – деди.

Худди шу тарзда у бир қанча ҳадисларни ёздирди. Ҳар ҳадисни келтирганида «Бу ҳадисни Шуъба сизларга шундай ривоят қилган. Аммо бошқа санадаги ривояти бундай бўлади, сизлар буни эшитмагансизлар» деб, Басра аҳли билмаган, эшитмаган санадларни бирма-бир айтиб берарди.

Шунда жарчи Басра жомеъ масжидида туриб, иккинчи марта жар чақирди: «Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий келдилар! Биз у кишидан имло мажлиси қуришни сўрадик! У киши эртага фалон жойда мажлис қуришга рози бўлдилар!». Эртасига фақиҳлар, муҳаддислар, ҳофизлар ва нозирлардан яна бир неча минг одам жам бўлди.

Имом Бухорий Басрада беш йил яшаб қолди. Ўша йиллари китоб ёзиш билан машғул бўлишига қарамай, ҳар йили ҳаж мавсуми келганда Маккага бориб, ҳаж қилди. Қайтиб келиб, яна илмий ишларини давом эт-

тирди. Аҳли ҳадисга дарс айтиш билан бирга ўзи ҳам ҳадис тўплашни ва жамлашни тарк этмади. Бир неча марта Бағдод ва Мисрда ҳадис талабида рихлат қилди.

Уни айниқса Мисрда кўп иззат-хурмат қилишди, илмини улуғлашди, шахси ҳақида гоёт кўтаринки мақтовлар айтишди. Юзлаб кишилар «Ибн Исмоилни шогирдлари билан Мисрда бир кўрсак эди» деб орзу қилаётганларини билдиришди. Яна шунча ададдаги мисрлик олим «Дунёдаги тилагимиз Бухорийнинг «Тарихи кабир» китобларига бир бор назар солишдир» деб, Бухорийнинг илмий асарларига ошуфталик ва мафтунликларини изҳор этишди.

Имом Бухорийга эҳтиром ва эҳтимом кўрсатишда бағдодликлар ҳам улардан ортда қолишмади. Уларнинг Муҳаммад ибн Исмоилга йўллаган мактубларида қуйидагича байт бор эди: «Ал-муслимуна би хойрин ма бақийта лаҳум ва лайса баъдака хойрун ҳина тафтақиду»³⁶. Бағдодда у киши минглаб шогирд тарбиялади. Муҳаммад ибн Исмоил у ерда ҳар йили кетма-кет мажлислар қурди. Ҳар гал атоқли муҳаддислардан Абу Алий Солиҳ ибн Муҳаммад Бағдодий унинг имлосини одамларга етказиб турди. Ҳар сафар унинг илм мажлисига йигирма мингдан зиёд одам жамланди.

Шу тариқа ўша кундан бошлаб Муҳаммад ибн Исмоил номи ҳадис фани устозлари орасида, талабалар ва халқ оммаси орасида тилдан-тилга ўтиб, ниҳоятда машҳур бўлиб кетди. Имом Бухорий номини эшитган ҳар бир киши уни бир бор кўришни, ундан ҳадис эшитишни орзу қиладиган бўлди. Басрадаги

³⁶ Яъни, «Сен бор экансан, мусулмонларга мудом яхшилик бор, сендан кейин улар қолур яхшиликсиз ва абгор».

кимни ғийбат қилмаганлар», деб қолди. Бошқалар
«Бу жуда маҳол иш, ўзларидан сўраб кўрсак бўлса,
кан», деди.

– Шундай, бўтам. Ғийбатнинг ҳаромлигини билиш
ганимдан буён бирор кишини ғийбат қилмаганим
Одамлар ўзимдан ҳам «Наҳот ҳеч кимни сира эътибор
бат қилмаган бўлсангиз?» деб ажабланиб сўраб туриш
ришади. Аллоҳга рўбарў бўлганимда бирор кишига
ғийбат қилганим борасида мени ҳисоб-китоб қилма
маслигидан умид қиламан, – деди устоз ўшанда.

– Фалончининг шаънига нолойиқ сўз айтганлар
деган гапни ҳам эшитиб қолдим, – деди қотиб хижо
латомуз ерга боқиб.

– Субҳаналлоҳ! Мабодо билмай айтиб қўймаган
бўлсам, ҳеч ким ҳақида ёмон сўз сўзламаганман
Киёмат кўни номаи аъмолимдан ўша ёмонлигини
топилмайди.

Бухорийнинг яна бир гўзал фазилати бор: у қил
диган ҳар бир амали ёки ишининг Куръон ва суннат
га мувофиқ келиши пайида бўлади. Ибн Абу Хотим
бир кўни имом Бухорийнинг чалқанча тушиб ётга
нини кўрди. Улар ўшанда Фирабрда эдилар. Тафсир
китобини тасниф қилишгаётган эди. Имом Бухорий
ўша кўни жуда кўп ҳадис таҳриж қилиб, каттиқ чар
чаган эди. Варроқ у кишига:

– Эй Абу Абдуллоҳ! Бир кўни «Мен аклимни тани
ганимдан буён бирон нарсани илмсиз қилган эмас
ман» деганингизни эшитган эдим. Ушбу чалқанча
ётишда қайси илм бор? – деди.

– Бугун ўзимизни каттиқ чарчатдик. Бу сарҳадлар
дан биридир. Душманлардан бирор иш содир бўлма
син, деб кўрқдим. Бир оз дам олиб, тайёргарлик кў-

раи, дедим. Агар душман бизни ғафлатда қолдирмоқ
рай, дедим. тезда ҳаракатга тушамиз, – деди Бухорий.
чи бўлса, тезда ҳаракатга тушамиз, – деди Бухорий.
бир кўни у киши намоз ўқиётганида ари чакки.
бир кўни ўқиб бўлиб: «Қаранглар-чи, намозимда мен
намозни ўқиб бўлиб: «Қаранглар-чи, намозимда мен
га озор берган нарса чаккиб, бутун танани шишириб
бир ари ўн етти марта чаккиб, бутун танани шишириб
борган экан. Имом шунда ҳам намозини бузмабди.
роборган экан. Имом шунда ҳам намозини бузмабди.
Бошқа бир ривоятда айтилишича, асҳобларидан
бири у кишини ўз боғига таклиф қилди. Пешин на
бири у кишини ўз боғига таклиф қилди. Пешин на
мози бўлган эди, Бухорий одамларга имомликка
мози бўлган эди, Бухорий одамларга имомликка
ўтиб, намозларини ўқиб берди. Кейин эса ўзи одат
ланган кундалик нафл намозини бошлади. Киёмда
узок туриб қолди. Намозни тамом қилганидан ке
ланган кундалик нафл намозини бошлади. Киёмда
узок туриб қолди. Намозни тамом қилганидан ке
йин кўйлагининг этагини кўтариб, ўзи билан бирга
ўзок туриб қолди. Намозни тамом қилганидан ке
йин кўйлагининг этагини кўтариб, ўзи билан бирга
бўлган одамлардан бирига: «Қара-чи, кўйлагимнинг
бўлган одамлардан бирига: «Қара-чи, кўйлагимнинг
остида бир нарса борга ўхшайди», деди. Қарашса,
остида бир нарса борга ўхшайди», деди. Қарашса,
ари ўн олти-ўн етти жойидан чаккиб, баданини ши
ари ўн олти-ўн етти жойидан чаккиб, баданини ши
шириб юборган экан. Ари чаккан излар баданда
шириб юборган экан. Ари чаккан излар баданда
очик кўриниб туради. Одамлар у кишига: «Бирин
очик кўриниб туради. Одамлар у кишига: «Бирин
чи чаккандаёқ намоздан чиксангиз бўлмасмиди?»
чи чаккандаёқ намоздан чиксангиз бўлмасмиди?»
дейишди. «Бир сурани ўқиётган эдим, тугатиб кўяй
дейишди. «Бир сурани ўқиётган эдим, тугатиб кўяй
деган эдим», дебдилар».

Имом Бухорийнинг сафарларида кўпинча бирга
бўлган Мухаммад ибн Абу Хотим шуларни эслайди:
«У киши сахар чоғи ўн уч ракъат намоз ўқир эдилар.
Витрни бир ракат қилардилар. Ўзлари турганда
мени уйғотмас эдилар. «Ўзингиз шунча оғирликни
мени уйғотмас эдилар. «Ўзингиз шунча оғирликни
кўтариб, мени нимага уйғотмайсиз?» десаи: «Сен
кўтариб, мени нимага уйғотмайсиз?» десаи: «Сен
ёшсан, уйкунгни бузмай дедим», дер эдилар».
ёшсан, уйкунгни бузмай дедим», дер эдилар».
Имом Бухорий дунё молига қизикмади, дунё тўп
Имом Бухорий дунё молига қизикмади, дунё тўп
лашга, у билан овора бўлишга қизикмади. «Ал-дуня
лашга, у билан овора бўлишга қизикмади. «Ал-дуня

Абдиллоҳи ибн Язйидал Хотмийя ҳаддасанал Бухорий ибну Озибин» бўлиши керак эди. У ҳадис матнада ҳам ўзгартириб юборган эди. Омонатдорлик эса май, Баро ибн Озибга тегишли «у ёлгончи эмас эди» иборасини қасдан тушириб қолдирди.

Мухаддис гапини тугатиб, «Хўш, энди сенинг ҳадисингни эшитайлик-чи!» дегандай Бухорийга оғиз истеҳзо ва совуқ нигоҳ билан қараб қўйди. Бухорий пинагини ҳам бузмай, муҳолиф томонга ҳатто қараб ҳам қўймай, «билмайман» деб жавоб қилди. Бухорий одам шу тариха ўзидаги ўнга ҳадис ҳақида битта битта сўраб чиқди, Бухорий ҳар гал «билмайман» дейишдан нарига ўтмади. У ер-бу ерда шивир-шивир енгил кулки ва томоқ қиришлар бошланиб кетди. Олимлар бир-бирларига қараб: «Бу одам тушунмай турибди, шекилли?» деб хавфсирай бошлади. Бухорий ҳақиқий ҳолатдан беҳабар нодонлар Бухорийни ожизга ва «зеҳни паст»га чиқаришга аллақандай ҳукм ўқиб бўлишганди.

Кейин иккинчи киши ўрнидан туриб, у ҳам ўзидаги ўнга ҳадисни кетма-кет сўрай бошлади. Имом Бухорий яна «билмайман» дейиш билан кифояланди тураверди. Кейин одамларнинг учинчиси, тўртчиси... ўнинчиси ўртага чиқиб, ўзидаги ҳадисларни сўраб чиқди, Имом уларга ҳам олдинги жавобларни такрорлайверди.

Нихоят, Имом Бухорий уларнинг муддаоси тугганини билгач, дастлаб савол берган кишига қараб «Биринчи ҳадисингизни бундай қилиб айтдингиз, лекин унинг асли бундай, иккинчисиники эса бундай» деди ва то ўнинчи кишигача айтган юзта ҳадиснинг қалбақисини ҳам, аслини ҳам шу ернинг, ўша дақиқ-

нинг ўзида бир бошдан айтиб, тузатиб берди. Шунда йиғилганлар бу кишидаги зеҳнинг ўткирлиги, билимининг чуқурлигига, хотиранинг мислсиз эканига икром бўлиб, тан беришди. У зотни шарманда қилиш, зеҳнисизликда айблаш иштиёқи билан ёнган олимларнинг ўзлари катта бир жамоат ҳузурида олимларнинг тилларини тишлаб қолишди.

Имом Бухорий охириги ҳадис айтганининг ҳам сирини фош этиб, таслим этиб бўлганига ишонч ҳосил қилгач, чуқур тин олди. Шу топда қаттиқ толиққанини ҳис этди. Бухорий аслида одамларнинг маломатидан кўрқмай, ҳасадгўйларнинг иғволаридан қўчимамай қўйган эди. У киши одамларнинг ҳасад ва кўролмаслик туфайли қопагон кўппакдек тез-тез ташланиб туришларига кўникиб кетган эди.

Аmmo бугун оғир кун бўлди. Одамларга ҳадис айтиш бошқа экан, аммо қасдан чалкаштириб ташланган ҳадисларнинг нуқта-ҳаракатларига жой-жойигача қўйиб чиқиш анча машаққат экан. Мана шу нарса у кишининг жонини хийла қийнаб, асабини ўйнаб қўйган эди. Шу пайт худди бугунгидай имтиҳон қилиб, жиғларига тегил, у кишидан устунликни намойиш қилишга бўлган уриниш ҳолати бир вақтлар Самарқандда ҳам юз берганини туйқус эслаб қолди.

Ўшанда Самарқандда тўрт юз муҳаддис бор эди. Уларнинг аксарияти қувваи хофиза, зеҳн ва салоҳиятда бу машҳур ватандошларига ета олмасликка аллақачон кўникиб ҳам бўлишганди. Аммо инсончилик экан: «ётиб қолгунча отиб қол» қабилда иш тутиб, бирор сабаб топилиши биланоқ заҳарли найзаларини Имомга бир санчиб олиш имкониятини қўлдан бой беришмади.

ларга шахрингиз аҳлидан ривоят қилинган ҳадисларни айтаман. Иншаааллоҳ, улардан баҳраманд бўласизлар, – деб ҳадис айтишни бошлади:

– Бизга ҳамшаҳрингиз Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Жабала ибн Абу Раввод, у киши оталари Шуъбадан у киши Мансур ва бошқа бировдан, улар Солим ибн Абул Жаъддан, у киши Анасдан ҳадис айтадилар. «Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, киши бир қавмга яхши кўради...», деди.

Бухорий бу ҳадисни охиригача, санадини қолдирмай, тўлиқ айтиб берди ва:

– Сизларга бу санад етиб келмаган, сизлар Мансур эмас, бошқа бировнинг Солимдан ривоят қилганини биласизлар, – деди.

Худди шу тарзда у бир қанча ҳадисларни ёздурди. Ҳар ҳадисни келтирганида «Бу ҳадисни Шуъба сизларга шундай ривоят қилган. Аммо бошқа санадаги ривояти бундай бўлади, сизлар бунини эшитмагансизлар» деб, Басра аҳли билмаган, эшитмаган санадларни бирма-бир айтиб берарди.

Шунда жарчи Басра жомеъ масжидида туриб, иккинчи марта жар чақирди: «Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий келдилар! Биз у кишидан имом мажлиси қуришни сўрадик! У киши эртага фалон жойда мажлис қуришга рози бўлдилар!». Эртасига фақиҳлар, муҳаддислар, ҳофизлар ва нозирлардан яна бир неча минг одам жам бўлди.

Имом Бухорий Басрада беш йил яшаб қолди. Ушундай йиллари китоб ёзиш билан машғул бўлишига қарамай, ҳар йили ҳаж мавсуми келганда Маккага бориб, ҳаж қилди. Қайтиб келиб, яна илмий ишларини давом эт-

тирди. Аҳли ҳадисга дарс айтиш билан бирга ўзи ҳам ҳадис тўплашни ва жамлашни тарк этмади. Бир неча марта Бағдод ва Мисрга ҳадис талабида рихлат қилди.

Уни айниқса Мисрда кўп иззат-хурмат қилишди, илмини улуғлашди, шахси ҳақида гоёят кўтаринки мактовлар айтишди. Юзлаб кишилар «Ибн Исмоилни шогирдлари билан Мисрда бир кўрсак эди» деб орзу қилаётганларини билдиришди. Яна шунча ададдаги мисрлик олим «Дунёдаги тилагимиз Бухорийнинг «Тарихи кабир» китобларига бир бор назар солишдир» деб, Бухорийнинг илмий асарларига ошуфталик ва мафтунликларини изҳор этишди.

Имом Бухорийга эҳтиром ва эҳтимом кўрсатишда бағдодликлар ҳам улардан ортда қолишмади. Уларнинг Муҳаммад ибн Исмоилга йўллаган мактубларида қуйидагича байт бор эди: «Ал-муслимуна би хойрин ма бақийта лаҳум ва лайса баъдака хойрун ҳина тафтақиду»³⁶. Бағдодда у киши минглаб шогирд тарбиялади. Муҳаммад ибн Исмоил у ерда ҳар йили кетма-кет мажлислар қурди. Ҳар гал атоқли муҳаддислардан Абу Алий Солиҳ ибн Муҳаммад Бағдодий унинг имлосини одамларга етказиб турди. Ҳар сафар унинг илм мажлисига йигирма мингдан зиёд одам жамланди.

Шу тариқа ўша кундан бошлаб Муҳаммад ибн Исмоил номи ҳадис фани устозлари орасида, талабалар ва халқ оммаси орасида тилдан-тилга ўтиб, ниҳоятда машҳур бўлиб кетди. Имом Бухорий номини эшитган ҳар бир киши уни бир бор кўришни, ундан ҳадис эшитишни орзу қиладиган бўлди. Басрадаги

³⁶ Яъни, «Сен бор экансан, мусулмонларга мудом яхшилик бор, сендан кейин улар қолур яхшиликсиз ва абгор».

«Ҳамма ерда инсон зотининг табиати бир хил бўлар экан-да», ўйларди Имом. Ушанда ҳам улар бую жойга тўпланиб, мени имтиҳон қилиш баҳрига адаштириш, илмсизликда, чалкаш ҳадис айтишга айблаш режасини тузишган эди. Имтиҳон куни бу борада топшириқ берилганини шогирдларимдан эшитиб қолдим. Улар ўзаро келишиб, Шом иснодини Ироққа, Ироқникини эса Шомникига, Ҳарамнинг иснодини Яманга қилиб, сўнг катта издиҳом ички менга тақдим этишди. Аммо улар қанча тиришсанлар, қанчалар ҳийла қилмасинлар, Аллоҳнинг иродаси билан мени айблай олишмади. Роббим мени уларнинг фитнасидан устун қилди. Мени енгиб, обрўйимни тўкишга эришиш тугул, ўзлари муҳаммад бўлиб, тил тишлаб қолишди. Улар шу ҳақиқатни билишмасдики, Аллоҳнинг динида холис турган олим ҳаётда тўрт нарсанинг машаққатини албатта тортади: душманлари уни кўролмади, дўстлари масхара қилади, жоҳиллар ғийбат қилади, уламолар ҳасад қилади. Буларга сабр қилган олимга Аллоҳ таоло бунинг бадали учун тўрт неъматни: иззул қаноат, лаззатул илм, ҳайбатул яқийн ва ҳаётул абад⁴¹ инъом этади. Ҳасадидан, алаmidан ўзини кўйгани жой топа олмаётган бу кўролмаслар наҳот шу ҳақиқатни тушуна олишмаса?!»

⁴¹ Қаноат азизлиги, илмнинг лаззати, яқийн ҳайбати ва абадги ҳаёт.

ФАҚИХ

«Хуросон уч олимни камол топтирди,
Имом Бухорий улар ичида энг зуккосу,
Ҳадис илмининг энг билимдони ва
ўта фақиҳидир. Мен унга ўхшаган
бошқа одамни билмайман».

Алий ибн Ҳашрам

Пастаккина хужра деразасидан баҳорнинг майин эпкини бош суқиб, у ерда мук тушганча ҳадис ёзиб ўтирган икки олимнинг оромини бир пасга ўтир-лади. Улар кўлдаги довод-қаламларини ташлашди, увушган оёқларини узатиб, бироз дам беришди. Шундагина қаттиқ толиққанларини, қоринлар ҳам сурнай чалаётганини ҳис қилишди. Бухорийнинг яқин шогирдларидан Абул Ҳусайн Муслим ибн Ҳаж-жож ва Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийлар мас-жиднинг бир хужрасида устозлари Бухорий имло қилдирган ҳадисларини оққа кўчиришар, севимли машгулотларига берилиб кетганларидан пешин вақти кирганини ҳам пайқамай қолишган эди.

Улар шошганча жойларидан кўзгалишди. Таш-қарига чиқиб, таҳоратларини янгилаш ҳаракатига тушишди. Таҳорат олиб, белбоғларига артингач, соқолларини ҳафсала билан тарашди, хушбўйла-нишди. Сўнг хонақоҳ сари оҳиста юришди. Кейин-ги пайтда Термизийнинг кўзлари анча хиралашиб қолганидан бирор нарсага қоқилиб кетмаслик учун Муслимнинг елкасига қўлини қўйганча борарди. Шу пайт ҳаммаёққа акс-садосини таратиб муаззиннинг

лари тўғрисида сўраб, «Бу хадисни Имом Бухорий дебдилар: «Муҳаммад мендан донорок, чунки у киши шунинг бутун фикри-зиكري – хадис. Мен эса башка зийракроғидир. У киши Аллоҳнинг Китобида, йеги фамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг банддари бўлган ва ман этилган нарсаларнинг тилларида ганлар. Куръонни бутун вуқудлари билан бермади ўқирдиллар. Ундаги мисоллар ҳақида чунки тафсил қилардиллар. Ҳақоқу харомни билиб турардилар. Бизнесинг хадисга кўядиган талабимиз у кишига каби эмас. Бухорий бирор хадисга назар солса, уни ишдан-игнаситгача ўрганаддилар. Агар дер мий мени ёқтирмаганларда мен ҳақимда бу ҳақ мактов ва иллик сўзларни айтмас эдилар.

Кишининг аёзли кунларида, совуқ ва ғариб ҳаёрада суҳбатлашаётган бу икки киши йиллар ҳақ асрлар ўтиб Имомнинг ушбу «Саҳих»и, қолаверса қолган барча асарлари бутун дунёни забт этишди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларини ёйи ва таълим беришдаги қиммати, аҳамияти, қадри ва салоҳияти ўлчаб бўлмас даражага етишини ҳаёра хаёлларига ҳам келтирмаётган эдилар.

Умуман Имом Бухорийнинг мазмунли ва барча ли ҳаётлари мобайнида ёзган асарлари йилларда ошиб кетди. Улар орасида «Китабу-т-тарих», «Аҳадид оид бир минг уч юздан ортик хадисни жамлаган «Адабу-л-муфрад», «Китабус-сунан фил фикх», «Холу афъолил-ибад», «Зуафоус-сағир», «Ал-Асма ва куна», «Биррул волидайн», «Жомеъул-кабир», «Муснаду

«Саҳих»и, «Саҳихи Бухорий» номлари билан ниҳоят-ушун бароқали қилинини умид қиламан», деганлар да «Аллоҳ таолодан бу таснифотларни мусулмонлар учун барақали қилди ҳам.

«Ал-Жомеъ» ва амалда шундай бўлди ҳам. Имом Бухорийнинг Ислому оламда «Ал-Жомеъ ас-ус-сахих», «Саҳихи Бухорий» номлари билан ниҳоят-да машҳур бу асарининг тўлиқ номи «Ал-Жомеъ ас-сахих ал-муснад мин хадиси Росулиллаҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва сунаниҳи ва айямихи» деган Хадис уламолари истилоҳида «Жомеъ» деган «хадиснинг барча қисмларини жамловчи» деган маъно, яъни ақида, ҳукмлар, зуҳд, ейиш-ичиш одо-би, сафар, иқтимоий одоблар, тафсир, тарих, сивр, фитналар ва фазилатларга оид хадисларни ўз ичига олган китоб тушунилади.

Ислому дунёсида Куръони қаримдан кейинги энг катта эътиборни Имом Бухорийнинг «Саҳих»и қозонди. «Саҳихул Бухорий»нинг мартабаси қай даражада эканини муҳаддислар, фақиҳлар, фикхий мазҳаблари ва ижтиҳодлари турлича бўлишга қарамай, барча уламолар бараварига чуқур ўрганганлари, таҳлил ва шарҳ қилганлари, муҳтасар ва хошиялар ёзганларидан ҳам билиб олиш мумкин. Бошқа бирор хадис китобига «Саҳихул Бухорий»га ёзилганчалик кўп ва мукаммал шарҳ ёзилган эмас.

и «Вуқуду соллаллоҳу алайҳи васалламининг хадислари, суннатлари ва айёмлари ҳақида жамловчи, сахих ва муснад».

– Бухородан бўлсанг, Абу Абдуллоҳни қандай қандай овозини сал баландлатиб.

У бу таънаси билан юртингга ўша зотдай ушмухаддис бўлатуриб, Басрада нима қилиб юрмоқчи эди гўё. Имом Бухорий нима дейишни билмай таралдуу ичра сукут қилди. Шунда Муҳаммад устозини ноқулай вазиятдан қутқариш учун:

– Аллоҳ сизга раҳматини ёғдирсин, устоз, киши Абу Абдуллоҳнинг ўзлари, – деб юборди.

Бу гапни эшитиб, Бундор «Машааллоҳ!» деганга кийналиб ўрнидан турди. Бухорийнинг қўлларидан

тутиб, маҳкам бағрига босди. Сўнгра:

– Неча йиллардан буён фахрланиб юрганам, йўқоқ уя қурган кўзлари ёнди, нурга тўлди. Жуда тўғамуболағали мактовларни тинмай ёғдира бошладим.

– Хозиргача Басрага биродарим Абу Абдуллоҳ хадис билимдони келгани йўқ. Дунёда мукаммалдис билимдонлари тўрт нафардур: Райда Абу Зурра Самарқандда Доримий, Бухорода Муҳаммад ибн Исмомил, Найсобурда Муслим. Аллоҳга беҳисоб шўр мактовларим бўлсинки, мана бугун хадис мулаккили султони, факиҳлар сайидаи Муҳаммад ибн Исмомил билан учрашиш насиб қилиб турибди. Фақирнинг кулбасига ташрифи қулуи қилганингиздан, сизга Басра заминнида кўриб турганимдан бошим осмонда Имом ва шогирди вақтлари танглингидан кетмоқчи бўлиб, ўринларидан кўзғалишди. Бундор уларни ташкаригача кузатиб чиқар экан:

– Эй Абу Абдуллоҳ, агар бундан кейин кўришга олмасак, учрашадиган жойимиз маҳшаргоҳ бўлсин!

деганча кўзларини ғилтилатиб, ёшини арта-арта яқарига кириб кетди.

Бундор хонадонидан чиққан Имом Бухорий ва Муҳаммад жомеъ масжидига караб йўлга тушишди. Бирдан хавони янграшиб, қулоқни жаранглатиб жарчининг баланд ва хуш овоз билан жар солгани эшитилди: «Эй аҳли илмлар! Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмомил Бухорий Басрага келди! Хадис тингламоқчи бўлганлар шаҳар жомеъсига келаверсин!». Устоз ва шогирд бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олишди. Кейин Бухорий шогирдини тезлади:

– Тезроқ масжидга етиб олмасак, бу ахволда ундан жой топа олмай ҳам қоламиз, шекилли?!

Имом жомеъ масжидига кирди ва хонакоҳ гўмбазини кўтариб турган бақувват устунлардан бирининг ортига ўтиб, икки ракат намоз ўқиди. Муҳаммад ҳам шундай қилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай масжидга одам сел каби ёпирилиб, тўфон каби оқиб кела бошлади. Хамма меҳроби ва минбар томонга бўйлаб қарар, «Бухорий қаерда экан?» деб нигоҳлар безовта, кўзлар олазарақ эди. Бирдан хамма биринчи сафда ерга бокканча ўтирган қоп-қора соқолли йигитни кўриб қолди. Одамлар хавжон ичра бараварига ўринларидан туриб, уни ўраб олишди. «Хадис ёздириб ўчун бир мажлис ташкил қилсангиз, биз сиздан хадис ёзиб олардик» деб ўзлари учун имло мажлиси қуришни илтимос қилишди. У киши рози бўлди.

Шу кунни масжид хонакоҳига мингдан ортиқ одам йиғилди. Бухорий хадис имло қилиш учун ўтиргач, масжидни тўлдирган хадис мухлибларига қарата шундай деди:

– Эй Басра аҳли, кўриб турганингиздек, мен ёш йигитман. Хадис айтишимни сўрадинглар, мен сиз-

Жуда ёшлик чоғлариданок Аллоҳ таоло битмиш туганмас ғайрат билан баҳраманд этган имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ ўз тасаввурида ярк этган тоза фикрларни ок қогозга муҳурлаб қўйишдан юрлако эринмади. Мухаммад ибн Абу Хотим Варроқ кейинчалик хадис толибларига ўзи гувоҳ бўлган кишининг бу борадаги хислатларини сўзлаб юрди «Бухорий ҳазратлари билан бирга сафарга чиқдик. Кеч тушгач, бир хонада ётишга тўғри келди. Ўш қеча шунга гувоҳ бўлдимки, у киши бир кечанинг ўзида ўн беш мартадан кўп марта уйғониб, ҳар га чакмоқ тош ишлатиб чироғини ёқар, хадисларнинг саҳихини ажратиб, белгилаб қўярдилар. Сўнг бошларини ёстикка қўйиб, дам олгани ётардилар. Эрталаги у зотта: «Сиз ҳамма ишни ўзингизга юклаб олмай мени ҳам уйғотганингизда баъзи ишларда сизга ёрдамлашган бўлардим», десам, «Ҳали ёшсиз, шунинг учун уйқунганини бузганим келмади», дедилар.

Яна Бухорий Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хадисларидан ҳукм чиқаришда ҳам юртиход қилган олимлардан саналади. Ҳар бир хадидан кўплаб масалаларни чиқариб, илм аҳлига тақдим этган. Буни у кишидан олдин ҳеч ким қилмаган. Ўта парҳезкор ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хадисларининг эҳтиромини жойига қўйиб қўядиган зот бўлгани учун хадисларни фақат тақрирли ҳолдагина ривоят қилар эди.

Имом Бухорийнинг умрлари поёнига етиб, Мавлоя қовушганларидан кейин орадан йиллар, асрлар ўтди. Аммо у зотнинг умр китоби «Сахихи Бухорий» ҳамма яшаб келишти, миллионлаб муслмонларга суннатни эслатишда, суннатни ўргатишда маёқ сингари ўзга

қисматини ўтамоқда. Бу шох асарнинг қиммати, аҳқимати замонлар ўтгани сайин пасаймади, аксинча тобора кайрали, ноёб ва нодир бўлиб бормоқда.

Ер юзидagi барча уламолар жумҳури: муҳаддислар, фойхлар, усулийлар, мутақаллимлар, нахвийлар ва бошқалар «Сахихи Бухорий» асари Аллоҳ таолонинг қуръони қаримдан кейинги энг ишончли ва саҳих манба эканига ақдид иттифоқ қилишди. Барча уламолар бу китобни катта эътибор билан қабул қилишди ва юқори макомга қўйишди. Уламоларнинг фикрита ва юқори Азиздан кейинги энг саҳих китоблар бу кўра. Қуръони Азиздан кейинги энг саҳих китоблар Бухорий ва Муслимининг «Сахих»ларидир. Умат бу икки китобни қабул қилиб олгандир. Бухорийнинг китоби саҳихроқ ва фойдалироқдир.

«Сахихи Бухорий»да саҳих хадисларнинг диккат билан танлангани, мукаммал тартибга эга экани, ич қимматбахо маълумотлар билан тўдаллиги бу беизир китобнинг катта эътибор қозонганига сабаб бўлди. Бутун Ислоом олами ушбу китобга мустаҳкам боғланди. Муслмонларнинг ҳар қандай кунларда, ҳар қандай масала ва муаммоларни ҳал этишда бу китобни асосий манба ва сунъик сифатида қабул қилганлари собит бир ҳақиқатдир.

«Сахихи Бухорий»нинг шуҳрати ва илмий қиймати шу қадал ортиб кетдики, кейинги асрлардан худди Қуръони қарим хатми каби турли муносабатлар билан «Сахихи Бухорий»ни хатм қилиш ҳам анъанага айланди. Ушбу китобни моддий ва маънавий қийинчиликлардан, касаллик ва мусибатлардан қўқилиш, муҳим тарихий ишларни бошладан олдин ҳамда бошқа турли мақсадларга ноил бўлиш учун ҳам хатм қилиш Ислоом оламида йўлга қўйилган улкан амаллардандир.

БАСРА

«Басралик маърифат аҳли ҳадис ёзиб олиш учун ёшгина Бухорийнинг ортидан чопишарди. Минглаб одамлар у кишини йўл устида тўхтатиб ҳам ривоят қилган ҳадисларини ёзиб олишарди».
Хошид ибн Исмом

Номи «оқ тош» маъносини англатувчи Басра шаҳрини ҳижрий ўн еттинчида халифа Умар ибн Хаттоб қурдирган, дейишади. Шаҳардан икки милча нарида жойлашган, катталиги жиҳатидан қалъага ўхшайдиган, еттита минораси бўлган баланд жомеъ масжиди эса халифа Муовия ибн Абу Суфён даврида бино қилинган экан. Тарихчилар орасида масжид минораси ва қибласини Алий ибн Абу Толиб барпо қилдирган, деган гаплар ҳам бор. Ушбу масжид Илом оламининг энг кўркам ва мухташам ибодатхоналаридан саналади. Саҳни ниҳоятда кенг, унга Сабоъ водийдан келтирилган қизил тош тўшалган. Яна ушбу масжидда ҳазрати Усмоннинг ўлими олдида ўқиб турган Мусҳафи шарифи ҳам сақланади. Ушбу ибодатхонада фақат жума намози адо этилади, бошқа вақт у ёпиб қўйилади.

Басра етти иқлимга доврўғи кетган шаҳарлардандир. Кўркам кенгликлари, кўплаб боғ-роғлари бор. Энг сархил, сара ва лаззатли мевалар шу ерда етиштирилади. Шўр ва чучук сувли икки денгиз туташган жойда бўлгани боис дарахтлар ва ўт-ўлан доим гуллаб-яшнаб туради, тупроғи эса жуда унумдор. Дунёнинг ҳеч бир ерида Басрачалик хурмо дарахти кўра

эмас. Аммо бу ернинг хурмоси сифати жиҳатидан Мадинаникидан кейинги ўринда туради. Басрада хурмодан «сайлон» деб аталувчи жуда мазали, таъми худди гулобга ўхшайдиган асал тайёрланади.

Басрада асосан учта катта маҳалла-мавзеъ бор. Биринчиси Хузайл, иккинчиси Бани Ҳаром, кейингиси Ажам маҳалласидир. Охиргисига асосан ажам юртларидан, хусусан Форс, Хуросон ва Мовароуннаҳрдан келган мусофирлар жойлашадилар. Бу мавзеъда Жамал воқеаси куни ҳалок бўлган улуғ саҳобийлардан Талха ибн Убайдуллоҳ ва Зубайр ибн Авомнинг, Расулulloҳнинг хос ходимлари Анас ибн Моликнинг, Пайғамбар алайҳиссаломни эмизган оналари Ҳалимаи Саъдиянинг қабрлари бор.

Бир неча кундан буён шогирди ва котиби Муҳаммад билан икки ўрқачли туяга мингашиб йўл босган Имом Бухорий ҳижрий икки юз йигирма саккизинчи санада Басрага кириб келар экан, котиб тавсияси билан ана шу Ажам маҳалласидаги кенг карвонсаройга тушишди. Имом саройдагиларнинг ғала-ғовури, шовқин-сурони, кечки таом тараддудида шошганча елиб-югуриларидан четланганнамо ўзига энг тўрдаги овлоқ хонани танлади. Муҳаммад ибн Абу Ҳотим кирасолиб, дераза токчасидаги қора чироқнинг пилигини чимчиб тозалади ва сўнг чакмоқтошда ёқиб қўйди. Шом қоронғусида ғариб ва зулматли кўринган кенггина хона ёришиб, икковининг чарчоқ ҳоритган чехралари ҳам шунинг баробарида нурланди.

Эртаси куни куёш ҳали бош кўтармай хона эшигини аста қоққанча бир меҳмон кириб келди. У марвлик атоқли ҳадис ҳофизи Ражо ибн Муражжо эди. Бухорий ҳам, Муҳаммад ҳам меҳмонни хурматлаб,

ОТИНИ УНИНГ УСТИГА ЧОПТИРИБ БОРДИ. Айюбдан я
вот қилнинг олтмишдан ортиқ ровийнинг
уч ровийнинг санаб берди. Ражо келтир
Сўзини тутатганида суҳбатдошининг
ва ноқулайликдан пешонаси терчираб,
нафас олаётганини кўргач, унга раҳми
кетди. Аммо Ражонинг ҳамон таслим
масди. У Имомга таънаомуз ҳадиксираб
қилгансиз? – деб сўради. Бухорий у
савол билан жавоб килди:
– Сиз қанча ривоят қилгансиз, олдин
тинг?

Ражо ичида нималарнидир пичирлаб:
– Беш-олтита шекилли? – деди бўшашиб.

– Мен эса кирктага яқин ҳадис ривоят қил
ман, – деди Имом Бухорий. Унинг бу тапидан кей
Ражонинг тил кимирлатишга, бир сўз келтир
га илнинжи ҳам, имкони ҳам, истаги ҳам қолма
У шахд билан ўрнидан турдию хайр-маъзури
насия қилиб, кўздан ғойиб бўлди. Ражо чиқиб кет
нидан кейин Имом шогирди Мухаммадга қараб:

– Мен унга айтганларимдан бир неча баробар
пини келтирмоқчи эдим. Аммо унга бирор нарса
либ қолмасин, деб гапимни мухтасар қилдим, – д
Мехмонни кузатган устоз ва шогирд жомега
тарок етиб бориш учун шошиб йўлга чиқилди. Ик
Басра кўчаларидан кетиб боришар экан, икки киши
бири Бухорийни таниб, турган жойида қотиб қол
ёки узоқдан «Ассалому алайкум, эй устоз, шаҳри
марҳабоб!» деганча, тилидан шакар ва бол тухарр

юриб боришаётган кўчаларидан унга қайрилиб,
оври кўринмайдиган сердарахт ва сўлим бир кўчага
кириб қолди. Шунда бирдан Мухаммад ушбу кўча
да басралик атоқли ҳадис олими Бундор Мухамма
ён Башшор истиколат тутганини эслаб қолди ва:

– Устоз, Бундор хазратларини эиберат қилиб ўт
қайнэмиз? – деб қолди. Бухорий хозиргача Бундор
ҳақида кўп бора илиқ сўзлар эшитганига қарамай, у
билан кўришмаганини эслаб, дарров розилик бил
дирди. Бундан олдинроқ Бухорийнинг қариндош
ларидан, ҳадис олими Мухаммад ибн Юсуф Басрага
қелганида Бундор билан учрашганини сўзлаб бер
ган эди. Мухаммад ибн Юсуф Бундорнинг эибератига
киртанида у: «Қаерликсан?» деб сўради. Мехмон:
«Хуросонликман», дебди. «Хуросоннинг қаеридан
сан?» сўради Бундор. «Бухороданман», дебди у.
«Мухаммад ибн Исмоили биласанми?» сўради у.
«Мухаммад ибн Юсуф «Мен у кишининг қарин
тоз. Мухаммад ибн Юсуф «Мен у кишининг қарин
дошлариданман», деган экан, Бундор уни или то
либлари даврасининг энг юқори мақомига ўтказиб,
алоҳида илтифот ва эҳтиромлар кўрсатган экан.

Хозир эса икковлашиб Бундор дарс ҳалқаси таш
қил эттан мўъжазгина масжиднинг хонақоҳига кириб
боришди. У ерда йигирмага яқин или толиби ҳалқа
қуриб, тўрдаги серсавлат, кўркам юзли, сервикор ус
тозларидан сабоқ тингларди. Улар кириб келиши би
лан ҳамманинг кўзи икки мусофирга қадағди. Бундор
уларни аллақандай жонланш билан қаршиларкан:
– Ҳ, марҳабоб, хуш келдингиз, сафо келдингиз!
– Йигит қаердан бўладилар? – деб сўради.
– Бухоро ахлиданман, – деди Имом сал хижолат
бўлгандай.

мушкулот ва машаққатга солиб қўйиш керак. Шу йўл билангина ундан халос бўлиш мумкин. Масалан, унга қарши ўн нафар одамимизни тайёрлайлик. Уларнинг ҳар бирига ўнтадан ҳадис бериб, исноди ва матнини чалкаштириб айтишни топширайлик. Шунда чалғиб кетган Бухорий катта издиҳом ичида жавоб бера олмай, шармандаси чиқади. Тўпланганларда унга нисабатан нафрат ва хусумат кучаяди.

Олимларнинг маслаҳати тез пишди. Ораларидан ўн нафар таниқли муҳаддисни танлашди. Уларга ўнтадан ҳадис топширилди. Жами юзта ҳадиснинг матнларини ва иснодларини ўзгартиришди. Шу тариқа Имомга тақдим қилиб, уни чалкаштириб, мот қилишга келишишди.

Пешинга ҳали икки соат бор эди. Аммо шунга қарамай, Бухорийни тинглагани Бағдоддаги энг катта масжид – Халифа жомеъига одам оқиб кела бошладди. У дарё устига барпо қилинган Аёллар кўпригидан шундоққина тушишдаги кенг сайхонликда қад-ростлаган.

Масжидга Хуросон аҳлидан ҳам каттагина жамоа тўпланди. Уларни машхур ҳамюртларини зиёрат қилиш, унинг дуосига мушарраф бўлиш истаги бу ерга етаклаб келган эса-да, дилларининг тўрида у кишига хайрихоҳлик кўрсатиш, ёнларида далда бўлиб туриш нияти ҳам йўқ эмас эди. Масжид хонақоҳи ва ҳовлисини тўлдирган саккиз мингдан зиёд жамоанинг қолгани Бағдоднинг машхур шайхлари, илм аҳллари, аслзодалар, тожирлар, хунармандлардан иборат катта бир издиҳом эди.

Жой талашиб солинаётган шовқин-сурон, кўпчилик тўпланган жойдаги одатий ғала-ғовур, бақир-

чаққир сал пасайгач, мажлис раиси, Бағдоднинг бош муфтийи, салобатли, кўркем гавдали ва саллалли Абдуллоҳ ибн Абу Довуд масжид меҳроби олдида пайдо бўлди. У шовқин-суронни тўхтатмоқчи бўлгандай ўнг кўлини кўтарганча бир дам туриб қолди. Кейин Аллоҳга ҳамду сурур ва ғурур солиб, халифалик марказига олис ажам юртидан муҳаддислар имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ташриф буюрди.

– Дилларга айтгач шундай деди:
Учун ушбу мажлисда ҳозир бўлдилар. Қадамингизга хасанот, эй Абу Абдуллоҳ, илм аҳллари дуру маржон янглиғ бебаҳо сўзларингиздан олдин шахримиз муҳаддисларидан баъзиларининг саволлари бор экан. Улар сизга ўзлари олган ҳадисларни айтиб, сизнинг ёрдамингизда уларнинг саҳиҳ ёки ғайри саҳиҳлигини ажратиб олмоқчилар. Ҳозир кўп мамнуният ва эҳтиромлар ила уларга сўз берсам.

Тайинланган ўн кишининг биринчиси давра ўртасига чиқди. Олдиндан ўзгартириб чиқилган ясама ҳадислардан биттасини келтирди: «Ҳаддасана Исроилу ҳаддасана Одаму ҳаддасанал Баро ибну Озиб ан Абдиллоҳи ибн Язийд ҳаддасана Абу Исҳоқ». Фа иза қола «Самиъаллоҳу лиман ҳамидах»...». Имом Бухорий рўпарасидаги турқи совуқ, хумбош ва юзига заҳархандалик тўр солган бу одамнинг илк сўзлариданоқ ўзини адаштириш учун фитна бошланганини сизди. Чунки гапираётган одам ҳадис саволларидан атайлаб чалкаштириб айтди, аслида «Ҳаддасана Одаму ҳаддасана Исроилу ан Аби Исҳоқа ан

маърифатли ва энёли кишилар ёшгина Мухаммаднинг ортидан чоғиб юришди. Ваҳоланки, уларнинг кўпчилиги хадислари ёзиб олинмаган номдор ва улўф шайхлар эди. Улар хатто илтимослар қилиб йўл устидами, кўча ва хиёбонлардами уни тўхтатиб олиб, ундан хадис имло қилишни талаб қилишди. Юзига ҳали тўқ чиқишга улгурмаган бу йигит уларнинг сўзини ерда қолдира олмай, талабларига «хўш» деб жавоб беришдан ўзга чора тополмай қолди.

Мухаммад хозир устозини қўлтиқлаган ҳолда жомеъдан чиқишар экан, у кишидан:

– Басрага биринчи келишингизми бу? – Деб сўради. Имом Бухорий унинг гапини эшитмагандай бир пас сўкутда турди. Кейин миёда нималарнингдир хомчўтини қилгач:

– Бундан анча йиллар олдин, ўспиринлик чоғимда ҳам бу ерга келганман. Ўшанда устозимиз Муҳаммад ибн Юсуфдан хадис тинглар эдим. Шерикларим билан бирга таҳсилдан бўш пайтларимизда гоҳида узумхўрлик ёки тутхўрлик сайлига ҳам чиқардик. Тенгдошларим билан бирга сайилга борсам-да, аммо уларнинг ўйинларига, хурсандчиликларига кўшилмас эдим. Илмга бошим билан шўнгиган эдим, бирор соатимни мутолаасиз ўтказиш мен учун улкан фожаия эди.

– Менга айтишган эдики, ўшанда сиз устозингиздан эшитган хадисларингизни қоғозга тушириб бормаган экансиз...

– Ҳа, шунанга «айб»им ҳам бўлган. Ўша пайтларда ўспиринлардагина бўладиган ғурур ортиданмиё зехнимнинг ўткирлигига таянибми, хар нечўк, усто

зимнинг оғизларидан чиқаётган дурдона хадисларнинг маъносига берилиб кетиб, имло қилинаётган хадисларни дафтаримга ёзиб бормас эдим. Ҳолбуки, талабалар одатига кўра шайх оғзидан чиқаётган хар бир хадис толибнинг дафтарига вақт ўтказмай дарж қилиниши керак эди.

– Нима учун бу тартибни четлаб ўтгансиз? – сўради Ибн Абу Хотим.

– Менинг ҳолатимни кузатиб юрган шерикларим ҳам худди сен айтган саволни ташлашди: «Биз билан бирга дарсга мунтазам қатнашасиз-у, лекин ханузга-ча кўлингизга қалам тутиб бир хадис ёзганингизни кўрмадик-а?». Мен уларга жавоб бермадим. Орадан ўн олти кун ўтди. Тенгдошларим бу кунлар орасида менинг нега ёзмаётганим сабабини билгизга қизиб, кинояли учирма гаплар ташлаб туришди. Охири дўстларимга: «Ҳеч кўймадинглар-кўймадинглар-да, қани ёзганларингни менга беринглар-чи», дедим. Талабаларнинг дафтарларини кўриб чиқдим, улар ўн беш мингтача хадис ёзишган экан. Уларга индамай кетиш номардлик бўлмасин, дедиму шунча хадисни ёлдан айтиб бердим. Ҳатто уларга кўшимча қилиб яна бир канчасини эслатиб ҳам кўйдим. Пировардида улар мен айтган хадисларни эшитгач, йўл кўйган баъзи хатоларини тузатиб ҳам олишди.

Мухаммад ибн Абу Хотим хар галгидай устозининг ноёб зехни ва ўткир хотирасига яна бир бор тан берар экан, унга машхур муҳаддислардан Хошид ибн Исмоилнинг Бухорий ҳақида келтирган: «Шу воқеадан кейин зехн ва хифз бобида ундан ҳеч ким ўта олмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик» деган сўзларини эслатди.

ИМТИҲОН

«Икки Ҳарамда, Ҳижозда, Шомда, Ироқда
кўп олимларни кўрдим, лекин Муҳаммад ибн
Исмоилдек ҳадис жамловчини кўрмадим»
У киши биздан кўра билувчироқ
фақиҳроқ, талабчанроқдир»
Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон Самарқандий

Халифаликнинг бошшаҳри Бағдод бугун ажиб
бир хуш кайфиятда уйғонди. Шаҳарнинг зилол сувлари
дан кесиб ўтган Фурот дарёсининг зилол сувлари
машриқдан бош кўтараётган октябрнинг зарри
нурлари остида солланиб жилва қилади. Турфа
кийинган бағдодликлар ораста кўчаларни оралаб
эрта тонгданок юмушлари ортидан ошиқишади.
Мусаффо субҳидам ҳавоси, кушларнинг басма-басма
га сайраши, дарё томондан эсаётган майин элқин,
бозордан эшитилиб турган кўтаринки говур-гувур
ҳар қандай одамнинг оромини ўғирлаб, кўчага йўр
галатиб қўяди.

Русофа қишлоғи ўрнида барпо қилинган Бағдод-
нинг шарқий қисми ниҳоятда батартиб ва гавжум
бозорлари билан шуҳрат топган. Улардан энг маш-
ҳури Суқу суласо³⁷ эди. Ҳар куни Суқу суласога ҳеч
бўлмаганда бирров бош суқиб ўтмайдиган бағдод-
ликни учратиш қийин. Бирор нарса харид қилиш,
бунга эҳтиёж бўлмаса, ҳеч йўқ шаҳардаги янгилик
ва миш-мишлардан хабардор бўлиш, бунга ҳам ҳр-
жат бўлмаса, бирорта қадрдон билан учрашиб, суқ-

³⁷ Сешанба бозори.

батини олиш илинжи одамларни бозор сари оҳан-
рабоддай тортаверади.

Бугун ҳам ҳали қуёш кўтарилмай туриб бозор
одамга тўлиб кетди. Бир томонда Бағдоднинг машҳур
аслаҳачилари ўзлари ясаган қилич, ханжар, шамшир
каби қуролларини кўз-кўз қилиб мақтанишади. Яна
бир ёқда базозлар бақир-чақир билан Чиндан кел-
тирилган ҳарир шойи ва ипакли матоларига хари-
дор чорлаш билан банд. Қандолатчилар растасидан
таралаётган қиём ва шиннининг ёқимли ҳиди одам-
ларнинг қадамини тезлаттириб, беихтиёр йўлни ўша
томонга солишга ундайди. Дон-дун ва егуликлар рас-
тасида айниқса одам қайнайди. Заргарлик ва саҳхоф-
лик расталарида бошқаларига қараганда харидор
хийла кам бўлса-да, кўп ўтмай уларнинг мижозлари
ҳам бирин-кетин растага бош суқиб, дўкандорлар-
нинг кўзларида хурсандлик жилвалана бошлайди.

Шу пайт бозор яқинида жарчининг жарангдор
овози эшитилиб, ҳаммани жойидан жилдирмай,
ҳамсуҳбати гапини эшиттирмай қўйди. У овозининг
борича жар соларди: «Ҳой аҳли Бағдод, эшитмадим
деманглар, эшитганлар бошқага етказинглар. Бугун
Хуросондан машҳур ҳадис хофизи Абу Абдуллоҳ Ис-
моил Бухорий шаҳримизга ташриф буюрдилар. У зот-
дан ҳадис эшитишни истаганлар Жомеъул-Халифага
келсин, Бухорий илқо қиладиган ҳадисларни ёзиб
олсин ёки тингласин. Ҳой, эшитмадим деманглар!...»

Жарчи жарини чақириб турган лаҳзаларда бо-
зордан олисроқда, дарёнинг нариги соҳилида жой-
лашган шоҳона бир уйда ажиб воқеалар содир бў-
лаётган эди. Бағдоднинг машҳур уламози, фақиҳлар
пешвоси Абул Ғозий Саъид ибн Абдуллоҳнинг кенг

хадис хакида савол берар, Бухорий уйлаб ҳам ўтир-
май шу захоти комил жавоб билан унинг офзига
дан чиқарди. Бўтриккан юз-кўзини рўмоли билан
тинмай артаркан, номдор ҳамюртига асло таслим
бўлганини истамасди. Мухаммад шунча йил нафас
ёнида соғдай эрташиб юрган, унинг хар бир нафас
лар-пай жавобларидан ифтихор ва ғурурга тўлиб,
яъна тасаннолар айтишдан бушамасди.

Нихот Бухорий уйнаб кўйганидан хижолат чеккан-
кинаб, асабини уйнаб кўйганидан хижолат чеккан-
дай унга шифкат аралаш бир караб кўйди ва:

«Яна саволнингиз борми? – деб сўради. Ражо уял-
ган ва тортинган холатда ерта караб:

– Ха, бор, – дея олди.

– Ундай бўлса, сўранг, – деди Имом.

– Эндиги саволим Айюб исмли ровийлар хаки-
да бўлади, – деди Ражо ва бир нафасда ўн уч нафар

шундай исмли ровийнинг номини зикр қилди. Сўнг:

– Кўп билимини кўлга киритибсиз, – деди.

Имомнинг бу гапидан Ражо қайноқ сўтга ташлан-
ган сарнётдай ёйлиб-талтайиб кетди. «Имомни ҳеч
бўлмаганда хадис илмининг бир бобида мот қилиб,
қойил қолдирдим-ку!» деган ширин хаёл мивсидан
кечди. Ҳа устулнингидан ғурурга кетиб:

– Эй Абу Абдуллоҳ, сиз кўп илмдан маҳрум бўлиб,
бебахра қолибсиз, – деди.

Бухорий унинг худди шу маломатини кўтиб тур-
гандай хақиқат шамширини яланғочлади, адолат
қаноғини инсоф ўқиларини жойлади, музаффарлик

ўриндан туриб қаршилашди. Аммо Бухорийнинг
дилида бемаврид келган меҳмон билан ушланиб қо-
либ, жомеъда бўладиган хадис дарсига улуғрай қо-
лиш хавотирини ҳам кўзголон кўтариб улуғрай қо-
ражо ибн Муракжко пастак эшикдан кириб кел-
дини тиклади. Кўчоғини ояғача лапанглаб юриб ке-
либ, Бухорийни маҳкам бағрига босди. Мухаммад
еса шунчаки кўл узатиб, мусохафа қилиб қўяқолди. Ҳа
хотиркам суҳбат қуришни режалатан шекилли, ўст-
тўнини ечиб, унинг хар бир харақатини боқхона хо-
лимидай синчқилаб қузатиб турган Мухаммаднинг
қўлига ташлади. Қўрпачага отир чуқаркан, оптикча
мулозаматга ҳам тоқати етмай, ўзи фотиҳата қўл қў-
тарди. Кейин Имомга тиржайтағача караб:

– Аввалиги кўни басрата келсам, ҳамма ёқда дув-
дув гап: «Мадинадан Имом Бухорий келаетган-
мишлар». «Уч-тўрт йил шахримизда туриб, ахли

илмга хадис айтиб, ёздирап эканлар», дейишпти

одамлар. «Тўхта, Муракжконинг ўғли, Бухорий ҳаз-
ратларининг хузурларига бориб, хадис бобида бир

мунозара қилиб келмайсанми?» дедиму, бомдотини

жомеъда ўкиб, бу ёққа йўрғаладим. Кеъа окшомда

бир танишингиздан келишимга тайёрларик қўриб

туришингизни айтириб юборган эдим. Нима ҳақда

мунозара қилишни белгилаб кўйганидирсиз?

– Ҳа, у кечқурун хабарингизни етказди. Аммо

мен бирор нарса ни такорлаганим йўқ, ҳеч қандай

тайёрларик ҳам қилмадим, вале бунга вақт ҳам

етишмади. Агар мендан бирор нарса ни сўрамоқчи

экансиз, сўрайверинг!

Карвонсаройнинг кунжак хонасида икки олим
қизғин ва муросасиз мунозарани бошлашди. Ражо

Курран заминда бирор Ислоҳ ўлкаси йўқ. Унга «Саҳихи Бухорий» кириб борматган бўлса, мушарраф этди. Ислоҳ тарихида ҳеч бир мушарраф бўлмаган бирон-бир таснифи ёки бирор йўқ Каломи Куръони шуҳратга эга бўлмади. Аллоҳнинг насиб бўлмаган каримдан кейин бирор йўқ Бухорийнинг «Саҳихи» муяссар бўлди. Аллоҳнинг Халдун машхур «Муқаддима» асарида шундай дейишганини кўп маротаба эшитган бўлсам, шундай қарзидир. Бирок Ислоҳ уламоларидан ҳеч бир ушбу масъулиятдан озод қила олмаган, қарзидир. Чоғда бир канча шарҳлар битилган бўлса-да, бирок улардан бирортаси ҳам имом Бухорийнинг ўзи тўқтам бўлган тароҷумларида баён қилган фикрлар хикматлару нукталарни ўша илмий дурлару ҳақсий ва тарихий нозик жавоҳирларни ўзларида қўжассам этмаган».

«Саҳихи Бухорий»га кирган ҳадисларнинг саяетти минг беш юз олтимиш учтадан иборат. Бу асрнинг Куръони каримдан кейинги иккинчи экинчи ва муътабар китоб эканида арабу аҳж шарқу фарб аҳллари яқдил фикрда. Олимларнинг бир овоздан тан олишларича, «Бухорийнинг «Жамъус-саҳихи» Аллоҳ таолонинг Китобидан кейинги Ислоҳнинг энг улуғ ва афзал китобидир. Ҳозирги кунда бу китоб одамлар учун энг олий санаддир».

Дар бир киши бу китобни эшитиш учун минг фарсаҳ бил юриб келса, сафари зое бўлмайди». Аллоҳ таоло имом Бухорийга катта фазл ва шаърафато қилди. Илм йўлида қилган хизматлари самараси сифатида у кишининг шуҳратини оламга ёйди. У киши асрлар оша мўмин-муслимонлар қалбининг туртидан жой олиб, уларнинг мактовларига ва улуғлашларига мушарраф бўлиб келмоқда. Бу олий шаърафга Бухорий Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларидан ёлгонларни ва шуъҳаларни четлатганлари, суннат софлигини асрашда улуғ ишлар қилганлари сабабли сазовор бўлдилар. Чунки «Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга нисбатан ёлгон тапирманлар, чунки ким менга нисбатан ёлгон хос тирса, дўзахга қиради», деганлар». Бухорийнинг хос шогирдларидан имом Муслим айтди: «Санад диндир. Ривоят факат ишончли кишилардан олинган. Розийларнинг камчилиги бўлса, айблаш жониз, ҳатто воқибдир. Бу харом ҳисобланган гийбат эмас, балки муқаррам шариятнинг химоя қилишидир».

Абдуллоҳ ибн Муборак шундай деган эканлар: «Саҳар пайти бир киши кемада кетаётган ҳадис борасида ёлгон тўқмишга уринса, тонг отиши билан соҳилдаги одамлар «фалончи ёлгончи экан» дейишлари аник. Суфён Саврийнинг шундай сўзлари бор: «Аллоҳ ёлгон ҳадис тўқувчининг бирор ишини ҳам сатр қилмаган».³⁴ Шундан яхши аёнки, Аллоҳ таоло ўз Каломини ва шариятини муҳофаза қилгандай Пайғамбарининг суннатини ҳам шунчаллик бузилиш ва ёлгонлардан асрайдди.

³³ Масофа ўтчини, олти километрга тенг.

³⁴ Яъни, тапирмангай.

Фотима халтасидан уч дона туршак олиб, иккитаси-ни Аҳмадга узатди ва: «Бирини укангизга беринг», деб тайинлади. Ўзи кўлидаги туршакни оғизга соларкан, ниҳоятда толиққанидан уни ҳатто оғзида айлантиришга ҳам ҳафсаласи келмаётган эди...

Икки кундан сўнг ярим тунда карвондагилар галаговур, таҳлика ва ҳадиклар билан кемага чиқишди. Одамлар-ку биринчи марта кўриб турган бу ваҳимали уловга хавотирларини енгиб, бир амаллаб чиқиблиши олишди. Аммо туя, хачир ва отларни кемага чиқариб олиш осон кечмади. Айниқса отлар сув устида лопиллаб тебраниб турган кемага чиқишни истамагандай тинмай пишқиради, ўзини ҳар томонга отади. Ҳамма бир амаллаб жойлашиб бўлганидан кейин ҳам кема юрай демасди. Суриштириб кўришса, шамол келсагина йўлга чиқишармиш. Ушоққина кеманинг писта пўчоқдай тинмай қалқиб, лопиллаб туриши оч қоринларни баттар беҳузур қилар, меъдаси сустроқлар эса кўнгли айниб кетганидан тинмай ўқчирди.

Ниҳоят елканлар кўтарилди, икки бақувват йигит сувга ташланган лангарни кемага тортиб олди. Кеманинг қорамой суртилган тахталари худди ҳозир бир неча бўлакка ажраб кетадигандай ёқимсиз ғижирлайди. Атроф зимистон, икки қадам нарини мутлақо кўриб бўлмайди. Денгиз сувининг ёқимсиз ҳиди димоғларни безовта қилади. Зулмат қаъридан аллақандай сирли, ваҳимали шовуллаш, қийқириқлар эшитилиб қолади.

Ҳамманинг юрагида кўрқув ва хавотир. Биров бошқасининг ҳолига айланишга ярамайди. Йўловчиларнинг бари ўзи билан ўзи овора. Билол карвонгина одатдагидай кемада ҳам бир зум тиним

билмайди: кимгадир сув топиб берган, кимнингдир хожатини эшитаётган, бошқасидан ҳол сўраётган...

Фотиманинг аҳволи ниҳоятда таинглашиб қолди. Кўнгли безовта бўлар, ичидан нимадир ташқари отилиб кетадигандай туюларди. Аммо у ўғилларини кўрқитиб юбормаслик учун тишини тишига кўяр. Кўлидаги сафар халтасини маҳкам чангаллаганича овозини чиқармай унсиз инграрди. Кема саҳнида туриб олиб, елкан устунини маҳкам кучганича худди ваҳимали тунда қорайиб турган денгизда ниманидир учратиб қоладигандай олисларга диққат билан тикилиб турган Муҳаммад онасининг беҳол инграшини эшитиб қолди. Шошиб унинг олдида борди.

– Нима бўлди, онажоним, безовталанаяпсиз?...

– Хавотир олманг, ўғлим, сал мазам қочди, ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади...

– Бирор егулик топиб келайми, очқагандирсиз?

– Овора бўлманг, дилбандим, кўнглим ҳеч нарса тиламаяпти.

Муҳаммаднинг меҳри жўш уриб, эркалангиси келгандай онасининг бағрига бошини қўйди. Болаликдан таниш қалампирмунчоқнинг ёқимли бўйи димоғига «гуп» этиб урилди. Она ўғлининг кўнгироқ сочларини беҳолгина силаркан, чуқур хўрсинганича «Илоҳо, боламини Ўз паноҳингда асрагин!» деб қўйди.

Шунча қийинчиликларга қарамай, иккови ҳам улуғ сафардан кутаётган муродлари тобора яқинлашаётганидан масрур ва хушнуд эдилар. Она хийла улғайиб қолган дилбандининг қўлларидан меҳр билан маҳкам ушлаб олган, Муҳаммад эса яқинда онаси ва акаси уни юртидан жуда олисдаги бегона шаҳарга ташлаб, ўзлари қайтиб кетишларини ўйла-

ганида қалбини ҳали етиб келмаган фироқ алам
 эзғилаётгандай бўларди. Кимнингдир жон ҳалло
 қичқиргани эшитилиб, бирдан икков сергак
 тишди. Аҳмаднинг кеманинг бош томониға
 ханузгача қайтмагани шундагина эсларига
 Кеманинг тинмай допиллаб чайқалиши Аҳмаднинг
 ҳам мадорини олиб, тинкасини қуритиб қўйган эди.
 Шу топда онаси ва укасидан аҳвол сўрашга ҳам
 ти етмас, ўзи билан ўз овора эди. У кеманинг
 тахтасига бошини осилтириб олиб тинмай ўн
 қорнида ҳеч вақо йўқлиги учун енгил тортиши
 йин бўлаётган эди. Муҳаммад акасининг қўлтиги
 кириб, уни авайлаб етаклаб келди ва онасининг
 ёниға ётқизди. Ўзи қўлидаги чопонни онаизорининг
 қизиб қўйишга мажбур бўлди. «Бироз кўзингизни
 юмиб ётинг, сал ором топасиз», деди онасига я
 ган машғулотиға – ёд олган ҳадисларини хотирида
 қайта тиклашга киришиб кетди.

МАККА

«Бухорийнинг ҳажга биринчи
 сафарлари ҳижрий 210 санада эди,
 у зот ушанда ўн олти ёшда эдилар».
 Хофиз Ибн Ҳажар Асқалоний

—Бир ҳафта деганда Ҳафжи бандаргоҳига келиб
 тушишди. Бу ердан Маккага бориш учун ҳам ками-
 да яна уч ҳафта йўл босиш керак. Мана шу йигирма
 кумлик йўл ҳаммасидан ҳам оғир ва қийин кечди. Ну-
 қул кимсасиз, гиёҳ ҳам ўсмайдиган тақир саҳродан
 юришга тўғри келди. У ер-бу ерларда қип-қизил тош-
 дангина иборат яйдоқ тоғчалар кўриниб қолади.
 Ниҳоят, Аллоҳнинг лутфу инояти билан йигир-
 ма биринчи кун тонг оқараётганда Маккага кириб
 келишди. Кумликлар ўртасида қад ростлаган ба-
 хайбат қора Уй узоқдан баралла кўриниб турарди.
 Бироз нафасларини ростлашди. Ҳамманинг юзида
 мамнунлик ва сурур, қалблар буюк бир воқеани ку-
 тиб, ҳаяжонда...

Қуёш эринибгина кўтарилар экан, каъбапўш-
 нинг ялтироқ ипаклари унинг нурларида сирли жи-
 лоланади. Кеча кун бўйи осмондан ёққан жазирама
 оловда ҳолдан тойган шаҳар субҳидамдагина бир
 қур эсадиган ёқимли сабодан аста ўзига келмоқда.
 Шаҳарга кириш олдидан Муҳаммад ҳачирдан
 тушди. Оҳиста юриб бориб, ерга чўккалади ва ис-
 сиғи ҳали кетиб улгурмаган кумлоқни ажиб ихлос
 ва муҳаббат билан силаб қўйди. Кейин қўлларини
 жуфтлаб юқорига кўтарди, кўзда ёш билан аҳли Ис-
 лом учун энг табаррук шаҳарга салом берди:

лантириб юборди. Улар бирин-кетин ётган жойидан қўзғолиб, Билол карвон кўрсатган томонга қараб йўлга тушди. Карвондагиларнинг ташналигини бироз бўлса-да қондира олган Билол карвон сал хотиржам бўлиб, сувни қаердан топганини карвондагиларга энтика-энтика сўзлай кетди:

– Тиккайган дарахт ёки парвоз қилаётган қушни кўрармиканман деб термулавериб, кўзларим тешида «така-така» қилиб ташладим. Олдинги сафарларда биз сув олган ҳамма қудуқлар кўмилиб кетибди ёки кимдир қасддан беркитиб ташлабди. Охири бу ердан ўн беш чақиримча нарида бир туябоқарнинг ўтовини кўриб қолдим. Ялиниб-ёлбориб, аранг бир мешчада сув сўраб олдим. Туябоқарнинг айтишича, саҳродаги ҳамма қудуқларни Зуляминайн Тохир Хусайннинг одамлари кўмиб ташлаганмиш. У ким бўлди, деб ҳайрон бўляпсизларми? Менам у ҳақда эшитмаган эканман. Тохир Хусайн халифага бўйсуннишдан бош тортиб, атрофига одам тўплабди ва улар ёрдамида Хуросонни халифага бўйсунмайдиган мустақил давлат деб эълон қилган эмиш. Бу қилмишини қаттиқ қоралаб, устига қўшин тортиб келиш билан дағдаға қилган Халифага ўчакишиб, ҳаж карвони йўлидаги барча қудуқларни кўмдириб ташлаганмиш. Биздан сал олдинроқ Марвдан йўлга чиққан қирқ беш кишилик карвон ҳам сувсизликдан ниҳоятда қийналиб, ортига қайтиб кетибди. Мана шунақа гаплар, юртдошларим, тезроқ Бухшир бандаргоҳига¹³ етиб олмасак, ҳолимиз хароб бўладиганга ўхшайди. Бундай қисматдан Аллоҳнинг Ўзи асрасин!

¹³ Кема тўхташ жойи, порт.

Эртасига шом кирай деганда бандаргоҳга етиб боришди. Бандаргоҳ деганлари устига қамиш ёпилган бир айвон ва ёнидаги ихчамгина кулбадан иборат бир жой экан. Атрофда на бошқа бошпана, на тиккайган бута ёки дарахт кўринади. Муҳаммад олдинига эътибор қилмаган экан, сал нарида жимирлаб кўринган нарса поёнсиз денгиз экан. Бунақа кўп сувни у ҳаётида биринчи кўриши эди. У билган энг катта сув ҳавзаси Бухоронинг ҳовузларию Бойканддаги иккита ихчамгина сой эди, холос. Билол карвон туяларни чўктиришга, карвондагиларни бироз ҳордиқ чиқариб олиш учун жой тайёрлашга буюрди.

Ҳамма денгиз сувида таҳоратини янгилаб, шомга тайёргарлик кўра бошлади. Кун бўйи қизиган таналар денгиздан эсаётган салқин эпкинда сал ўзига келди. Туя ва хачирлар ҳам хийла жонланиб қолди. Денгиз суви ниҳоятда шўрлигига қарамай, унинг борлигининг ўзи вужудларга бироз роҳат бергандай бўлди.

Бандаргоҳда бирорта кема ҳам, қайиқ ҳам йўқ эди. Унинг жиккак, лаби тиртиқ, ҳабашдай қоп-қора қоровули одам ташийдиган кеманинг индинга келишини айтганида карвондагиларнинг ҳафсаласи пир бўлиб кетди. Айниқса аёлларни ваҳима, тушкунлик босди. Егулик ва сув танқис бўлгани учун кимсасиз бир жойда икки кунни бекор ўтказиш машаққатнинг нақ ўзгинаси эди.

Фотима ўғли Аҳмад билан айвончанинг тўрида бир парча мато устида ўтиришар, Муҳаммад эса айвоннинг устунига суянганича миясини чархлаб, ёд олган ҳадисларини бир бошдан эсга туширар эди.

бошланиб кетган можаролар замирида айнан шу нарсалар ётибди, деб ўйлайман. Устозга хилоф қилмаётганлар табиатан оғмачилиги, ақл-идрокининг қусури, фикр доираларининг ўта торлиги сабабли хил қарашларига ёпишиб олиб, Бухорий раъйнинг ҳар рининг нозик жиҳатларини тушуниб етишга ожизлик қилиб қолишган...

...Дарҳақиқат, Бухорийнинг шогирдларини ташвишга солаётган бу ихтилоф оловига мой қуйиб, янада аланга олдирилгани боис тобора хатарли тус олиб борарди. Имом Бухорийнинг ўзлари мужтаҳид ва аҳли ҳадис бўлгани боис ўз ижтиҳодига кўра фатво берарди. Табиийки, ҳанафийликка асосланган Бухоро аҳли ва уламолари амалиётига унинг фикрлари тўғри келмай қолади. Орада ҳар хил тушунмовчиликлар ҳам юз беради. Шундай масалалардан бири сифатида аслида бир-бирига бегона бўлган ўғил-қизнинг орасида эмикдошлик собит бўлган учун бир онани эмган бўлишлари кераклиги масаласи қайд қилинган.

Кейинчалик Бухорий ва фақиҳлар ўртасидаги ихтилоф сабабларини ўрганиб чиққан олимлар бунда икки томоннинг ҳам айби йўқлигини, уммат учун раҳмат ҳисобланган ихтилоф сунъий равишда авж олдирилганини зикр этишди. Таниқли олимлардан Камол ибн Хумом «Ҳидоя»нинг энг машҳур шарҳи ҳисобланадиган «Фатҳул-қодир» асарида қуйидагиларни айтади: «Нақл қилинганки, «Саҳиҳ» муаллифи имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий шаҳрида «Икки гўдак бир қўйни эмса, ораларида ҳаромлик собит бўлади», деб фатво берган. Шунда у ернинг

уламолари унга қарши чиқишган. Бухородан чиқарилишига шу воқеа сабаб бўлган. Яна Аллоҳ билувчироқ». Ҳанафий мазҳабининг таниқли уламолари Мавлоно Алиюл Қорий ва Абдулхай Лакнавий эса, бу ҳикояни зикр қилар эканлар, ушбу воқеанинг бўлиб ўтганига шубҳа билдирганлар: «Зотан, имом Бухорий буюк муҳаддис бўлиши билан бирга фикхий салоҳияти ҳам ундан кам бўлмаган, албатта. Унинг фаҳми, диққат-назари фикхий масалалар борасида ҳам ўтқир бўлганига асло шак-шубҳа йўқ»...

экан, яна аввалгидай кўнглига ранж ва хижолилик тушди, кайфияти куз ҳавосидай айнади.

У Баҳри Қулзумни⁴⁵ кесиб ўтиш учун кемага чиққанида бир хуросонлик одам унга хира пашшадай ёпишиб қолди. Аввалда Имом бу сўзамол, юзлари семизликдан ялтираб кетган, кўзлари ўйнаб турадиган, жилмайганда лаблари беўхшов қийшайиб қолувчи, турки совуқ одамга хушламайроқ муомала қилди. Аммо ундан қутулишнинг сира иложи бўлмади. У шунақанги сурбет ва бетамиз эдики, кўйчи-воннинг кўппаги каби Имомнинг орқасидан соядай эргашиб олди. Оғзидан кўпик сочиб тинмай хушомад сўзлари ёғдирди. Гоҳ Имомни турта-турта кўзикки марта бўлганини, Исломнинг мадори саналган бу шаҳарнинг дунёда тенги йўқлигини изҳор қилиб, Имомнинг муҳаббатини қозонишни истади.

У гап орасида Бухоронинг бир неча машҳур уламолари билан ҳамсуҳбат бўлганини ҳам қистириб ўтди. Бухоро ва Марв уламолари арабларнинг олимларидан бир қадар устун эканини таъкидлашни ҳам унутмади. Имомга фикҳ ва ҳадисга оид бир неча масалаларни сўраб, мурожаат ҳам қилиб кўрди. Унинг бу хатти-ҳаракатлари дастлабига Имомга самимийдек кўринди. Охири ўртада унс пайдо бўлгандай туюлди. Бухорий унга илтифот кўрсатиб, у билан бир неча бор ҳадис илми ҳақида суҳбатлар кўрди.

Эртасига эрталаб кема саҳнидан бепоён денгизга боқиб, қуёш нурида чиройли ялтираб турган мавжлардан завқланиб турганида ёнида товуш чиқармай ўша хуросонлик пайдо бўлиб қолди.

⁴⁵ Қизил денгиз.

– Ассаламу алайка йа устаз, кайфа ҳалук⁴⁶, – деди у арабчалаб.

– Ва алайкум ассалом, – алик олди Бухорий.

– Яхши ётиб-турдингизми?

– Алҳамдулиллаҳ, Аллоҳнинг паноҳида туни кунга уладик.

Шу билан салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашиш ниҳоят сизга етди. Хуросонлик ўртадаги оғир сукутни бузиш учун яна нимадир дейиш кераклигини англаб, Бухорийга ялтоқланиб сўз қотди:

– Шундай қилиб, Мисрда кетяпман, денг.

– Ҳа, Мисрда. Қоҳирада устозим Аҳмад ибн Солиҳнинг суҳбатида бўлиб, ундан ҳадис ёзиб олмоқчиман.

– Мисрда қанча турмоқчисиз?

– Аллоҳ насиб қилса, бир-икки ой бўлиш ниятим бор.

– Тирикчилик масаласи нима бўлади? Бегона юртда шунча вақт туришга ҳам анча-мунча маблағ керак-ку!...

– Авваламбор устозларимнинг хонадонларида турмоқчиман, сониъан Мисрда шогирдларим ҳам бисёр. Қолаверса, пул ҳам йўқ эмас. Минг динордан кўпроқ тилла тангам бор.

Хуросонлик бекорга гапни пулга айлантириб келмаган эди. У Имомнинг қанча пули борлигини аниқлаштириб-билиб олмоқчи эди. Ҳамсуҳбатида шунча пул борлигини эшитиб, унинг лаблари одатдагидан ҳам қийшайиб кетди, кўзлари пир-пир уча бошладди. Нимадир деб ғўлдирадию, Имомни холи қолдириб, кеманинг қуйруқ қисмида тўпланиб ўтирган ҳамюртлари қошига қараб кетди.

⁴⁶ Сенга салом бўлсин, эй устоз, аҳволлар қалай?

Аммо Бухорийнинг тўртинчи табақадаги устозларидан Муҳаммад ибн Яҳё Зухлий ўзининг шуҳрати ҳам, мансаби ва обрўсига дахл қилинишидан ҳам хотиржам эди. Чунки у Найсобурнинг энг катта олими, Имом Бухорий ва ўша даврнинг энг катта ча кўзга кўринган муҳаддисларининг қарийб бар бири, таниқли муҳаддис, ҳадис ривоятларидан ишончли ровий, бу илмда «амирал-мўъминин» деб васф қилинган зотлардан биридир. Шунинг учун ҳам Муҳаммад ибн Яҳё Зухлий: «Мен эртага Муҳаммад ибн Исмоилни кутиб олишга чиқаман. Ким шундай қилмоқчи бўлса, мен билан юрсин», деди. Натижаридан Нишопурдаги аҳли илмнинг барчаси Имом Бухорийнинг истиқболига чиқиб, уни катта тантана билан қарши олишди.

Имом Бухорий Найсобурдаги бухороликлар карвонсаройига келиб тушди. Имом Зухлий у келган кунининг эртасигаёқ одамларни Имом Бухорийдан ҳадис тинглашга йўллади: «Бу солиҳ кишининг олдига боринглар, ҳадисларини эшитинглар!» деди. Аммо бунинг ортидан: «Имом Бухорийдан каломга оид саволлар сўраманглар, агар бизнинг фикрларимиздан бошқача жавоб берса, орамиз бузилиб юрмасин», деб огоҳлантиришни ҳам унутмади.

Уч кунгача карвонсарой одамдан бўшамасди. Имом Бухорийни зиёрат қилгани келган одамлар билан карвонсаройнинг ҳовлисию, томларигача тўлиб кетди. Ҳамма у киши томон юзланиб, изларидан эргашиб кетди. Ҳатто Муҳаммад ибн Яҳё Зухлийнинг дарс ҳалқаларидаги тингловчилар сезиларли камайиб қолди. Зухлийнинг дили бундан қақшаган, кўнгли озор чеккан эса-да, ташига чиқармади. Нима

бўлганда ҳам Бухорий узоқ йиллик ҳижратдан эндигина қайтиб келди, бунинг устига ўзининг энг номдор, шуҳратли шогирдларидан.

Кўрсатилган муболага тарзидаги иззат-икромлар илм аҳли қалбида Бухорийга нисбатан тўлиб-тошган меҳр ва икромнинг бир кўриниши, халқнинг олимга бўлган улкан муҳаббати далили эди. Аммо Бухорийга бўлган бу каби юксак эҳтиром, шарафлаш ва улуғлаш кибру ҳавоси ўзини зўр, кўзини кўр, сўзини шўр, гурур-виқори эса ақлини гумроҳ қилиб қўйган калтабин махлуқлардан ҳам пинҳон бўлмади. Найсобур шайхларидан бири Имом Бухорийга қарши бошланган ҳасад ва ғараз муборазасига саркардалиқ қилди.

Муҳаммад ибн Исмоил келиб тушган бухороликлар карвонсаройининг ҳовлиси одам кўплигидан тикилинч бўлиб кетди, сигмаган қанча одам ташқарида ҳам қолди. Улар ичкарида нима бўлаётганини кўролмади, билолмай сабрсизлик кўрсатишар, мақсадларига етолмай, ўзларини камситилган ҳис этишар эди. Ҳамманинг тор ҳовлига кириб, Имомнинг кўлини ушлашга, ҳеч бўлмаганда унинг нурли юзига бир қур назар ташлашга умиди, иштиёқи кучли эди.

Орадан уч кун ўтди. Имом тушган карвонсаройдан одамларнинг оёғи бироз селпигандай бўлди. Фақат устознинг уммон янглиғ илмидан баҳраланиш, ўзларини безовта қилаётган саволларига маънили жавоб олиш илинжидаги бир неча илм аҳли қолди. Шунда жиккакдан келган, озғин, кўзлари уккинники каби ичига кириб кетган, танасига муносиб бўлмаган катта саллали бир киши Имомга Қуръондаги лафздан савол берди. У ўрнидан виқор билан туриб,

ҳовлисидаги ҳашаматли меҳмонхонада ўн беш чой-ли аҳли илм тўпланди. Бу машваратнинг мақсади, Хуросондан келган Имом Бухорийнинг шаҳардаги рининг шаъни ва мақомига қанчалар таъсир қилишини муҳокама қилиш эди. Абул Ғозий тўкин да-турхон атрофида салобат билан кўр тўкиб ўтирган уламоларнинг ҳар бирига бир қурдан кўз ташлаб чиққач, «бисмиллаҳ» билан сўз бошлади:

- Алҳамду лиллаҳи Роббил алабийн. Афзалус-салавот ва акмалут-таҳийяти тала хойри холқиҳи Муҳаммад, ва ала алиҳи ва асҳабиҳи ажмаъин. Амма бири уламо, арбоби дониш, шайхул-машойихларга махфий ҳам фаромуш ўлмағайким, ажамлар юртидан Имом Бухорий отлиғ бир муҳаддис шаҳримизга ҳадис айтгани келибдур. Катта жомеъда халойиқ тўплаб, аларға ҳадис сўзламак ниятида эрмиш. Биз бағдод фузалою уламолари бу ҳолатға ўз муносабатимизни билдирсак, матлуб ҳам марғуб иш бўлур эди. Алҳол, аллақеқдаги бир ажамийнинг дарс ўқиши, юртимизга келиб бизларга ҳадис ўргатиб кетиши араб олимларининг шаънига, обрўсига тузалмас доғ, устларидан сочилган туфроғ бўлмасмикин? Ҳасбатан лиллаҳ³⁸, бунинг олдини олишимиз лозим. Шунга машварат қилмоққа чорлаб эдим. Жаноби фозилу ашрафийларнинг билдирадиган маслаҳат-таклифларига қараб, бирор чораю тадбир ўйлаб топайлик, биллаҳи тавфиқ⁴⁰.

³⁸ Миллат ва диннинг нури.

³⁹ Аллоҳдан умид қилиб.

⁴⁰ Аллоҳнинг тавфиқи, қўллаши билан.

Хонадон соҳибининг яна ҳаммага бирма-бир қараб чиқишига тўғри келмади. Илм билан шуғулланишдан кўра аҳли илм орасида турли миш-миш, фитна-фасод тарқатишда ном чиқарган Абу Харроз Бағдодий еб турган гўштини товоққа ташлаб, ёғли лабларини енгига артиб олди-да, оғзидан кўпик сочганча тез-тез гапира кетди:

- Хулуси эҳтимом билан айтадиган бўлсак, аллақеқдаги бир ажамийнинг бизга келиб ҳадис ўргатиши аббосий халифалар маркази, Қурайш имомийларининг даъват маркази бўлмиш Бағдод аҳлининг шаънига филҳақиқат номуносиб, номақбул, мутлоқ ноҳўя ишдур. Инчунин, анга қарши бир чора топиб, тилини жиловлаб, сўзини ғилофлаб қўйиш керак. Менинг таклифим, бирор йўл билан гапидан ишқаллик топиб, издиҳом ичида шармандасини чиқармоқ лозим.

Унинг гапига бошқа бир уламо Абул Фотиҳ Бағдодий эътироз билдирган бўлди:

- Имом Бухорийнинг қувваи ҳофизаси ниҳоятда ўткир деб эшитганман. Бунинг устига унинг ҳадис ёдлашдаги катта иқтидори, чуқур илмий салоҳияти ва етук мужтаҳидлиги ҳам бағдодликларга яхши маълум. Шундай бўлгач, уни тилидан ушлаш, сўзидан адаштириш осон бўлмаса керак? Менимча, халифага шикоят билан кириб, уни шаҳардан бадарға қилдиришимиз тўғрироқ бўлармиди?!

- Йўқ, бундай қилиш ярамайди, - деб эътироз билдирди Абул Ғозий. - Сабаби, биринчидан халифанинг Бухорийга нисбатан муносабатини яхши билмаймиз, иккинчидан бу ишимиз авом наздида обрўйимизни фақат пастлатиши мумкин. Фақирнинг шундай таклифи бор: уни имтиҳон қилиб,

РИҲЛАТЛАР

*Бухорий барча диёрлардаги муҳаддисларнинг
хузурига рихлат⁴³ қилди. У Хуросонда,
Жиболда, Ироқ шаҳарларининг барчасида,
Ҳижозда, Шомда, Мисрда ҳадис ёзди.
Бағдодга бир неча марта кирди.
Хатиб Бағдодий*

Кимсасиз ва қақроқ саҳрода бир отлик бораётир. Унда-бунда кўзга ташланадиган қамғоқ, юлғун, ян-ҳисобга олмаса, атрофда бирор тиккайган бутта ёки дириши остида бетоқат ҳансирайди. Қушлар парвозлар ҳам салқин ахтариб, пана ва кунжак жойларга жон асраш учун яшириниб олган.

Фақат бу йўловчигина иссиқнинг ёндиришига ҳам, тинимсиз учиб турувчи қумларнинг жондан бездиришига ҳам, саҳрода сувсиз қолиб кетиш ёки бирор йиртқичга рўбарў бўлишнинг хатарларига ҳам парво қилмай тинмай йўл босади. У қум барханлари оша олисларга умид билан назар ташлаб кўяди. Аммо кўзлаган нарсасини топа олмагандай тезда ҳафсаласи пир бўлади. Яна хаёллар денгизига ғаввос каби шўнғийди. Манзилига қачон етишини ҳам билмайди. Атрофида гунг саҳро, ҳаловат нима-лигини билмайдиган қум уюмлари, онда-сонда йўлини кесиб ўтиб қолувчи калтакесак ва илонлар...

⁴³ Илм талабида турли ўлкаларга сафар қилиш, кўчиш.

Бошқа жонзотнинг бари ёндирувчи, лоҳас қилувчи, жон олувчи иссиқдан қочиб, кечки салқин тушишни интизор кутади.

Кун бўйи саҳро узра ҳукмронлигини юргизган қуёш ёйган сепини йиғиштириб олишга қасдлангани учун иссиқнинг тафти бироз пасайди. Аммо бундан отликка ҳам, отга ҳам мутлақо наф бўлмаётган эди. Отлик иссиқ гармсел ўйинқароклик қилиб тўзғитаётган қумларнинг оғиз-бурнига кириб кетмаслиги учун яшил ёпқичини юз-кўзи аралаш ўраб олган. Фақат кўзлари очик қолдирилган. Эгар устига ташланган хуржуннинг бир кўзида кичкина мешчада сув, икки дона қотган арпа нон, бир ҳовучгина хурмо, жойнамоз, мусхаф, ҳадис ёзиб олиш учун до-вот ва қоғоз, бошқа бир кўзида эса отининг еми бўлмиш салкам икки соъча арпа дони бор. Эгар остида йўлда учраши мумкин бўлган турли йиртқичлар ва дайди итларни ҳайдаш учун учи сўйилга ўхшаш тўмтоқ асо қистирилган.

Имом Бухорий ҳозир Яманга яқин ердаги Абзо қишлоғига кетяпти. Унинг Маккаи мукаррамадан чиққанига ҳам мана беш кун бўлди. У Умул-қуро-даги Укоз бозорида шомлик тожирдан Абзода исти-қомат тутган бир қўйчивон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз ҳақидаги ҳадисларини сўзлаб бергани ҳақида эшитиб қолди. У келтираётган ҳадис ўз мазмунига кўра Имом Бухорий ҳозирга-ча ёзиб олган ҳадисларга ўхшамас эди.

Имомнинг юрагига ўт тушди. Биттагина бўлса ҳам ҳозиргача ўзи учратмаган ҳадисни ёзиб олиш иштиёқи уни йўлга чорлади. Ҳавонинг иссиқлигию, йўл азоблари, сафар машаққатию вақтнинг исрофи

варишлагашга ўхшайди. Улар дарахтни ўстиргач, мен сини кутиб, умрларини абас²⁹ ўтказиб юборишди.

– Ана шундай ғафлатда қолмаслик учун нима қилиш керак, устоз?

– Илм аҳли энг аввало Аллоҳнинг розилигига кўзлаши, холис илм ўрганиши ва уни ихлос билан тарқатиши зарур. Ким бу усулдан чекинса, илмга шохсий бир фараз ёки манфаат йўлида олмоқчи бўлса, бу илм асло фойда келтирмайди, аксинча зарарга хизмат қилади. Аллий розияллоху анҳунинг шундай сўзларини ўқиган эдим: «Дунё ортини ўтирар кетмоқда, охираат бағрини очиб, пешвоз чиқмоқда Икковнинг ҳам фарзандлари бор. Охираат фарзандлари бўлинг, дунё фарзандлари эмас! Бутун амал бор, ҳисоб йўқи Эртага амал йўқ, ҳисоб бордир!».

– Устоз, агар саволни кўпайтириб юбормаган бўлсам, яна бир нарсани сиздан сўраб олмоқчи эдим.

– Бемалол, Абу Жаъфар...

– Хадислар бобида устозлар ёки тенгдошлар билан сира ихтилофга борганмисиз, тортишиб қолганмисиз?

– Бундай ишлар кўп марта воқеъ бўлган, бўтақ Бир кунни Хумайдийнинг хузурларига киргандик ўшанда ўн саккиз ёшда эдим. У киши ким билдир бир хадис устида тортишиб турган эканлар. Мени кўргач, «Ана бизнинг ораминизни ислоҳ қилиш кўйдиган одам келди», дедилар. Икковлари ҳам хадисларини ва фикрларини менга айтишди. Мен Хумайдийнинг фойдаларига ҳукм чиқардим. У кишига хилоф қилган одам агар ўз фикрида қолган ҳолда вафот этганида кофир бўлиб кетади. Исроқ

²⁹ Бефойда, самарасиз.

Иброҳим билан ҳам шундай иш содир бўлган. Ундан паршонхотирлик орқасидан аёлини талоқ қилиб қўйган киши ҳақида сўрашди. У киши узок ўйланиб қолдилар. Жавоб бўлавермагач, мен шундай дедим: «Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳ талоқ умматининг кўнглидан ўтган нарсани, агар у амал қилмаган ёки гапирмаган бўлса, кечиради», деганлар. Демак, мана шу уч нарса – амал, сўз ва дил бирта бўлиши керак. Агар у талоқ қилган бўлса ҳам илтиш ортидан қилган, айтган талоғи тилидан илтиш бўлса ҳам дилига ботланмади». Шунда Исроқ чиккан бўлса ҳам фикримиз бир жойдан чиқди», дедим Иброҳим «Фикримиз бир жойдан чиқди», дедилар ва шунга фатво бердилар.

– Айрим нонинсофлар хадисларнинг саҳихлиги ҳақида сиз билан имом Доримий ўртасида келишмовчилик чиқаришга ҳам уринишган экан...

– «Ат-таховуну бил-амри мин қиллатил-маърифати бил-амри»³⁰ деганларидек, айрим соҳибларимиз ўз билимсиликларини баҳсу мунозара, жидол³¹ билан ёлмоқчи бўладилар. Абдуллох ибн Абдурахмон Доримий заковатли, билимдон муҳаддислардан. Бир кун у кишидан Солим ибн Абу Ҳафсаннинг хадислари ҳақида сўраб қолишибди. У киши ўшанда айтибдиларки, «Бун Имом Бухорий билан ёзганмиз, Бухорий Солимни заиф дер эди». Доримийдан «Сиз эса нима дейсиз?» деб сўрашибди. У киши: «Муҳаммад меидан кўра бу илмда донороқ», дедилар. Кейинрок Доримийдан Муҳаммад ибн Каъбнинг «Ўзини хорлаган ёлгончигина ёлгон гапирарди» деган хадис-

³⁰ «Бир ишга суғлиқ қилиш ўша ишни яхши билмасликдандир».

³¹ Низо, жанжал, тўлодон.

янгроқ азони эшитилди. Теварак-атрофдан масжидга оқиб келаётган одамларнинг қадами тезлашди.

Икки олим намозни адо этиб чиқишдию, нафсиринлик - пашмак харид қилиб келди. Чойгунни қайнатгач, сувнинг ўзи билан кифояланиб кўйиштироҳат истаб қолди. Ҳозир ёзишга киришиш бе-мавридлигини сезиб, аста суҳбат бошлашди.

- Эй Абул Ҳусайн, Бухоро фақиҳларининг устозимиз Абу Абдуллоҳни фикҳни яхши билмасликда айблашаётганига нима дейсиз? - деган савол билан ёнида ўтирган Муслимга юзланди Термизий.

- Биродарим Абу Исо, мен ҳамма нарсага рози бўламану, аммо устозни бунда маломат қилишларига асло чидай олмайман, - деди Муслим дўстининг қўлларидан тутиб маҳкам қисганча. - Айрим чаламуллаларнинг ҳасад ортидан у кишига лой чалашлари оддий кўролмасликдан бошқа нарса эмас. Мени фақат бир ҳолат таассуфга солади: бу фитнага Абу Ҳафс Кабирдай улуғ алломанинг ўғли Абу Ҳафс Сағирни ҳам тортишгани кўп кўнгилсиз иш бўлди-да! Маълумингизким, Абу Ҳафс Кабир раҳматуллоҳи алайҳнинг шарофати туфайли Бухоро «Қуббатул-ислом» (Ислом динининг гумбази) номини олган. Устозимиз Абу Абдуллоҳнинг ўзлари ҳам у зот раҳимахуллоҳнинг олдида бир қанча ҳадис тўпламлари, фикҳий манбалардан сабоқ олганлар. Устозимиз билан шундай улуғ олимнинг фарзанди аржуманди ўртасида пайдо бўлиб қолган бефойда тортишувлар илмга фақат зарар келтиради, холос...

- Ҳақни сўзлаяпсиз, - деди Термизий ёнидаги дўстининг қўллари устига қўлини қўяркан. - Фикҳри ожизимча, устозимиз «Фақиҳларнинг саййиди», «Бутун дунёнинг фикҳ бўйича имоми» деган унвонларни бежизга олмаганлар. Замонамизда фикҳ икки тариқатга бўлинган. Яқин-яқингача Ироқ аҳли ўртасида ҳадис кам қўлланар, қиёсний кўпроқ қабул қилиб, унда мохир бўлиб кетдилар. Кейинчалик ҳадислардан фатво чиқариш авж олди ва аҳли ҳадисларнинг таъсири ортди. Устозимизнинг ўзлари мужтаҳид бўлганлари ва ҳадис илмида пешқадамликлари эътиборга олинадиган бўлса, у кишини фикҳни билмасликда айблаш ҳақиқат юзига парда тортиш билан баробардур. Ҳар икки томоннинг ўз асосларига таянган ҳолда ихтилофга боришлари табиий бир ҳолатдир. Буни тушуна олмаган айрим нодонлар бундан можаро чиқариб, илм аҳли орасига фитна солишга уринмокда, холос.

Абу Исо Термизийнинг бу қадар куйинишида жон бор эди. У кўплаб шайхлардан ҳадис тинглаган ва ёзиб олган бўлса-да, асосий устоз сифатида Имом Бухорийни тан оларди. Ижозати ҳам шу кишидан эди. Термизий ҳадис илмини Бухорийдан ўрганди, у кишининг қўлида камолга эришди. У кишида ўқиб, илмларидан баҳра олди. Ҳадис илмига тааллуқли баъзи ишларда ҳатто устози билан мунозарага ҳам борди. Ўша давр олимларига хос равишда қайсидир бир ўринда устози билан мувофақат қилган бўлса, бошқа бир ўринда мухолафат⁴² ҳам қилди. Чунки тақлиддан қочиш, ҳар жойда, ҳаммаша Ҳаққа тобеъ бўлиш унинг одати эди.

⁴² Мувофақат - мувофиқ келиш, уйғунлик; мухолафат - ихтилофга, қарама-қаршиликка бориш.

Устозига мухаббатни шу қадаар поёнсиз эдики, кўпинча унинг фикрини бошқалардан устуи кўярди. «Сунанча ҳаммад ибн Исmoilдан эшитдимки...», «Бу ҳақда Абу Абдуллохнинг шундай фикри ҳам бор», «Муҳаммад айтидики...» деган жумлаларни учратиш мумкин эди. Хозир ҳам устознинг фикхий қарашлари ҳаққини эди тушунмовчиликлардан рухий қийноққа тушаётгани сабабларидан бири ҳам у кишига бўлган муболағали мухаббати эди. У хозир Муслиминнинг фикрларини яна бир тасдиқлаб, шундай деди:

– Холис айтиш керакки, назаримда хозирги олми-лар ичида Бухорий ҳазратлари илм жиҳатидан энг кенг қамровли, зикр жиҳатидан энг машҳури бўлиб, у зотнинг максасди саҳиҳ ҳадисларни бошқаларидан ажратиб олиб, улар ёрдамида фикх, сийрат ва тафсирни таҳжик қилиш эди. У киши «Жомеъус-саҳиҳ»ни тасниф этиб, ваъдаларининг устидан чиқдилар. Эшитшимча, солих инсонлардан бирлари тушида Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламни кўрганида Расул алайҳиссалом унга: «Сен нега Муҳаммад ибн Идриснинг фикхи билан машғул бўлиб, менинг китобимни ташлаб кўйдинг?» дебдилар. Уша одам: «Эй Аллохнинг Расули, сизнинг китобингиз қайси?» деб сўрабди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам «Саҳиҳи Бухорий», дебдилар. Ҳаётимга қасамки, бу китоб шунчалар катта шуҳрат қозондики, бундан ортгини ҳатто орузу ҳам қилиб бўлмайди. Шундай бўлгач, кўролмаслар у зотга ҳасад қилмай, менига ҳасад қилишармиди?!

– Ғоят ҳақ сўзларни айтдингиз, Абу Исо, – дўстини қизғин маъқуллади Муслим ибн Ҳажжож. – Имомул-

муҳаддисийн ва у зотга эргашган бошқа муҳаддислар муҳаддислар ҳадисларнинг нихонига қўлигидан талай шаръий масалаларга ҳам таъриф беришди, шаръий ва ғайришаръий қонунлар масалаларини алоҳида-алоҳида қилиб аниқ белгилаб беришди. Мана шу тарика руҳсат этилган ва ҳалол дейилган дунёвий муомалотлар билан диний-шаръий масалалар алоҳида ажратиб кўрсатилди.

Термизий шеригининг гапларидан қоникхани-ни изҳор қилдиш учун икки марта «Борақалдоҳ» деб кўйди ва боядан бери тили учидан турган фикрлар-ни ташига чиқарди:

– Азиз биродарим, яна бир нарсани эсдан чиқар-маслик керакки, «Жомеъус-саҳиҳ»нинг тарожумла-ри Аллох таолонинг устозимизга инъом этган неъ-матидир. Бобларнинг тарожумлари баъзи ҳолларда баённинг нозик таҳжикоти самарасидир ва фикхий масалаларни чуқур тадқиқ этишга устознинг қатъ-ий амал қилганлари бонс, уларнинг ҳар бири ўзига хос фикхий ечимлардир. Фикхий масалалар ва улар-хос фикхий томонлама чуқур ўрганиш устозимизнинг ни ҳар томонлама чуқур ўрганиш устозимизнинг максасдлари бўлгани учун ҳам бобларнинг кўпчили-да у киши муайян ҳадисга ишора қилиш билан қифов-ланадилар. У киши бирор масалани исбот қилмоқчи бўлса, дастлаб Қуръони қарим оятларига таянади, оят ва ҳадис ўртасидаги мувофиқлик ва мутано-сибликка қатъий амал қилади. Ортни ҳадис билан ис-ёки ҳадисни оят билан шарҳлайди. Устознинг ис-ботлашда ўзларига хос лағиф ва дақик услублари бўлиб, кўпгина билгимсизлар бундан саросимага ту-шиб қолишади ва у кишига таъна-эътирозлар бил-диришни бошлаб юборишади. У кишига нисбатан

улуғ бир тасалли, буюк бир таскин, чуқур қоникши ҳоқим. Энг орзиқиб кутган орзуларимга етдим. Алҳамдулиллаҳ, ҳадис илмида мухташамга етдим. Алҳамдулиллаҳ, муаззам бир мазҳаб ташкил қила олдим. Қанча шогирд ва мухлисларим Пайғамбар алайҳиссалом шогирд қилиш билан машғуллар. Аллоҳ менга ўзи билган соб шукрларким, бутун умримни раво кўрди. Ўзига беҳида ва муборак бир вазифага бахшида этишга имкон берди. Энди саноксиз риҳлатлар, илм ва ҳадис талабидан юрт кезишлардан бир нафас тўхтаб, дам олиш фурсати етганга ўхшайди. Бир овлоқ гўшани топсаму, қолган умримни одамларга ҳадис сўзлаш, илм тарқатиш билан тинчгина ўтказсам! Аммо бошимни қайларга урай? Сўнгги сафар олдида бироз хотиржамлик топиш учун қай юртларга кўч боғлай? Бухорога борайми? Йўқ, йўқ! Киндик қоним тўкилган она шаҳримда захарга тўлиб-кўкариб кетган чаён каби ҳасадида гезарган аламзада «олим»чалар мени кучоқ очиб, мақтов сўзлар сочиб кутиб олишмас?! Уларнинг савол билан довдиратиб ташлаш ниятида басма-басига чиранишлари, мени мот қилиш учун кечалари жилд-жилд китоб титиб, менга қарши далил-ҳужжат излашлари, фақирни ёмонотлиққа чиқариш учун ҳар қандай қабихликдан қайтмасликлари, бу йўлда ҳатто шайтон билан ҳам дўстлашиб-ҳамкорлик қилишлари асабларимни қон-қақшатди, жонимга тегди, айниган ёғдай меъдамга уриб бўлди. Ҳасадгўйлар билан тортишиб, олишиб, уларнинг тухмат-бўхтонларига жавоб қайтариб юришга ўзимда куч ҳам, тоқат ҳам, истак ҳам қолмагани аён бўлиб турибди».

Муҳаммад ибн Исмоил кўп ўйлади. Бири бирига мос келмаган турфа режалар тузди. Ҳамма нарсани чамалаб, тарозига солиб кўрди. Оёғи Бухорога қанчалик тортиб турган бўлмасин, ниҳоят у истиқомат учун хуросонликлар Нишопур атайдиган Найсобурни танлади. Бу шаҳарда ҳадис олимлари кўп, улар ичида Бухорийнинг шогирдлари, қариндошлари бундан ҳам кўп. Найсобур бунинг устига ҳавоси тоза, суви тотли, одамлари хушфеъл шаҳар. Энг асосийси найсобурликларнинг аксари Имом Бухорийни сеувчи, кадрловчи, эъзоз қилувчи чин илм муҳибларидир...

Ҳижрий икки юз элтигинчи сананинг эрта кўк-ламида Муҳаммад ибн Исмоил Найсобурга қараб йўл олди. Имом Бухорий Найсобурга ташриф буюрганида у кишининг ҳурмати юзасидан истиқболга пиёдалар, эшак ва хачир минганлардан ташқари отликларнинг ўзидан тўрт минг киши чиқди. Муҳаммад ибн Исмоил келганида Найсобурнинг воли-йи, олимлари, барча аҳллари шунчалик иззат-икром ва эҳтиром кўрсатишдики, улар олимни икки-уч марҳала⁴⁸ масофага бориб, кутиб олишди. Ҳали бунақаси тарихда кўрилмаган эди.

Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий Найсобурга ташриф қилганида бир тоифа ўзида йўқ қувонган бўлса, найсобурликларнинг бошқа бир қисми ҳасад ва алам ўтида қовурилишни бошлаган эди. Имом Бухорийнинг ташрифи кимларнидир мансаб ва шуҳрат илинжидаги интилишлари йўлига тўғаноқ бўлиши хавотирга солган бўлса, номдор олимнинг шуҳратидан ҳайиққан бошқа бир гуруҳ олимларни ҳаловатидан айирган эди.

⁴⁸ Бир марҳала 44,3 километрга тенг.

лаб қолди. Узининг ҳисобича Шомнинг бу шаҳрига халифалик марказига саккиз мартача борган. Ҳар гал борганида албатта Аҳмад ибн Ханбалнинг надонида бўлади, унинг суҳбатини жон-дил билан тинглайди. Бир куни улуг олимнинг ўғли Абдуллоҳ меҳмон олдига нон ва мева қўяр экан, шундай деб қолди: «Кеча отамиз сизни бир неча бор эсга олиб, ғойибона кўп илтифот-эҳтиромлар бор эсга олиб. Ҳадис ҳофизлари ҳақида сўраб эдим, «Хуросонда бир қанча ёш ҳофизлар бор, аммо улар орасида ҳеч ким Муҳаммад ибн Исмоилга монанд бўла олмайди», дедилар».

Бухорий устознинг ўз шогирдига бу янглиг юк-сак баҳо берганини эшитиб, ҳаволанмади, қалбини фахр ва таскин туйғулари ўраб олмади. Билъақ, ўзига илм ва иқтидор ато қилгани учун барча мак-товларни Аллоҳ таолога ҳавола этди. Ўша кунги ма-ршув Бухорий ва Аҳмад ибн Ханбалнинг охириги кўришишлари эканини ким ҳам билибди. Бухорий устоз билан қуюқ хайр-хўшлашар экан, энди қайта учрашмасликлари, дийдор қиёматга қолгани ҳақи-да ўйлаб ҳам кўрмаган экан. Имом Аҳмад Бухорий-ни қишлоқ четигача кузатиб келди, афтидан ундан сира кўнгил уза олмаётган эди. Уни маҳкам бағрига босар экан, «Эй Абу Абдуллоҳ, илмни ва олимларни ташлаб, Хуросонга кетасизми?» деди.

Ўшандан кейин устозни қайта кўрмади, ажал ўз ишини қилиб бўлган эди. Ҳозир шуларни хаёлидан ўтказар экан, дунёнинг нақадар бебақолигини ўй-лаб, кўнглини бир надомат сирмаб ўтди. Аҳмад ибн Ханбал каби етук олим энди дунёга келадими ёки йўқми, буни Аллоҳдан ўзгаси билмайди.

У отда турганича, узангига тиралиб олисларга бўйлаб боқди. Аммо зулматга чулғанаётган бепоён саҳрода на бирор шарпа, на бирор жонзот кўринади. Бирдан кўзи олида милтираб турган бир нарсани кўриб қолди. Ялтироқ кўнгиз қорини гамида овга чиққанмикни ё бирор йиртқичнинг ёниб турган кўзларини бу? Нима бўлса ҳам ўша томонга отини бурди. Ярим соатча юрганидан кейин хурмо пўстла-ри ёниб тикланган пастаккина қапа олдидан чиқиб қолди. Нарироқда атрофи шох-шабба билан тўсил-ган кўтон. Ичида кўйи бор шекилли, нималардир қорайиб кўринади. Шундоққина қапа олдига ки-чикроқ гулханча ёқилган. Ўт яхши илашмаганидан гоҳ атрофга тутун тўлиб кетади, гоҳ қуруқ шувок суриллаб ёниб, ҳаммаёқни бирдан ёритиб юборади. Боя милтираб кўринган нарса шу олов экан.

Муҳаммад аста отдан тушди. Югани отнинг бўй-нига ташлаб, ўзи қапа сари юрди. Аммо ичкарига ки-ришга ботинмай, эшик ўрнига осилган қалин шолча олдига тайсаллаб қолди. Кейин ўзини билдириш ниятида йўталиб қўйди. Ичкарида одам шарпаси сезилгандай бўлди. «Киравер, ҳой Аллоҳнинг меҳ-мони» деган бўғиқ овоз эшитилди. Муҳаммад отини қапа қозиғига боғлади. Сўнг от оғзидаги сўлиғини олиб, хуржундаги арпадан бир ҳовучини унинг ол-дига сепди. Кейин «Ассалому алайка» деб салом бе-риб, ичкари юрди. Ўтовдан «Ва алайка» деган алик эшитилди. Кейин «Манави наматга кел» деган амр ҳам бўлди. Бухорий шунда қапа ичи ҳам палоссиз, қум-тош эканини билди. Тусмоллаб бориб, бир пар-чагина наматни топди. Ўша ерга чўккалади. Шунда олдига ярим ёнбошлаган бир одамни кўрди. У би-лан қўл бериб кўришди.

Сафар амири Билол карвон элликларга борган, миқти, аммо гавдасига ярашмаган кичик каллали, серғайрат киши эди. У олис сафарга астойдил ва пухта тайёргарлик кўрди. Бухорода пири мушви-дидан дуолар олди, қарзларини узди, қариндош ва яқинлари билан хайр-хўшлашди. Кейин кенг карвонсаройга тўпланган ҳамсафарларига тайинлади:

– Аллоҳ таолонинг лутфу инояти ила ушбу сафар бизларга насиб этди, бундан ният фақат Аллоҳнинг фарзини адо этиш, ҳаж қилиш бўлсин. Шундагина Парвардигор тавфиқ ато этади, мақсуди олийга эриштиради. Сафар мобайнида фақат менинг амрим кучда бўлади, ўзбошимчалик, итоатсизликка йўл йўқ. Барча мусулмонлар биродарлар, бир-бирларига яхшилик қиладилар, сафар чоғи буни унутишга ҳаққимиз йўқ. «Аллоҳим сафаримизни беҳатар қил, ҳаж ибодатига вақтида етиб боришимизни насиб айла, йўл азобларини осонлаштир», дея икки қўлини юзларига сийпади.

Билол карвон ҳозир ҳамсафарларининг ташналикдан ниҳоятда қийналаётганларини кўриб, руҳан эзилди, виждони қийналди. У бу машаққатларда кўпроқ ўзини айбларди. Етти марта карвон амири бўлиб, қанчалаб одамни Ҳижозгача беҳатар бошлаб борган киши бу гал негадир бепарволик ё ҳафсасизлик ортидан кўпроқ сув ғамламади. У йўлда учрайдиган қудуқларга ишонганидан иккита катта сув мешини «ортиқча юк туяларни қийнайди», деб карвонсаройда қолдирди. Ўрнига Ҳижозда пул бўладиган Самарқанднинг ҳарир шойиларини ғамлади. Ҳозир «шу ишим Парвардигорга хуш келмадимкин» деб ўзини маломат қилар, хуноби ошганидан бўйнигача қип-қизариб кетган эди.

У отини қаёққадир шитоб билан чоптириб кетди. Муҳаммад сафар амирининг ниятини билолмай, «Қийинчиликлардан кўрқиб, бизларни ўз ҳолимизга ташлаб қочмадимикин?» деган хаёлга ҳам борди. Аммо у ортига эмас, негадир бораётган томонларига қараб от солганди. Карвон бир жойда туриб қолди. Иссиқдан бўғриққан туялар эринибгина кавшаниб кўяди. Бошини беҳол силкитиб, лаби атрофидаги кўпиклардан қутулмоқчи бўлади. Одамларни мажолсизликдан уйқу элитган. Улар ҳатто чўккан туялардан тушишга ҳам эриниб, турган жойларида қақраган тилларини намлаш учун тинмай ютинишга ҳаракат қилишади. Муҳаммад онасини ташналик қийнаб юборганидан эзилиб кетди. «Қанийди, ҳозир бир пиёла сув бўлсайди, онамга тутиб, дуоларини олган бўлардим», деган хаёлда атрофдаги одамларнинг қўлларига олазарак боқади. Аммо ҳеч кимда сув қолмаган. Борлари ҳам ўз жонини ўйлаб, озгина сувини ҳаммадан яширишга уринади.

Икки соатларча чамаси вақт ўтгач, узоқдан Билол карвоннинг қораси кўринди. У отини чоптиравериш, тамоман ҳолдан тойдирган, ўзи ҳам бир аҳволда эди. Қум тўлган кўзларини асабий ишқаларкан, кўлидаги сув тўла кичик мешчани эгардан олиб, ёнига чопиб келган ёрдамчисига узатди. У чўккан туялар атрофини айланиб, ҳамманинг идишига сув кўйиб бера бошлади. У сувни ҳаммага етказиш учун айримларнинг кўпроқ қуйиш ҳақидаги илтижоларини ҳам инобатга олмас, қаҳрли ва ялинчоқ нигоҳларга парво ҳам қилмас эди.

Сув келгач, ҳамма жонланиб қолди, одамларнинг ташналиги бироз босилгани туяларни ҳам сергак-

яшаб юрибман. Сўзлашадиганим ёлғиз Узи, дарду хасратларимни, кулфат-қайгуларимни Унинг Узига тўкиб соламан, ёрдам ва ризқни ҳам Унинг Узидан кутаман...

- Агар дилингга озор бўлмаса, бошингга тушган ишларни айтиб берарсан? Ахир киши дарду хасратини бошқаларга айтиб, сал енгиллайди-ку!

- Э, кўйсанг-чи, дарду хасратларимнинг сенига руҳинг чўқади, ҳаётдан совиб кетасан.

- Агар истамаётган бўлсанг, сени қийнамайман. Хоҳишинг. Лекин ҳеч ким билан сўзлаша олмай бунсолмоқчи эдим...

- Унда майли, гапирай... Асли Ажэ қабиласиданман. Кабиланинг энг бадавлат, шарафли, баобрў одамларидан эдим. Ҳамма гапимга кулоқ соларди, маслаҳат учун хонадонимга келарди. Кўлимни қаерга узатсам етар, молимни қанча сарфласам ҳам ортар эди. Молдавлатдану фарзанддан камим йўқ эди. Туяларим гўё кенг саҳрони тўлдириб юборган эди. Аммо бу дунёда Аллоҳдан бошқа барчаси фоний экан, мусофир. Бир ҳафта ичида ҳаммасидан жудо бўлдим, ажрадим. Кўшни қабиланинг бир бадбахти ярим тунда туяларимни ўғирлашга келган экан. Уни билмай ўлдириб қўйдим. Қабила бошлиғининг кўзига ўғри қабиладошининг гуноҳи кўринмади, аксинча унинг хунини талаб қилиб туриб олди. Хуни учун деб, ҳамма туяларимни ҳайдаб кетишди. Биттагина қизил туямни ялиниб-ёлвориб олиб қолдим. Бу кулфатнинг эртасига кучли жала ёғди, қаттиқ сел келди. У уйимнию қаттиқ уйқуда ётган хотиним ва икки фарзандимни

оқизиб кетди. Мен ўшанда шаҳарга туяларнинг лаштушларини сотгани кетган эдим. Уларнинг жасадини уч марҳала наридан топиб келиб, дафи қилдим. Сув оқизиб келган бир уюм ахлатнинг устида гамга ботиб ўтирсам, биттагина туям ҳам қочиб кетди. Бир ҳафта олдин дунёнинг бор лаззатию шахватига эришиб, буларнинг «ҳиди»га маст бўлиб юрган одам ҳошимонидан ажраб, шип-шийдам бўлиб қолган эдим. Кечягина ҳамма соясига салом бериб юрган одам энди қаршимдаги ахлатдай кераксиз бир кимсага айланган эдим. Бунисиям ҳолва экан. «Энди бунда гамга гарқ бўлиб, надоматга тўлиб ўтиравермай, яраб» деб уни излашга тушдим. Тушдан кейин уни анча олисдан топдим. Олдига бориб, жиловидан тутмоқчи бўлсам, хурриятидан ажрагиси келмай, кўзим аралаш бошимга тепди. Икки кўзимдан олов чиқиб кетгандай бўлди. Асов туя яхшигина тепган экан, кўзларим бутунлай кўрмай қолди. Ҳамма нарсамдан - аҳли-аёлим, фарзандларим, масканим, туяларим, бошқа бойликларимнинг баридан, ҳатто соғлигимдан ажраб қолган эдим.

Аммо Аллоҳнинг синовига қарши исён қилмадим, тақдирдан нолимадим. Хожамнинг бу мусибатларидан чиройли сабр қиляпман, чунки Ундан савоб умидидаман. Фақат бир ишда ожизлик қилиб қўйдим. Қишлоқда тургим келмай қолди: фароғатидан мосуво бўлган кўнгил узлатни истаб қолди. Мана шу ердаги ташландиқ қудуқ ёнига қапа тикиб, ўшандан буён Аллоҳнинг зикрини ва шукрини қилиб ётибман. Учтагина қўйим бор, очқасам шуларни соғиб ичаман. Қудуқдан сув ичгани келган битта-яримта

Учинчи кун Имом одатича ярим тунда туриб, таҳажжуд намозини адо этишга киришди. Узок вақт жойнамоз устида Аллоҳга ибодат, дуо-илтижолар қилди. Кейин бомдодга ҳали бироз вақт борлиги учун кафтига таянган ҳолда ерга солинган чопони устида ҳорғин чўзилди. Итоатсиз хаёллар олис Буғанини ҳис этиб, шундоқ ҳам эзилган юрагини ёроқ ханжари эзгилаб-тирнаб ўтди.

Қуёш энди жамолини кўрсатаётганда кема саҳнида бирдан ғала-ғовур, бесаранжомлик бошланиб қолди. Имом Бухорий нима гаплигини билмоқчи бўлиб, ўрнидан турди. Одамлар аста тўплана бошлаган жойга қараб юрди. Қараса, хуросонлик бир неча кишининг ўртасида эридан калтак еб-хўрланган хотиндай хўнг-хўнг йиғлаб турибди. Ора-сира бошига муштлайди, ёқасини йиртади, хунук овозда дўриллаб бақириб-чақириб кўяди: «Ҳой мусулмонлар, уйим куйиб қолди... Минг динор пулимни ўғирлатиб кўйдим. Ўзим ғариб бир мусофирман, бу пуллар омонат эди, энди нима қиламан? Ҳой яхшилар, ўғрини топишда ёрдам беринглар...»

Одамлар унинг фиғонини кўриб, раҳмлари келди, ҳар тарафдан тасалли сўзлари учди. «Пулинг ҳалол бўлса, албатта топилади» деб кўнглини кўтариб ҳам кўйишди. Шунда кема дарғаси келиб, бақир-чақирни бас қилишни сўради. Хотиржам ҳолда нима бўлганини сўради. Хуросонлик йиғи аралаш бўлган воқеани айтиб берди. Дарға «Мишиқиларга ўхшаб кўз ёш тўкишни бас қил, ҳозир муфаттишлар⁴⁷га айтаман, кемадаги йўловчиларни биттама-битта

⁴⁷ Тафтишчилар.

текшириб, пулингни топиб беришади», деди. Кўп ўтмай муфаттишлар ҳаммани текшира бошлашди. Ишнинг бунақа тус олганини кўрган Имом Бухорий ёнидаги пулларни ҳамёни билан денгизга улоқтирди. Тафтишчилар Имомни ҳам текшириб, ҳеч нарса топа олишмади. Улар охири «пул йўқотган» кимсага елгончилиги ва ҳаммани беҳуда айблагани учун яхшигина танбех ва таъзир беришди.

Манзилга етиб келиб, ҳамма кемадан туша бошлади. Шунда бояги хуросонлик одам Имом Бухорийнинг ёнига келиб, ўзидаги минг динорни нима қилганини сўради. Имом Бухорий:

- Денгизга ташлаб юбордим, - деди.

- Шунча пулни-я?! - хайратга тушиб сўради у.

Шунда Имом:

- Эй жоҳил банда, бутун ҳаётимда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳадисларини тўплаган, ҳамиша ҳалол, тўғри яшаган бўлсам, нечук иззатнафсимни бир ўғрининг тухматига қурбон қиларканман? Бутун умрим давомида йиққан ишонч ва адолат дурини нечун қандайдир динорлар эвазига сотарканман?! - деб жавоб қайтарди.

Унинг рихлатлари чоғида бундай ҳодисалар кўп бўлган. Ҳозир отининг эгарига маҳкам ёпишганча хаёл суриб борар экан, юрган йўлларини, кезган юртларини ўзича сарҳисоб қила бошлади: «Ислом оламида мен бўлмаган бирор ўлка, иқлим қолмабди. Қанчадан-қанча ҳадисларни Басрада эшитиб, Шомга келганимда ёзар эдим. Шомда эшитган ҳадисларимни эса Мисрга келганда қоғозга туширар эдим».

Бухорий айниқса Бағдодга сафарларини ҳозир ажиб бир хуш кайфият ва хурсандчилик билан эс-

Имом Бухорий Зухлий билан ораларида бўлиб ўтган тушунмовчиликка қарамай, ўзининг «Саҳих»ида «Муҳаммад ибн Яхё Зухлий» деб очик айтмай, унинг отаси ёки бобосига нисбат бериб келтирган. Бу билан Бухорий устоз Зухлийни эҳтиётлаган, бирор ўзига қайтариб бергани учун ўз асарларида ундан бирорта ҳам ҳадис ривоят қилмаган. Бунга Зухлийнинг «Фалон ишни қилган кишига бизнинг мажлисимиз ҳалол эмас» деган кескин сўзи сабаб бўлгани эҳтимолдан холи эмас.

Бу орада содир бўлган бир воқеа Имомга қарши хусумат гулханини янада алангалатиб юборди. Ашрофнозасида қатнашаётган Бухорий ўша ерда Муҳаммад ибн Яхё Зухлийнинг «имтиҳони»га тутилиб қолди. У Бухорийни исмлар, кунялар ва ҳадис иллатлари тўғрисида саволга тутди. Имом унинг саволларига камондан отилган ўқдек тез жавоб берарди. Унинг билим, салоҳият ва фазлда ўзидан анча устун эканига шохид бўлган Зухлий бир сўз айтмай жўнаб қолди.

Унинг ўша кунни шогирддан мот бўлиб қолиши изсиз кетмади. Орадан бир ой ўтиб, Зухлий катта издиҳом тўпланган бир илм мажлисида тўпланганларга шундай маслаҳат берди: «Огоҳ бўлинглар, ким у кишининг мажлисларига борса, бизнинг мажлисимизга келмасин. Чунки бағдодликлар бизга имом Бухорийнинг лафз тўғрисида нотўғри эътиқодда эканини ёзиб юборишди. Бизлар у кишини бундан қайтаришга кўп уриндик, аммо ўз фикрларидан

қайтмадилар. Ким у кишига яқинлашса, энди асло бизга яқинлашмасин!». Бу қатъий ҳукм тарзида айтилган ноҳуш иддаолардан кейин Имом Бухорий Найсобурда «номатлуб шахс»га айланиб бўлди. Имом Бухорийнинг ўзи «Ибн Яхё Зухлий менга қарши фитна уюштиряпти» деган эътиқодда эди. У киши шахарда бир муддат турганидан кейин Бухоро сари йўл олиш режасини кўзлай бошлади.

Бу Имомнинг инсон табиатига хос бўлган қабих иллатлар билан илк тўқнашуви эмас эди. Ҳозир у қарвонсаройнинг тор хужрасида ўз хаёлларига кўмилган, ўтмиши ва ҳозир ҳақида ўйлашга озгина имкон берувчи хотиротларга чўмилган эди: «Ахир, бу каби қабихликларни биринчи марта кўраётганинг йўқ-ку, эй Абу Абдуллоҳ»?! Умр бўйи ана шундай ҳаётининг садгўйларнинг хийлаларидан, маломатчиларнинг озорларидан, муҳолифларининг хусумат-нафратларидан омонда бўлмадинг! Аллоҳнинг пайғамбарларидан жохил қавмларнинг озор, зулм, ёмонликларидан қутула олишмагану, ажамнинг оддий бир олими саркомат бўлсинми? Ҳатто Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдай зот Макка мушрикларининг зулм ва таъқибларидан, масҳара ва тухматларидан четда қолмаганлару имом Бухорий қутулиб қолсинми? Мушриклар Тоифда Фаҳри коинотнинг ортларидан тош олиб отмаганмиди, юз-кўзларини қонга белатмаганмиди? Жоҳиллар туғилиб-ўсган шахарларидан қувиб, яқинларидан узиб қўймаганмиди? У зотдан ни йўқ қилиш мақсадида емоқчи бўлган гўштларига захар солиб беришмаганмиди? Инсон қиёфасидаги махлуқлар неча бор устларига қўшин тортиб келиб, у зотни ва асҳобларини йўқ қилиб юбориш режаси-

ни тузмаганими? Севимли завжалари ҳазрати Саб-шага тухматлар уюштириб, шу орқали Аллоҳнинг Пайгамбарини шарманда қилишни истамаганими? Аллоҳнинг Набийи олдида сен ким бўлисан, одамларнинг маломатларига эътибор бериб қурсанг?!»

Бухорий ҳаёти давомида бундай номуносиб, рақибларга жуда кўп дуч келди. Улар Имомнинг салобатию маҳобати қаршида жуда арзима, олашувга ярамайдиган қаршидаги ғоят улкан, хайбатли мухолифлари рўбарўсидаги ғоят улкан, хайбатли бир тоғ эдики, одамлар ўлчовида ғўе жамики рақибларини номи чиқмай ўтиб кетадиганлар рўйхатида тиркаб юборган эди. Бундай аламзада ва ношуд маълуклар у кишининг шуҳрати йўлига тўғаноқ бўлиши истар, у зотнинг олий мартабасидан, улуглигидан, шарафидан бир парча юлиб олишни мўлжаллар эди. Аммо улар ўзини қанчалар қийноққа солмасин, ҳар томонга отиб, илондай тўлғонмасин, Бухорийга бироз озор етказиш, майда-чуйда тазйиклар, кўнгилсизликлар билан зиён-заҳмат етказишдан маълуматига алайҳи васалламнинг Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинган ушбу ҳадисларини эслаб, кўнгли анча таскин топарди: «Шуни аниқ билгинки, агар бутун уммат бирлашиб, сенга фойда келтирмоқчи бўлсалар, Аллоҳ сенга насиб қилган нарсанигина наф келтира олмайлар. Ёки улар бирлашиб, сенга бирор зарар бермоқчи бўлсалар ҳам, фақат Аллоҳ пешонангга битган зарарнигина етказа оладилар. Банданинг тақдирини битишдан қаламлар бўшаб, саҳифалардаги сиёҳлар ҳам қуриб бўлган».

Бу ғариб ва аламзада кимсалар ватанда туриб олиб, илмни ёйиш. Пайгамбар суннатини ихё қилиш мақсадида ўзга юртларда саргардон кезган, турмуш тинчлиги, мусофирлик машаққати, яқинлардан жудолик, айрилик заҳматларига дош бериб юрган юртдошларини кўролмайдиган улкан жоҳил оломон эди. Бу нодонлар қўлларида қалбакилаштирилган, ноҳақ мақсад йўлида ўзгартирилган ҳадислар билан кўролланган ҳолда, ҳаёл кўчаларидан топилган бемаъни ва китмирона саволлар билан у зотга чигиртмадай ёпирилишар, қонларини зулукдай сўришар эди. Имом эса бу оломонга қарши ғўе кўролсиз эди.

У зоҳирда ёлғиз бўлса ҳам, Аллоҳнинг нури, Ҳақнинг қуввати ва илмнинг султонлиги билан ўша оломонни кўрқувга солиб қўйган эди. У кишидаги олимлик виқори, билимдонлик хайбати, ўзига бўлган юксак ишонч, Аллоҳгагина таваккул, соф ихлоснинг ваҳимасигина оломонни у кишини жисман йўқ қилиб ташлашдан тўсиб турар эди. У кишининг илм соҳасидаги бемисл жасорати ва фидойилиги, таълиф ва тасниф қилган таълифотлари, бутун дунё олимларининг у киши хусусида басма-басига мақтов ва тасаннолар айтишлари қанчалаб аламзада «олим»чаларнинг уйқусини қочирди. Тош қотган қалбларида ҳасад ва кўролмаслик гулханларини авжлантирди. У кишининг қадри ва шаънини топташ учун кўзлар кўриб, қулоқлар эшитмаган қабих режалар тузишга ундади.

Фақиҳ Зухлий муҳаддислар султонида бўлган хусуматидан аллақачон воз кечди, аламини унутди. Аммо бошқаларнинг кўролмаслик касали қозондаги сут қаби қайнаб-тошди. Мажруҳ дилларини ҳасад оғуси

аввал Бухорийга ҳадик аралаш қувлик билан бир қараб қўйди. Кейин аёлларникидай ингичка қошларини ғалати ўйнатиб шундай деди:

– Эй Абу Абдуллоҳ, Қуръондаги лафз ҳақида нима дейсиз?

Бу олимча устози Зухлийнинг «Бухорийга савол берманглар» деган қайтариғини унутдимми ёки нинга сабаб бўлган ўша машъум саволини катта фитна бергиси келмай, юзини ўгириб олди. Ҳатто у саволини уч марта қайтарса ҳам индамай тураверди. Сўнгра ҳадеб ёлбора берганидан кейин савол остига яширинган фитна ва макрни сезмай, балки бунга эътибор ҳам бермай оҳиста сўзлади:

– Феълларимиз махлуқдур. Лафзларимиз ўзимизнинг феълларимиздан иборатдур. Қуръон – Аллоҳларнинг феъллари – махлуқ, яъни азалийдур. Банданимтихон – бидъат, яъни билиб туриб чалғитса!

Савол берган кишининг бу ҳаққоний гаплардан кейин нафрати кўзиб кетди, нафсониятга берилди. Оғзидан кўпик сочганча:

– Қуръонни тиловат қилишим (яъни талаффузим) махлуқ деяпти, – деб Имомга очиқчасига тухмат қилишга ўтди.

Бу чехраси совуқ одамнинг қитмир саволи ҳасадгўйларнинг тезлаши сабабли берилгани аниқ эди. Бу жавобдан кейин одамлар орасида бошланган шивир-шивир тезда ғала-ғовурга айланди. Кенг хонадаги йигирма чоғли одам орасига ихтилоф тушди, улар бир зумда Бухорийни ёқлаганлар ва унга қар-

ши тоифаларга айланишди-қўйишди. Тўпланганларнинг айримлари «Қуръонни тиловат қилишим (яъни талаффузим) махлуқдир, деди» деб айтишса, бошқалари «Бундай дегани йўқ», деб уларга ўшқаришди. Бу биргина жумла катта можарога сабаб бўлди: орада даҳанаки жанг бошланиб кетди, ҳатто бир-бирларига ташланиш учун ўринларидан туриб ҳам кетишди. Шунда карвонсаройдагилар бир бўлиб, уларни издиҳомдан ҳайдаб чиқаришди.

Жоҳил оломон қаршисида яккаланиб қолган Имом Бухорий шундай сўзлар билан ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлди: «Менга Абу Қудома Убайдуллоҳ ибн Саъид шайх Яҳё ибн Саъид Қаттондан «Бандаларнинг барча ишлари, феъллари махлуқдир» деб хабар беришган. Шу фикрни айтганим учун одамлар менга қарши чиқишди». Имомни бу йўл билан енгилшга кўзи етмай қолган аламзадалар «Айтган сўзингиздан қайтасизми? Қайтсангиз, бизлар ҳам сиз тарафга ўтамиз», дейишди. Имом: «Айтган гапларингизга мен келтирган далиллардан ҳам кучлироқ далил топмасанглар, қайтмайман», деди. У кишининг мухлислари Имомнинг сўзда собит туришларидан завқланиб, тасаннолар айтишди.

Аммо нодон ва қайсар оломон Имомнинг изоҳларидан қониқмади, унинг даражасида фикрлай олмагани учун сўзларини англаб етмади. Ҳасад ва кўролмаслик туққан тухмат ва бўҳтонида қаттиқ туриб олди. Имомга қарши ҳасад ва хусуматнинг залворли замбаракларидан ўқ узишга шай турган муттаҳамлар улуг муҳаддиснинг номини Найсобурда ёмонотлиқ қилгани етмай, Бухоро, Самарқанд, Рай, Ҳирот ва бошқа ўлкаларга ҳам нома жўнатиб,

хамма ерда ногора қилиб чалишяпти. Хатто қаерда бўлишса ҳам шуни чайнашяпти, илмий мунозараларини шу гапдан бошлашяпти.

Имом Бухорийнинг юзлари бирданига оловга кўрилган мис лаганчадай қип-қизариб кетди. Жаҳлдан чикқани кўзларининг чақмоқдай чақнаб кетганидан билиниб турарди. Кўрсаткич бармоқларини асабий ўйнатганча:

– Менга қаранг, эй Абу Амр, «Шайтоннинг макри албатта заифдир».⁴⁹ Сизга айтаётганларимни макри тутингки, ким Найсобурдами, Қумисдами, Райдами, Ҳамадондами, Ҳилвондами, Бағдоддами, Басрадами, Маккадами, Мадинадами – қуфда бўлмасин, менинг номимдан шу гапни айтса, ёлгон айтибди. Мен бу сўзни асло айтган эмасман, фақат бандаларнинг феъллари махлуқ деганман, холос.

Аҳмад ибн Салама устозининг ҳамон ўз сўзида собит турганига тўла ишонч ҳосил қилганидан кейин уни қаршисида турган улкан хавфдан огохлантириб қўйиш учун аста сўз очди:

– Устоз, сиз билан олишиб қолган бу одам Хуромайдиган ашроф ва мўътабар кишилардан саналади. Унинг тарафдорлари беҳисоб, ўзи султон ва аслзодалар билан жуда яқин муносабатда. Минг таассуфки, у сизнинг гапингизга маҳкам ёпишиб олди. Ҳеч биримиз унга қарши сўз айтишга, эътироз билдиришга, қилини эгри дейишга журъат қила олмаймиз. Бирор тамиз ҳам унга хатосини уқтиришга, нотўғри йўл тутаётганини юзига айтишга ҳад қила олмаймиз. Ҳолатимизни тушуниб турган бўлсангиз керак, устоз?

⁴⁹ Нисо сураси, 76-оят.

Имом Бухорий бир лаҳза жимиб қолди. Мош-гурунч бўла бошлаган соқолларини тутамлаб ушлаган кўйи шундай деди:

– Олимнинг хатоси худди чўкаётган кемага ўхшайди, кема билан бирга жуда кўп одам сувга гарк бўлиб кетади. Қуръони карим таълим берганидай иш тутурман: «Мен ўз ишимни Аллоҳга топширурман. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчидир».⁵⁰

Шундан сўнг Имом бўғилган хаста овозда Парвардигорига илтижо ила ёлборди:

– Эй Роббим, Сен яхши биласанки, мен Найсобурда маишат ёки хурсандчилик учун турмоқчи эмасман. Бу ерга мансаб, обрў-мартаба ё шон-шуҳрат илинжида ҳам келганим йўқ. Фақат она шаҳримдаги муҳолифларим менга кун бермасликлари, кўзимни очирмасликлари, ишларимга ҳалақит беришларини ўйлаб, Бухорога бормаган эдим. Бу ташна қалб юрт соғинчига жой топа олмай қолган бўлса ҳам, яқинларимни кўриш умиди анчадан бери тинчлик бермай юрган бўлса ҳам йўлни Бухоро сари солишга юрагим дов бермаган эди. Бу банданг, ўша Зухлий деганлари бор-йўғи Ўзинг менга ато қилган илмга ҳасад найзаларини улоқтирмоқда, қалбимни ранж ва озор ханжари билан яраламоқда. Бу кўргиликларнинг бундан бошқа бирор сабаби йўқдур. Эй Аҳмад, эртага, иншааллоҳ, мен бу шаҳардан бош олиб кетаман. Шу билан у кишининг мен ҳақимдаги сафсаталаридан халос бўласизлар».

Шогирдлардан айниқса Муслим ибн Ҳажжож бўлаётган ишлардан қаттиқ изтироб ва дилхунликда қолди. Икки устозининг ўртасига тушган кўнгил-

⁵⁰ Гофир сураси, 44-оят.

битилган, қалбларда ёдланган, тилларда ўқилган, Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ноил қилинган. Қуръонни талаффуз қилишимизга илтифати ва ўқишимиз махлуқдир. Қуръон эса махлуқ эмас... Аллоҳ таоло сўзлайди. Сўзлашишимизга илтифати ва ўқишимизга илтифати. Биз воситалар (аъзолар) та ва ҳарфлар ёрдамида сўзлаймиз. Аллоҳ таоло воситаларнинг каломи – махлуқ эмасдир...»

Қуръони карим махлуқ – яратилган ва кейин пайдо бўлган, деган гапни илк бор Жаъд ибн Дирга Бишр ибн Гиёс Марисий ҳам эргашган. Улар дастлабки икки нафари зиндикликда ва подшоҳга қарши чиқишда айбланиб, қатл қилинган, учинчиси ўз ажали билан хорликда вафот топган.

Халифалар томонидан кўрилган катта ва жиддий мажбурий чораларга қарамай, муътазилийлик таълимоти ва унинг қарашлари бутун Ислом оламида умуман тан олинмади. Буюк имом Аҳмад ибн Ханбалга эргашган сунний уммат муътазилийларнинг бебош орзуларини чиппакка чиқариб, орзиқиб кутган натижаларини барбод қилди. Лекин ушбу ўн беш йиллик фитна динимизга асрларга татигулик таъсир кўрсатди. Ўша даврдаёқ одамларнинг кўрқанидан муътазилийлар фикрига кўшилган, бетаъраф бўлиб жим турган, ўз фикридан қайтмай соф ақидада мустаҳкам бўлган тоифалари вужудга келди. Кейинчалик «Қуръоннинг яратилгани ёки яратилган эмас»лиги ҳақидаги масала, минг таассуфлар бўлсинки, одамлар бир-бирларини айблайдиган, муҳаддислар, мутакаллимлар, фақиҳлар бир-бир-

ларига тухмат тошлари отадиган, бир-бирларини ишончсиз – гайри сиқага чиқарадиган, ҳадисшуносликда «жарҳ ва таъдил» қоидага жуда катта таъсир қиладиган бўлиб қолди. Бунинг оқибатида зулм, душманлик, адолатсизлик ва «такфир» фитнаси бош кўтарди: Исломнинг таниқли шахсларини бу «Қуръонни махлуқ» деган деб, уни илмда ишончсиз одамга чиқаришлар кўплаб юз берди. Ана шундай таъна ўқларига Имом Бухорийдек зот ҳам гирифтор бўлди.

Тўрт мазҳаб аҳллари ва улардан бошқа ўтгану қолганларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг каломи махлуқ эмаслигига яқдил иттифоқдадирлар. Қуръон У Зотнинг каломидир. Муътазилийлар аслида Аллоҳ таолонинг каломи собитлиги, бу маънонинг анбиёлардан тавотур ила нақл қилингани ва Аллоҳ таолонинг гапирувчи экани каби масалаларда муслмонлар жумҳури билан бир фикрда. Аммо улар «Аллоҳ таолога нисбат берилган калом У Зот Ўзидан бошқада, мисол учун, Лавҳул Махфузда ёки фаришта Жаброил алайҳиссаломда халқ қилган овоз ва ҳарфлардан иборатдир. У эса, янги пайдо бўлган бўлиб, қадим эмасдир», дейдилар. Улар Аллоҳ таолога «калом» деган қадимий сифат нисбатини бермайдилар. Уларнинг фикрича, Аҳли сунна вал-жамоа «калом» деб айтаётган нарса агар хабардан иборат бўлса илм сифатига, амр ёки наҳйдан иборат бўлса ирода сифатига оид нарсадир. Уларнинг фикрича, нафсдаги «калом» деган нарса йўқ. Лафздаги калом эса, махлуқдир. Қуръони карим ҳам лафзда айтилган бўлгани учун махлуқдир. Аҳли сунна вал-жамоа уламолари муътазилийларнинг бу гапини қаттиқ рад қилдилар. Чунки бу гап Қуръони каримнинг оддий гаплар даражасида баҳоланишига сабаб бўлар эди.

сизликлар Муслимни қаттиқ қийнаётган, юрагини қиймалаётган эди. У Бухорийни қаттиқ яхши кўрганидан устоз Зухлийнинг унинг шайхига айтган кўрган оғиз сўзи учун дарс халқасини тарк этгани, барча дилида хусумати бўлган одамгина ёқтирмайди, деган қаттиқ ишончда эди.

Бу гапларни дилда ўртаниш, танда зўриқиш билан эшитиб турган Муслим ибн Хажжож ортиқ чияқинига борди. Имом Бухорийнинг туриб, устозининг сиздан ўлиб, «Рухсат берсангиз, оёғингизни кўзи ўрта-эй устозларнинг устози, муҳаддисларнинг ўпсам, эй ҳадисларнинг иллатини топиб берувчи саййиди, деди. Сўнг устозининг елкасига қўлларини қўйиб, «Бардам бўлинг» дегандай авайлабгина қўйиб, Бухорийнинг мунг тўла кўзларига меҳр билан боқар экан, «Устоз, сизни ҳасадгўйлардан бошқалар ёмон кўрмайдилар. Гувоҳлик бераманки, сизга ўхшагани дунёда йўқтур», деб тасалли сўзлари билан сийлади.

Бухорийнинг ғанимлари уни тухмат билан мутта-хам қилишда Найсобур билангина чекланиб қолиш-мади. Қай бир шаҳарга боришса ёки ўзга юртлардан бирор олим ташриф буюрса, мана шу тухматлардан эринмай тарқатишаверди. Имом Бухорий Марвга борганида уни кутиб олувчилар орасида атоқли муҳаддис Аҳмад ибн Сайёр ҳам бор эди. У Имомни эҳти-ром билан қаршилар экан, «Эй Абу Абдуллоҳ, бизлар сиз айтган сўзга қарши эмасмиз. Лекин авом халқ бу сўзингизнинг мағзини чақа билмайди», деди. Бунга жавобан Имом шундай деди: «Мен дўзахдан кўрқа-

ман. Билган нарсамдан сўрашса, ҳақ сўзини айтаман, бундан бошқасини айтолмайман». Шундан кейин Аҳмад ибн Сайёр Имомдан узоқлашиб, унинг суҳбатини тарк этди.

Муҳаммад ибн Исмоил ўша йили Райга борди. У кишидан Абу Хотим ва Абу Зуръа ҳадис эшитишни одат қилишган эди. Муҳаммад ибн Яҳё Зухлий икковига «Имом Бухорий Найсобурда «Қуръондаги лафзимиз махлуқ» деган сўзни айтди» деган мазмунда мактуб ёзиб юборди. Шундан кейин иккови ҳам Имом Бухорийдан ҳадис эшитишни тўхтатишди. Аммо Имом бу тухматлардан пок эди. Бундайлар ҳадистинглайдими ё буни тарк этадими, барибир Бухорий сизга, омонатдор бўлганлари учун сўзлари бутун Ислому оламида муҳокамасиз қабул қилинаверди.

Ҳаммадан кўра икки содиқ шогирд Муслим ибн Хажжож ва Аҳмад ибн Саламага оғир бўлди. Бир томонда улар устозларига қилинаётган тухматларнинг асл сабабларини яхши билиб туришибди. Иккинчи томондан ўзларига дарс бераётган устозлари Зухлий Найсобурда жар солдириб, одамларни Бухорийнинг халқасига ҳадис тинглаш учун боришдан қайтариб турибди. Кўплар унинг гапидан кейин Бухорийдан худди вабо жойидан қочгандек узоқлаша бошлади. Фақат Муслим ва Аҳмадгина ҳамон унинг хузурига қатнашга журъат қилиб юришибди.

Имом Бухорий содиқ шогирдлар қаршида бе-мажол, ночор ҳолда ўтирар экан, бўлаётган гап-сўзлардан ниҳоятда чарчаганини, асаблари қақшаганини ҳис қилди. У Муслимнинг хафалик ва надомат кезаётган юзига қараб унга ҳам осон бўлмаётганини

роқ ёқса ёришмади, ичидаги ғашликка сира сурур қоришмади. Охири ўша биргина жумла хабар етказинини баҳона қилиб, уйига жўнади.

Ҳозир юмшоқ ўринда ётаркан, ором ва фароғати хуш хаёллар бутун вужудини сирмади, Бухорийнинг ташрифидан кутаётган оғриқлари қалбини аламли тирнади. Бухорийни нега бунчалик ёмон кўришни узоқ ғарибликдан сўнг унинг она шахрига келишини, дан нега бунчалик хавотир ва изтиробга келишинини ўзи ҳам унчалик тушунмайди. Балки бу хусуматикковининг талабалик йилларига бориб тақалар?

У Бухорий билан Муҳаммад ибн Яҳё Зухлийнинг ҳалқасида ҳадис тинглашган эди. Кейин тақдир икковининг ҳаёт йўлларини айрича қилди. Ҳадис илҳаминқадар бўлган Мазҳариддин Бухоро амирининг хос аъёнларидан бўлган отаси Жавҳариддиннинг маслаҳати билан фикҳ ўрганишга киришди. Бухоронинг машҳур фақиҳлари ҳалқасига қатнай бошлади. Аммо у қанчалик тиришмасин, «илм» деган асов от тизгинини тутқазай, шу йигитга бўйсунай демасди. «Ал-муриду ятлубу вал-муроду яҳрабу»⁵⁴ деганларидай, алломалик рутбаси худди ёвдан қочган ношуд аскардай Мазҳариддиндан тирқираб қочаверди.

Фақиҳликни ҳам бир амаллаб «қойиллатган» Мазҳариддин ўзи қодир бўлган бирдан-бир иқтидорини қўллаб, мансаб манзилини забт этишга от чоптирди. Отасининг ёрдами билан, хушомадгўйлиги, чақимчилиги, фитнагарлигини ишга солиб, амир саройига

⁵⁴ «Мурид талаб қилади, мурод эса қочади».

яқинлашиб олди. Ҳузурига чорласа ҳам, чақирмаса ҳам Бухоро амирининг кунда-шундасига айланди. Унинг саройида бўладиган илм мажлисларида чала-чулла ёдлаб олган оят-ҳадисларни келтириб, ўзининг «чуқур билим соҳиби бўлмиш атоқли олим»лардан эканини кўрсата олишга муваффақ бўлди. Бир-икки бор амирни мушкулотга солиб, қийнаган масалаларга унга маъқул келадиган фатволарни топиб бериб, кўнглини олди, эътиборини қозонди.

Кейин Бухоронинг бош муфтийи бўлган Абдулазиз ибн Жаъфарга ҳам садоқат ва хушомад билан хизмат қилишни ўринлатди. Муфтийга хусумати бўлган ё унга кўпда хайрихоҳлик кўрсатмайдиган олимларни бош этиб, унинг қаҳрига ва захрига рўпара қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатди. Олимларни бир-бирининг сўзини бошқасига етказиб, амирга ҳам сўзини ўтказиб, бировни силтаб, бошқасини алқаб, илм бозорининг бош даллолига айланди-қолди.

Унинг амир ва муфтий олдидаги «беминнат хизматлари» мукофотсиз қолмади. Ярим йил деганда устози ҳамда отасининг тавсияси билан Бухоронинг бош қозикалони вазифасига тайин қилинди. Ўзи билан отаси узоқ йиллар кутган шарафли мансабу маҳобат ҳам, шону шараф ва шавкат ҳам, мартаба ва давлат ҳам қаршисида жилва қила бошлаган бир пайтда ўша Бухорийнинг шаҳарга туйқус келиб қолиши дилга ғашлик солган хабар, асалга томган захар, фароғат устига хатар бўлди. Оғзи энди ошга етганида, кўли яхши мансабни тутганида, юраги севинчдан гупиллаб урганида, атрофида ҳамма гиргиттон турганида ошига пашша тушгани ёмон иш бўлди.

Бухорийнинг лафз масаласида қаттиқ адашганлардан эканини етказиб қўйишни «унутишмади».

Имом Бухорий билан Имом Зухлий орасида юз берган бу тушунмовчиликда икковининг айтарли айби йўқ эди. Балки буни илм теварагидаги айтарли манфаатпараст кимсалар юзага келтирган, фитна оловини алангалатган ва мақсадларига айтарли ҳам эди. Ваҳоланки, улуғ муҳаддис Муҳаммад ибн Яхё Зухлий раҳматуллоҳи алайҳ Найсобурда ибн иззат-хурматга эга эди. У имом Бухорийнинг катта таҳсилидаги шерикларидан ва имом Муслимнинг устозларидан бири бўлган. Ибн Ҳажар Асқалоний: «Бухорийга илм талабида шерик бўлган ва ҳадис тинглашни ундан олдинроқ бошлаганлардан бири Муҳаммад ибн Яхё Зухлийдир», дейди.

Аллома, ҳофиз, шайхулислом Муҳаммад ибн Яхё Зухлий Хуросон ҳадис аҳллариининг имомларидан бўлиб, имом Зухрийнинг барча ҳадисларини жамлаган эди. Шунинг учун баъзида уни Зухрий деб ҳам аташган. У ўз юртида илм пешвоси бўлган. Имом Аҳмад Бағдодда, имом Молик Мадинада қанчалик машҳур бўлса, имом Зухлий Найсобурда шунчалик машҳур эди. Абу Ҳотим уни «ишончли киши» деган, унинг ўғли Абдурраҳмон эса «муслмонларнинг имоми» деб атаган. Хатиб Бағдодий айтади: «У ориф имомлардан, мутқин ҳофизлардан эди. Зухрийнинг ҳадисларини ёд олиб, тасниф қилган. Аҳмад ибн Ҳанбал унга тасанно айтар эди». Ибн Абу Довуд: «Ҳадис илмида мўминларнинг амири эди», деган. Алий ибн Мадиний имом Зухлийга «Сен Зухрийнинг ворисисан», деган.

Икки улуғ олим ўртасига тушган фитна пўртанаси илм аҳллариини пароканда қилди, ораларига

хилоф ва хусумат уруғларини сочди. Ақийдага оид «Қуръон махлуқми ёки махлуқ эмасми» деган масала борасида Зухлий билан Бухорийнинг қарашлари ўртасида бироз тафовут бор эди. Аслида фитначининг саволига имом Бухорийнинг жавоби қисқа, лўнда ва тўғри эди. Аммо айримлар буни тушуна олмай, имом Бухорий ҳақида нотўғри гап тарқатишади. Натижада имом Бухорийнинг Найсобур халқи ўртасидаги обрў-сиға путур етди ва бундан имом Зухлий ҳам мустасно бўлмади. Зеро, Зухлий бу масалани жуда қаттиқ олар, «Ким «Қуръонни ўқишдаги лафзим махлуқ» деса, у билан учрашиш, бирга ўтириш дуруст эмас», дер эди.

Имом Муслим бу масалада Бухорий билан ҳам-фикр бўлган. Имом Муслимнинг шижоати, садоқати, ҳақиқатпарварлиги ва холислиги унинг оғир дамларда, қийинчиликларда ҳам ҳақ тарафда туришида намоён бўлди. Хусуматчилар имом Бухорийга қарши чиқиб, у зотни турли айблар билан маломат қилган кезлари имом Муслим бир ўзи Бухорийнинг ёнини олиб, у билан елкама-елка турди. Уни бундан ҳеч ким, ҳеч нарса қайтара олмади. Имом Муслим Муҳаммад ибн Яхё Зухлийдан ҳадис тинглар эди. Ана шу мажлислардан бирининг охирида Зухлий: «Ким Бухорийдан бирорта сўз айтса, мажлисимизда ўтириш унга ҳалол эмас!» деди. Шу пайт имом Муслим ридосини олиб, салласининг устига қўйди-да, ўрнидан туриб, одамларни оралаб, мажлисдан чиқиб кетди. Бориб, Зухлийдан ёзиб олган барча битикларини тўплаб, ҳаммолга кўтартирди-да, Зухлийнинг остонасига ташлаттирди. У кейин ҳам шу қароридан қолди ва Зухлийнинг мажлисини ҳам, зиёратини ҳам тарк этди.

шундоққина ҳовли саҳнида бир неча туя чўккан ҳолда кавшаниб ётибди. Қўра ташқарисида эса бир раб-сакраб чопяпти. Эгаси уни қўлга тушира олмай сак-хуноби ошган. У ишора билан «кираверинг» дегандан бўлди. Охири у узун кўйлагининг тутиш пайи-ем солгандай қилиб турмаклаб, бузоқни худди Бузоқ ширин ем илинжида аста кўйчивонга чақирди. Аммо кийим барида ҳеч нарса йўқлигини сезиб қолиб, яна шаталоқ отиб қочди. Имом Бухорий: «Хайвонни алдашга журъат қилган одамдан ҳадис қабул қилиб бўлмайди» деб афсус чекди ва алами ортганча ортига қайтиб чиқиб кетди. Алдов билан хайвонини ушлашга уринган кўйчивондан кўзлаган ҳадисларини ёзиб ололмагани, шу ҳадисни деб бир неча кун вақтини исроф қилгани, сафар машаққатлари ва азобларининг алами бирлашиб Имомнинг ҳафсаласини тамоман пир қилган, Абзога келишдаги ширин илинж ва интиқликдан асар ҳам қолмаган эди. У киши бор-будидан ажраган ғариблардай бир алфозда кетаркан, «Бунда ҳам Аллоҳнинг бир ҳикмати бор» деб ўзини овунтирди.

НАЙСОБУР

«Имом Бухорий Найсобурга дастлаб 209 йилда, кейин 250 йилда келганлар, у зот Найсобурда беш йил истиқомат қилиб, доимо ҳадис айтганлар».

Абу Абдуллоҳ Ҳоким
«Муҳаммад ибн Исмоил келганда Найсобурнинг волийи, шаҳар олимлари, барча аҳллари шунчалик иззат-икром кўрсатишдики, ҳали бунақасини кўрмаганман. Ҳатто икки-уч кунлик масофагача истиқболига чиқишди».

Муслим ибн Ҳажжож

Безовта кўнгил бир сакинат, ором излайди. Ҳорғин-чарчоқ рух истироҳат ва осойиш берувчи бир манзилни кўзлайди. Муҳаммад ибн Исмоил ўзи яшаб турган пастак хужранинг ёлғиз деразасидан бир мовий самога, бир чарх уриб юрган хур, эркин кушларга ютоқиб-энтикиб назар соларкан, уларни илк бор кўраётгандай беихтиёр чуқур хўрсиниб қўйди. Ғариб кўнгилнинг она юртни, яқинларни, устоз ва шогирдларни жуда-жуда соғинганини, бу соғинч анчадан буён уйку ва турмуш ҳаловатидан маҳрум этаётганини энди ўзидан ҳам, атрофдагилардан ҳам яширишга қурби етмай қолди.

У шу дамда умрини ҳисобга тортувчи, ўзини маломат қилувчи хаёллар гирдобига шўнғиган. «Умр гўё бир қисқа чақиндай, оби оқиндай ўтди-кетди. Сўнгги сафар дамларим эса кун сайин яқинлашмоқда. Қанча йилларни юртдан олисда, муаззам бир мақсад йўлидаги юмушлар билан ўтказибман. Бунга асло афсус чекмайман, надомат тортмайман. Аксинча юракда

йўловчи ул-бул егулик ташлаб кетади. Аллоҳ шу ерда ҳам ризқимни етказиб турибди, алхамдулиллаҳ!

– Ҳа, инсон зоти борки, Аллоҳ уни ҳар куни, ҳар қадамда бир имтиҳонга солади. Айниқса мўминлик ҳамиша тайёр туришимиз зарур. Бошига синовига келмаган, офат билан балоланмаган мўмин ўз ҳаётлари ҳам яхмалак каби силлиққина, тошбақаники каби хотиржамгина ўтмаган. Бир вақтлар машҳур тобеъинлардан Урва ибн Зубайр ҳам худди сенга ўхшаб Аллоҳнинг синовига учраган эди. У ҳам худди сен каби бундан шараф билан ўтган, Аллоҳдан савоб умидида чиройли сабр қилган.

– Урва деганинг ким бўлди? – сўради қапа эгаси.

– Урва ибн Зубайр Пайғамбар алайҳиссаломнинг суюмли завжаи мутоҳхаралари Оиша розияллоху ан-ҳонинг жияни, опаси Асмонинг ўғли. Ушанда халифа Валид ибн Абдулмалик Урва ибн Зубайрни Дамашқ зиёратига чорлаган эди. Урва рози бўлиб, катта ўғлини ҳам бирга олиб борди. Меҳмон жуда яхши кутилинди, иззат-хурмат кўрсатилди. Урванинг ўғли отларга қизиқиб, халифанинг отхонасига кирди. Отлардан бири беҳосдан болани тепиб ўлдирди. Ўғлини қаберга жойлаб-жойламай, ғамга ботган отанинг бир оёғига қорасон дарди ёпишди. Оёқ кун сайин шишаверди, оғриқ зўраяверди. Халифа уни даволаш учун энг машҳур табибларни чорлади. Улар касалликни ҳар хил усуллар билан муолажа қилишга уриндилар, аммо фойдаси бўлмади. Алал-оқибат шиш бутун та-нага ёйилиб кетди. Ўлимга сабаб бўлмасидан олдин оёқни кесиш лозим, деган қарорга келишди. Урва

илоҳсиз рози бўлди. Табиб ишга киришди. Аввал оёқ гўшларини юлиб олди, сунга етгач, аррани ишга солди. Жарроҳ бир маромда ишлар, Урва эса: «Ла илаҳа иллаллоҳ», «Аллоҳу акбар» дея таҳлил-тақбир айтар эди. Оёқ кесиб ташланди. Сўнгра қонни тўхтатиш учун қиздирилган ёққа ботирилди. Урва хушидан кетди, узок вақт ўзига келмай ётди ва ўша куни Қуръони каримни ўқий олмади. Доимий одати умрида бир марта мажбуран тарк этилди. Соғайгач, кесилган оёқни сўради. Келтиришди. Урва уни қўлига олиб, айлантириб кўрар экан, «Аллоҳга қасамки, у Зот мен ҳеч қачон ҳаром йўлга юрмаганимни билади, албатта», деди. Урва ибн Зубайр Мадинага қайтди. Уйига кириб, ўз ҳолатига ишора этиб: «Кўркманглар, кўркманглар!» деди аҳли аёлига. «Аллоҳ таоло менга тўртта бола берган эди, бирини олиб кўйдим, учта қолди. Шунга ҳам шукр. Парвардигорим менга икки оёқ берган эди, бирини олди, бири қолди, шунисига ҳам шукр. Аллоҳга қасамки, У мендан озгина нарсани олиб, кўпини қолдирди. Бир марта дард бериб, узок вақт танамни саломат қилди. Бунинг учун Унга фақат шукр айтаман!».

...Эрта тонгда Имом бомдодни қапа соҳиби билан ўқиб, йўлга тушди. Асрга яқин Абзо қишлоғига кириб борди. Одамлардан суриштира-суриштира чўпоннинг уйини топиб борди. Атрофи тош девор билан ўралган ҳовли яқинига бориб, киришга уч марта изн сўради. Ижозат берилгач, аста ичкарига кирди. Кенг ҳовлининг кунгай тарафида бир-бирига қапиштириб тикланган тўртта хона, уйларнинг қарши томонида эса четан билан тўсилган каттагина кўра. Унда бир пода кўй бор. Кўра яқинида,

лоҳнинг азобидан қутқариб қоламан», деди. Ушбу аянчли воқеа халифанинг тавба қилиши, фитнабонши Ибн Абу Дуод ва шеригининг қатл қилиниши ҳамда Имом Аҳмаднинг аввалгидан ҳам қўпроқ эъзозланиши, икром қилиниши билан тугади.

Муътазилийларнинг пайдо бўлиши хижрий 80-131 йилларда яшаб ўтган Восил ибн Ато номи билан боғлиқ. Восил ибн Ато Ҳасан Басрийнинг пешкадан шоғирдларидан бўлиб, унинг ақида масаласидаги адашуви туфайли Ислом уммати катта фитнага учради. Восил ибн Ато «Ғуноҳи кабира қилган киши мўқатгач, шайх Ҳасан Басрий «Восил биздан тар-деди, ундан қўлини ювди ва халқасидан ажради» тариқа бир неча йил мобайнида Ислом жамиятини ихтилоф, парокандалик, баҳс-тортишувлар четлатди. Шу га ботирган муътазилийлар фирқаси пайдо бўлди.

Муътазилийлар Аллоҳнинг илм, қудрат, ҳаёт, эшитиш, кўриш, ирода сингари субутий сифатларини инкор қилишди. Қадарга, қиёматда Аллоҳни кўришга, шафоатга, пайғамбарлик мўъжизаларига, кароматларга ишонишмади. Аллоҳнинг қазо ва қадарини инкор этганлари учун улар «қадариялар» деган ном ҳам олишди. Муътазилийлар ўз эътиқодларига зид келадиган саҳиҳ ҳадисларни ҳам инкор этишган. Улар аббосий халифалар Маъмун, Муъта-сим ва Восиқ давридагина сиёсий жиҳатдан устунликка эришди. Аммо бу устунлик жуда оз, атиги ўн беш йилгина умр кўрди. Халифа Мутаваккил даврига келиб муътазилийлик фирқаси ва унинг ғоялари тамоман рад қилинди, тарафдорларининг бари турли сабаблар билан қирилиб битди.

Муътазилийликнинг ўша пайтда юзлаб, минглаб олимларнинг бошига етган масалаларидан бири Қуръоннинг махлуқлиги, яъни Аллоҳнинг каломи яратилган ва кейин пайдо бўлган, деган ақидаси эди. Ушбу ақида натижасида «Аллоҳ таолонинг сифатлари азалий эмас, балки ўша сифат қўлланилаётган пайтда вужудга келади» деган носоғлом мафкура пайдо бўлади. Бу дегани, Аллоҳ таоло аввалда яратувчи эмас эди, нарсаларни яратаётган вақтда Унинг яратувчилик сифати пайдо бўлган, Аллоҳ азалда гапирувчи эмас эди, масалан, фаришталарга ёки Мусо алайҳиссаломга гапираётган вақтда Аллоҳнинг калом сифати пайдо бўлган, деган нотўғри ақида эди. Аҳли сунна вал-жамоа ақидаси эса бундай: Аллоҳ таолонинг сифатлари азалийдир, кейин пайдо бўлган эмас. Шу жумладан, Қуръони карим Аллоҳ таолонинг азалий каломи сифатида азалийдир, кейин пайдо бўлган эмас!

Муътазилийлар илгари сурган ақида Имом Абу Ҳанифа даврида ҳам кўтарилган, лекин у кишининг қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли бу масала ёпиқлигича қолган эди. Имом Абу Ҳанифа «Аллоҳда бор нарса махлуқ эмас, халқда бор нарса эса махлуқ» деган ўз қарашини билдирган. Шундай бўлса-да, Абу Ҳанифа муътазилийларнинг ушбу ақидасига раддия сифатида «Фикҳул-акбар» асарида қайта-қайта тўхтаб ўтишга мажбур бўлган: «Аллоҳнинг феъли махлуқ эмас. Аллоҳнинг сифатлари азалда қадимийдир, махлуқ эмас. Ким Аллоҳнинг сифатларини махлуқ ёки янгидан пайдо бўлган деса ёки бунга бетараф бўлса ёки Аллоҳнинг сифатларига шубҳаланса, у Аллоҳни инкор этган кофирдир... Қуръон мусхафларда

кўнгилсизликлардан қутқариш, Ибн Яхё Зухлийнинг таъна ва танқидидан халос қилиш учун Найсобурни тарк этишга қарор қилди. Эрта тонгда Наймусҳаф ва ҳадис тўпламларини кийим-боши, жойнамоз, юклади. Уни биргина Аҳмад Найсобур кийиштириб, эшакмоз, ча кузатиб борди. У ердаги работда дарвозасига сафар тадоригини кўриб қолиб кетди. Кейин қалби-рай-қарай Найсобурни ташлаб чиқиб кетди. У ўйлай-ўйлай она шахри Бухорога қараб йўл олди. Аммо Парвардигорнинг ўзигагина маълум ҳикматга кўра, она шахрида ҳам ҳадис Имомини бу фоний дунёнинг сўнгги ва машаққатли яна бир имтиҳони кутиб турган эди...

МУЪТАЗИЛИЯ

*«Қуръон Аллоҳнинг сўзи, у ғайри махлуқдир,
бандаларнинг ишлари эса махлуқдир,
бу борада имтиҳон қилмоқ бидъатдир».*
Имом Бухорий

Ҳар замоннинг ўз фитнаси бўлади. Имом Бухорий яшаган даврнинг фитнаси «Қуръон – махлуқ» ғоясини илгари сурган ва бу билан Исломга тузалмас қаттиқ зарба берган муътазилийлар⁵² бўлди. Уларнинг фитнаси қурбонларидан бўлган устози Аҳмад ибн Ханбал «Агар синовлари бўлмаганда Аллоҳнинг хузурига қуруқ қўл билан борардик» деб Бухорийга бежизга тасалли бермаган экан.

Имом Бухорий ҳам жоҳилларнинг «Қуръон махлуқми ёки махлуқ эмасми» деган бемаъни савол билан ўзини қийнашлари, бўҳтон-тухматлар билан айблашлари орқали замонасининг буюк бир фитнасига гирифтор бўлиб қолган эди. Қанчалаб уламонинг бошига етиб, илм билан шуғулланиш бахтидан Мосуво қилган, қанча умрларни эрта сўндириб, ширин турмушларни барвақт хазон қилган, минглаб аҳли илмни таъқиб ва тазйиқ қамчиси билан калтаклатган муътазилийларнинг бу фитнаси бошида халифа Маъмуннинг ўзи турган эди. Ваҳоланки, унинг отаси, йигирма уч йил адолат билан ҳукм юритган аббосий халифалардан Ҳорун ар-Рашид даврида бундай гаплар асло бўлмаган.

⁵² Луғатда «ажралганлар» деган маънода, адашган фирқалардан бири.

сезди. Нимадир демоқчи бўлдию, аммо ичдан портлаб чиққан хўрсиниқ сўзлашга қўймади.

Шунда Аҳмад устозни кўнгилсиз мавзудан биров четлатишни ўйлаб шундай саволни берди:

- Эй Абу Абдуллоҳ, сиз билан Муҳаммад ибн Яхё ўртасида юзага келган вазиятдан чиқишнинг бирор иложи борми? Сизнинг ҳузурингизга келганлар Муҳаммад ибн Яхё томонидан қувиб солиняпти-ку!

- Аҳмад ўғлим, ўша олимлар илмга намунича ҳасад қиладилар? Илм Аллоҳнинг неъматига беради.

Аҳмад ўйлаб турган саволини устозга «айтайми-туриб қолди. Кейин бир қарорга келди, шекилли овозини хиёл пастлатиб сўради:

- Сиз ҳақингизда айтилаётган гаплар ростми?

- Эй ўғлим, бу жуда машъум ва қабиҳ масаладир. Мен шу фитна туфайли Аҳмад ибн Ҳанбалнинг бошларига тушган мусибатга гувоҳ бўлганман. Шунинг учун бу мавзуда бошқа гапирмасликка аҳд қилдим.

- Сизга зулм қилаётган, шаънингизга нолайиқ сўзларни айтаётган, тухмат-бўхтонлардан тап тортмаётган нобакор кимсаларни нега дуоибад қилмайсиз?

- Пайғамбар алайҳиссалом «Ҳавзи Кавсар ёнида мен билан юзма-юз бўлгунингизга қадар сабр қилинглр», деганлар. Одамлар орасидан ким бизга қарши чиққан бўлса, унга албатта тош отилган, қувилган, ўзи омонда қолмаган. Қачон бирор жоҳил кимса бизга гапирадиган бўлса ёки макру ҳийласини ишлатса, ўша кеча тушимда бир оловни кўрардим. Олов ёниб, ўз-ўзидан ўчиб қоларди. Ҳеч ким ундан фойдалана олмасди. Мен буни Аллоҳнинг «Уруш

словини ёқишлари билан уни Аллоҳ дархол ўчириб туради» деган сўзига таъвил қилардим.

У шу гапларни айтиб тугатдию, ҳолсизланиб кўрпачага ўтириб қолди. Ичидан алам ичра чуқур бир хўрсиниқ портлаб чиқди. Шогирдлар ҳам ҳолатнинг бу қадар чигаллашиб кетганидан бошлари қотган, ўзларини қўйишга жой топа олмай қолган эдилар. Имом «нима бўлса, бўлаверсин, энди менга ҳеч нарса-нинг қизиғи қолмади» дегандай қўлларини бир силтаб ташлади ва Ибн Саламага қараб шундай деди:

- Ҳой Аҳмад, сизлар мени деб жонларингни қийнаманглр, руҳларингни туширманглр. Икки устоз ўртасидаги ихтилоф сизларни илм талаби йўлидаги олий мақсаддан чекинтирмасин, фойдали илмлардан четлатиб қўймасин. Шогирдлар одатда билиб-билмай устозлари ёнини олиш ё унга ёқиш учун бошқалар билан хусуматга бориб, уларни инкор қилишади, муршид устознинг камчиликларини кўрмаслик ё уларни хас-пўшлаш, ҳамиша уни маъсум қилиб кўрсатиш мақсадида уни бошқалардан афзал санашга тиришадилар. Ваҳоланки, Аллоҳ азза ва жалла «Иннамал муъминуна ихватун»,⁵¹ деган. Охирзамон Пайғамбари эса «Қуръон хусусида таллашиб-тортишиш куфрдир», деганлар. Зухдийнинг маломатларию таъқибларидан сизларни халос қилиш учун эртагаёқ бу ердан чиқиб кетаман. Мен туфайли мусулмонлар бирлигига раҳна тушишини истамайман.

Имом Бухорий шогирди Аҳмад ибн Салама ва унинг шерикларини ўзи туфайли вужудга келган

⁵¹ «Мўминлар албатта оға-инилардир». Ҳужурот сурасининг 10-ояти.

- Қаерлардан бўласан? - сўради у ўрнидан кўзгалмай.

- Асли Хуросонданман. Ҳозир Маккадан келяпман. Икки йилдан буён Уммул-қурода истиқоматдаман.

- Бу юртларга сени нима бошлаб келди, эй хуросонлик?

- Муҳаммад алайҳиссаломнинг мухаббати.

- Жуда чуқур кетдинг-ку! У зотга мухаббатинг шунчалик кучлими?

- Болалигимдан буён Аллоҳ Расулининг ҳадисларини тўплаб, ёд оламан ва ёзиб бораман.

- Ҳа, тушунарли. Демак, ҳадис олимсан, шундайми?

- Мен ҳаётимни ҳадисларни тўплаш, тартибга солиш ва ёзиб қолдириш ишига бағишлаганман.

- Жуда улуғ ва савобли экан қилаётган ишинг.

Шу билан танишув тугади. Муҳаммад аланга ёғдусида атрофга синчилаб қаради. Қапада ортиқча нарса кўринмас эди. Бир парчагина намат устида ичига похол тўшалган тўшак, чарм ёстиқ, битта коса ва жойнамоз мезбоннинг бутун жиҳози эди. «Аҳли-оиласи бормикин, агар бўлса, нега кўринмайди? Ҳеч кими йўқ, ёлғиз бўлса, кимсасиз саҳрода бир ўзи қандоқ турмуш кечиради?» Бухорий шуларни ҳаёлидан ўтказиб, савол беришдан ўзини тия олмади:

- Аҳлинг нега кўринмайди? Бола-чақалар қаерда?

- Ҳаммасини Эгасига топширганман... Омонатга берган эди, омонатини тез қайтиб олди... Бу фоний дунёда якка ўзим қолганман...

Ўртада оғир ва залворли сукунат ҳоким бўлди. «Ноўрин савол билан унинг дилини оғритиб қўйдимми?» деган хавотир Имомни безовта қилди, ди-

лига ғашлик солди. Ўзи сўз очмагунча энди ҳеч нарса сўрамасликни диллади. Уйлаганидай, ерда чўзилиб ётган киши ёлғиз ёстиққа таяниб, қаддини ростламоқчи бўлди. Аммо буни эплай олмади. Ёнида ростлаунинг кўзлари ожиз эканини сезди. Ўрнидан туриб, уни икки кўлидан ушлаб бор куч билан ўзига тортди. Танаси тиклангач, орқасига ёстиқни тияб қўйди. Имом ғира-ширада ўзи ўрта ёшларда бўлса ҳам, юзини Хуросон қовунлариники каби ажин тўрлари босган, саҳро шамоли қорайтирган, қиррабурун, соч-соқоли ҳамма ёғини қоплаб олган, озгини қўллари чайир бир одамнинг қиёфасини кўрди.

- Менга қара, мусофир, ҳаётингда батамом тушкунликка тушиб, Яратгандан жонингни тезроқ олишини сўраган пайтларинг сира бўлганми?

- Йўқ, бошга не келса, Аллоҳнинг бир синови деб қабул қилганман.

- Демак, мен ниҳоятда ожиз эканман... Ҳақни айтидиган бўлсам, Аллоҳнинг қаттиқ синовиغا учраган бир одамман. Бошимга кетма-кет келган балолардан довдираб қолиб, бир куни Эгамдан ўлимимни тезлаштиришини сўрадим. Сўнграқ сенга ўхшаган олимлардан Аллоҳдан ўлим сўраш Унинг неъматига қаттиқ ношукрлик бўлишини эшитганимдан кейин бу ниятимдан қайтиб, истиғфор айтдим. Фақат одамлардан ўзимни четга тортдим. Уларнинг менга ачиниб юришларини, мени кўрганда хижолат чекишларини, ҳамдардлик билдириб, ҳар гал ярамни тирнашларини истамадим. Мана шу кимсасиз саҳрони ўзимга маскан қилиб олдим. Саккиз йилдирки, бу овлоқ гўшада Аллоҳнинг берган умрини

кўзга кўринмади. Йўлга тез тушиш, ўша хадисидан унутиб қўймасидан олдин ровийнинг оғзидан тезроқ ёдлаб олиш ва қоғозга тушириш уни ҳаловатдоригини кўрди, зоди роҳила⁴⁴ ғамлади. Маккадаги бир ҳамюртидан йўл қийноқларига дош бера олади.

Иссиқ уриб кетмаслиги учун асосан бомдоддан кейин тушгача йўл юради. Сўнг асргача бирор пана жойда дам олиб, қуёш мағрибга ёнбошлаётганда яна сафарини давом эттиради. Шу ҳолатда тунгача отдан тушмайди. Фақат орада шом ва хуфчинқиришини босгудай миқдорда бироз тамадди ҳам қилиб олади.

Мағриб томон қип-қизил шафаққа бурканганини кўрган Имом отдан тушди. Шундоққина кум уснамозини ўқиди, дуога қўл очиб, сафаридан кўзла-тавфиқ сўраб, илтижо қилди.

Ҳадемай қоронғи тушади. Хуфтонгача йўл босишга, тунагани бирор жой учрагунча юришга қарор қилди. Қуёш ботишга улгурган бўлса ҳам ҳавода унинг тафти ҳамон бозиллаб турибди. Гоҳ-гоҳида эсувчи шамол ҳам танага ором бера олмайди. Лаблари қуриб, бир-бирига чиппа ёпишган. Хуржундаги мешчанинг бўғзидаги чарм ипни ечиб, оғзини намлаган бўлди. Яримлаб қолган сувни кўзи қиймай, яна боғичини маҳкам боғлаб қўйди.

⁴⁴ Йўл учун керакли озуқа.

Муҳаммад ибн Исмоил Маккаи муқаррамадаги қисқа ҳаёти давомида бутун Ҳижоз муҳаддисларидан хадис эшитиб, бундаги насибасини тўлиқ олганини ўйларкан, бунинг учун Парвардигорига шукр ва ҳамдлар айтди. Шундан кейин эса унинг Аллоҳ йўлидаги рихлатлари ва илм талабидаги ҳисобсиз сафарлари бошланиб кетди. Имом Бухорийнинг или талабидаги рихлатлари дуненинг каттагина қисмини қамраб олди. У зот хадис ўрганиш мақсадида Ислам қитъасининг жуда катта ҳудудини, жаҳонга донги кетган энг муҳим илм марказларини айланиб чиқди. Мисрнинг ғарбий минтақасидан Хуросоннинг энг чекка ўлкаларигача, Ҳижознинг шарқий ҳудудларидан Шом ва Ироққача сафар қилди. Сафарлари билан қизиқувчиларга шундай деди: «Ҳижоз, Ироқ, Шом ва Миср аҳлининг мингдан зиёд хадис ровийси билан юзма-юз бўлдим. Улар билан бир неча мартадан учрашдим. Шом, Миср ва Жазирага икки марта, Басрага беш марта бордим. Ҳижозда олти йил яшаганман. Маккий ибн Иброҳим, Яҳё ибн Яҳё, Ибн Шақик, Қутайба, Шиҳоб ибн Маъмар каби Хуросон муҳаддислари билан Куфа ва Бағдодга неча марта борганимнинг ҳисобини ҳам билмайман. Шомда Фирёбий, Абу Мусҳир, Абул Муғийра, Абул Ямон ва бошқа ровийлар билан учрашганман. Улардан бирортасининг «Дин – сўз ва амалдан иборатдир, Куръон Аллоҳнинг Каломидир» деган сўзга хилоф қилишганини кўрмадим».

Бу сафарлар эса осон кечмади. Гоҳ жонга хатар етди, гоҳида молга. Баъзан шаън ва иззат хавф остида қолди. Хадис ёзиб олиш учун бир сафар Ҳижоздан Мисрга борганида худди шундай кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Имом ўшандаги ҳодисани ҳозир эслар

қийнаб-қиймалаб ташлади. Улар ҳадис аҳллари
тўплаб, «Имом Бухорий Қуръон оятларининг талаф-
фузи махлуқ деяпти, уни сицаб кўринглар!» деб йўл
кўрсатишди. Натижада «такфир» саиъатиға махли
бўлган уламо ва оломон Имом Бухорийни карвонса-
шаникида жон асрашдан ўзга илож топа олмади.
Бу фитналарнинг замирида кўп йиллардан буён
аҳли илм орасидаги пинҳона, кўп кўзлардан буён
рини бир эиддият, яъни фақиҳлар ва муҳаддислар
муҳолифлиги ётибди. Адолат тарозисининг бир
палласига фақиҳлар, иккинчи палласига муҳаддислар
қўйилсаю, агар бу тарозининг шайини ўрта дис-
улчовни кўрсатмаса, адолат чекинган, ишлар бир
дан чиққан, нафслар қон қақшаган бўлур. Аҳли фаза
наздида фақиҳ гўёки бир табиб, муҳаддис эса до-
ришунос. Бемор учун икковининг хизмати ҳам ўта
муҳим. Доришунос маълум бир хасталикка ҳам ўта
бўлувчи малҳамни тайёрлаб беради. Табиб эса буни
шифо бўлиш-бўлмаслигига қараб хастага тавсия ки-
лади. Агар табиб дорининг хоссасини билмай туриб
беморга берса, доришунос беморнинг хасталигини
аниқламай туриб, унга ўз дорисини тавсия ки-
лар икки ҳолатда ҳам бундан хаста фақат зарар кў-
ради, табиб ва доришунос ҳам ўз мақсадига эриша-
олмайди. Аммо нафси ва шайтони голиблик қилува-
чи айрим муҳаддислар ҳам, фақиҳлар ҳам бу маса-
лада мўътадил йўлни кўра олмади, фитна ва хусумат
оковларини гуриллатиб юборишардики, бу нарса
кўп ҳолларда Имом Бухорий дуч келиб тургани каби
бемаъни можаро ва ўринсиз тортишувларнинг бош
сабабчисига айланиб қоларди.

Муҳаммад ибн Исмоил бутунлай яккаланиб қолди.
Дарду хасратларини эшитгани, ўксик дилига тасалли
эитгани, ёнида махрам ва малҳам бўлгани атрофида
бирор кимса йўқ эди. Оху зорини, қалб изтиробини,
руҳ азобини Парвардигоридан ўзга зот кўрмас, эшит-
мас эди. Пастаккина, кўримсиз кулбанинг эшигига
кўз тикиб, махзуи ва абгор ўтирганида хузурига уч
киши кириб келди. Улардан иккиси Бухорийнинг хос
ва яқин шогирдларидан Муслим ибн Ҳажжож, Аҳмад
ибн Салама, учинчиси эса Имомга чексиз садоқати ва
муҳаббати билан танилган найсобурлик мухлислар-
дан Абу Амр Хаффоф эди. Учовлон тор хужранинг пой-
гагига сиқилиб жойлашишди. Дастурхондаги жийда
ва майиздан тотинган бўлишди. Ўртада оғир сукунат
ва кўнгилғашлик ҳукмини ўтказаётир. Бўлиб ўтган
кўнгилсизликлардан сўз очишга учовининг ҳам ҳад-
ди сиғмайди, юраги дов бермайди.
Ниҳоят, Абу Амр Хаффоф гап бошлаш мақсадида
ўзи эшитган бир неча ҳадисларни Имомга сўзлаб, бу
ҳақда у кишининг фикрларини сўради. Бухорийнинг
гам ва алам тўр солган тунд чехраси бироз ёришди.
Абу Амрнинг ҳадисларини шарҳлаб, санадидаги бир
ғалатликка изох бериб ўтди. Мухлиснинг сўзларини
маъқуллаб, кўнглини кўтарди. Шунда дилини қий-
наётган дардни очиш мавриди келганини сезган
Абу Амр хиёл дадилланди. Икки шеригига маъно-
дор қараб олганича, аста сўз очди:

- Эй Абу Абдуллоҳ, бу ерда бир одам борки, сиз-
нинг номингиздан турли бўлмағур гапларни тар-
қатяпти. Гўё сиз «Қуръонни ўқиган лафзим махлуқ»
деганмишсиз. Одамлар бу гапингизни ушлаб олиб,

ХАСАД

«Эй Имом ҳазратлари, сизни ҳасадгўйлардан бошқалар ёмон кўришмайди. Гувоҳлик бераманки, сизга ўхшагани бутун дунёда йўқдур»

Муслим ибн Ҳажжасаж
Ким Муҳаммад ибн Исмоил ҳақида бирор номанг ҳақ нарса айтса, мендан унга минг лаънат бўлсин!»
Аҳмад ибн Наср Хаффоф

Мазҳариддин ибн Жавҳариддин Бухоронинг тор ва сертупроқ кўчаларидан шошганча ҳарсиллаб-пишиллаб келаркан, миясида тезроқ уйга етиб олиш, ҳар кун пешиндан кейин одатланган қайлуласида бир мазза қилиш ҳақидаги ширин хаёллар ҳукмрон эди. У Бухорода таърифи кетган баҳаво ҳовлисидан дарвозаси кўриниши билан бошидаги салласининг устидаги заррин тўнини ечиб, қўлига олди. Келасолиб кунгурадор, нақши нигорли дарвозани ва тақиллатди. Аммо ичкаридан «чурқ» этган асабий эшитилмасди. Яна икки-уч бор зулфинни жаҳд билан қоқиб, сўнг бироз кутиб турди.

Узоқ интизорликдан сўнг муҳташам дарвозанинг бир табақаси салобат билан ғийқиллаб очилди. Қозикалон кўрсаткич бармоғини букиб, қирраси билан истиқболига ялангоёқ югуриб чиққан кенжа хотини Зебуннисонинг пешонасига бир туртди. Оғриқнинг зўридан Зебуннисо «иҳ» деб юборди, томоғига тикилиб келган аламини базўр ичга ютди. Эр беҳаловат қилувчи иссиқ ва бемаврид кутиш туфайли қайнаб-тошган бор ғазабини хотинига сочди:

– Сулаймон ўлиб, девлар кутулибди-да?! Тергайдиганинг йўқлигидан фойдаланиб, санларнинг қимматлигини қизитиш бўлган-да?!

Бухорои шарифнинг қозикалони Мазҳариддиннинг учинчи хотини, ҳали ўттизга ҳам кирмаган Зебуннисо кашмирий рўмолининг бир учини тишлаганча йигисини аранг яшириб, титроқ овозда «Ухламаётган эдик» дея олди, холос. Унинг бадани титратиб юборадиган ёқимли овози эрини дарров ховуридан туширди, ғазабининг оловига бир челак муздай сув сепилгандай попуғи пасайди-қолди.

– Тез ичкарига ўрин тўшаб бер, қайлула қилиб олай. Кун ёндириб, сўнгақларимгача қиздириб ташлади. Бироз ором топмасам, ҳализамон миям қайнаб тошиб чиқадиганга ўхшайди. Кечкурун амир саройида машварат бор, шунга сал ўзимни ўнглаб олишим керак.

Зебуннисо ётоқнинг дарпардаларини тушириб, хонани қоронғилатди. Эрталабдан буён йиғилмаган ўриннинг у ер-бу ерини тузатиб-текислади. Парку ёстикларни уриб шиширди. Мазҳариддин кенг катга солинган ўринга бемажол чўзиларкан, хотинига «чиқавер» дегандай имо қилди.

Қозикалон ўринга ёнбошлагани билан кўзига уйқунинг тўр ташлаши катта машаққатга айланди. Боя қозихонадаги ёрдамчиси Маҳмуд маҳдумнинг «Бухорий Бухорога келаётганмиш» деган машъум хабари табиатини тирриқ, дилини тиртиқ қилди. Пешингача ҳар нарсадан асаби бузилаверди, ҳузурига юмуш билан келувчиларни ўринсиз қойиб, дилларини оғритаверди. Ўзининг ҳам кўнглига чи-

Маъмун – Хорун ар-Рашиднинг ўз жорияси Муътазидан кейин ҳижрий бири юз тўқсон саккизинчи санада тахтга ўтирди. У бошда халифалик саккизинчи Бағдодга кўчишни истамай, бирмунча вақт Хуросон маркази Марвада туриб ҳокимиятни бошқарди. Буни фойдаланган айрим ноиблар ўз мамлакатларини мустақил деб эълон қилиш, ҳатто мамлакатларини ҳокимиятдан четлатиш режасини туза бошладилар. Бу пайтда Бағдодда халифанинг сиёсатидан норозилиги бўлган аббосий сулола вакиллари билан норозилик кетди.

Халифалигининг тўртинчи йили Маъмун муътазиллийларнинг қаттиқ таъсирига тушиб қолди. Жоҳилият замони файласуфларининг «Қуръон ярашилган» деган иддаосига қарши ўлароқ мутақаддим мусулмон уламолари Қуръоннинг азалийлиги, ярашилмагани ва махлуқ эмаслиги ҳақидаги ақидага қаттиқ туриб ҳимоя қилишарди. Аммо шуларга қарамай, халифа Маъмун ботил ғояни қўллаб-қувватлади. Ҳатто буни ўз давлатининг расмий мафкураси деб ҳам эълон қилди. Айни пайтда у Алий ибн Абу Толибни Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларининг энг яхшиси деб атагани ақидага зид бўлиб, бу икки ғоя рошидуламоларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Шунда халифа бу ботил таълимотларни куч ёрдамида жорий қила бошлади. Икки юз ўн саккизинчи санадан бошлаб сўзига хилоф қилган, йўлига юрмаган барча уламоларга қарши қирғин бошлади.

Энг ёмони, бу аҳли илм қирғини Маъмуннинг вафотидан кейин ўғай укаси Муътазим ва унинг кейинроқ тахтга ўтирган ўғли Восиқ халифалиги дав-

рида ҳам давом этди. Бу тадбирлар учун махсус жазо муассасаси «миҳна»⁵³ ташкил қилиб, барча уламоларнинг: фақиҳ ва қозилар, муҳаддис ва муфассирлар, оддий мактабдор ва муаззинларнинг ишончлилиги, тузумга хайрихоҳлиги текширувдан ўтказила бошлади. Ҳукмдорларнинг дунёқарашини мусулмонларга куч билан сингдирилишига қарши чиққан жуда кўп машхур уламолар бундан қаттиқ азийат ва азоб чекишди. Бу мусибатдан Имом Бухорийнинг устози, мусулмонларнинг энг атоқли олимларидан Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам четда қолмади.

Олдинга халифа Маъмуннинг ўзи, унинг вафотидан кейин укаси Муътазим муътазила фирқасининг таъсирида имом Аҳмадга нисбатан фитна уюштиришди ва уни икки йилдан ортиқроқ қамокда ушлаб туришди. Бу инсофсизликнинг бошида Аҳмад ибн Ҳанбалнинг илми ва шухратига ҳасаддан куйиб-ёнган Бағдод муфтийси Аҳмад ибн Абу Дуод турганди. Ҳаргал Имомнинг иродасини синдириш учун Муътазимнинг одамлари билан келиб уни ўзи сўроқ қилар, гапига кўндира олмагач, дарра уришга буйруқ берар эди. Қалтак зарбидан ҳушидан кетган олимни яна қамокқа олиб кетишар, эртасига бу иш яна такрорланарди.

Тарихчилар шу иш билан боғлиқ ушбу ривоятни келтиришади: «Бир куни қалтак зарбидан ҳушидан кетаётган Имомнинг қулоғига фитнабоши Ибн Абу Дуод: «Эй Аҳмад, қулоғимга «Қуръон – махлуқ» деб кўйгин, сени халифанинг қўлидан қутқариб қоламан», дейди. Шунда Имом Аҳмад бошини аранг кўтариб: «Эй Ибн Абу Дуод, қулоғимга «Қуръон – Аллоҳнинг каломи, махлуқ эмас» деб кўйгин, сени Ал-

⁵³ Миҳна – имтиҳон дегани.

Имом Бухорий аслида унга ҳеч бир ёмонлик қилмаган, хусумат қиличини кинидан чиқармаган, йўлидан кесиб ўтмаган. Бухорийнинг бирдан-бир айби, гуноҳи унинг илм оламида ниҳоятда машҳурлиги, дунё тан олган олимлиги эди. Ҳар бир гўшада унинг номи ҳурмат билан тилга олинса ҳам, Бухорийнинг давраларида, амир саройидаги машваратларда Абу Абдуллоҳнинг ноёб иқтидори, зарбулмасал бўлиб кетган зеҳни, одамлар тилида дostonга айланган фазилатлари ҳақида сўз очилиши билан қозикалоннинг шодон кайфияти бир зумда нафрат ва аламзадалик билан алмашади. Уни мақтов ва таҳсинга кўмишлари билан Мазҳариддиннинг ичидан нимадир узилиб кетганга ўхшайди. Ҳатто баъздан унинг номи тилга олиниси билан тишлари ўз-ўзидан ғижирлаб, лаблари аламдан қийшайиб кетади.

«Ан-насуъала дини мулукиҳим»⁵⁵ дейишади. Қозикалон ўзи ҳам сезмаган ҳолда ўша олис юртларда унга ҳеч бир зарари тегмай юрган Бухорийни ҳаддан ортиқ ёмон кўриб қолган эди. Унинг бу нафрати, хусумати ва кўролмаслиги остида деярли барча инсонларга хос бўлган, барча яхши амалларнинг кушандаси саналган ҳасад отлиқ бало ётарди. Мазҳариддиннинг Имом Бухорийга ҳасади ҳам ана шу инсоний ҳамоқатнинг ёвуз бир кўриниши эди.

Эй ҳасад, сен туфайли кибру ҳавоси ақлини ва шуурини кўр қилган, вужудини ёввойи ҳасад ва кинчирмаган кимсаларнинг озоридан бирорта ҳам машҳур олим ёки обид четда қолмаган. Эй ҳасад, сен қандайин ёвуз ва ифлос балосанки, қанча инсонларга

⁵⁵ «Одамлар ҳукмдорларининг маслагиде бўлишади».

тузалмас зарар етказасан, ором-лаззатлардан маҳрум қиласан. Ҳаётларини издан чиқариб, гурбат ва шақоватга айлантирасан. Қанчалаб бандаларни ҳақ йўлдан адаштирасан, дин ва эътиқодларини бузасан, икки дунё саодатидан маҳрум қиласан. Сен туфайли ер юзиде улкан жиноятлар, оғир зулмлар, ёмонлик ва гуноҳлар юзага келади. Лаънати шайтон Одамга бўлган ҳасади туфайли унга сажда қилишдан бош тортиб, Аллоҳнинг ғазабига учради ва қиёматгача лаънатлар ичра қолди. Одам алайҳиссаломнинг ўгли Қобил иниси Ҳобилга ҳасади туфайли уни ўлдириб, ер юзиде илк бор қон тўкилишига, биринчи қотилликка сабабчи бўлди. Аҳли китоблар охирзамон Пайғамбарига ҳасадлари туфайли у зот келтирган илоҳий таълимотни инкор қилишди ва икки дунё саодатини бой беришди. Сен келтирадиган кулфат ва зарарлар аслида булар билангина тугамайди.

Эй ҳасад, сен қанча қалбларни рашк ва кўролмаслик оловлари билан куйдирасан, қанча дилларга ўзгаларнинг фазилати, омади ва эришган ютуғидан эсанкираш туйғуларини соласан. Оқибатда қанча одамлар ҳасадгўйликдан азият чекади, иш манфаатларига тузалмас зарар етади, катта-катта режалар, кашфиёт-ихтиролар амалга ошмай қолади. Энг даҳшатлиси, ҳар қандай жамиятда ўзаро ишонч ва инсоф-адолатга раҳна етади. Озгина кўролмасликдан бошланган иғво-фасодлар қанча-қанча одамларнинг тинчини бузиб, катта-катта хайрли, эзгу ишларга тўғаноқ бўлиши ҳам сен туфайлидир.

Сен инсонга ўзгалар учун берилган диний ва дунёвий неъматга рашк билан қарашни, ўша неъматнинг эгасидан йўқ бўлишини ва ўзига етиб кели-

ни васвасани бошлади: «У ким бўлибди? Нарӣ борса, йиртиқ чопонини судраган, салласи чувалган бир ри, Тоҳирӣларнинг ишонган кишиси, халифанинг эътиборини қозонган аслзода амалдор бўлсанг!».

Унинг Бухоридан кўнгли қолганини сезган олимлар амирни яна гиж-гижлашга тушишди: «Сиздай улуг ҳукмдорнинг сўзини икки қиладиган ўша Бухорӣ деганлари ким бўлибди? У сизга дарс беришдан бош тортибдими, энди уни янада қийнаб, фарзандларингизга дарс беришини талаб қилинаб,

Амир яна чопарини жўнатиб, «Бухорӣ бир халқа мажлиси ташкил қилсин, унда фақат менинг фарзандларим дарс олсин, бошқа киши бўлмасин!» деб тайинлаб юборди. Имом Бухорӣ бунга ҳам рад жалобмайман!» деди. Бу воқеадан кейин амир ва олим муносабатлари тамоман издан чиқди.

Иззат-нафси койиган, ғазаб туфайли ҳақ йўлидан тойилган амир нима қилиб бўлса ҳам Бухорӣнинг танобини тортиб қўйишга азму қарор қилди. Холиднинг ўзи Имом Бухорӣга қарши боришга боғинолмай, ўша пайтдаги Бухоронинг номдор олимларидан, аҳли рай фақиҳларининг каттаси Ҳурайс ибн Абул Варқо бошлиқ уламоларни гиж-гижлади. У бошлиқ олимлар амирнинг иғвосига алданиб, Бухорӣнинг зиддига каттагина фитна бошлашди.

Аламзадалиқ ва ҳасад муштарини зўр, кўзларини кўр қилган олимлар Имом Бухорӣ ҳақларида куракда турмайдиган бўҳтон ва тухматларни тарқата бошлашди: «Бу кимса одамлар орасига фитна солувчи шахс бўлиб, шаҳар аҳолисининг эътиқоди-

ни бузишни ният қилиб келган. Муҳаммад ибн Яҳё Зухлий уни Найсобурдан бекорга қувиб чиқарган эмас, ҳолбуки у ҳадис аҳлининг имомидир. Бухорӣ намознинг айрим руқнларини бошқалардан фарқли бажаради, бундан бошқа фитна чиқарувчи зарарли қилмишлари ҳам етарли».

Бухорода у кишининг тариқати, яъни тутган йўли ҳақида ҳар хил бири биридан сассиқ гаплар кенг ёйила бошлади. Амир Холид эса адашган бу каззобларнинг бўҳтонидан нафсининг тантанаси йўлида усталик билан фойдаланиб, «Бундайларга чора кўриш керак» деб чиранди. Имом Бухорӣни шаҳардан бадарға қилиш ва туғилган ватанидан воз кечтириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Бу фармон кексайган чоғида руҳий хотиржамлик ва она юрт дийдорига муштоқ кўнгили яралади, уни фароғатидан маҳрум этди. Шусиз ҳам оромсиз ва нотинч кечаётган ҳаётини остин-устин қилиб юборди. «У ўша тухматчи олимларга нима ёмонлик қилдики, уни ўз шаҳридан қувишса, Аллоҳга етишмоққа озгина қолганида уни сарсону саргардон қишу қадар тубанлашувга олиб келдимиз?! Наҳот иззати койиган султонга ёқиш учун олимлар шу қадар тухмат-бўҳтонлар тўқишга қодир бўлишса?! Майли, ҳукмдорлар илм ўрганишсин, мен бунга асло қарши эмасман. Илм ҳокимларнинг ҳимоячисидир. Чунки илм уларни зулмдан тўсиб, ҳилмга йўллайди ва одамларга озор етказишдан сақлаб, раъиятга меҳрибон қилиб қўяди».

Инсон учун нафс балосидан ҳам оғир мусибат бўлмас экан. Яхшиямки, уни даф этишда Аллоҳ тао-

лонинг амр-фармонлари, Пайғамбар алайҳиссаломнинг кўрсатмалари бор. Қолаверса, инсонлар ахлоқ-одоб талабларига бўйсунушга мажбурлар. Яна урф-одатлардан, одамлар маломатидан, ўзлари тузиб Акс ҳолда, инсон ўз нафсининг сўзига кириб туришади. Ўт кўйган, атрофидаги одамларнию жамики жонзотни кириб ташлаган, ер юзини фасодга тўлдириб ташлаган бўлур эди. Буни Бухорийга қарши улкан мужодалага отланган айрим ноинсоф илм аҳллари нинг нафслари жумбушга келиб, эгаларини тамошман нўхталаб олгани яққол исботлаб қўйди. Ҳамишулуғ саҳоба Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг ушбу сўзлари ялт этиб Бухорийнинг хотирига келди: «Бу умматга уч нарсдан зарарлироқ нарса йўқдир: пул-эшигига қатнаш. Батаҳқиқ, Аллоҳ таоло улардан чиқиш йўлини ҳам кўрсатиб қўйган». Яна бир машхур саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анхунинг шундай гаплари ҳам бор эди: «Ким золимнинг зулмига ёрдам берса ёки бирон мусулмон кишининг ҳаққини поймол қиладиган ҳужжатни унга ўргатиб қўйса, Аллоҳнинг ғазабига йўлиқади ва бу ишнинг гуноҳи унинг устидадир».

Имом Бухорий ватандошларининг уни муболаға билан кутиб олганларини эслаб, миясида ёпирилиб келаётган шубҳа-гумонлар пўртанасини ҳайдашга уринди. Улар ҳақида яхши гумонга боради. Ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилди, юртдошларига инсоф, яхшилик тилади. Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг Тоифга борганларини, одамларга эзгу ниятлар

билан динни тушунтирмоқчи бўлганларида улар у зотни калтаклагани, ортларидан тош отиб қувишганини эслади. Ўшанда Фаҳри коинот тоифликларни дуоибад қилиш ўрнига Аллоҳдан уларга инсоф ва ҳидоят сўраб, дуо қилганлари ёдига келди.

Имом Бухорийнинг нақадар улуғлиги, қалби дарё мушфиқлиги, кечиримли зот экани шундан аён бўладики, Муҳаммад ибн Яҳё Зухлийнинг Имом Бухорийга нисбатан Найсобурда ва у ердан чиқиб кетганидан кейин ҳам қилган хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларига қарамай Имом Бухорий унинг номи ва ривоятларини «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» – «Саҳиҳи Бухорий» асарига киритган ва ҳатто ўттиз тўрт ривоятни у орқали олганини қайд қилган. Мазкур саҳиҳ ҳадислар тўпламида Муҳаммад ибн Яҳё Зухлий номи турли кўринишда келади.

Шу ўринда бир савол туғилади: наҳотки, бир сохта масала сабабли бировни айблаб, уни ҳатто кофир санаш, айниқса дунё тан олган имомни ёмонотликқа чиқариш мумкин бўлса! Ҳа, фитна бўлганидан кейин унга аралашиб қолмасликнинг иложи бўлмай қоларкан. Буни билган ғанимлар шундай ҳолатлардан сурбетлик билан фойдаланиб қолишаркан. Уламолар Бухорий каби бидъат ва «такфир»⁶⁰ билан маломат қилинган, шу билан бирга саҳиҳ ҳадислар тўпламларига ривоятлари киритилган ўнлаб улуғ зотларнинг исмларини санаб ўтишган.

Имом Бухорий ўзи мужтаҳид ва аҳли ҳадис бўлгани боис ўз ижтиҳодига кўра фатво берарди. Табиийки, ҳанафийликка асосланган Бухоро аҳли ва уламолари амалиётига унинг фикрлари тўғри келмай

⁶⁰ Кофирга чиқариш.

са билан қаноатланишган, фақирона ҳаёт кечиришган. Бутун ҳаракатлари, изланишлари, интилишлари одамлар орасида илоҳий маърифатни ёйиш, уларни Аллоҳнинг ҳақ динидан хабардор қилиш ва шу йўл билан Парвардигорлари розилигини топиш бўлган. Шунинг учун уларнинг дуоси ижобат эди: олимлар, жазоларини тезда олишган. Улуғ уламолар Аллоҳдан соҳибларининг ҳаётларидан озгина хабардор бўлган одамга бу нарса мавҳум ё яширин эмас.

Масалан, Бухорий яхши эслайдик, Куфа ҳукмдори Язид ибн Умар ибн Хубайра Абу Ҳанифани Куфа қозилигига қўймоқчи бўлганида у киши бундан бош тортди. Таклифига кўндиролмаган амир Абу Ҳанифада улуғ олимни қамаб қўйиб, ҳар куни ўн даррадан уришга буюрди. У шунда ҳам фикридан қайтмади, амирнинг қилмишларини хас-пўшлаш учун фатво топиб беришдан тутқунликни афзал билди. Охири амир улуғ имомга таслим бўлишдан бошқа чора топа олмади.

Шу воқеа ҳам эсидаки, Имом Моликнинг бошларига ҳам шундай мусибат тушган: ҳасад ва кўролмасликдан одамлар у кишига нисбатан фитна ва иғво уюштиришган. Ўша пайтдаги халифа Мансурнинг амакиси Жаъфар ибн Сулаймон иғвога учиб, имом Моликни жазолашга фармон беради. У киши яланғочлаб, қамчилашга тушишади. Қўлларидан қаттиқ тортиб, куракларини ҳам чиқариб юборишади. Бу воқеа Ислом оламида қаттиқ норозиликка сабаб бўлади ва буни яхши англаган халифа Мансур ўз волийи ва қариндоши Жаъфарни ишдан бўшатиб, пойтахтга олдириб келиб жазолайди.

Имом Шофеъий эса Нажрондаликларида иғвогарлар фитнаси туфайли давлатга қарши чиқишда айбланади, тўққизта алавий билан бирга ушланиб, пойтахт Бағдодга юборилади. Ўша пайтда Ҳорун ар-Рашид халифа эди. Ушланганларнинг бари сўроқ қилиниб, боши танасидан жудо қилинади. Аллоҳ таолонинг лутфу инояти билан Шофеъийнинг ўткир заковати ва хушёрлиги сабабли қил устида турган ҳаёти омон қолади. Халифа унинг ҳақ гапларидан қаноат ҳосил қилиб, ўзига насиҳат қилишни сўрайди. Ваъзни эшитиб йиғлайди ва Имомга эллик минг динор бериб, от миндиради.

Қаъбул Аҳбор айтган: «Охирзамонда шундай олимлар бўладик, улар одамларга дунёни тарк қилдирадлар, лекин ўзлари тарк қилмайдилар. Одамларни кўрқитадилар, лекин ўзлари кўрқмайдилар. Амирлар атрофида бўлишдан қайтарадилар, бироқ ўзлари бораверадилар. Дунёни охиратдан устун қўядилар ва тиллари орқали ризқ топиб ейдилар. Фақирларни қўйиб, бойларга яқин бўладилар. Хотинлар эркакларни рашк қилгани каби улар ҳам илмларини қизғанадилар. Ўша олимлардан бири мухлисларидан бирортасининг бошқаси билан ҳамсухбат бўлганини билса, унга ғазабланади. Ана шулар Раҳмоннинг душмани бўлган золим кишилардир».

Бухорийга устозлари шундай таълим беришган: «Дунё ширин ва тотли, унинг жилови эса ҳукмдорларнинг қўлидадир. Улар золимликларини хас-пўшлаш, розиликларига мушарраф этиш ва қалбларни ўзларига мойил қилиш учун олимларга такаллуфдан холи бўлишмайди. Ваҳоланки, уларни инкор этиш, зулмларини ўзларига билдириш ва феълла-

шнини орзу қилдирасан, унинг қалбида шундай расво истакларни уйғотасан. Шунинг учун Аллоҳ таоло ва Унинг Пайғамбари сени ҳаром деб эълои қилган. Парвардигор бандаларига ҳасаднинг ёмонлигидан ёмонлигидан паноҳ сўрайман, деб айт!»⁵⁶ Инсоннинг ютуғини кўролмаслик ётади. Ҳеч қачон ўзга олимга, зироатчи тижоратчига, бой камбағалга ҳасад қилмайди. Аксинча, олим – олимга, тижоратчи – тижоратчига, бой – бойга ҳасад қилади. Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом Охирзамон «Қалбларингизга сизлардан олдинги умматларнинг дарди бўлган ҳасад ва ёмон кўриш умматларнинг аста кириб боради» деб бежиз огоҳлантирмаганлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна шунларидан бир-бирини ёмон кўриш ва ҳасад юқди. Булар қирувчидир, сочни эмас, динни қирувчидир. Бу ёки ўт-хашакларни еганидек, ҳасад ҳам яхшиликлардан ҳасад жам бўлмайди»; «Ҳасад эгаси мендан эмас» деган ҳадислари ҳам бор.

Ҳакимларнинг шундай гаплари бор: «Икки нарса ҳеч учрашмайди: қаноат ва ҳасад. Икки нарса ҳеч ажрашмайди: ҳирс ва ҳасад». «Ким Аллоҳ таолонинг тақдирига рози бўлса, ҳеч ким уни норози қила олмайди, Унинг берганига қаноат қилган одамнинг қалбига йўл топа олмайди»; «Ҳар бир неъматнинг ўз ҳасадчи-

⁵⁶ Ан-Нас сураси, 5-оят.

си бор»; «Ҳасадчи каби мазлумга ўхшаш золимни кўрмадим: доимий армон, аримас гам, саросимали қалб». Бир аъробийдан узоқ умр кўришининг сабабини сўрашганда «ҳеч кимга ҳасад қилмадим, шунинг учун шунча яшадим», деб жавоб берган экан.

Неъмат ва фазилатлар Аллоҳ таолонинг атоси, тухфаси, буларни Ўзи хоҳлаган бандасига беради. Бир кишига берилган неъмат ёки фазлга ҳасад қилиш Аллоҳнинг тақдиридан норози бўлишдир. Ҳасадчида ҳаловат ҳам, қаноат ҳам бўлмайди. Бордию у ёмонликка қодир бўлсаю бунга ҳасадни ҳам арадаштиради, бу чексиз ҳалокат ва интиқомга айланади. Фазилати кўп инсоннинг ҳасадчиси кўп бўлади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг: «Ҳар бир неъматга ҳасад қилинади» деган ҳадислари бор. Умар ибннинг неъматини берилган бўлса, унга бир ҳасад қилувчи топилади. Агар ўша одам камон ўқидан ҳам тўғри бўлганида ҳам барибир унга ҳасадчи бор».

Аммо баъзилар ўйлаганидай, рақобат ҳасад эмас, рақобатлашиш – фазилат эгаларига зарар етказмай, уларга ўхшашга интилишдир. Шунинг учун рақобат иллат эмас, фазилат саналади. Пайғамбар алайҳиссалом: «Мўмин ҳавас қилади, мунофиқ ҳасад қилади», деганлар.

Ҳасадгўйга бепарво бўлиш арслонга яқинлашишдан ҳам хавфлироқдир. Набий алайҳиссалом шундай деганлар: «Уч нарса – шумланиш, бадгумонлик ва ҳасаддан ҳеч ким омонда бўла олмайди». Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтирган эдик. У зот: «Ҳозир ҳузурингизга аҳли жаннатдан бир

лар тарқатиб, элу юртнинг кўзига хунук кўрсатиш, номи ва шуҳратига қора чаплаш лозим. Яхшиси, бугун Бухоро амири Холид ибн Аҳмад хузурида бўладиган машваратда «Бухорий халқни ўзига оғдириб олди, тезроқ бирор чора кўрмасангиз, халқ сиздан гумон уруғларини сепиш керак. Душманингга хизмат қилишнинг учун сотқин бўлишнинг шарт эмас, ах-моқ бўлишнинг ўзи кифоя.

Қозикалон бу ҳақда муфтий ҳазратлари билан бир келишиб олиш мақсадида ўрнидан турди. Таҳоратини янгилаб, зарбоф тўнини кийди, Таҳсиласини ўради. Кейин хотинининг «Кечга қандай таом ҳозирлаб кўяй?» деган саволини ҳам жавобсиз қолдириб, муфтийникига тезлаб жўнади.

Мазҳариддин Бани Саъд дарвозасидан ўтгач, маҳалласига кириб борди. Муфтий Абдулазиз ибн Жаъфар шаҳарнинг амирзодалари, ашроф ва аслзодалари истиқомат тутган шу маҳаллада турарди.

Муфтий қозикалонни мавқеъига муносиб равишда иззат-икром билан кутиб олди, олдига дастурхон ёзди, ундаги моҳазарга қайта-қайта таклиф қилиб, ажиб илтифот кўрсатди. Такаллуф сўзлари битгач, мақсадга кўчишди. Биринчи бўлиб қозикалон қошларини кера-кера сўз инжуларини тера кетди:

– Жаноби муҳтарамнинг эътиборларидан пинҳон қолмағайким, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий деган бир нокас Найсобурда қувғинга учраб, бугун-эрта шаҳримизга келаётган эрмиш. У Қуръонни махлуқ атаган ниҳоятда бузуқ эътиқодли, на катгани хурмат қиладиган, на кичикка иззат кўрсатадурғон бад-

феъл ва расво бир кимсаким, олимлигини пеша қилиб, ҳаддидан ошгани-ошган. Анинг Найсобурда не қилғилиқлар қилиб, одамлар орасига фитнаю фасод солиб, юртни алғов-далғов қилиб ташлаганидан ҳам жаноби зоти олийлари воқиф бўлсалар керак?

– Рост сўзлайдурлар! Бу Бухорий деганлари ҳали шаҳримизга етиб келмай туриб, ғавғо-машмашаси ўзидан олдин кириб келадур. Кеча Найсобурнинг уламои киромлари номидан устоз Муҳаммад ибн Яхё Зухлий ҳазратлари амиримиз олампадох Холид ибн Аҳмад жанобларига бир хабарчи юборғон эканлар. У амир ҳазратларига Бухорий ҳақида кўп хавотирли гарларни сўйлабди. Амир жаноблари буни эшитиб, мутаассир бўлдилар, бизларнинг дилларимиз ҳам ранжу аламларга тўлди. Устоз Зухлий «Бу кимса суннатга хилоф сўзларни айтиб юрибди, бу муаммо наздимда жаҳмийликдан⁵⁷ ҳам баттардур» деган гапларни етказибдилар.

– Темирни қизиғида босиб, отни қамчилаб қолмасак, эртага у нобакор Бухоро аҳлини ҳам йўлдан адаштириб, шаҳарни фитнага тўлдириб ташлайдур.

– Бунда нима маслаҳатлари бор, қозикалон жаноблари?

– Амир ҳазратларига унинг кимлигини баён қилайлик, тушунтирайлик. Токи ҳазрат ҳам анинг бузуқ эътиқодига бефарқлик кўрсатиб, ифлос таъсирига тушиб қолмасунлар. Бўлган гапларни Бухоро халқига эшиттирайликки, омма унинг асл башарасини билиб олсун.

– Бу жуда маҳол иш, – тайсалланди муфтий. – Сабаби, амир ҳазратларининг ҳадис илмида даража-

⁵⁷ Адашган фирқалардан бирининг номи.

одам чиқади», дедилар. Соқолидан таҳорат суви оқиб турган, чап қўлида кавуш тутган бир ансорий чиқиб келди. Эртасига Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам айни гапни айтган вақтларида яна ўша одам келди ҳолида чиқиб келди. Учинчи куни ҳам худди шу ҳолат такрорлангач, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам ўринларидан туриб, мажлисдагилар тарқалганида Абдуллох ибн Амр ҳалиги одамга эргашиб борди-да: «Отам билан орамиздан гап ўтиб қолиб, уч кунгача унинг олдига кирмасликка қасам ичгани эдим. Агар маъқул топсангиз, менга шу муддат ўтгунча уйингиздан жой бериб туринг», деди. У одам «Хўп» деб жавоб берди. Анас ривоят давомида шундай дейди: «Абдуллох ўша уч кеча у билан бирга тунаганини, у одамнинг кечалари ҳеч бедор бўлмаганини гапириб юрар эди. Агар у одам безовта бўлса, ўрнида ағдарилиб ётар ва бомдодгача Аллохни зикр қилиб, такбир айтиб чиқар экан». Абдуллох яна шуларни айтган: «Аммо ундан фақат яхши гапларни эшитдим. Уч кеча ўтгандан сўнг унинг амали ҳеч нарса эмас экан, деган фикрга келай дедим. Ундан: «Эй Аллохнинг бандаси! Отам билан орамизда ҳеч гап ўтмагани. Мен Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан уч марта: «Ҳозир ҳузурингизга аҳли жаннатлардан бир киши келади», деган гапни эшитдим. Уч марта ҳам сен чиқиб келдинг. Ҳузурингдан жой олиб, қиладиган амалларингга назар солиб, сенга эргашиш орзусида эдим. Аммо каттароқ бир иш қилганингни кўрмадим. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам айтган гапларга сени нима эриштирган?» деб сўрадим. У эса: «Ўзинг кўрган нарсадан бошқа ҳеч нарса йўқ», деди. Қайтиб кетаётганимда у мени ёнига чақириб: «Ўзинг кўрган

нарсалардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Фақат мен қалбимда мусулмонлардан бирор кишига гина-кудурат сақламайман. Ҳеч кимга нисбатан унга Аллохдан етган хешиликка ҳасад қилмайман», деди. «Сени ўша макомга етиштирган шу хислатинг экан. Ана шунга биз тоқат қила олмаймиз», дебди Абдуллох ибн Амр». Шу куни Мазҳариддин ўзи орзуманда бўлган қайлуласини қила олмади. Уринда тўлғана-тўлғана Имом Бухорий билан ғойибона олишиб чиқди. Ҳам хордиқ чиқариб ором ололмагани, ҳам ғанимининг Бухорога келиши сабабли қалбини эгаллаган нохуш кайфиятдан қутулмаганидан ранж ва аламлар ишканжасида қолди. Қалбидан Имом Бухорийга нисбатан ҳасади ва кўролмаслигини ҳайдаб чиқармоқчи бўлди. Аммо бунга кучи ва иродаси етмаслигини сезди. Чунки унга бас кела олишга кўзи етмайди, қаршисига отилиб чиқишга ботинмайди, унинг шуҳратига дахл қилолмайди.

Агар Имом Бухорий масжидда ҳадис айтиб, дарс берадиган бўлса, масжид тўлиб-тошади. Одамлар сони ўн минг, баъзан йигирма мингдан ошиб кетади. Унинг ҳузурини илм муҳиблари ададининг тинмай ортиб бориши илм ҳалқалари хувиллаб бораётган ўзи каби ношуд ва иқтидорсиз олимларнинг уйқусини қочиради. Бухорои шарифнинг казо-казолари даврасида кўр тўкиб турган, аҳли давлатнинг зиёфатида бўкиб юрган ўзи сингари айрим ўртамиёна олимларга Имом Бухорийнинг маҳобати, шуҳрати, салобати сира тинчлик бермайди.

Энди бирдан-бир чора қолди: нима қилиб бўлса ҳам Имом Бухорийни амирга ёмонотлик қилиб кўрсатиш керак. Унинг ҳақида ваҳимали шов-шув-

рининг қабихлигини айтиш нафақат олимга, балки ҳар бир диндорга вожибдир. Султонлар ҳузурига кириб юривчи киши ё уларнинг чиройли ҳаётлари-га қараб ўзидаги Аллоҳнинг неъматини камситади. Ёки уларни инкор этишдан сукут сақлаб, уларга хушомад қилувчи бўлади. Ёхуд уларнинг розилигини шомад қилувчи бўлади. Ёхуд уларнинг розилигини хушомад қилувчи бўлади. Ёхуд уларнинг розилигини шомад қилувчи бўлади. Ёхуд уларнинг розилигини хушомад қилувчи бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Яқинда устингизга шундай амирлар келадик, уларнинг сизларга мақбул бўладиган ҳам, сиз рад этадиган амаллари ҳам бўлади. Ким уларни инкор қилса, гуноҳдан қутулади. Ким буни ёмон кўрса, саломат бўлади. Лекин ким шунга розилик намоён этса ва тобеъ бўлса, Аллоҳ таоло уни ўзидан узоқ қилади». Шунда саҳобалар: «Уларга қарши жанг қилайликми?» дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йўқ, мудом намозни қоим қилишар экан, урушманглар», дедилар. Ҳатто бир вақтлар Бухорийнинг устозларидан бири унга шундай насихат ҳам қилган эди: «Султонлар худди гуриллаб ёнаётган гулханга ўхшайди: яқинлашсанг, олови куйдиради, узоқлашиб кетсанг, тафтидан бебахра қоласан, шу боис улардан ўрта масофада туриб фойдалан!»

Бухорийнинг душманлари мана шу тариқада тарбия топган, шу ҳақиқатлар билан фикри шаклланган олимни маҳв этиш ва шармандасини чиқариш учун унинг ўзи жирканиб юрган усулдан фойдаланишга қарор қилишди. Уни амирга қайраш ва

унинг қўли билан Бухорийни она шахридан бадарга қилиш режасини тузишди. Бунда улар амир Холиднинг Бухорий билан юзага келган зиддиятидан усталик билан фойдаланиб қолишди.

Ҳижрий 205-259 йиллари сулоласи бутун Хуросонда ҳукм сурган Тоҳирийлар давлати томонидан Бухоро ноибни қилиб қўйилган Холид Зухлий бир куни Имом Бухорийга чопар жўнатиб, «Менга ўзининг «Жомеъ» ва «Тарих» китобларини келтириб, дарс ўтсин», деб тайинлади. Имом Бухорий унинг буйруғини рад этиб, «Ал-илму юъта вала яътий» деб жавоб қилди. Яъни, ҳар бир кишининг ўзи илмга келиши фарз, зеро, илм ҳеч кимнинг ҳузурига юриб бормайди. Бухорий чопар орқали яна ушбу сўзларни айттириб юборди: «Мен илмни одамларнинг эшигига олиб бормайман. Илм ўрганмоқчи бўлсангиз, уйимга ёки масжидга келинг. Агар сўзларим ёқмаса, сиз султонсиз, майли менинг дарс беришимни тақиқлаб қўйинг. Токи қиёматда илмни яширмаганим учун Аллоҳ таоло узримни қабул қилсин! Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ким илмдан сўралганда уни яширса, ўтдан бўлган юган билан юганланади», деганлар. Талабалар оммасига дарс айтмай, махсус кишиларга таълим беришнинг тоғдек гуноҳини елкамга ортмайман».

Бухорийнинг мазкур ҳақ сўзларидан кейин бошда Имомга илтифот ва эътибор қаратиб турган амир тўнини терс кийиб олди. Ҳукмдор ва олим ўртасига совуқлик тушди, хусумат жўшди. Олимнинг бу гапидан қаттиқ ғазабланган амирнинг қалбида Бухорийга нисабатан алам кучайди, у ўзини камситилган ҳис қилди. Кўксига нафси, томирида шайто-

Боши тамоман қотган, қалбида фиғон илдиз отган Имом Бухорий ноилож Самарқандга қараб юрди. Сабаби, самарқандликлар Бухорийни ўз шаҳарларига тақлиф қилиб, бир мактуб ёзишган эди. Ҳеч бўлмаганда ушбу шаҳарда икки Зухлийнинг зулмидан олиб қолар, деган яхши гумонлар билан Самарқанд сари юрди. Аммо шаҳарга яқин қолганида унга бир нохуш хабар етиб келди: Имом Бухорий сабабли шаҳарликлар орасида ҳам фитна тарқалибди. Айримлар у кишининг шаҳарга келишини ёқласалар, бошқалар уни Самарқандга киритмаслик тарафдори эканлар.

Ҳайхот! Ҳайхот! Бу не кўргиликки, дунёнинг ном таратган олимлари Бухорийни «мусулмонлар имоми, тавҳид аҳлининг ўрнаги, мўминлар шайхи, Набийлар Саййиди ҳадисларининг суянчиғи, дин низоми муҳофазачиси ва «Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ»нинг соҳиби» деган мақтовларга кўмиб ташласаю она юртидаги бир гуруҳ гумроҳлар уни тухматлар билан бадном қилишса, қадрини ерга уриб, мартабасини бир пул қилишса?! Бу қандайин қабоҳатки, Муслим ибн Ҳажжождай улуғ олимлар «Эй устозларнинг устози, муҳаддисларнинг саййиди ва ҳадис иллатларининг табиби! Ижозат беринг, икки оёғингиздан ўпай!» деб талпиниб турсаю ўз шаҳридаги ғаламислар уни оёқлари остига олиб, тепкилаб хорлаш режасини тузсалар?! Бу қандайин разолатки, Имом Аҳмад ибн Ҳанбалдай улуғ олим, мазҳаб соҳиби: «Хурросон Муҳаммад ибн Исмоилга ўхшаш кишини асло етиштирмаган» деб алқасаю шаҳридаги аҳли илмининг ҳасадгўйлари уни ёмонотлик қилиш учун кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган фитна-найрангларни

уйлаб топишса?! Бу қандайин жаҳолатки, донғи кетган қанча-қанча олимлар Бухорийнинг кўксигаги бир тук бўлишни, китобини бир марта ўқиб чиқишни, унинг суҳбатида бир лаҳза қатнашишни орзу қилганча дунёдан ўтаётган бўлишсаю, илм ва олимни дунёнинг хою ҳавасларига, нафс ва шайтонининг шаҳватларига алмаштиришга тайёр турган палид кимсалар Бухорийга хужум ва хуружини кўпайтираверса?! Зулм ва разиллик шунчалар бўладими?!

Қариндошлар уйини мўлжалга олган Имом Бухорий Самарқанддан йигирма икки чақирим масофадаги Хартанг қишлоғига қараб йўлга чиқди. У ерда бир талай қариндошлар, Хартангийга ўхшаш содиқ шогирдлар ва кўплаб мухлислар кутиб олишди. Аммо узотга Хартангда узоқ яшаб қолиш насиб этмайди, шекилли. Найсобур ва Бухорода етказилган озорлар, тухмат ва фитналар Имом ҳазратларини тамоман холдан тойдирган, руҳларини қон қақшатиб бўлган эди.

Хартанг – турли оламшумул воқеалар, бесаранжом карвон йўллари ва оломон тўпланадиган катта издиҳомлардан хийла четдаги тинч ва осойишта, кўнгилларга таскин солувчи бир овлоқ гўша. Унинг тунлари айниқса гўзал ва осуда бўлади. Осмон тоқиға сочилган инжу юлдузлар бир-бирларига сирли кўз қисишади. Ҳавода бу ердаги қишлоқларга хос бўлган ялпиз, янги ўрилган беда ва бошқа ўтларнинг ҳиди анқийди. Кун бўйи қуёш қиздирган, одамлар уймалашган дала ва боғлар ҳам тун оромини истаб, сассиз ҳансирайди.

Одатдагидай сокин ва ғариб тун. Чирилдоқларнинг ҳар кунги қулоқни қоматга келтирувчи «висол куйлари» ҳам, сергак итларнинг ҳар шарпага во-

аллома эканини билатуриб ҳам у кишига таъқиб ва таъйиқ ўтказишга журъат қилди. Иккинчи ҳақиқат мумкин, аммо уни шарманда қилиб бўлмайди». Буни ҳам амир ўз тажрибасида кўрди.

Золим амир Холидга Хуросондаги Тоҳирийлар давлатининг буйруғи келиб, ўша буйруқда Холидни хору шарманда қилиш учун ургочи эшакка миндирилган ҳолда бутун шаҳарни айлантириб сазойи қилиш ва шундан сўнг хорлик ҳолида зиндонбанд қилиш ва тилган эди. Ҳукм ижро қилиниб, амир хор ва расво бўлди. Шу ишлардан кейин амир ҳажга бориш мақсадида йўлга чиққан эди, Бағдодга етганида халифа Муътамаднинг укаси Муваффақ ибн Мутаваккил уни тутиб қамади ва у қамоқдалигида вафот этди.

Фитначи олим Ҳурайс ибн Абул Варқо бутун оиласи билан шундай балога йўлиқдики, бунини таърифлашга тил ҳам бормайди. Бу кулфатларнинг ҳаммасига унинг ўзи тириклайин гувоҳ бўлиб турди. Бухорода ким тухматчиларга қўшилиб, Имом Бухорийга озор етказган бўлса, Аллоҳ уларнинг барини турли офат-балоларга йўлиқтириб қўйди.

ИРТИҲОЛ

Агар ўз умримни Имом Бухорийнинг умрларига қўшиб, у кишининг ҳаётларини зиёда қилишга қодир бўлсайдим, албатта шундай қилар эдим. Зеро, менинг ўлимим бир инсоннинг вафоти, холос. Аммо у зоти шарифнинг вафот этиши илмнинг кетиши ва оламнинг ўлишидир.
Яҳё ибн Жаъфар ибн Аъюн Бойкандий

Имом Бухорий ҳасрат ва аламларга ғарқ бўлган ҳолда она шаҳрини тарк этишга мажбур бўлди. Қай эшикка бош уришни билолмай, волидаи мухтарамасининг юрти Бойканд сари юрди. Уни шаҳар дарвозасигача кузатиб борган мухлиси Иброҳим ибн Маъқил Насафий ҳасрат-надомат ичра бошини ҳам қилганча кетаётган Имомга қандай тасалли беришни билолмай, «Эй Абу Абдуллоҳ, сиз янги келган кунингиздаги бошингиздан сочилган олтин-кумушлар билан бугунги маҳзун ҳолатингизни қандай тушуниш мумкин?» дея олди. Бунга жавобан Бухорий «Диним саломат бўлса, иймонимга футур етмаса, бошқа бирор нарсага парво қилмайман», деди ва Иброҳим билан хайрлашиб, Бойканд сари йўл олди.

Аммо у кишига Бойкандда ҳам туриш nasib қилмади. У ерда ҳам одамлар иккига бўлинган, бир тоифа забардаст олимга чин дилдан ачинса ва уни ёқласа, иккинчи томонда эътиқоди соф, диёнати мустаҳкам олимни танқид қилган, унга қилинган бўхтон ва тухматларга ишонганлар ҳам етарли эди. У ерда туриш ҳам кўнгилга сиғмади. Борганининг эртасигаёқ у Бойкандни дилда чўнг армонлар билан тарк этди.

пайтдаги Бухоро амири Холид ибн Аҳмад Зухлий билан Имом Бухорий ўрталарида қаттиқ зиддият вужудга келиб қолди. Бухорийнинг ўзи ҳам «Найсо-пажмурда танимни зиркиратган бўлса, Бухорода во-ди» деб шогирдларга зорланди. Бунга бир жиҳатдан Имом Бухорийнинг салоҳияти ва шуҳратини кўра олмаган олимларнинг фитналари бош сабаб бўлди. Имомнинг нозик кўнгли сезганмиди ё амирлар билан тил топишиб кетишидан умидини узганми-ди, ҳарқалай, Муҳаммад ибн Абу Ҳотимнинг «Му-қим яшаш учун муносиброқ бир ҳовли қидирайми ёки вақтинчалик ижарага хонами?» деган саволига «Кейингиси маъқулроқ» деб қўяқолган эди. Ҳозир олинган меҳмонхонасида ҳайрону лол ўтираркан, бошига кетма-кет ағдарилаётган синов ва мушқу-лотларнинг тагига ета олмай боши қотган: «Нега одамлар менга қарши бунчалик ёвузлик ва нафрат-тиғларини яланғочлашди? Мен уларга нима ёмон-лик қилдим. Бировга ҳасад қилмасам, шаънига ёмон-сўз айтмасам? Амирлар саройидан тамоман четлан-ган бўлсам?».

Бухоро амирининг унга қарши бошлаган фитна-си ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Имом уламо ва ума-ро ўртасидаги муносабат торларининг қилдай ин-гичкалигию, ўта нозиклигини яхши билгани учун саройдан ўзини ҳамиша тортган, бойлар ва мансаб-дорлар эшигига қатнашни ор-номус елкасига орт-ган эди. Болалигидан буён унинг мансабдорлар ва давлатмандлар билан иши йўқ. Устозлари шундай

бўлишган ва иқтидорли шогирдини ҳам шунга ўрга-тишган. Уларнинг таълим беришларича, олимлар пайғамбарларнинг меросхўрлари бўлишгани учун ҳам улар пайғамбарларнинг йўлини тутишади.

Умаро уламони ўзига яқинлаштиришдан, уларга хомийлик қилишдан ўзига бирор манфаат қидира-ди: ё қилмишларини кўрганда сукутни, мақсадига етиш ва обрўсини кўтаришда субутни, итоатни ку-тади. Уламони эса умаро даргоҳига нафс ва шайтон етаклаб боради. Олим ҳукмдордан ё тахт, ё бахт, ё давлат, ё шуҳрат тамаъ қилади. Ваҳоланки, дунё жазо ёки мукофот диёри эмас, балки синов ўлкаси-дир. Жазо ҳам, мукофот ҳам аслида охирадда, Ал-лоҳнинг хузурида бўлади. Бу ҳақиқатни жоҳил ан-ламаслиги мумкин, аммо буни олим писанд қилмас-лиги катта қабоҳат!

Яна раҳматли устозлари шуни кўп таъкид қи-лишганки, олимлар Аллоҳ суйган, Аллоҳдан энг кўрқувчи, Аллоҳга энг яқин бўлган саодатманд ин-сонлардир. Қуръони карим «Аллоҳдан бандалари орасидаги олимларигина кўрқурлар»⁵⁹ деб башорат берган. Бир ҳадисда шундай дейилган: «Олимнинг обидга нисбатан фазли, яъни ортиқлиги ойдин ке-чада ойнинг бошқа юлдузлардан порлоқ, ортиқли-гига ўхшайди».

Шунинг учун ҳақиқий олим шуҳрат, обрў ва ман-сабга учмаган. Мол-дунё ва бойлик кетидан қувмаган. Роҳат-фароғатини ўйлаб, умаро ва ҳокимлар эшигига чопмаган. Атрофидаги одамларга ёқишга уринмаган, уларнинг маломатидан кўрқмаган. Кўпларининг мол-дунё топишга имкониятлари бўлатуриб, жуда оз нар-

⁵⁹ Фотир сураси, 28-оят.

дарс олиш бахтидан мамнун эди. Кун сайин дарс иштирокчилари кўпайиб борар ва атроф жавониб-билан имом Бухорийнинг обрў-эътибори ҳам ортиб борарди. Миннатдор халқ ҳатто ўзига Муҳаммад рилганида ҳам Бухорийга садоқатидан воз кечмади, бўхтонларга ишонмади. «Бухорийни ҳеч кимга бемаймиз», деб қатъият кўрсатди.

Бухоро аҳли улуғ муҳаддисни у кишига муносиб равишда улкан эҳтиром ва зўр хурсандчилик билан кутиб олганига қарамай, бу ерда ҳам Имом Бухорийли бир синови кутиб турарди. Умр ниҳоясида барча улуғ инсонларда бўлгани каби у кишининг устида ҳам қора булутлар қуюқлашиб кетди. Илмдан бошқа нарсани ўйламайдиган аллома жоҳил ва ҳасадгўй кимсаларнинг шиддатли хуружига ва ҳужумига дуч келди. У кишининг қаҳри қаттиқ жоҳил оломонга қарши боришга, сохта ҳадислар ва тумтароқ саволлар билан қуролланиб олган аламзада олимчаларнинг зуғумини енгишга кучлари етмади. Бу нарсаярак-бағирларини яралаб, руҳий фароғатларини бузиб ташлади.

Энг қизиғи, Имомни ана шундай катта завқ-шавқ ва тантаналар билан кутиб олган бухороликлар орадан ҳеч қанча вақт ўтмай у кишига жабр-зулм кучайиб, адолат ва инсоф чорасизликдан инграб юборганида фақат томошабин бўлиб турдилар, холос. Устларига тухмат-бўхтон довули бостириб келганида у кишига ёрдам беришга ҳамшаҳарларидан ҳеч ким ошиқмади. Улуғ юртдошларини ҳасадгўй-

лар ва кўролмаслар фитнасидан қутқаришга салгина ҳаракат ҳам қилишмади.

Найсобурда Муҳаммад ибн Яҳё Зухлий Имомга душманлик қилиб, оромларини бузган, у зотга қарши бутун бир бошли хилофат ўрдуси тузган бўлса, Бухорода Аҳмад ибн Холид Зухлий уни дин ва мансаб либосига бурканиб олган қашқирлар олдиға хомталаш қилиб ташлаб берди. Уларнинг олдингиси олим эди, макр ишлатиш йўли билан у кишини хорлади. Иккинчиси эса ҳоким эди, султонликнинг куч-қудратини илм пешвосига қарши қўйди.

Аммо Имом Бухорий буларнинг барини Аллоҳнинг бир имтиҳони сифатида қабул қилди. Ҳасадгўй олимларнинг макр ва фитналарига Аллоҳнинг нурини, Ҳақнинг қувватини, илмнинг султонлигини қарши қўйиб, фақат буюк Роббининг мадади ва лутфу иноятига суянган эди. Имом она шаҳарда яшаш, юртдошлари суҳбатидан баҳраманд бўлиш учун барча машаққат ва озорларга чидашга, сабр қилишга рози эди. У киндик қони тўкилган шаҳрига келибоқ Қутайба ибн Муслим розияллоху анху қурдирган жомеъ масжидида талабаларга ҳадисдан дарс бера бошлади.

Бироқ юртдош олимларини зўр тантанаю асъаса билан кутиб олган бухороликлар кўрсатган эҳтиром ва муҳаббатдан илк бор дили яйраган, кўнгил куши сайраган Бухорийнинг она шаҳридаги хотиржам ҳаёти бардавом бўлмади. Нафси ва шайтонига қул бўлган, дили ҳасад ва кибрга тўлган Мазҳариддин каби «олимча»ларнинг тинимсиз елиб-югуришлари, амирга басма-басига тухмат-иғво гапларни ташишлари ўз «мева»сини бермай қолмади. Ўша

қолиши ҳам одатий бир ҳолат эди. Бунинг ортидан орада ҳар хил тушунмовчиликлар, турли ихтилофлар юз бергани ҳам табиий бир ҳол эди.

Нафслар қон қақшаган, дунё зулматга айланган кўнгилсиз лаҳзаларда Имом Бухорий тўсатдан улуг тобеъинлардан Омир ибн Абдуллоҳнинг қисмати-ни эслаб қолди. Унга нисбатан ҳам Басрада турли тухмат ва фитналар авжга минганида халифа турли ибн Аффон розияллоху анху Омирда шариат ва иттизомга зид ҳолатни ҳам, суннатга, жамоатга қарши чиқишни ҳам кўрмади. Бироқ Омир ҳақида турли гап-сўзлар тарқатиш ва уни ёмонлаш кучаяверди. Халифа Усмон розияллоху анху Омирга Шомга бориб, ўша ерда яшаб туришни буюрди. Шом волиийи Муовия ибн Абу Суфёнга Омирни яхши кутиб олиш ва иззат-эҳтиром кўрсатишни тайинлади.

Омир ибн Абдуллоҳ Басрадан чиқиб кетаётганида биродарлари, шогирдлари, таниш-билишлари ва бошқа кўплаб кишилар хайрлашиш учун унга эргашдилар. Шаҳар четидаги Мирбад маҳалласига ча кузатиб бордилар. Шу ерда Омир уларга: «Мен дуо қиламан, сизлар «омин» деб туринглар», деди. Одамлар тўхтади. Вужудлари қулоққа айланиб, ҳаммаси Омирга юзланди. Омир кўлларини кўтариб дуо қила бошлади: «Эй Аллоҳим, ким менга тухмат этиб, мени ёлғончига чиқарган бўлса, шаҳардан кетишимга ва дўстларимдан ажралишимга сабабчи бўлган бўлса, мен уларни кечирдим, Сен ҳам уларни мағфират қилгин. Дини ва дунёсига қувват бергин! Эй Аллоҳим, раҳмат ва ёрдамидан мени ҳам, бошқа мусулмонларни ҳам бенасиб этмагин, эй меҳрибон ва раҳмли Зот!»

Имом Бухорий ҳам Омирга ўхшаб дуо мустажоб – тўхтовсиз қабул бўладиган зотлардан эди. Аммо у киши суннатга амал қилиб, золимларни дуоибад қилишдан тийилиб турган эди. Аммо у зотга қаратилган зулм ҳеч бир ўлчовларга сизмай қолди, фароғатларидан айирди, кўзларини ёшлади. Охири важоҳати кўрқинчли бу жоҳил оломон қаршисида у зот таслим бўлдилар. Нафслари қон қақшади, руҳлари чинқирди, иззатлари поймол бўлди, илмлари хорланди, ўксик диллари ўртанди. Аллоҳга илтижо билан дуо қилиш учун кўллари беихтиёр бошларига кўтарилди. Зулмнинг шиддатидан Аллоҳга қилинган мақбул дуолар овоз чиқариб юборди: «Аллоҳим, золимларнинг зулмини фақат ўзинг даф қилишга қодирсан! Уларнинг жазосини бер, улар менга қасд қилган нарсаларни ўзларига ҳам, бола-чақаларига ҳам, аҳли аёлларига ҳам кўрсат!!»

«Заифлар замбараги бўлмиш дуоибаддан эҳтиёт бўлинг! Чунки ё ихлослининг, ё мазлумнинг дуоси албатта ижобат қилинади», деган экан аҳли донишдан бири. Аллоҳ суйган банданинг илтижолари Парвардигор хузурида ижобат бўлди: дуолари ўша хоинларнинг кўксига найзадек қадалди, уларга ҳалокат етказиб, белларини синдирди.

У зотга қарши зулм қиличини қайраган, зиддиларига тўтиқуш каби сайраган, олимни хорлаб ва хўрлаб яйраган амир икки ҳақиқатни инкор этгани учун ўзи ҳам тахтидан учди, шармандали оқибат топди, ажали тезлашди. Бу ҳақиқатнинг биринчиси: «Нуфузли зотларга қаҳр-ғазаб кўрсатилмаса, мамлакатни бошқариш осон кечади» деган ҳикмат эди. Амир Имом Бухорийнинг дунё тан олган улуг

мутлақо эътибор бермайди». Убода ибн Сомит розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: «Ким Аллоҳга йўлиқишни истаса, Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни истайди. Ким Аллоҳга йўлиқишни истамаса, Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни истамайди». Шунда Оиша розияллоху анҳо: «Ахир биз ўлимни ёқтирмаймиз-ку», деди. У зот шундай дедилар: «Бу эмас. Мўминга ўлим ҳозир бўлса, унга Аллоҳнинг розилиги ва икромидан башорат берилади. Шунда унинг учун келгусидагидан ёқимлироқ нарса бўлмай қолади. Натихада у Аллоҳга йўлиқишни истаб қолади ва Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни истайди. Кофир ўлим ҳолатига тушса, унга Аллоҳнинг азоби ва укубатидан башорат берилади. Шунда унинг учун келгусидагидан ёқимсизроқ нарса бўлмай қолади. У Аллоҳга йўлиқишни истамайди, Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни истамайди».

Имом бу осуда қишлоқни охириги марта кўраётгандай атрофига суқланиб тикилди. Ҳаво илиқ бўлишига қарамай, баданига майин титроқ кирди. Яктагининг очиқ кўксига кафтларини кўйиб, ўзини совуқдан ҳимоя қилиб-тўсмоқчи бўлди. Ортиқ бу ерда туришга мажоли етмай, девор ортида аста сўзлашиб турган Ғолибни чорлади. Ғолиб ва Абдулқуддус шошқинч чопиб келишди. Устозни оҳиста етаклаб уйга олиб киришди...

Эртасига Самарқанддан бир элчи келди. Илм аҳлларига ҳомийлиги ва саховати билан танилган Музаффар ибн Абдуррахмон Имом билан самимий кучоқлашиб кўришгач, асл мақсадига кўчди:

– Самарқанд уламолари машварат билан сизни шахримизга таклиф этиш учун мени вакил тайин-

лашди. Мавқеингизга муносиб бир маскан ҳам ҳозирланган. Илмингизга ташна муҳаддислар ҳам ташрифингизга интизордирлар. Эй Абу Абдуллоҳ, бўлиб ўтган нохуш ишлар ва гиналарни унутайлик. Мен билан юринг, қолган умрингизни ҳадис илми муҳибларига дарс айтиш билан ўтказинг.

– Мени маъзур тутасиз! Шу кунларда бу таклифингизни қабул эта олмайман. Руҳим қақшаган, холим кўп абгор, ҳасадгўйлар етказган дил яралари ҳали битганича йўқ. Мавриди билан Самарқандга ҳам бориш, иншааллоҳ, насиб этиб қолар!

– Йўқ, йўқ, бугун сизни бошлаб бормасам, муҳлисларингиз мени шаҳарга киритишмайди! – астойдил ялинишга тушди Музаффар ибн Абдуррахмон.

– Менга қаранг, энди сиздан яширишнинг ҳам ҳожати йўққа ўхшаяпти. Мен ҳозир дорул-бақога рихлат устида турганга ўхшайман. Ҳолатим шундан далолат бериб турибди.

Аммо самарқандликларнинг чопари ҳам бўш келадиганлар хилидан эмасди. У нима қилиб бўлса ҳам Имомни Самарқанд сафарига кўндириш учун бор иқтидор ва имкониятларини ишга солиш пайида эди.

– Мен-ку, раъйингизни қайтаришга журъат қила олмайман. Аммо у ёқда ҳадис ўрганиш учун йўлингизга интиқлик билан кўз тутиб турган илм толибларининг риоясини қилсангиз, яхши бўларди.

Бир умр ҳадис илми билан шуғулланган, бу ишга бор куч ва имконини бағишлаган, илм муҳлисларига ҳадис айтишни ҳамма нарсадан устун санаган Имом бу гаплар қаршисида тамоман таслим бўлиб, баҳоналар қиличини қинига солди. «Илмдан бўйин товлаш унга қилинган улкан хиёнат бўлади» дедию

лари бир қадар баландлигидан, ўзлари минглаб хадис ёд олганларидан хабарингиз бор, деб биламан. У киши кўп олимларни саройга чақириб, катта илтифотлар кўрсатиб турадилар, ҳадялар берадилар. Бундай ҳукмдорнинг шуҳрати оламни тугатган Бухорийга қарши бора олишига кўзим етмаяпти. Бунинг устига авомнинг Бухорийга бўлган муҳаббат ва эҳтиромини ҳам назардан қочирмаслик керак.

- Унда жаноблари қандай маслаҳат таклиф этадилар?

- Подадан олдин чанг чиқаришга шошмайлуқнинг хавосидан нафас олишга улгурсин. Ана ўшанда Парвардигор бирор тадбирни кўрсатар, иншааллоҳ? Қозикалон муфтий билан ҳуши ўзида йўқ, тушуниб бўлмас бир саросимада ва ноҳуш кайфиятда хайрлашиккиланиш уни хавотирга солиб кўйган эди. Ҳолбуки, муфтий Бухорий туфайли амирнинг назаридан қолиш эҳтимолидан кўпроқ ваҳимага тушаётган эди.

БУХОРО

«Абу Абдуллоҳ Бухорийнинг Бухорога келаётганини эшитиб, суюниб кетган ватандошлари шаҳардан ўн чақиримлар ташқарида қапа ва чодирлар тикиб, ҳаммалари у кишининг истиқболига чиқишди ва бошларидан олтин-кумуш сочиб кутиб олишди. Шаҳар ичкарасида деярли одам қолмаган эди».

Аҳмад ибн Мансур Шерозий

Бухороликлар бу зотнинг ташрифи куни жуда муболага қилиб, ўта иззат-икром ва эъзоз билан кутиб олишди. Шаҳар аҳли у зот келаётган йўлнинг бошига бориб, олимнинг истиқболига шодланиб ва хайратланиб чиқишди. Шаҳарга кираверишда қапа ва чодирлар тикилди, қозонлар осилди, карнай-сурнай садоси худди ийдгоҳни эслатиб юборди. Имом Бухорий аслида бундан ҳам каттароқ эҳтиромга ва эътиборга сазовор зот эди.

Имом Бухорий бутун Ислом оламига танилиб, шуҳрати етти иқлимни олганидан кейин она ватани Бухорода истиқомат қилишни, қарор топишни ихтиёр этди. Буюк Имом шаҳарга келган кунининг эртасигаёқ одатдагидек халққа дарс айтишни бошлади. Дарсларига сон-саноксиз одам ҳозир бўлди. Кучли ва ёқимли овоз соҳиби бўлган мубаллиғлар⁵⁸ имом Бухорийнинг ҳар бир гапини дарсда иштирок этаётган илм толибларига етказиб туришди. Бутун эл ғоятда масрур, Бухоро аҳли имом Бухорийдан

⁵⁸ Дарсни одамларга баланд овозда етказиб турувчилар.

йўл отланишга киришди. Маҳсисини кийиб, саллани ташқарига қараб юрди. Ғолиб у кишининг қўлтиғидан суяб борарди.

Имом Бухорий ташқарига чиқиб, йигирма одимча юрган ҳам эдики, бирдан ҳолсизланиб, қадам боса қолмади, мени ўз ҳолимга қўйинглар», дедию ерга ўтирмақчи бўлди. Атрофидагилар у кишини авай-лаб ерга ўтқазиб қўйишди. Юз-кўзларини авай-рид тер қоплаган, ҳаво етишмаётгандай ҳарсиллаб оғир-оғир нафас оларди. У киши сўз орасида каро-дафн қилинсам керак», деб қўйди.

Кейин бор кучини жамлаб, гавдасини тиклади-да, атрофида улкан оломон тургандай узоқларга қаттиқ тикилган кўйи хаста овозда шундай нидо қилишга тушди:

– Эй инсонлар, сизларга нима ёмонлик қилдимки, менга тинмай тухмат тошини отдинглар?! Бошингизга не кўргилик солиб қўйдимки, ҳар қадамда шаънимни булғадинглар, номимни ёмонотлиқ қилдинглар?! Айтинглар-чи, бирор марта сизларга тухмат-бўхтон қилганмидим? Ёки йўлингиздан тикка кесиб ўтганмидим? Ёдалангизни пайҳон қилиб юрганмидим? Балки совчи қўйган аёлингиз устига совчи қўйгандирман? Ёхуд ошингизга оғу қўшдимми ё бирор қўпол сўз билан дилингизни яра қилдимми? Ёки минг амаллаб эгаллаган мансабингиз, қўлга киритган обрў-мавқеингиз, эришган мартабангизни тортиб олмоқчи бўлдимми? Ахир, менга бу дунёингиздан ҳеч нарсангиз керак эмас! Бирор нарсага ҳожатим тушгудай

бўлса, Раззоққа ёлборгум! Бирор ишим битмай қолса, Мавлога илтижо қилгум! Бирор нарсадан гамга ботгудай бўлсам, Раҳмондан сабр сўрагум!

Хаяжон ва зўриқишнинг кучидан Имом Бухорийнинг овози бўғилиб, чикмай қолди. Шунда ҳам у бор кучини жамлаб, яна ўша «кўринмас оломон»га хитобини давом эттира олди:

– Эй инсонлар, дунёнинг бор шавкатини, бойлигу сарватини, орому лаззатини – барини сизларга бердим, менга мўминлик заҳматини, иймоним лаззатини қолдирсангиз, кифоя. Мансабларнинг энг зўрини, давраларнинг энг тўрини, яхши яшаш сурурини сизларга қўш қўллаб тутдим. Мендан дариг тугилмаса бас Аллоҳнинг розилиги! Мухташам қасрлар ҳам, ширин-шакар насллар ҳам, ажабтовур базмлар ҳам, майли сизга бўлақолсин, ўзим эса фақат Аллоҳнинг раҳмати ва мағфиратидан умидворман. Мен сизлардан дунёнинг ҳеч бир нарчасини, ҳатто бир чўпни ҳам талашиб ўтирмайман: ширин-шакар неъматлар ҳам, оромижон хилватлар ҳам, кўз ўйнатар хилъатлар ҳам бари сизларга бўлсин! Мен фақирга дунёю охиратда Аллоҳ розилигидан бошқа нарса керак эмас!

Сўнг қиблага юзланган ҳолда дуо қилди: «Валай юаххироллоху нафсан иза жаа ажалуха. Валлоху хо-бирум бима таъмалун»⁶¹.

Мавлога қовушиш дамлари тобора яқинлашарди. Иртиҳол⁶² арафасида турганини сезган Имом қариндоши Ғолибни ҳузурига чақириб, васиятини қилди:

⁶¹ «Аллоҳ ажали келган жонни асло орқага сурмас. Ва Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардордир». Мунофиқун сурасининг 11-ояти.

⁶² Охиратга кўчиш, вафот этиш.

– Ёнимда бир дирхам ҳам пулим йўқ, шунинг учун китобларимни сотиб, дафнимга харжлайсиз-ичида комис⁶³ ва амома⁶⁴ бўлмасин. Жанозамни шо-гирдим Иброҳим ибн Муҳаммад ўқисин. Аллоҳнинг ва раҳматидан умид қиламан. Мени таниган Парвардигоримнинг розилигидан умидворман.

Кейин Имом мадори қуриб, қуруқ бўйра устига ҳолсиз чўзилди. Бошидан, пешонасидан, бўйинларидан тинимсиз тер жаласи қуйилади. Голиб уларни артишга ҳам улгурмайди. Кейин қуруқшаб ёрилишга улгурган лаблари эшитилар-эшитилмас пичирлади:

– Аллоҳим, ҳузурингга тезроқ ол, гуноҳларим афву мағфират қилинган ҳолимда Ўзингга рўбарў қилгин! Аллоҳим, бандаларингни қайта тирилтирадиган кунингдаги азобингдан омонда сақлагин. Мени мусулмон ҳолимда вафот эттириб, мусулмон ҳолимда тирилтиргин, набийлар, сиддиқлар, ша-хидлар ва солиҳлар билан бирга қилгин! Дунёда-ги ғариблигимга Ўзинг гувоҳсан, бунинг эвазига вафотимда менга раҳм айла, қабр ёлғизлигида ўз ҳолимга ташлаб қўйма ва ҳузурингда турганимда итоб ва ғазабингга учратмагин! Сендан ўзга ҳеч бир илоҳ йўқ, фақат Ўзинг борсан! Муҳаммад соллалло-ҳу алайҳи васаллам Сенинг банданг ва танлаб олган охирги Пайғамбарингдир!

Имом Бухорий ушбу сўзларни тугатдию, чалқан-часига чўзилиб олди. У шу ҳолатида ярим тунгача ётди. Шом ва хуфтон намозларини ишора билан ўқиди, чунки бош кўтаришга ҳам ўзида қувват то-

⁶³ Кўйлак.

⁶⁴ Салла.

полмади. Сўнги нафасини олгач, ичидан ҳаво ўр-нига титроқли бир хўрсиниқ отилиб чиқди. Кўзла-рини юқорига қаратиб жилмайганича жон таслим қилди. Омонатни Эгасига топшириш чоғида ҳам ун-дан тинмай ғарра-ғарра тер чиқиб турди. Ҳаётида одамнинг бунчалик кўп терлашини кўрмаган Голиб ҳам, Абдулқуддус ҳам ҳайрат ичра лабларини ким-тиганча иложсиз туришарди.

Имом Бухорийнинг вафоти ҳижрий 256 йил⁶⁵, ра-мазон ҳайити кечаси, хуфтон намозидан кейин бўл-ди. Ҳисоблаб кўришса, у фано оламида ўн уч куни кам олтмиш икки йил умр кўрибди.

Муҳаддислар султонининг вафот этгани ҳақида-ги хабар эрта тонгдаёқ Бухорою Найсобур, Самар-қанду Бойканд, ҳатто ундан нариларга ҳам яшин-тезлигида тарқалиб кетди. Улуғ олимнинг жаноза-сини ўқиб, сўнги манзилига кузатиб қўйиш нияти-да оқиб келаётган одамларнинг ниҳояси кўринмай-ди. Хартангнинг ихчамгина жомеъ масжиди тари-хида бунча катта издиҳомни кўрмаган эди. Жаноза-Рамазон ҳайити куни пешинга белгиланди. Улуғ олимнинг жанозасида қатнашишга ошиққан одам-лар оқими тинай демасди. Жамоат аллақачон мўъ-жазгина хонақоҳ ва ҳовлидан ташқарига қайнаб-то-шиб чиқди. Ҳатто масжидга борувчи йўл ва кўчалар ҳам одамларга тўлиб кетди.

Шогирдлардан Иброҳим ибн Муҳаммад дафн иши-га бош бўлгани учун Имом Бухорийни Самарқандга олиб бориб дафн қилиш таклифини айтди. Аммо Аб-дулқуддус умрлари ниҳоясида шундоқ ҳам кўп азият

⁶⁵ Милодий 870 йилга тўғри келади.

чеккан устозни энди вафотидан кейин уринтирмаслик кераклигини айтди. Имомни ўзи васият қилганидай кафанлаб, жанозасини ўқишди. Қабрга тупроқ тортишган ҳам эдики, тупроқдан мушку тупроқиди чиқиб, чор атрофга таралиб кетди. Буни кўрган бир қанча одам қабр тупроғидан чангаллаб ола бошладди. Уларга бошқалар ҳам қўшилди.

Ҳолатнинг бундай тус олганини кўрган Ғолиб ва Абдулқуддус, дафнга бошчилик қилаётган садоқатли шогирд Иброҳим ибн Муҳаммад ва бошқалар ус-тозларининг қабри атрофини ўраб олиб, ёпирилиб келаётган жоҳил оломонни қайтаришга астойдил уринишди. Имом Бухорийнинг қабридан мушку анбар иси таралиши бир неча кунгача давом этди. Охири қабрнинг очилиб қолишидан хавотирга тушган шогирдлар унинг атрофини панжара билан ўрашга мажбур бўлишди.

Дафн бўлаётган пайтда одамлар Аллоҳ таолонинг яна бир мўъжизасига гувоҳ бўлишди. Имом Бухорийни қабрга қўйиб бўлишганидан кейин оппоқ нурли устунлар осмонга кўтарилганча бир муддат туриб қолди. Бу ҳолни кўрган бир неча одам барава-рига такбир айтиб юборди. Дафн чоғида содир бўлган бу ажабтовур воқеалар кейинчалик қатор тарих китобларида ҳам қайд қилинди.

Абдулвоҳид ибн Одам Таволисий мана бу воқеани ҳам тарих зарварақларига битиб қўйди: «Тушимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрибман. У зоти шариф ёнларида бир қанча саҳобалари билан бир жойда туришган экан. Мен дарҳол салом бердим, Расул алайҳиссалом алик олдилар. «Нега бу ерда туриб қолдингиз, эй Аллоҳнинг Расули?» деб

сўрадим. У зот: «Муҳаммад ибн Исмоилни кутиб турибман», дедилар. Бир неча кун ўтиб, менга Имом Бухорийнинг вафоти ҳақидаги хабар келди. Ҳисоблаб кўрсам, мен Расулуллоҳни тушда кўрган соатимда Имом Бухорий вафот этган эканлар».

Улуғ Бухорийнинг намозсиз азон ва азонсиз намоз орасидаги жўшқин ва мазмундор ҳаёти шу билан ниҳоясига етди. Аммо унинг Аллоҳ динига хизмат қилиш, Пайғамбар алайҳиссалом суннатларини ёйишда кўрсатган фидойилиги ва матонати қиёматгача миннатдор қалбларда яшаб қолажак! Мана шу нарса отаси Исмоил Бойкандга кетаётганида Аллоҳ унинг дилига солган қўшалок саодатнинг рўеби эмасмикин?

2007 - 2016 йиллар, Наманган - Тошкент.

ҳадислардан тузган «Ал-Жомеъус-саҳиҳ» («Саҳиҳи Бухорий») шох асарлари дунёда Қуръони каримдан кейинги иккинчи манба сифатида қабул қилинди. Кейинчалик биргина шу асарларига олимлар томонидан юздан ортиқ шарҳ ва ҳошиялар битилди.

Ушбу асарни ёзишга бундан анча олдинги бир воқеа туртки бўлган эди. 1992 йилнинг кеч кузида бир гуруҳ мусулмонлар умра қилиш мақсадида автомашиналарда Маккаи мукаррамага қараб йўлга тушдик. Режамизда Самарқанднинг Хартанг қишлоғига кириб, Имом Бухорий ҳазратларининг турбатларини зиёрат қилиш нияти ҳам бор эди. Қолбуки, кўпларимиз Имомнинг кимликлари ва нима ишлар қилганлари ҳақида етарли маълумотга эга ҳам эмас эдик. Сўраб-суриштириб, мақбараларини аранг топдик. Қуръон тиловати қилдик, савобини у зотга бағишладик. Дилимиз таскин топиб, йўлга тушдик.

Сафар давомида шу нарсага ишончимиз комил бўлдики, бизлар унутган бўлсак ҳам, дунёнинг ҳамма ерида Бухорийдек олимнинг номи ниҳоятда машҳур, асарлари тилларда дoston, довруғи ҳаммаёқни тутган экан. Эрон, Туркия, Сурия, Ўрдун (Иордания), Саудия Арабистонининг турли шаҳарларидаги одамлар қаердан келаётганимизни сўрашганида Тошкент, Наманган деган шаҳарлар номини айтсак, биринчи бор эшитаётгандай елка қисишди. Аммо Бухорий дейишимиз билан юзлари ёришиб, тилларининг қулфи ешилиб, ўзлари таъзимда эшилиб кетишди. Елкамизга қоқиб, «Ў, Бухорий буюк олим» деб унинг номини, асарларини фахр билан тилга олишди. Бухорийнинг хурматидан ҳамма ерда эшиклар ланг очилиб, одамларнинг ҳимматлари,

саховатлари сочилиб кетди, ҳал бўлмаётган ишлар дарров битди. Буларни кўриб, шундай таниқли ва ардоқли ватандошимиз борлигидан диллар фаҳрга тўлди, қалблар шод ва масрур бўлди. Ана шу сафардан қайтгач, у зот ҳақларида бир жиддий асар ёзиш истаги бутун фикри-зикримни эгаллаб олди.

Асарнинг қоғозга тушиши жуда узоқ, оғир ва машаққатли кечди. Бухорий ҳаётлари ҳақида она тилимизда нашр қилинган асарларнинг ўта камлиги, қолаверса, у кишининг улуглиги, ноёб шахсияти, қаршисида фикрларимиз ниҳоятда жўн, арзимас, қадрсиз туюлаверганидан бошлаб қўйилган ишни охирига етказиш анча вақтга чўзилиб кетди. Бундан беш йилча муқаддам «Олтин силсила» туркумининг биринчиси бўлмиш Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» асарларини ўзбек тилига ўгириш ва таҳрир қилиш ишларига ушбу сатрлар соҳибини ҳам тақлиф этишганидан сўнг, иш жараёнида у зотга боғлиқ жуда кўп маълумот-далиллар билан танишгандан кейин Имом Бухорий ҳақларида асар ёзиш ҳақидаги азму қароримиз хийла қатъийлашди.

Асарнинг «тарихий»ликка даъвогарлик қилиши ҳам уни ёзишда зиммага катта масъулият ва мажбурият юклади. Бадиий асарларда учрайдиган хаёлга эрк бериш, «қаҳрамоннинг образини очиш»да турли бадиий тўқималардан фойдаланиш, бош қаҳрамонга хос бўлмаган муболағали сифат ва фазилатларни васф этиш каби усуллар ушбу асарнинг қадрини бир қадар пастлатган бўлар эди. Шунинг назарда тутиб, унда бадиий тўқималар, ўйлаб топилган «образ»лар, хаёлий воқеалар имкон қадар ишлатилмади. Бухорийдек олимнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик учун у

Фойдаланилган манбалар

1. Қуръони карим.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Ҳадис ва Ҳаёт», 1-жуз, Муқаддима, Тошкент, «Шарқ» НМАК, 2004.
3. Шайх Абдуссалом Муборакфурий. «Сийратул Имом ал-Бухорий», Деҳли нашри.
4. Аҳмад ибн Муҳаммад Хатиб Қасталоний. «Иршодис-сорий ли шарҳи Саҳиҳил-Бухорий», Лоҳур, ҳижрий 1287.
5. Абул Саъид Абдулкарим Самъоний. «Ансоб», Ҳайдаробод, ҳижрий 1401.
6. Шоҳ Абдулазиз Деҳлавий. «Бўстонул-муҳаддисийн», Деҳли, 1898.
7. Абу Бакр Аҳмад ибн Алий Хатиб Бағдодий. «Тарихи Бағдод», Байрут нашри.
8. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. «Ат-Тарихул кабир», Ҳиндистон, ҳижрий 1360.
9. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. «Ал-Жомеъус-саҳиҳ», саккиз жилдли, Тошкент, «HILOL-NASHR», 2013, 1-жуз.
10. Муслим ибн Ҳажжож Қушайрий. «Ал-Муснадус-саҳиҳ», 1-жуз, Муқаддима, Қоҳиранинг «Ихёул кутубил арабия», Қоҳира, ҳижрий 1374 й., Муҳаммад Фуод Абдулбоқий таҳқиқи остида.
11. Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. «Тазкиратул-хуффоз», Макка, ҳижрий 1473.
12. Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. «Сияру аъламин-нубало», Байрут, ҳижрий 1422.
13. Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий. «Ҳужжатулоҳил-болиға», Қоҳира нашри.
14. Тожуддин Субкий. «Табақотул-шофиъиятил-кубро», Қоҳира, ҳижрий 1383.

15. Ҳофиз Аҳмад ибн Ҳажар Аскалоний. «Фатҳул бо-рий ли шарҳи «Саҳиҳил Бухорий», Риёз, ҳижрий 1379.
16. Бадруддин Айний. «Умдатул-қорий фи шарҳи «Саҳиҳил-Бухорий», Қоҳира, ҳижрий 1308.
17. «Имом Бухорий таърифи» (таржима ва изоҳлар муаллифи Саидазим Муҳаммад Али), Тошкент, «Чўлпон», 1996.
18. Ибн Касир. «Ал-Бидоя ва-ниҳоя».

зот ҳақларида ёзилган фақат ишончли ва муътабар илмий манбаларга мурожаат қилинди. У киши билан муҳолифлари ўртасидаги сунъий зиддиятларни баён этишда ҳам ҳолис туришга ҳаракат қилинди. Ожиз банданинг ушбу шарафли вазифани қай даражада уддасидан чиққанига баҳо бериш, беихтиёр таъб ўқувчининг ҳукмига ҳавола!

Имом Бухорийнинг илмий жасоратлари ва шуҳратлари, у кишининг асарлари ва ҳадис илмига қўшган буюк ҳиссалари ҳақидаги гапларни бир-икки китобда айтиб тугатиш қийин. Йиллар кетидан асрлар ўтади, замонлар ўзгаради, шаҳарлар бунёд бўлади ва ҳалокатга юз тутаяди, одамлар туғилади ва вафот этади. Аммо Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларининг «табиби», улуғ муҳаддис, олимлар пешвоси Имом Бухорийнинг муборак номлари қиёматгача мусулмонларнинг қалби ва хотирасида боқий қолажак!

Халқимизда «Асл айнимас, олтин зангламас» деган ҳикматли сўз бор. Бу ҳикматни Имом Бухорий ҳазратларига бемалол, беиштибоҳ қиёсласа бўлади. У зотнинг муборак номлари, буюк илмий жасоратлари, қолдирган бой мерослари замонларнинг шиддатли пўртаналарига, ҳавои нафс ва ҳасадгўйлик иллатига қул бўлган айрим нобакор кимсаларнинг фитна-туҳматларига қарамай, яна бор бўйи билан авлодлар қаршисида намоён бўлди. Бир вақтлар қаровсизликдан унут бўлиб, харобага айланган мақбаралари бугун дунёдаги миллионлаб мусулмонларнинг зиёратгоҳига айланди. У зотнинг бой меросларини илмий жиҳатдан ўрганишга киришилди.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларида «Менинг сўзимни эшитиб, уни англаб, ёд олиб, сўнг уни бошқаларга ўзи эшитгандек етказган кишини Аллоҳ ярлақасин, юзини ёруғ қилсин», дейилган. Аллоҳ таоло мазкур ҳадиси шарифдаги ваъдаларга кўра, бу қутлуғ ишнинг бошида турган Имом Бухорий ҳазратларини, қолаверса, у зотнинг илмий меросларини халқимизга етказиш ишига бел боғлаган барча илм аҳлларини улкан ажр-савоблар билан сийлаб, икки дунё саодатига мушарраф айласин, омин!


Дуоларингизда камина ходимингизни ҳам хотирга олишингиздан умидворлик билан,

Аҳмад Муҳаммад,
1437 йил ражаб,
2016 йил апрель.

МУНДАРИЖА

Учрашув.....	3
Таваллуд.....	13
Болалик.....	23
Талабалик.....	28
Устозлар.....	41
Сафар.....	57
Макка.....	67
Фазилат.....	79
Зехният.....	88
Тақво.....	99
«Саҳих».....	112
Басра.....	130
Имтиҳон.....	142
Фақиҳ.....	151
Риҳлатлар.....	158
Найсобур.....	175
Муътазилия.....	197
Ҳасад.....	204
Бухоро.....	217
Иртиҳол.....	233
Сўнг сўз.....	246
Фойдаланилган манбалар.....	252

Аҳмад Муҳаммад Турсун



СОҲИЛСИЗ ДЕНГИЗ

Имом Бухорийнинг
ҳаёт саҳифалари

«HILOL-NASHR» нашриёти
Тошкент – 2020

Ношир: Исмоил Муҳаммад Содиқ

Мухаррир: Барно Саидрахмон
Бадий муҳаррир: Абдулбосит Қамбаров
Мукова дизайнери: Баҳриддин Бозоров
Саҳифаловчи: Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ

СЎНГ СЎЗ

*Сизга айтсам, Бухорий барчага устоз, имом,
Ҳам яна машҳур ҳофиз, дин элига муқтадо.
У Муҳаммад Жўъфийдир, қасри ҳадис ичра амир,
Ҳам гўзал хулқ денгизидан сипқориб, топмиш сафо.
Абу Ҳажжжозж Юсуф ибн Аҳмад*

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Инсониятга илк ваҳийсини «Ўқи!» амри билан юборган буюк Аллоҳга ҳисобсиз мақтов-санолар бўлсин! «Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир» деб таълим берган охирзамон Пайғамбари Муҳаммад мустафогга, у зотнинг аҳли байти ва карамли саҳобаларига салавот-саломлар бўлсин!

Азиз китобхон дўстим! Қўлингиздаги ушбу асар ҳозиргача сиз танишиб чиққан анъанавий роман-қиссалардан бирмунча фарқли, ўзгачадир. Бу китоб ўзидан олдинги ва кейинги барча инсофли олимлар, аҳли тамизлар, тафаккур соҳибларининг, борингки, бутун дунё халқларининг эҳтироми, муҳаббати ва ихлосини қозона олган буюк бир шахс ҳақидадир. Дунёда унинг номи ва асарлари кириб бормаган бирор мусулмон хонадонини топиш маҳол иш. Жаҳоннинг қаерига борманг, унинг исмини тилга олишингиз билан одамларнинг чехраларида ҳайрат, мамнуният ва ҳаловат нурлари жилвалана бошлайди. Тилларидан унинг ҳақида мақтов, тасанно, салламно сўзлари учади. Чунки «Инда зикрис-солиҳина танзилур-роҳма» – Солиҳлар зикр қилинса, раҳмат ёғилади, дейилган.

Аслида улуғ шахслар ҳақида ёзишнинг, улар таърифига муносиб сўз топишнинг ўзи ўта қийин ва оғир вазифа саналади. Чунки буюкларнинг Аллоҳ белгиланган қисмати, бошқаларникига ўхшамайдиган долғали ҳаёт йўли уларнинг улуғлигига муносиб равишда ўта мураккаб, машаққатли кечади. Феъллари, фикрлари, қарашлари, фазилатлари биз билган қолипларга тушмайди, ўлчовларимизга сиймайди. Уларнинг салоҳияти, ақл-заковати ва иқтидорини васф этишга, башарий хислатларини очиб беришга қалам ожизлик, сўз танқислик, ақл ноқислик қилиб қолаверади.

Қолаверса, тилга олинаётган шахс бутун дунё танийдиган машҳур олим саналса, ўзи юксак фазилатли, хуш ахлоқли, поёнсиз денгиз янглиғ чексиз илм соҳиби бўлса, асарларини аҳли илм ҳам, оддий авом ҳам қўлдан қўймай ўқийдиган зот эса, унинг ҳаёт йўли ҳақида асар ёзиш ўта қийин ишга айланиб бораверади.

Китобимиз болаликларидаёқ Куръони каримни тўла ҳифз қилиб, сўнг Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларини ёдлашни бошлаган, бутун ҳаётларини ана шу ҳадисларни тўплаш, таҳқиқ ва тадқиқ қилиш, уларни кейинги авлодга етказишга бағишлаган Имом Бухорийнинг маноқиблари, ҳасби ҳоллари, илмий фаолиятлари ва илм йўлидаги буюк хизматлари ҳақида ҳикоя қилади. Бу зот Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларининг буюк билимдони, уларнинг табиби ва муҳофазачиси бўлиб тарихга кирдилар. Ҳаётлари давомида олти юз минг ҳадисни ёд олиб, улар ичидан икки юз минг саҳиҳини аниқлаб-ажратиб тасниф қилдилар. Ана шу

вуллаши ҳам, бойқушнинг юракни ларзага солувчи ёқимсиз қийқириғи ҳам бугун негадир эшитилмайди. Ҳаммаёқ жим-жит, сирли бир сукунат оғушида. Фақат қаердандир жилдираб оқаётган ариқчанинг шилдир-шилдири элас-элас қулоққа чалинади. Ҳавода жийда гулининг ҳидига ўхшаш майин бир ифорузиб юргандек туюлади.

Имом ифторни тугатганидан кейин танасида тушуниб бўлмас бир малоллик, ожизона ҳорғинлик сезди. Қолбуки, у одатига кўра кўп таом емади. У ҳар кун ифторликка бир чимдим майиз, бир бурда қотган нон ва бир коса сувдан бошқа нарса сўрамайди. Аллоҳга қовушиши яқин қолгандай у ҳаяжон ва тардуд ичра безовталанади. Ҳаво етишмаётгандай кўллари олдига чўзганча ниманидир тутмоқчи бўлади. Кейин қўли шалвираб ёнига тушади. Бир неча кундан буён Имомнинг ёнидан бир қадам ҳам жилмаган қариндоши Ғолиб ибн Жаброил ва кечагина устозининг хизматига етиб келган шогирди Абдулқуддус ибн Абдулжаббор икковлашиб навбати билан олимнинг атрофида парвона.

Имом «қўлтиғимга киринглар» ишорасини қилди. Икков у кишини даст кўтариб, тиклашди, кўлига асосини тутқазишди. Бухорий «ҳовлига олиб чиқинглар!» дегандай ташқарига имо қилди. Икки ёнга кириб, ташқарига етаклашди. Имом очик ҳавога чиқаркан, қаттиқ хўрсиниқ аралаш чуқур нафас олди. Дармонсизликдан икки бора мункиб кетай деди. Уни оҳиста етаклаб, ҳовли тўридаги пастак эшикчадан девор ортидаги сайҳонлик сари бошлашди. У ердан зулматли тун кўрпасига ўранган Хартанг кўриниб турибди.

Имом Бухорий эшитилар-эшитилмас хаста овозда «мени холи қолдиринглар!» деди. Икковлон ҳеч бир эътирозсиз ортга қайтишди. Имом ёлғиз қолди. Пастда умр ниҳоясида ўзи учун охирги маскан бўлган Хартанг ястаниб ётибди. «Инсон ҳаёти қизиқ нарса экан. Қачон ва қаерда туғилишини ҳам, қаерда вафот этишини ҳам билмайсан. Ўзимча омонатни Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак шаҳарларида Эгасига топширмоқни орзулаб юрадим. Ажал эса дунёнинг бир четидаги овлоқ кишлоқчада ёқамдан тутадиганга ўхшайди. Эй Роббим, ато қилган йилларини яшаб бўлганга ўхшайман. Дунё юзи қанчалик кенг бўлмасин, менга торлик қилиб қолди. Энди жонимни ўзингга олгин!».

Охирги илтижони айтаётганда негадир овози сал баландлагандай бўлди. Кейин бирдан сергак тортди. «Ахир Пайғамбаримиз ўзига ўлим тилашдан қайтарганлар-ку! Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинган ўша ҳадисни ўзим «Саҳиҳ»нинг «Беморлар» бобида келтирган эдим. Унда у зот шундай деганлар: «Бирортангиз узоқ хасталаниб ётиб қолсангиз, ўзингизга ўлим тиламанг! Башарти шундай қилиш зарур бўлиб қолса, «Эй Роббим, агар яшамоғимнинг менга нафи бўлса, мени тирик қолдиргин, мабодо ўлмоғим афзал бўлса, омонатингни олгин», деб айтинг!».

Имом ўзининг ушбу ночор ҳолатида ёрдамга келувчи бошқа ҳадисларни ҳам ўз китобига киритган. Масалан, Мирдос Асламий розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда шундай келган: «Набий солаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Солиҳлар бирин-кетин ўтиб кетишади, арпа ё хурмонинг пучагига ўхшаш пуч одамлар қолади. Аллоҳ уларга